

**ЭРКИН ХУДОЙБЕРДИЕВ**

# **АДАБИЁТШУНОСЛИИККА КИРИШ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари учун  
дарслик сифатида тавсия этган*

**Ташкент — 2003**

**Худойбердис Ә. Адабиётшуносликка кирни.**  
Т., «ЎАЖБНТ» Маркази, 2003, 361 б.

**Филология фанлари доктори  
Уммат Тўйчиев таҳрири остида**

Ушбу китоб “Адабиётшуносликка кириш” фани бўйича ўзбек тилида яратилган энг янги дарсликлардан биридир. Унда мазкур фанининг дастур бўйича имкон қадар барча масалаларин қамраб олинган. Баднийлик муаммоси янги киритилди. Шу билан бирга бу масалаларга муаллиф миллый истиқдол тояси ва мафкураси нуқтаи назаридан ёндашади, унда асосан ўзбек мұмтоз ва замоний адабиёти намояндайларининг ижоди, энг мухим асарлари мисолида фикр юритади.

Дарслик республикамиздаги университетлар, педагогика, маданият ва санъат институтлари, колледжлар, лицейлар талабалари, мактаб ўқувчилари ва ўқигувчилари учун мұлжалланған. Ундан адабиётшунослик масалалари билан қизиқувчи барча ижлюсмандлар фойдаланишилари мүмкін.

*Тақризчилар: Б. Тўхлиев, филология фанлари доктори, профессор, F. Жалолов, филология фанлари доктори, профессор*

## СҮЗ БОНИ

Сүнгти йилларда ҳәётимизда юз берган тарихий ўзгаришлар барча ижтимоий фанларниң мөхиятини, асосий қоидаларини мустақиллик мағкураси рухида қайта идрок этишини, янгича таұғыл ва талқын қилишини зарур қылиб қўйди. Деярли барча ижтимоий фанлар бўйича ҳозирги давр рухига, демократик ўзгариш ва ислоҳотларга мос келадиган дарслеклар, қўлланмалар ва дастурлар яратишга киришилди. Аслида адабиётшунослик соҳасида ҳам эскириб кеттан ва чиқариб ташланиши зарур бўлган ёки янгича талқинларни кутаётган қарашлар, қоидалар ҳамда муаммолар жуда кўп. Чунончи, аввалги “Адабиётшуносликка кириш” дарслекларида партиявийлик, синфийлик, социалистик реализм масалалари талқини ва шарҳига кўплаб саҳифалар ажратилган эди.

Эндиликда диний мазмундаги адабиётга ҳам муносабат кескин ўзгарди. Ҳозир “сарой адабиёти” ва диний адабиётни қоралаш йўлидан бориб бўлмайди.

Шу каби сон-саноқсиз даиллар ҳозирги давр рухига мос келадиган янги “Адабиётшуносликка кириш” дарслегини юзага келтириш заруратини туэлирди. Мазкур заруратдан келиб чиқиб, ушбу китобни ёзниша ва унда адабиётшуносликнинг ёнг сүнгти янгиллик тирини, ютуқларини ҳамда ўзгаришларини имкон борича қамраб олинига жазм этилди. Демак, мазкур китобни ёзнидан кўзланган асосий мақсад давримиз рухига, тарихий ўзарисларга мос келадиган “Адабиётшуносликка кириш” дарслегини юзага келтиришилди.

Дарслекла, эни аввали, ўзбек адабиётшунослагига кўлга киритилган тажрибалар ҳисобга олиниди. Унда ўрга мактаблар учун адабиёт илмидан дастлабки дарслеклар ёзган Аблураҳмон Саъдий, Абдурауф Фиграт ва Иzzат Султон сингари олимлариниң аттыгапалари и ядид боришига ҳаракат қилиниди. Шунингдек, олий ўқув юртлари утун “Адабиёт наazarияси” фанидан Иzzат Султон, “Адабиётшуносликка кириш” фанидан Н. Нукуров, Ш. Холматов, Ш. Хотамов, М. Маҳму-

дов, Т. Бобоевлар өзүн қылған құлланымалар ҳам мазкур иш учун замин бұлып хизмат қылды.

Албатта, ижтимоий-тарихий қодисалар күнчиллик фанлар қатори адабиётшунослик илмінде ҳам үз таъсирини үтказиппен шубхасыздыр. Шу билан бир қаторда, адабиётшуносликда құпладаб қоидалар борки, улар узоқ йиллар давомида деярлы үзгартмай келады. Мазкур қоидаға мағнитоларни ёритищда юқоридагы олимларнинг асарлари билан бир қаторда жақоң адабиётшунослиги соҳасидеги тажрибадарға ҳам мурожаат қылғанды. Чунончы, “Адабиёт назарияси” ва “Адабиётшуносликка кириш” фанлары бүйінчә дарсلىклар ёзған Мустақил Дағылтаптар Ҳамдүстлігі олимларнинг асарлари шулар жумласыға кирады. Айрим қоидалар, қарашалар вә талқынлар мазкур асарлардагы фикрларға яқын бўлгани ҳолда ушбу китобдаги мисолларнинг аксариятини имкон борича миллий адабиётдан олишга ҳаракат қылғанды.

Юқоридагилардан ташқари, адабиёттіннің айрим назарий масалаларини ёритищда Фитрат, Чұлпоп, Ойбек каби адебілар, А. Қаюров, Л. Қаюров, Ҳ. Ёқубов, М. Құшжонов, О. Шарағайлидинов, Б. Назаров, С. Мирвалiev, У. Норматов, Ҳ. Абдусаматов, А. Рустамов, Б. Саримсоқов, Н. Худойберганов, С. Содиқ, М. Султонова сингари олимларнинг мақола ҳамда китобларига ҳам таянилди.

Маълумки, ислом фундаментализми ва экстремизм ҳам террорчилик ўрта аср халифачилик тартибини тиклаш учун бош кўтарди, молиявий мақсадларда наркобизнесдан фойдаланди. Ваҳҳобийлик, ҳизб ут-тахрир каби диний гуруҳлар иш бошилади. Афғонистондаги талибонар бошлиқ террорчилар Афғонистон, Эрон, Покистон Ўрта Осиёдаги мустақил давлатлар ишгирикоидаги ислом давлатлари федералиясинни тузиш тўғрисида хаёл сургандар.<sup>1</sup> Аммо улар бунёдкорлик ва тинчлик ғоясига вайронлагарчилик ва қирғин ғоясими қарши қўйғанликлари учун ҳам хароб ва тор-мор бўлдилар. Лекин ҳаётда инсон ва шайтон кураши тугамайди. Шу боисдан ҳар бир одамда мағкуравий иммунитетни ҳосил қилиш муҳим масала қилиб қўйилмоқда.

Мағкуравий иммунитет объектив бўлшини керак, умуминсоний бўлсени, у ҳалқ манфаати билан йўғрилсин, муайян сиёсий-иқтисолий тизимга асосланади.<sup>2</sup> Мағкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ва амалга оширишида адабиёт муҳим ўрин эгаллагайди.

Баркамоллик жиҳомоний ва маънавийга бўлинади, жиҳомоний баркамоллик инсоннинг ташқи жиҳатдан гўзал бўлишини, маънавий баркамоллик руҳий, кўнгил ва ақл жиҳатдан баркамол бўлишини назарда тутади. Фарб тафаккурида христиан дини, реалистик қаращ; ўзбек мусулмон Шарқ тафаккурида ислом дини, романтик тушунчалар етакчилик қиласи. Ҳозир Фарбда «шарқлашув», Шарқда «فارглашув» тамойили иш кўрмокда. Дунё эса ягона қиёфага кириб бораётир. Шарқда одоб, назокат, кексаларга ҳурмат, апъаналарни иззатлаш; Фарбда қатъият, гайрат, шижаот, интеллектуал томон устувор ривожланмоқда. Бу икки қутб бирбиридан ибрат олмоқда. Ҳозирги комил инсон ана шу икки хоссадан юзага келади. Баркамол жамиятга сиёсий маданиятнинг чўққиси бўлган демократияни эгаллаган баркамол инсон орқали эришилади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ҳотамов F. Афғонистон. Ҳалокатлар. Йўқотишлар. Тақдирлар. Учинчи мақола. «Ҳалқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 5 январь.

<sup>2</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

<sup>3</sup> Қаюмов Л., Расулов X. Баркамол инсондан—баркамол жамиятта. «Ҳалқ сўзи» газетаси, 2001 йил, 29 декабрь.

Шу жараёнга мос ҳолда адабиёт ҳам, унинг қаҳрамони ҳам, адабиёт илми ҳам ўзгариб бормоқла.

Бадиий адабиёт кишиларга кучли таъсир кўрсата оладиган санъат турларидан бири. У инсон ҳис-туйғуларини ва онгини тарбиялашда улкан роль ўйнайди. Китобхон бадиий асарларининг муаллифлари билан биргаликда ҳаётининг турли томонлари, характерлар ва ҳодисалар мөҳиятига кириб боради ҳамда ўзида уларга бўлган фаол муносабатни шакллантиради.

Бадиий адабиётининг ажойиб намуналарини тўғри ҳамда чуқур тушунимоқ ва баҳоламоқ учун адабиёт ҳақидаги фан ҳамда бу соҳаларни асосий назарий тушунчалар билан таниш бўймоқ зарур.

### **Адабиётшунослик ва унинг бўйимлари**

Адабиёт ҳақидаги фан адабиётшунослик деб аталади. Адабиётшунослик адабиётининг аҳамияти ва мөҳиятини, адабиёт жараён ҳам адабий алоқалар ва ёзувчиларниң адабиётга доир фикрларини ўрганади. У адабиётни ўрганувчи жуда кўп қисм ва соҳаларни ўз ичига олади ва ҳозирги даврда адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабиёт тақиди, адабиётшунослик методологияси каби ва бошқа асосий, мустақил қисмларга бўлинади.

**Адабиёт назарияси** бадиий адабиётининг ижтимоий мөҳиятини, ўзига хослигини, тузилишини, ривожланиши қонуниятларини ўрганали ҳамда адабий материални кўриб чиқкини ва баҳолани қонла (иришни) зарини белгилайди.

**Адабиёт тарихи** esa бирмунча хусусий, адабий-тарихий, лекин мухим ижодий ҳодисаларни текениради. У адабий жараёнларни тадқиқ қиласди ҳамда турли адабий воқеалариниң, ёзувчилар фаолиятининг шу даврдаги аҳамиятини белгилайди. Адабиёт тарихчисининг лиққат марказида аниқ бадиий асарлар, айрим ёзувчилар ижоди, уларниң миёллий адабиёт тарихида туттган ўрни, ижодий метод ва услублар, жаир ва адабий турларининг шаклларини, хусусиятлари ҳамда тақдирли сингари масалалар туради.

Адабиёт тарихчиси тарихийлик қондайларига асосланади, яни ўргаништаётган ҳар бир адабий ҳодисага муайян ижти-

## КИРИШ

### Адабиёт ҳақидаги фан. «Адабиётшуносликка кириши» курсийнинг вазифалари

«Адабиётшуносликка кириши» курси ҳам ҳаёт билан бөлгөнгандир, чуники унинг обьекти бўлган адабиётнинг предмети ҳаётлар.

Халқ ҳаётида тутал, жиҳдий ўзгаришлар рўй берди. Мустамлакачиликка асослачиган мустабид тузум барҳам тоиди. Мустақиллик даври бошланди. Тобелик ва мутелик сиёсати ўтмишга айланди.

Ўзбек халқининг бош гояси — озод ва обод. Ватан ва фаровон ҳаёт барни этишидир. Ривожланган давлатлардаги дик кафолатланган турмуш даражасига эринишнипир. Кучли давлатдан — кучли жамият сари боришидир. Бу иш миллий истиқдол мағкурасининг асосидир. Миллий истиқдол мағкурасининг бошқа гоялари ватан равнақи, юрт тинчлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатларро тутувлик, динлараро бағрикенилидан иборат.

Жамоа бўлиб яшаш, онлани муқаддас билин, маҳаллага ётибор, она тилини севиши, каттага ҳурмат, кичикка шафқат, аёлга ёхтиром, сабрлилик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат каби миллий хусусиятларимизни янада бойитин лозим. Қонун устуворлиги, ҳурфиксклилик, миллатларро ҳамжиҳатлик, дунёвий билимлар ва маърифатга интилиш, хорижий тажриба ва маданиятни ўрганиши каби умумбашарий хусусиятларни ётироф этиши ва улардан озиқланиши даркор. Хуласе, «Ўзбекистон жамиятиниң миллий истиқдол мағкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизниң асосий мақсад-мууддатларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагани бир-бири билан бойлайдиган, аерий орзуистакларини амалга оширишига хизмат қиласдиган гоялар тизимишидир».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Миллий истиқдол гояси: асосий тупцугча ва тамоминистар. Т.: «Ўзбекистон», 2001. 36-37. 43,49-61-б

Мафкурада учта илдизлар мажмуи бор:

1. Фалсафий илдизлар. Улар барча илмлар боши ҳисобланған фалсафа фаны хуласаларидир.

2. Дунёвий илдизлар. Улар маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмудан иборатдир. Асрлар мобайнида инсоният босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб кедди. Умум эътироф этган та-мойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамияттнинг асосини ташкил этади. Инсоннинг ҳақ - ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждан эркинлігі ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Бундай жамият мафкураси «Дунёвийлик—дахрийлик эмас» деган тушиунча асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор этмайди.

3. Диний илдизлар. Улар диний таълимотларга таянади ва эзгутир. «Дунёвий ва диний гоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади».

Миллий истиқбол мафкураси ва унинг гоялари қабул қилинган ўзбек модели орқали амалга ошиди. У иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги, қонуннинг устуворлиги, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолла, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш каби қоидаларни ўз ичига олади.

Миллий истиқбол мафкураси якка ҳукмрон бўлган, халқ ва партия ягона дейишини ниқоб қилиб олган гайриинсоний ва гайримиллий коммунистик мафкурага зид ҳолда иш кўради.

Миллий истиқбол мафкураси ва унинг гоялари ҳозирги адабиёт ва «Адабиётшуносликка кирини» фанни учун дастакдир.

Ҳаётни билим, ақд, ҳунар, руҳият ва гайрат олдинга силжигиди. Шунинг учун республикамизда «Кўнглир тайёрлаш Миллий дастури» ва «Гъалим тўғрисида» ти қонун қабул этилган. Мақсадимиз ривожланётган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, гоявий бўшлик бўлишига йўл қўймаслик, қонун устувор бўлган фуқаролар жамиятига утиш, келажаги буюк Ўзбекистонни яратиницир.

мөнй-иқтисодий шароит, тарихий вазият нүктаи назаридан ёндасылади.

**Адабий танқид** асосан замонавий адабиётни ҳар томонлама таҳлил қылади ва унинг ғояйиі- бадий жиҳатдан ўз даври учун бұлған ахамиятини очиб беради. Адабиёт тарихига ҳам жорий адабиёт нүктаи назаридан қарайди. Адабий-танқиддің ишларда айрим бадий асарлар, мұайян ёзувчилининг ёки танқидчининг бутун ижоди ҳамда турлы ёзувчиларнинг бир қанча асари ёки бутун миелдій адабиёт таҳлил қылышы мумкин. Адабий танқид олдида иккى хил мақсад туради. Биригінан, танқидчи бадий асарни тарбиәтке қылади, уннан китобхон томоннан тұғыры тушунилишига, фазилатлары ва нұқсанлары ҳаққоний бағыланишига ёрдамлашади. Иккіншінан, танқидчи адебларнинг ижодий камолотта етишишига күмакшашади. Танқидчи бадий асарлардаги ижобий ва салбий томонларни күрсатып бериш билан ёзувчининг ижодидеги мұхым томонларни ривожлантириш ва нұқсанларни бартараф қылиш имконини тұгдрады.

Танқид адабиёттегі йўналиши беради. Адабий танқид тарихининг матбуотнинг келиб чиқиши ва тарихи билан бөлек қоңдалары — одиллик, қаққонийлик, ҳозиржавоблик ва самимийліктерді.

Адабий танқид — кундалик матбуот орқали китобхонларни эстетик жиҳатдан тарбиялайты, адабий асар таҳлилида бу асарни айрим яңғы дағыллар билан тұлдиради.

Адабиёттегі ривожи адабий танқиддинг равнақыга олиб келиши мумкин.

Адабий танқид эстетика, психология, педагогика, этнография ва иқтисод билан алоқадор ҳолда ўсади.

Адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқид ва адабиётшүнослик методологияси ўзаро бөлелиқ бұлып, улар бир-бирига ва адабиёттегі таъсир үтказып туради.

Адабий танқид адабий жараённі бағлашда адабиёт назарияси иншаб чиққан қоңдаларға ва адабий матнини ёритиши адабий танқид патижаларига сүяниади.

Адабий танқид адабиёт назариясининг ҳодисаларидан көлиб чиққан ҳолда адабий, тарихий мағлұмотларни ҳам, бутун инсоният тафаккури өрнішган ютуқларни ҳам ҳисобға олади ва улар ёрдамида таҳлил қылышастанған асар миелдій адабиёттегі қандай яңғыллар олиб кирганилыгини анықлайды.

Адабий танқид шу тарзда адабиёт тарихини янги топылмалар билан бойитади, адабий тараққиёт тамойилларини ва истиқболини күрсатыб беради.

Адабиётни ўрганиш қоидалари ва усууларини текширип адабиётшунослик методологиясыга юқлатылған.

«Адабиёт тарихи», «Адабий танқид», «Адабиётшунослик методологиясы» хуосалары «Адабиёт назариясы» ни ҳосил қылади.

Адабиётшунос адабиётта тұғри баҳо берса, бу объектив баҳо беришдір. Агар адабиётта ё шоир ва бирон адабий асарға фактат ўз мақсадидан келиб чиқып потұғри баҳо берса, бу субъектив баҳо беришдір.<sup>1</sup>

Адабиётшунослик санаб ўтилғац асосий қисмлардан ташқары бошқа фанларға, ёрдамчы соқаларға ҳам бўлинади. Улар қаторига **историография**, **матишунослик** ва **библиография** киради.

**Адабиётшунослик историографиясы** адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқид ва адабиётшунослик методологияси тараққиети билан таништырувчи материалларни тұплайды, мазкур фанларнинг тараққиёт йўлини ва ютуқларини ёритиши билан муваффақиятты равишта талқиқот ишларини олиб боришига имконият туедиради.

**Матишунослик** (текстология) зарур пайтда муаллифи номаълум бўлган бадий асарларнинг ёки илмий тадқиқотларнинг яратувчисини аниқлаши, асар нусхаларинин турли таҳрирлари қағчалик мукаммал бўлангышини белгилани, асл матинни ҳисобга олиши, тұғри ўқии йўлларини кўрсатиш билан шуғулланади.

**Библиография** — илмий-амалий фаолия соҳаси бўлиб, сонесиноңиз бадий асарлар, илмий-назарий ва адабий-тарихий ишлар орасыдан зарурини топыб олиши имконини беради. У ёзувчи асарлари нацирини ва улар ҳақидаги маҳсус ишларни ҳисобга олади, рўйхатини тузади, баптида қисқача изохини беради. Бадий адабиёт библиографияси, адабий танқид библиографияси, адабиёт назарияси библиографияси, бирон ё лиувчи ё адабиётшунос биобиблиографияси бўлишини мумкин.

Библиография ўз нафбатида **библиографик тавсиф**, **китоб мазмунининг қисқача баёни (аннотация)** кабылардан иборат бўлади.

<sup>1</sup> Султон И. Адабиёт назариясы Т.: «Ўқитувчىл», 1986. 22-б.

**Библиографик тавсиф** — китоблар кўрсаткичи ҳисобланади. Унда китобнинг муаллифи, номи, босиб чиқарган нашриёти ва босилган йили аниқ, кўрсатилади.

**Китоб мазмунининг кисқача баёни (аннотация)**да китобга кисқача изоҳ берилади, қисмлари хақида баъзи маълумотлар келтирилади.

**Такриз** муайян ёзувчи ёки тақиҷчининг алоҳида бир асарига бағишланади. Унда асарга эстетик баҳо берилади, ижоний ва салбий томонлари асосли равишда кўрсатиб ўтилади. Такризининг ҳўжми матбуот турига қўра ҳар хил бўлади.

Манбаларни текширишла адабиётшунослик қатор фанларини ютуқтарига таянади. Бадиий ижод ва адабий тараққиёт тажрибасини таҳдид қилиш ва умумташкириш ижтимоий ҳаётининг бутун ривожини тўғри тушуниш билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки ўша ривожланиш жараёнида ижтимоий оғизининг турли шакллари вужудга келади ва такомилланиди. Адабиёт эса ижтимоий оғизнинг муҳим шаклларидан ҳисобланади. Шундай бўлгач, адабиётшуносликнинг адабиёт ҳақидаги илм билан узвий алоқадор бўлган фалсафа, тарих, санъатшунослик, тилшунослик сингари фанларга мурожаат қилишни табиинидир.

### **«Адабиётшуносликка кириш» курсининг мазмани ва тузилкини**

«Адабиётшуносликка кириш» фани I-курседа ўтилади. Бу фан талибани адабиёт назариясининг асосий тушунчалари билан таништиради ва унинг олий ўкув юртида адабиёт назарияси ҳамда тарихини ўрганиши учун замин ҳозирлайди. Бу фанда асосий эътибор бадиий адабиётининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари, адабий асарни таҳдид қилиш, адабий жараёнинг он мухим қонуниятларини ўрганишга қаратилган.

«Адабиёт назарияси» курси аввал олийдан назарий-адабий билимларни чуқурлаштиради ва кенгайтиради, балийи адабиёт намуналирини таҳдид қилиш мотакасини оширади. Олий ўкув юртини бингирувчиларга ўқитиладиган мазкур курсини дикқат марказига ижодий метод ва услуб, адабий турлар ва жиҳрлар, аниана ва янгилик, бадиийлик ва замонавийлик, адабиётшуносликнинг таҳдид қилиш қондайари ҳамда историография хусусиятлари сингари масалалар туради.

Бу ҳар иккала фан талаби шундай назарий билимлар олишга ёрдам берадики, уларсиз адабиётшунослик соҳасида на ўқитувчи ва на илмий ходим сифатида фаолият кўрсантиш мумкин бўлади.

«Адабиётшуносликка кириши» уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда бадиий адабиётнинг умумий хусусиятлари (хосияти, яъни спецификаси) ҳақида маълумот берилади. Иккинчи бўлим адабий асарларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, тузилиши ва уларни таҳдил қилиш масаласига бағишиланади. Учинчи бўлимда эса адабий жараён ва адабий тараққиёт қонуниятлари ўрганилади. Курснинг шу тахлитда курилиши анъанавий, ўкув-методик ва илмий-назарий талабларга жавоб беради.

Адабиётнинг умумий хусусиятлари билан танишиш бадиий асарларнинг шу белгилар намоён бўладиган ўзига хос томонларини идрок этишга йўл очади. Талаба томонидан адабиётнинг умумий хусусиятлари ва бадиий асарларнинг ўзига хос томонларини ўзлаштириши адабий тараққиёт қонуниятларини ўрганиши учун дастак бўлиб хизмат қиласди: бадиий адабиётнинг юксак даражада ривожланган айрим шаклларига хос хусусиятлар билиб олингандан сўнг бу шаклларнинг тарихий тараққиёт қонуниятларини тўғри тушунишни ва ўргатиш бирмунча осон бўлади.

Бадиий адабиётнинг умумий хусусиятларини ва адабий асарнинг ўзига хос томонларини тушунишга ёрдам берувчи маълумотлар қанчалик кўн ёки ўринли бўлмасин, фақат уларни ўрганишнинг ўзи чинакам бадиий ижод қонуниятларини тўғри англаш учун етарли эмас. Мазкур қонуниятларни тўғри тушунишни учун адабий манбани тарихийлик асосида текинириши лозим бўлади. Бундай текинириши адабий тараққиётда қандай қонуниятлар бўлганишгини, улар қай тартибда юзага келганишги ва шаклланганишгини, шу ривожланишнинг ўзи қандай йўналишдан боргалинггини аниқдашига имкон беради. Адабий тараққиётни тарихийлик негизида ўрганиши умумий хулюсалиарнинг ҳаққонийлигини тарихий тажриба орқали текинириши, уларни маъмунини чуқурлашибериши учун йўл очади.

Адабий ҳодисаларга тарихий ёндашими зарурати фақат адабиёт тарихини ўрганишлаганина эмас, балки адабиёт назариясини тадқиқ қиласида ҳам ҳадиий тараққиёт тақозоси

билин юзага чиқади. Чунки мазкур ривожлаништаги давомийлик, изчиллик ва алоқадорлик фан ва техника соҳасидагидан фарқ қиласди.

Санъатда эса бирмунча бошқача қонуниятлар мавжуд. Санъаткорлар ҳам ўз ўтмишцошлиарининг тажрибаларига суннадилар, лекин санъатнинг буюк ёдгорликлари кейинги наумналари ичига соғ холда кириб кетмайли. Аксинча, улар янги янги, ўлмас намуналари ҳолида яшайверади ва инсониятнинг янги-янги авлодларига эстетик завқ бағишлайверади. Маътумки, Алишер Навоий Лутфий ижодидан жуда кўп нарса ўрганган ва ундан кучли таъсиранган. У тўртта катта туркий, битта форсий лирик девон ижод қиласди. Лекин Навоий ғазаллари вужудга келиши билан Лутфий шеърлари эскириб қолгани йўқ. Ҳар икки буюк шоирнинг ажо-йиб шеърлари асрлар давомида ҳалқ томонидан севиб ўқилиб ва қуйланниб келинади. Шарқ адабиётида татаббу тарзида «Хамса» ёзини анъанаси мавжул бўлган (татаббу жаҳон адабиётининг ўзига хос жанри, адабий-ижодий мусобақадир), жумладан, Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар ўзларининг маҳкум «Хамса»ларини бунёд қўлганлар. Бунда Хисрав Деҳлавий Низомий асарларидан илхомланган бўлса, Алишер Навоий буларнинг ҳар иккаласи тажрибасидан ижодий фойдаланган. Шундай бўлса-да, бу шоирларнинг «Хамса»лари бир-биридан ўзига хос янгиликлар ва ҳаётлилги билан ажralиб туради. Жумладан, ўзига хос шеърий ифодаланган Алишер Навоий «Хамса» си мазмунининг ўзгача тералилги, кўп қирраллилги, шаклиниг турличалиги ва мукаммаллигидан ташқари туркий тиљда дастлаб ва пухта ёзилганини билан салафлариницидан фарқ қиласди. Кўриналики, юқорилаги уч шоирнинг «Хамса» си ўзаро таъсиранни ва илхомланни иштижаси бўлса-да, бир-биридан янги-янги томончилири билан ажralиб туради ҳамда бир-бирини инкор отмай, жаҳон адабиёти ҳазинисида лурдоналар бўлиб қолаверади. Чунки уларда ўз ҳалқи ҳаётни, миелий-тарихий ҳақиқатлар узига хос услугга эга бўлган иштебоддилар томонидан акс этирилган.

Яна ичуни ҳам унугмаслик керакки, адабий-назарий таърифлар мазмунан турлича ҳажмига эга бўлайди, баъзи таърифлар бутун адабиётга хос бўлган умумий хусусиятлар ва белгиларни қамраб олади. Масалан, образли тафаккур таъ-

рифи, тарихий ўзгаришлардан қатын назар, барча адабий асарларга хос бўлган белтиларни ўз ичига олади. Бонқа бир хил таърифларда муайян даврлардаги адабиётга хос белги ва хусусиятлар умумланғирилди (масалан, айрим бадний усуларга хос хусусият ва белтилар таърифи). Ниҳоят, учинчи хил таърифлар фақаттинг бир даврдаги адабий ҳодисаларга таалуқли бўлади (масалан, мумтоз өюнга «инсониятниң болалик» даврига хос бўлиб, таърифидан ҳам факат унинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олинади).

Бадний адабиёт тараққиётининг қонуниятларини тарихий орқали англиши «Адабиётчиносликка кириши» фанидан бошсанади. Кейинчалик тарихий-адабий курсларни ўрганини вақтида бундай биллиш яши - яши адабий манбалар орқали мустаҳкамлаб борилади.

### Адабий-назарий тафаккур тараққиётни

**Аристотель** (Арасту) (мисоддан аввалини 384-322 йиллар) «Поэтика» (Поэзия санъати түррисиди) асарини ёзди.<sup>1</sup> Бу жаҳонда адабиёт науариясига багишлаб ёзилган биринчи китобдэри эди. Аристотель ҳали адабиёт ёки бадний адабиёт атамаси келиб чиқмаган бир даврда, адабиётни «поэзия», деб атайди ва у ҳёлтниниң ўхшишини яратади, деб билган.

**Форобий** (873-950) ва **Абу Али ибн Сино** (980-1037) Аристотелининг «Поэтика» асарига шарҳ ёздишлар. (Үрга асрларда китобларга шарҳ ёзиши одат эди. Шарҳ ҳозирги тақризга бирмунича тўғри келади). Шарҳда уч нарсаниң эътибор қаратилиган, бири шуки, мазкур асар ўз соҳасида қашифёт, янгиллик бўла оладими? Иккеничиси шуки, бу асарининг югуқлари, яхни томонлари нималардан иборат? Учинчиси, унинг қандай камчиликлари бор?

Форобий «Поэтика» тўғрисидан иккита шарҳ ёзган, бири «Несъ санъати», деб аталади. Шарҳда Форобий айнишича, Аристотель поэзиясининг суз ва тимсол (бизнингча образ) орқали иш кўринини тўғри тунунгган. Чунки у қалимги (литтик) өюни адабиётининг Гомер, Эсхил, Софокл, Еврипил, Аристофаи кўбига йирик шоир ва драматурги асарларидан.

<sup>1</sup> Аристотель. Поэтика. Т.: Гафур Буломномидати Адабиёт ва санъат напириёт, 1980.

рига сүяпади. Ўхшашини яратиш тимесолини ҳосил этиш ва ташибек орқали амалга оширилади. Шеърдай вазни ва ритм бўлади, бу эса бўликларнинг бир-бирига тенг бўлишидан келиб чиқади. Аристотель бу билан шоирининг ҳаётга муносабатини кўрсатади.

Форобийнинг «Поэтика» га доир бўлган иккинчи шарҳи «Шоирларнинг шеър ёзини санъати қонуидари ҳақида», деб аталади. Улуг олим бунда шоирлар, шеърлар, жанрлар ва уларнинг турлари ҳақида сўзлайди. Шоирларнинг ҳақиқийси туғма бўлади, қобилиятли шоирлар ҳам бўлиб, улар меҳнат ва ҳаракат орқали кўн пирсаларга эришиади. Учинчى хил шоирлар эса тақдилчидир.

Шеърларни биринчисен ёмон инштардан сақдайди, ақдни тўлдиради. Шеърларнинг иккинчи хил руҳий сезниларни ўтиради, газабланипидан асрайди. Учинчى хил шеър кишини заифинидан сақдайди, нафсан ва ҳирсинг жиловлайди. Аристотель дифирамби, ёмби, эйний, диаграмма, риторика, акустика, трагедия, комедия, эпос, драма, малхия ва сатира каби «шеър навлари» ни изоҳлаган.<sup>1</sup>

Форобий шу муносабат билан малхия ва луғз (топинимоқ)ни эслаган, арузни тилга олган, сабаб, ватад жузвлариши таъкидлаб ўтган. У «Ҳикматлар маънолари» рисоласида «образ» атамасини ҳам келтирган.<sup>2</sup>

Иби Сино «Поэтика» га оид шарҳини «Шеър санъати» деб номлаган. Унингча, образни қилиб айтияган сўз кинни руҳини ўзига бўйсундирувчан бўлади. Иби Сино айтишича, инсонининг тарбияси иккى хил бўлади: бирси жисмоний, бирси руҳий. Жисмоний тарбия—жисмоний машқ, руҳий тарбия мусиқи орқали амалга оширилади. Образ мукаммал ва кам-кўстли бўлинин мумкин. Шеър киннига таъсир этади, одамларни тажжубга солини хусусиятига эга бўлади, бу ҳол шеър мусиқийини билди боелик. Иби Сино таъкидига кўра, «шеър ижимони бури» мақсадларини на ярда тутуб ёзилади. Шеър таъсир ҳизниинини сабаблари узта, улар образни сўз, танибекли ифоди ва гармония (ўйгуналлик). Иби Сино «мусиқийлик» итамасинини «маес», «бадийлик» итамасини ҳам ишлатган. Таҳсина ижодийлик ва бадийлик лойиқ лейди.

<sup>1</sup> Абб Наср Форобий, Фозил одамлар пахри. Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалик мөврости нацириёти. 1993.

<sup>2</sup> Форобий. Рисолалар. Т: «Файз», 1975. 431-6.

Ибн Сино асосан «Поэтика» ни шарҳласа ҳам, араб, форстожик ва туркй халқлар поэзияси масалаларига ҳам тегиб ўтади.

Ибн Сино «Поэтика» га кўра саҳна ва пжро тўғрисида ҳам тўхтайди. Трагедияда «ахлоқ эмас, балки характерларни ўз ичига қамраб олган ҳаракатлар ҳам ослатилган». Ибн Сино тингловчи —сомиъ, айни ҳолла театр томониабини тўғрисида ҳам гапирган, декорацияни эса манфаатли, дейди. У бадиий тўқима ҳақида «шеърда айттилганларининг ёлғондан иборатларни очиқ-оїдин сезилиб туради», деган. Ибн Сино таъкидича, «нарса ё ҳодиса айттилганига мувофиқ келгудай бўлса, уни рост, деб қабул қилинади».<sup>1</sup>

Форобий ва Ибн Сино шарҳларида «шеър» атамаси бор, «лирика» атамаси йўқ, аммо «Поэтика»да лирика ҳақида тушунча бор, бироқ «лирика» атамаси милодгача III - II асрларда юзага келган.

Назариётин олимлардан яна бирни Абу Абдуллоҳ **Хоразмий** эди (Х аср). У қомусий хусусияти «Мафотиҳ ул-улум» («Фангиарининг қалиллари») деган асар ёзган бўлиб, унда адабиёт илмига ҳам алоҳида ўрини ажратилган.<sup>2</sup> Бунда аруз, қофия илми, илми бадиъ (бадиий воситалар — шеър санъатлари) тўғрисида тўхтаб ўтган.<sup>3</sup> Асар араб тилида ёзилган.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий якка ва бирлашган зиҳофларни келтирган. Унингча, арузининг тавил, роҷаз, мутақориб баҳрлари араб арузида кўп кўлланилган. Унинг шоҳидлигига кўра араб баҳрлари (ўша давргача) вазн жиҳатидан яхин ривожланга олмаган. Бу жиҳатдан энг кўп ўсгани тўққиз вазнилдири.

Абу Абдуллоҳининг бу асари ўзбек қофияси турлари ва уларининг унсурлари ўтмишида бирничи марта кўрсатиб берилган ягона манбадир. Унда 44 та шеър санъатлари ҳам далилланган.

**Беруний** (975 - 1048) шундай дейли: «Маданий киннларининг таъби нозиклашгандари ва ҳатто нозикмаслари ҳам кўнгил очиш жойларига бориб, куй энтипишдан ўйларини

<sup>1</sup> Абу Али Ибн Сино. Саломон ва Ибсол . Т.: Faafur Fudom номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1980.

<sup>2</sup> «Мафотиҳ ул-улум». ЎзСЭ, 7-том. 1976, 57-бет.

<sup>3</sup> Зиявийдинова М. Поэтика «Мафотиҳ ул-улум» Абу Абдуллаҳа ал-Хоразмий. АКД. Т., 1990.

Уларнинг назарий асарлари бутун мусулмон Шарқидаги-на эмас, балки жаҳон адабиёти назарияси ривожида ҳам муносиб ўрин олди.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий Тарозийни уйғотди. **Тарозий** (XV аср) “Фунун үл-балога” (“Ипроили сўзлаш санъатлари”) асарини ёзди<sup>1</sup> (1436-1437). Филология фанлари доктори О.Умаров Америкадан бу асар фотонусхасини олиб келди.

XII асрда Рашидиддин Ватвот «Сеҳр боғлари шеър но-зикликлари ҳақида», Шамсиддин Муҳаммад Қайс Розий XII асрда «Ажам шеърияти ўлчовлари луфати», худди шу даврда Насриддин Тусий «Шеърлар ўлчови» асарини ёзган эди. Аммо бу тадқиқотлар форс-тожик тилида ёзилган. «Фу-нун үл-балога» эса туркӣ тилида (ўзбек тилида) ёзилиши билан ҳам муҳимдир.

Рисолада шеър навлари, қоғия, сўз санъатлари, аруз, муаммо тадқиқ этилган.

Тарозий мӯғуллар зулми барҳам топиб, туркӣ маданият, ўзбек адабиёти гуллай бошлаган даврда яшади. Шеъриятгина янги парвози, янги-янги истеъодларнинг пайдо бўлиши ўзбек тилида шундай рисола яратилишини тақозо қилди. Иш ўзбекча, арабча, форсий ва озарбайжонча мисоллар таҳлили орқали шаклланади, подир бир савия туғилади.

Тарозий қасида, ғазал, қитъа, рубойӣ, таржӣ, мусамман, мутатавил, фард, мустазод, маснавий каби ўнта шеър навига таъриф берган.

Рамали мусаммани маҳзуф вазнида рубоий келтирилгани, ваҳоланки, ҳазар юз вазнида ёзилмаса рубоий бўлолмайли (у тўртлик жанрига мансубдир).

Тарозий айтищича, қоғиясен йўқ, аммо тақрор сўзи ё сўзлари (радифи) бор шеърлар ҳам бўлади. Уни ҳарора дейдилар. Тарозий 97 та ишер санъатини таҳдил қилган, ҳар бир сўз санъатининг кўринишларини келтирган. Адабиётшунос 8 та асл рукин, 35 та инҳоф, 336 та вазн ва 40 та баҳрни ижоҳийди. Лекин баҳрлар арабларда 16 та, форсларда 84 та-лир, лейлілади. Тарозий адабиёт назариясининг биздаги йирик намоянласи сифатида майдонга чиқди. Ўзбек адабиёти илмında рисолачиликни бошгаб берди ва йирик назарий асар

<sup>1</sup> Шайх Аҳмад ибн Ҳудойод Тарозий. Фунун үл-балога . Т : «Хази-на», 1996.

лар ёзинча йўл очди. Гарозийнинг бу илмий анъанасини **Навоий** (1441-1501) давом эттириди.

XIX асрда «поэзия» атамаси «адабиёт» атамаси ўрнила ишлатиб келинган. «Футико» атамаси Ибн Сино асарларида ҳам учрайди ва у XX асрдага «адабиёт назарияси» атамаси ўрнида қўлтанилиган. Қадимги юонилар тарихий асарларни «сў» («логос»), леб атанилар, адабий асарни «наср» ё «изъ» дейини билан бирга «сў», леб атани ўзбек шоирлари асарларида, Навоий ижодида ҳам учрайди.

Навоий тимсол (образ), сўз, тилининг аҳамиятини тўғри тушишган («Фарҳод тимсоли» жумласини қўлдиган). Унингча, газалининг матеъи ё мақтаъси, ё бирон байтини олиб таҳчилил қилини мумкин, асар бутун ҳолда ҳам тадқиқ этилади. Асарга баҳо бергина, унинг муаллифи тўғрисида ҳам тўхталинади. Навоий «Ҳайреул-аброр» нинг XV бобини асар маъносига багишланган, лейлики, маъно асарининг жони, шакл оса турнича бўлинни мумкин; ишъер мисралари равон ё поравон бўлалди, сўзлари тоҳо ўзаро боғланимаган бўлинни кузатилиди. Навоий таъкидлайдики, аruz ишерди ҳам ишлатилиди, «вазии мустафылуни мустафылуни мустафылуни дур ви ражази мусаддиси музал воқеъ бўлубдур. Ва Каломулоҳда кўн ерлти бу наъв воқеълур».<sup>1</sup> Қуръони Каримдаги арабча матидига арузини ҳазаж баҳрига мос келувчи ўринлар ҳам бор, аммо узир шеърий мисраларга бўлнимиганлиги учун ишъер қаторига ўтмайди. Навоий «Мезон ул-авzon» да 19 та баҳр, 45 та зиҳоф ва 120 та вазини келтирган. Арузга учта доира киритсан. Шоир шу асариди: «Тонсун назмиини билга жаҳон аҳди инзом», лейди ва ишъирятини ижтимоий аҳамиятини кўреатган. Навоий «Муҳокамат ул-лугатайн» асаридага туркӣ қоғия назарияси ва тарихига доир муҳим мулоҳазаларни билдирган. Унингча, кутилмаган қоғия—яхини, сийқаси ёмонидир. Улирика ва ёносини яхини фарқ ётган. «Хамез» ни ёзини муҳим леб билган. Мусулмон Шарқига «Иогик» нини арабча таржимаси ва унга Форобий ҳам Ибн Сино шарҳлари билган «драма» атамаси ҳам кириб келган эди. Навоий бундан ҳам боҳлабар бўлган дейини мумкин.

<sup>1</sup> Навоий А. Муқаммат асарлар тўплами, 20 томлик 16 том. Т : «Фан», 2000. 15-6.

тия олмагандар. Уларнинг диндорларига ҳам куй өнигитишга рухсат этилган. Куй эса, агар у тартибланиб тузишган бўлса, кўнгилга шиддатли таъсир кўрсанади, — ахир кўния тартибни қабул қисувчандир. Ҳатто у ишъриятда ҳам ундан тартибининг кучлилиги сабабли (оҳанти) топган. Кунинг ўзи учун куйга солинган (шешърията) янада мойилроқдирип, чунки бунда шешърийнинг тартиби билан куйнинг оҳангни музжассамлашсан. Шундай бўлгач, математиклар шундай (фан) яратдиларки, унда унинг асослари ҳақиқатини баён қилдилар ва у «изми мусиқий», деб маълум бўлди.

«Ўрта аср Шарқ олимлари ҳам қадимги юнон олимлари каби мусиқини математик измалар қаторига киритгандар. Чунки тор нардаларининг бўлшинини математик қасрлар бўйича тақсимланган. Одатда бу фанни қадимгандар «гармония», деб агадандар».<sup>1</sup>

Беруний ўзининг «Ҳиндистон» китобида («Ҳиндоварининг грамматика ва ишъир ҳақидаги китоблари» деган қисмнида) аruz ва хинд шеър гузилинини қиёслайдан. Дейлики, хинд ишъир тузилиши товуш ва бўғиниларининг чўзиқ ва қисқалигига таянили, бу жихаддан у — аruz билан муқобил. Хинд ишъир тузилишида мисралар 4 ҳарфлидан 26 ҳарфлигача.

Беруний биринчи араб арузиуноси, аruz илмининг асосчиси Ҳалил ибн Аҳмаднинг «Китоб ул-аруз» асари билан танини эди. У қиёсий ишъиринуносликка нойдевор қўйди, нозиянинг ўзига хос табиатини тўғри англаган.

Юсуф Ҳос Ҳожиб (такмидан 1019-1021 йилларда туғилган, вафот этган йили ишомаудум) «Кутадгу билиг» асаридаги шонирлар ҳақида тўхтаб ўтган. У шундай лейло:

Яна келди шонир — бу сўз тергувчи,  
Кинин мадҳ этувчи ё фом қидучи.

Қиличдан ҳам ўткир буларниң тили,  
Ва қиддан нозикроқ хотирлани ўйни.

Нозик сўз, қалом, ким өнигтай деса,  
Булардан өнигтсани, қиёнар завқ роса.

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. Ташланган асарлар . III. Т.: «Фант», 1982 . 62. 64, 211-б.

*Депгизга шүңгірлар вұжыуда тұғал,  
Еңкүт, инжү, гавхар чикарлар мисол.*

*Ұлар этса мадҳ, мадҳи әнға борар,  
Фош этса әар, инсон номи буғанар.*

*Жұда өзег тұтғын ularни, жұра,  
Уларнине тишиға ишинма сира.*

*Ләар өзег мадғиар тилясанғ үзінде,  
Уларни севинтири әзіз ма сұйнеде.*

*Нима истаса, бер уларға тұғал,  
Уларнине тишидан үзінге сотиб ал.<sup>1</sup>*

**Махмұд Қошғарий** (XI аср) — турқынноспек фәнниңнің отаси фикрінің қарашыла, шеър сүйні араблар көлгүнгача «құйшиқ», деб юритилған.

**Ахмад Юғнайкій** (XII-XIII асарлар) «Хибат үл — қақойиқ» асарида тип шеъриятта бесак берішини тақидлады.

Алабиій — назарий қараштарнинг Форобийдан А.Юғнайкійгача бұлған йылдары қадимғы туркій давр дейінгілер. Бошқа туркій халқдар, шу жумыздан, үзбек халқи ҳам шундан кейин шактланған.

**Ахмад Яссавий** (вафоти 1166 йылда) «Девони ҳикмат» асарида сүзинін гавхарға үхшатады.

**Мұхаммад Солиҳ** (1455-1535) ҳам үзининг «Шайбонпі-нома» номлы тарихиі достонидә сүзині беҳад улуелади. Шеърининг шавқ билдиң әзилишнің талаб қылды.

**Лутфий** (1366-1465) шеъриятда маҳорат масаласини мақтады, үз фахрия байтларыда іюксак шеърият гурурини іюхори қўйди. Навоий уши «Малик үл - қалом» («Сүз шоҳи»), деб алқади.

Қадимғы туркій алабиій — назарий қараштар ва Яссавий, Мұхаммад Солиҳ, Лутфийларнинг бу соҳадагы фикрлари шу жабхада кatta бурилиштар бўлининга олиб келди, Тарозий, Навоий ві Бобур каби улкан назарийтчилар келиб чиқди.

<sup>1</sup> Кағимов Қ.Илк балынің достон. Т.: «Фан», 1976, 76-77-ө.

Навоий прогрессив вә аңызашавиі романтизмда ижод құлған. Аммо асарларыда реализм вә реалистик ійнадаң ҳам бұлған, бирок бундан асарларда ҳам бадий аслақа романтик әди. Романтизм ҳұттар қаңдай бұлса шундай тасвириламайды, балки орзу-истек асостида қанта яратады. Навоий Искандар образини қаітта яратады. Навоий «Алтын күн» да, афсоңа мазмұнға либосидір, «Ёлғон» ізде бермеган вөкеаларни әнгілатады!\*

Навоий «услуб» атамасынан шылданап. Уннингча, шеър санъатларини құлғап ҳам, наср ҳам, назм ҳам алоқидың услубға молник. Аммо бу атама XX асрнинг 30-шілдерінде «ижодий метод» түшүнгіласының қамраб олған, шундан сүйг үзілдік сипатыда илмий мұомағында кириллік болған. Навоий «хәжіл» вә «хәжів» атамаларини ҳам изохтаган. У «Маңбуб ул - құлуб» асарыннан XVI ғаселде айттынша, шоирлар ишқ маңыниси жиһа-тидан уч түрухға бұлниады:

1. «Асерори илохий» ёки илохий ишқ. Буннинг әкиси буюк шоир Жалолиддин Румийдір. Бу ишқ уннинг «Маснавий маңынави» асарыда иғодаланған.

2. «Хақиқат асерорига мажоз тариқии маңсул қылебдур», яғни бунда илохий вә дүнёвий ишқ бириккан. Намояндалары Сағыйді, Ҳофиз, Дәхловий, Анварий, Санойдір.

3. Бунда илохий ишқиңиң күйлаш билан бирга мажозий (дүнёвий) ишқ жоғалыроқ күрсатылады. Бу ійналишдеги шоирлар сирасында Ҳоқоний, Кирмоний, Хожа Камол, Салмон Савожий, Абдураҳмон Жомий, Носир Бухорий, Котибий, Сабзаворийлар кирады. Абдураҳмон Жомийнинг ҳам-фикари Алишер Навоий ҳам шу саноққа мансубдір. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафон» билан туркій тазкирачилікни боштап берді.

Навоий — жаһон адабиеті назариясінде асосчыларидан бири.

Бобур (1483-1530) «Аruz risolasi» асарини ёзды.<sup>1</sup> Позитивияннан яни ривожи Бобурнинг бу асарни ёзишини тақо-зы этди, у Тароний вә Навоийнинг аруз соҳасидаги илмий аңызасынан вазиң вә доиңра соҳасида ривожлантирды; 10 та асп. руки, 21 та баҳр, 537 та вазиң, 44 та зиҳофф вә 9 та доиңра

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг ижодий методы масалалары. Т.: «Фан», 1963. 76- б.

<sup>2</sup> Захириәтдин Мұхаммад Бобур. Мұхтасар. Напирага тайёрловчы С. Ҳасан. Т.: «Фан», 1971.

түгрисида изоҳ берди.<sup>1</sup> Бобур ҳазажининг ахрам ва ахраб тармоқларининг вазилари биркуви асосида ҳам рубоний ёзиш мумкинлигини айтгац. У Саъдийнинг битта байтда 2 хил вазни ишлатганлигини қайд қилган, ҳақиқатан, араблар битта шеърда бир неча вазни ишлатаверадиilar. Бу ҳол бизда рубоний соҳасида утрайди, рубонийда 2 та вазн мисра оша келини мумкин, ҳатто рубонийнинг ҳар бир мисраси алоҳида вазнда ёзилиши ҳам мумкин, бу ҳол айниқса Оғаҳий рубонийларида дуч келади.

Бобур тажнис ва туюқка алоҳида тўхтаган. Унингча, тўртликнинг 1, 2, 4- мисралари, ёки 2, 4-мисралари тажнисли бўла олади. Ё тўртлик 2 қофияли ва 2 тажнисли бўллади ё тўртлик 3 қофияли тажнис билан ёзилади ва раалиф бўллади. Тўрталла мисра ҳам тажнисли ё қофияли ва тажнисли ёки 4 мисрали туюқ (ҳожиб) келади. Шоир дейлики, ўзбек шоирлари қофия ҳақидаги (араб - форс) назариясига риоя қиласи, лийи ҳолда, тоҳо ундан четга ҳам чиқадилар. «Маъдум бўлдикни, турки лафзидан маҳал иқтизоси билан то ва дол яна ғағиб ва қоф ва каф бир-бирлари билан мубаддал бўлтурлар эмиш».

Қофияда «т» билан «д»нинг, «қ», «ғ» билан «к»нинг алмашиб келини оdat бўлган. Буни биз Бобурнинг «Ёд эт-мас эмиш» рубонийси қофиясида кўрамиз (албятта-турбатга). Бобур таъкидича, Навоий «Мезон ул - авзон» асаридаги «ингирима тўрт рубоний вазнида тўрт вазнида ғалат қилибтур».<sup>2</sup> Шеършунослик аниқданичча, рубоний вазиларидаги бу тўрт ғалат (хатто) Навоийнини эмас, балки асарни кўчирган котиб томонидан йўл қўйинан.

**Фазлий** Қўлон хони Умархон топшириғини биноан «Мажмуаи шонрои» (1821) тавзирасини ёзди. Келтирилган шеърлар ўзбек ва тожик тилиларида. Бухоро амирига жосуслик қилини билан шуғулланган шайхулислом Султонхонтўра Аҳорорий (Адо) ўзини Навоийдан ҳам устун қўяди. У Амиррий (Умархон)ни Бойқотро билан тенглантиргани учун ўнимиг тиёла мукофот олади. Аммо тўғри сўзли Гулханий, Махмур, Машдан, Ҳозиқ қаби шоирлар камситилини. Мах-

<sup>1</sup> Захираддин Мехмад Бобур. Асарлар. З жисалти. <sup>2</sup> 3. Т. «Фазлий. 1966. 282-б.

<sup>2</sup> Уша манба

мур Фазлийни хоннинг хунномидгүйи, «захарли илон», деб атайди.

**Нодира** (1792-1842) ўз лирик девони дебочасида ва «Эй куашо, шиша аро» газлида одамларни расо, норасо ва риёкорга ажратади.<sup>1</sup> Бу ҳол Қуръони Каримда инсонларни иймоили, иймонсиз ва мунофиқ сингари хилларга бўлинганлигига яқинидир. Бежигз эмаски, биз адабиёт қаҳрамонларини ижобий, салбий ва мураккабга ажратиб келганимиз.

Хоразм хони шоир Феруз ишонрларга юзта ғазалини бериб, уларга назира боғланши тошиширган.<sup>2</sup>

Маълумки, таржима адабиётни миллий адабиётнинг бир қисмидир. Оғажий (1809-1874) Кайковуссининг «Қобуснома» асарини ўзбек тилига таржима қилди. Унда шоирлар ҳақида шундай дейилган:

- 1) «Тушунилмайдиган ва ноаниқ сўзни айтмагил».
- 2) «Бир хил вазн ва бир хил қофиияга қаноат қилмагил».
- 3) «Санъатсиз ва тартибенз шеър айтмагил».
- 4) «Шоирларнинг расми одатига кўра уларнинг санъатларидан ғофил бўлмагил».
- 5) «Мадҳда истиорат ишлатнил».
- 6) «Агар ғазал ёзмоқ бўлсанг осон, равон ва латиф сўзлар била ёзнил».
- 7) «Токи агар шоирларнинг орасида мунозара бўлса, ё сенинг била бир киши фикрини очиқдан-очиқ сўзласа ёки сени синааб кўрса, охиж бўлмагайсан».
- 8) «Арузининг доираларини ва уларнинг номларини, доираларда пайдо бўладигон баҳрларнинг отларини билғил».
- 9) «Насрда айтилғон сўзни назмда айтмагил».
- 10) «Ҳар одамга лойиқ сўзини ва ҳар кишининг қадрига тувофиқ шеърни билиб ёзнил».
- 11) «Ғазал ва марсияни бир тариқда, ҳажв ва мадҳни бир устубдан ёзмагил».
- 12) «Ҳар на ёзмоқ бўлсанг, ўз таъбинг била ёзнил».
- 13) «Ўзгатирнинг сўзини такрор қилмагил».
- 14) «Баландиарвозданни истеъмол этмагил».

<sup>1</sup> Нодира. Девон. Т., 1963. 40-54, 62-б.

<sup>2</sup> Мухаммад Юсуф Баёний. Шажаран Хоразмшохий. Т.: «Адабиёт ва санъат» нацириёти 1997. 93-94-б.

- 15) «Ҳамиша тоза рўй ва хандон бўлғил».
- 16) «Нодир ҳикоятларни ва кулгини эсда сақлағил».

Адабиёт назарияси шарҳ, рисола, тарихий асар, тазкира, шеърий асар, наср, дебоча ва таржимадагина эмас, балки баёзлар орқали ҳам ривожланди. Баёзчилик XIX асрда кенг равнақ топди.

**Муқимий, Фурқатлар** реалистик ижод қилди, реалистик эстетикани яратди, бу эса XX аср бошидаги жадидларнинг миллий истиқлол ғоясига асосланган, танқидий реализмдаги шеъриятига замин бўлди.

Ўзбекистонда адабий-назарий қарашларнинг бундай тақомили ва тараққиёти XX асрда адабиёт назариясининг мустақил фан сифатида шаклланишига олиб келди. Бунда Фиграт, Чўлпон, Абдулла Қодирний, Отажон Ҳошим, Абдураҳмон Саъдий, Ойбекларнинг хизмати катта. Адабиёт назарияси равнақига Ҳ. Ёқубов, Л. Қаюмов, Р. Муқумов, Н. Шукурров, Р. Орзивеков, У. Норматов, О. Шарафиддинов, М. Қўншонов, С. Миравлиев, Ҳ. Абдусаматов, А. Ҳайитметов, С. Содиқ каби филолог олимлар яхши улуш қўшиллар. Айниқса, бу соҳада Иzzат Султон жонқуярлик қилди, бу фандан дарслик яратди. У республикада адабиёт назариясининг асосчисидир.

Адабиёт назарияси Ўзбекистонда Оврўпа, мусулмон Шарқи ҳалқарининг адабий-назарий қарашларидан озиқланиб ўсади.

Үйғониш даври даҳоси Леонардо да Винчи ёзувчиларни муаллимлар, ҳаётни муаллимлар муалими деб атади, воқеаликни эса санъатнинг манбай деб билди, нусха кўчиришини қоралади. Илгари ҳаёт ҳақиқатини асарда бадиий акс эттириш илгари суриларди. Үйғониш даври эса бунга чуқур гуманизм (инсонпарварлик) ва ҳалқчилликни қўшди. Буни испан драматурги Лопе де Вега, итальян ёзувчиси Боккаччо, француз романнависи Рабле, буюк Серванtes ва Шекспирларнинг асарларида учратиш мумкин.

Шекспирнинг «Гамлет» ида айтилишича, санъат асари ёзиш табиатнинг рўпарасига ойна тутиш, шарофатнинг ҳам, қабоҳатнинг ҳам чин борлигини кўрсатиш, тарихдаги ҳар бир замоннинг юзини бўйсиз намоён этишидир.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Буало «Поэтик санъат» асарида француз классицизмини назарий далиллари. У рим шионири Горацийнинг «Поэзия илми» асарига суюнди.

XVIII асрда маърифатчи Дидро ва Лессинг янги эстетикага асос солдилар. Дидропининг «Салонлар», «Драматик поэзия ҳақида», «Актёр ҳақида парадокс», Лессингнинг «Лао-коон», «Гамбург драматургияси» сингари асарлари машҳур бўлди. Улар асарлардан ҳаққоний тасвирини талаб қилилар.

Гегель Г.В.Ф. (1770-1831) ўзининг «Эстетика» бўйича лекцияларида жаҳон адабиёти намуналари асосида эпос, лирика ва драматургияга баҳо беради. У уч хил шакл бўлганлини ҳақида сўзлаб, дейдик, символик шакл Шарққа мансуб, мумтоз шакл эса антик қалимги адабиётга, биринчи навбатда Грекияга тааллуқли; романтик шакл антик адабиётдан сўнинайдо бўлган. Гегель поэзияни «Энг бой, энг чекланимаган санъат» дейди; «Тилниң ўзи шеърият, нутқ санъати» туғайли бадиий фанга айланади. Поэзия олий ва ички ҳаётининг ҳар қандай соҳасига кириб бора олади. У қалб ҳаракатлари, куғли ҳис-туйғулар ва маълум ҳаракатлар, лаҳзаларининг тасаввур этилган ҳам ниҳоний доиралари алмашинувини акс эттира олади. Гегель поэзия билан шеър тузилишини фарқ отади, чунки унингча, поэтиклик моҳияти, умуман, бадиий гўзал санъат асари тушунчаси билан мос келади». «Поэзиянинг мақсади унинг ўзида, ташқи томонида эмас. Поэзияни чуқур кечипмалар ва илдизлари жаҳон руҳи билан ҳаракатга кеттирилган руҳий эҳтиёжлар қўтилиниди. Лирик поэзия субъектив нутқ сифатида, мусиқага ёрдам сўраб мурожаат қиласади. Ундан қалбга яқинлик, ритм ва хуш оҳангни олади». «Эпик поэзия ўз мазмунинга кўра объектив ҳайкалтароилик ва рассомлик восита-ларидан фоййистонади». «Драматик поэзия ҳаракат доираларида эпик тасвиirlарнинг объективлиги ва мусиқа ва имо-шиюра, мимика (юз ҳаракатлари) ва рақсни қўшиб, шахс ички ҳаётли лиризмни бирлантириади». Гегель поэзия истиорадорлигини «Шарқнинг саҳий тухфаси» деб агади. У эпос тарихида узилишлар бўлганлиги, аммо лирика ҳамма даврларни қамраб олганлигини, у хусусан романтизм даврида мисленигузгузаганини кўрди. Гегель фикрига қараганди, Шиллер «инсониятнинг доимий ҳуқуқлари ва тояларини» кунлади. Гегель лирикага нисбатан эпосни афзали курди, драма-

ни ундан ҳам афзал күрди. Унингча, драма ўз ичида тараққий этган мислий ҳаёт маҳсулидир, драма қаҳрамонлар ўзларига қарама - қарши мақсадлар қўйинб, тўсиққа учраганларида туғилади. Гегель комедиядан трагедияни устун қўйди. У бу дунёни қаҳрамонона томонлари ва буюк ҳодисалари билан боғлиқдир, қарама - қарши томонларнинг ҳар бири ўзаро ҳақлигига ҳам қарайди. Гегель дейдик, романтик шакл жаҳон санъати тараққиётида улкан қадамдир. У Гётени ҳамма шоирлардан устун қўйди. Чунки у яратгани Фауст характерининг исёнкор руҳи схоластикага, ўрга асрчиликка, инсон тафаккурини чекловчи ҳамма нарсага қарпни қўзғолон кўтаради.<sup>1</sup>

Асли файласуф бўлган Гегель адабиёт илми соҳасида ўзидан кейинги жаҳон адабиётинуослари ва адабий танқидчилари учун устоз бўлиб қолди.

XVIII асрда Россиядаги В.К. Тредиаковский, В.М. Ломоносов, А.Н. Радишчев адабиёт назарияси билан шуғуланди. Тредиаковский «Россия шеъларини ёзишининг янти ва қисқа усуллари», Ломоносов «Россия шеърий ижоди қоидалари тўғрисида мактуб» асарларида рус шеър тузилишини ислоҳ қилдилар. Ломоносов «Анокреон билан сұхбаг» шеърида санъат ва адабиётининг ижтимоий аҳамиятини тушунтириб берди. Радишчев «Дактил-хореик плаҳлавон ҳайкали», «Ломоносов ҳақида сўз», «Петербургдан Москвага саёҳат» асарларида рус китобий поэзиясини халқ билан яқинлаштириш фоясини кўтарди, арабий асарни танқидий таҳдил қилиш намунасини кўрсатди.

**В.Г. Белинский** (1811-1848) профессионал рус танқидининг асосчисига айланди. У ўз даврида адабиётнинг вазифаси крепостнойликка қарши кураш леб билди. Реалистик оқимнинг йўлбошчиси бўлди, обзор ёзишда ном чиқарди. «Адабий хаёллар», «Гогоға хат» мақолалари машҳур бўлди. У адабиётнинг объективлик ва тарихийлик мезонларини ишлаб чиқди, поэзиясини тур ва хилларга бўлининини текширади. танқидни «ҳаракатдаги эстетика» деб атади. Унингча, адабиёт давр илгари сураётган ҳамма саволларга жавоб берисиз лозим. Реализмни санъат тараққиётининг юқори босқичи леб билди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Веरцман И. Е. Гегель Г.В.Ф. КЛЭ. Т.2. М.: СЭ, 1964, с. 103-108  
<sup>2</sup> Уз.СЭ. 12-том. Т., 1979. 140-141-б.

**И.Г. Чернишевский** (1828-1889) практикани ҳақиқат мезони, деб атаган. «У бир миллатнинг иккинчи миллатни эзишига, бир давлатнинг иккинчи давлат территориясини тортиб олишига қаратилган сиёсатини қаттиқ қоралади».<sup>1</sup> «Санъатнинг воқеаликка эстетик муносабати» магистрлик диссертациясида янги давр эстетикасини яратди. Унингча, адабиёт халқ манфаатларига хизмат этиши зарур. Чернишевский реализмда типиклик муаммосини ёритди, у изчил демократ эди.

**И.А. Добролюбов** (1836-1861) «Обломовчиллик нима?», «Жаҳолат ҳокимияти», «Ҳақиқий кун қачон келаркин?», «Зулмат ичра нур», «Рус адабиётининг халқчиллик даражаси тўғрисида» каби мақолалари билан кенг танилди. Адабиёт тараққиётида янги йўл очди, танқидий реализм ижодий методи учун курашили. Добролюбов «ҳақиқий санъат ҳаётнинг бадиий образлар воситасидаги инъикосидир»,<sup>2</sup> дейди. У адабиётни тўғри тушуниш ва тўғри таҳдил қилиш намунасини яратиб кетди.

Таҳдил XX асргача бўлган ўзбек адабий-назарий қарашлари, хусусан, Тарозий, Навоий, Бобур жаҳон адабиёти ва мусулмон Шарқи адабиёти назарияси ривожига катта ҳисса қўшгалигини кўрсатди. Ўзбек ва Ўрга Осиё халқлари адабий-назарий қарашлари ўзаро ҳамкорликда тараққий этган.

<sup>1</sup> Ўз СЭ. 12-том. Т., 1979. 501-502-6.

<sup>2</sup> Ўз СЭ. 4-том. Т., 1973. 79-80-6.

# **БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## **БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **І БОБ БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ КЎЛАМИ ВА МАҚСАДЛАРИ**

“Адабиёт” атамаси ҳозирги даврда кенг ва тор маънода қўлланилади. У кенг маънода ишлатилганда, умуман матбуотда босилган мақолалар, китоблар ёки қадимги қўлёзмалар назарда тутилади.

Турли тилларда “адабиёт” сўзига муқобил атамалар жаҳон фанича, тор маънода, XVIII–XIX асрларда қўлланила боштади. Жаҳондаги қатор халқларда “литература” атамаси билан ифода этилаётган бу тушунча аслида лотинча “литера”, яъни “ҳарф” сўзидан олингандир. Россияда XIX асрда ҳам тор маънодаги “литература” атамаси ўринда “поэзия” сўзи ишлатилар ва бунда барча адабий асарлар тушунилар эди.

Ўзбек тилида тор маънодаги, яъни бадиий сўз асарини англатувчи “адабиёт” атамаси XX асрда кенг қўлланила боштади. Ўзбек тилидаги “адабиёт” атамаси аслида “адаб”, “одоб” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, киниларга яхши аҳлоқ ва умуман ҳаётни тушунниш ҳамда тўғри яшанини ўргатни мақсадида ёзилган асарни кўзла тутар оли. Чунки қадимти даврларда пайдо бўлган кўнчиллик асарларда шеър, ҳикоя, қисса сингари бадиий намуналар билан бир қаторда ёки уларнини ичиди, умуман ҳаётнинг турли соҳаларига оид маҳсус боблар, насиҳатлар, таълимий қарашлар китга ўрин гутади. Масалан, Юсуф Ҳожибининг қадимий туркӣ тилдида ёзилган “Қутадгу билиг” асарида илониҳ єаройида вазирлик қилиш учун қандай иш кўриши, чет оларга вакил сифатида бормоқ учун шималарни билини кераклиги каби масала-

ларға оид махсус боблар ҳам бор. Алинер Навоийнинг “Ҳамса”сида ахлоқий ва илмий мавзулар ўзаро бир-бирига синглириб юборилган; сўз, яъни бадиий адабиётининг хусусиятлари, вазифалари ҳақидаги ва юнонистонык Искандарнинг таржиман ҳолига оил маъдумотларни ҳам, табнат ҳодисалари тўғрисидаги изоҳчарни ҳам учратиш мумкин. Хуллас, “адабиёт” атамаси балний сўз санъатида ахлоқий-таълимий масалалар кенг ёритилиши, инсон одобига доир фикрлар илгари сурилиши билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Ҳар бир санъат ўзига хос тида сўзлайди. Тасвирий санъат бўёқлар, ранглар воситасида, мусиқа эса товушилар восита-сида ҳикоя қиласди. Форобий айтишича, бадиий адабиёт воқеликни сўз воситасида акс эттиради; сўз тил адабиётининг “биринчи унсури” ҳисобланади. Адабиётнинг бониқа санъат турларидан фарқланувчи хусусиятлари ва ҳаётни акс эттириши имкониятларини мана шу сўзга боғлиқдир. Бу имкониятларни аниқ тасаввур қўлмоқ учун адабиётни тасвирий санъат ва ҳайкалтаронлик билан қиёслаб кўриш мумкин. Рассом ва ҳайкалтарон ўз тасвирий воситалари ёрдамида фақат кўзга кўришиб туралиган парсаларни бевосита гавдалантира олади. Рассом ва ҳайкалларда киниларнинг ички дунёси, ҳарикатлари, ўзаро муносабатлари ҳамда санъаткорларнинг уларга бўлган муносабати фақат муайян дақиқалардаги ташки беитиларини бирин-кетин, ёнима-ён кўрсатиш йўли билан юзага чиқарилади. Адаб эса сўзлар ёрдамида ўқувчи ёки тингловчи кўз ўнгидаги кипипларни қуршааб турган ташки дунё ҳақида ҳам, уларнинг руҳий олами, ҳис-туйғулари, фикрлари, интилинилари ҳақида ҳам, яъни кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган томонлари тўғрисида жонли тасаввур ҳосил қилишин мумкин. Адаб рассом ёки ҳайкалтарондан фарқли ҳолла, тасвириянаётган ҳодисанинг кўйилаб тафсилотларини кетма-кет равинида чизиб берга олади.

Шу сабабли бадиий адабиёт воқеликни анча кенг ва тўлиқ акс эттира оладиган санъат тури ҳисобланади. Шундан кебиб чиқиб, Лесенинг ўзининг “Лаокоон ёки рассомлик ва поэзияниң чегаралари ҳақида” номли машҳур асарида мазкур санъатларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланганда, китобхоналарга “Поэзияниң қўлами кенглиги, бизнинг тасаввуримиз даярли чегарасиз эканлиги, унда беҳисоб ва турли-туман образлар кетма-кет ўрин олини мумкинлиги, ишунда

хам бир-бирига заарар етказмаслиги, бирини бошқасининг соясида қолдирмаслиги, бундай ҳолни аниқ макон ва замон доирасидаги реал нарсаларнинг ўзида ёки уларнинг моддий ифодасида ҳам учратиб бўлмаслиги ҳақида ўйлаб кўришини<sup>1</sup> маслаҳат берган эди. Лекин Лессинг адабиётнинг ҳаётни бошқа санъат турғирига иисбатан кеніроқ ва тўлиқроқ акс эттириш имкониятларига эга эканлигини қайд қилиши билангина чекланмаган. У рассомлик ва умуман маконий санъатларнинг кўлами, асосан жисемларин, яъни нарсалар, ҳодисалар ва кишиларни қамраб олини, поэзия доирасига эса ҳаракатлар, яъни кишиларнинг ички дунёсида ва уларни кўршаб олган ташқи борниқда содир бўлаётган жараёнлар ҳам киришини алоҳида таъкидлаган эди. Лессинг “Лаокоон”да адабиётнинг ниҳоятда муҳим хусусиятини изоҳлаб берган, бу фикрга фан ва санъатнинг улуғ намояндадарни тоқори баҳо берган одилар.

Чиндан ҳам адабиётнинг қадимги замонлардан ҳозирги күнларгача бўлган тарихий тараққиёти унинг ижтимоий ҳаёт, кишилар онги ва ўзаро муносабатларидаги энг мураккаб жараёнларни кенг кўламда қамраб олиш қудратига эга эканлигидан далолат беради. Жумладан, илк энциклопедияларда асосан қаҳрамонларнинг ишлари, ҳатти-ҳаракатлари тасвиранланган (Геркулес ҳақидаги ҳикоялар, биздаги “Алпомиши” достони ва турли ҳалқларниң қаҳрамонлик эпослари шундай). Кейинроқ мумтоз ёзувчилар асарларидан киннилар характеристики, ҳатти-ҳаракатлари маинбаларини, турли-туман ва бешебоб қўринишларга эга бўлган руҳий дунёсини очиб берниң чуқурлашиб боради. XIX аср охириларига келиб, дунёдаги кишиларнинг руҳиятини кўрсатиш борасида инсоннинг “қалиб-малектикаси”га кирниб борилидек улкан муваффақиятга орнишилди.

Мусиқа билан таққосланни орқали сўз санъатининг маълум даражада чекланшилити ва устунликларини аниқлани мумкин. Мусиқа товушлар ёрдамида сўз билан ифодалаш қийин бўлган ниҳоятга мураккаб ва нозик ҳис-туйғуларни юзага чиқаришга қодирдир. Ноғизянинг мусиқага иисбатан устунлиги эса унинг нарсалар, ҳодисалар ва кишиларни тасвирлантидаги аниқлик ва ёрқонликла кўринади. Бундай аниқ-

---

Лессинг И. Э. Избранные произведения. М.: Гослитиздат, 1953, 415 с.

лик ва ёрқинликка фақат сўз билан боелиқ тасвирий воситалар ёрдамидагина эринши мумкин.

Ноэзия бошқа санъатларга хос бўлган барча унсурларни қамраб олади.

Мана шундай кенг қамровли хусусиятига кўра сўз санъатининг кўламини деярги чегарасиз деб ҳисоблаш мумкин. У таңқи дунёнинг турли-туман ҳодисаларини ҳам, кишларини руҳий оламидаги ҳар хил ва беҳисоб ҳолатларни ҳам қамраб олини имкониятига этадир. Адабиётнинг иолир намуналари шундан гувоҳлик беради.

Бадний адабиётнинг кўн асрлик тараққиёти унинг кишлар ичкни дунёсига, уларни қўриаб турган таңқи борлик билан бўлган алоқаларга ва ўзаро муносабатларга тобора чукур кириб борганилигидан датолат беради. Бундан қонуний равищуларни бадний адабиётнинг бои мавзуи инсонидир, деган хулюса келшиб чиқади. Бироқ бу ҳодиса бирданига, яъни аланбёт ва санъат тараққиётининг лаєтлабки босқичларидан ёқ содир бўлмаган. Аксинча, инсоннинг бадний асарларда марказий ўринини эталанди дунёни бадний равищада англани ва ижод соҳасида киппилик томонидан босиб ўтилган катта ўйлиниг натижаси ҳисобланади.

Қадимги ҳинид поэзиясида нарсалар, илоҳийлаштирилиши натижасида нарса ва жоноворлар тасвирда олдинги ўтиб қолган. Образли тафаккурнинг навбатдаги босқичи бўлиб қадимги Миср мифологияси дунёга келди. У “қадимги ҳинид ва юнон мифологияси оралиғида туради; ундан ҳайвонсифат, ёроийиб худолар образи орасида инсон қиёфалари ҳам кўзга ташланади. Инсон фиқат қадимги юнон санъатидагина тўла хуқуқли ҳоким сифатида намоён бўлди. Юнон худолари идеал инсон образларидан, кишларини илоҳийлаштириштаги бошқи нарса эмас эди. Инсон санъатнинг бои қўхрамонига айланган пайдан бошлаб, унга бадний ижод соҳасида буюк қашифиётлар учун йўл очилади. Бунга иқрор бўлмоқ учун Гомернини “Илиада” ва “Одиссея” сингари гениял энопеяларини, Эсхил, Софокл, Еврипил трагедияларини, Аристофан комедияларини ослаш кифоядир.

Инсон бадний тасвирда бои минбага айланганлигини адабий асарларда унга ажратилиган “майдон”га қараб ҳам билини мумкин. Бадний асарларининг кўпчилик қисимида кишлар, уларнинг ҳаётни, инстари, курашлари, фикрлари ва

хис-түйғулари олдинги үринде тасвириланади. Шунга күра қандайдыр ёзувчини эслаганда, хаёлимиизга дарҳол унинг асарларидаги қаҳрамонлар образи келади.

Лекин инсон бадий асарларда миқдор жиҳатдан етакчи үринга чиққанлыгы учунгина адабиётпинг бош мавзуи хисобланмайды. Унинг адабиётда асосий мавзуга айланнишининг сабаби яна шундаки, бадий асарларда табиат, ҳайвонлар ва умуман ҳамма нарса кишилар ҳаёти ва характеристи, фикрлари, хис-түйғулари билан боғлиқ ҳолда тасвири этилади.

Ёзувчилар күнингча кишилар характеристи ва тақдирини таъсирчан күрсатишда табиат манзараларидан фойдаланадилар. Масалан, Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонидаги икки ёщинг самимий муҳаббатини баҳор айёми — Наврӯз байрами тимсолида, уларнинг фожиали ўлимини эса кузнинг сўлғин, хазон фасли билан боғлиқ ҳолда тасвирилайди. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор “Даҳшат” номли ҳикоясида асосий қаҳрамон Унсиининг гаров ўйнагандан сўнг қабристонга кетишни тасвирилаганда, табиат манзараларига маълум үрин беради: “Кўр ойдин. Осмоннинг чеккаси сариқ — кир увадага ўхшайди. Бор кир шуъла қўйнида паст-баланд уйлар, шамолда эгилаётган, тебранаётган дараҳтлар қоп-қора кўринади. Пипиқираётган шамол ҳар хуруж қилганида Унсиинни тентиратар, талай жойга суриб ташлар эди...”. Бу манзара қабристонга кетаётган қаҳрамон қалбида қўрқинчни янада кучайтиришга ва ўқувчининг уни яхшироқ ҳис қилишига ҳамда ҳикоя давомида юз берадиган фожиага, яъни Унсиининг ўлими воқеасига тайёрлаб бориш мақсадига хизмат қиласиди. Демак, мазкур табиат манзараси, қаҳрамон характеристи ва тақдирини таъсирчан, эсда қоладиган даражада якс эттириш имконини берган.

Лекин табиат манзаралари ҳар доим ҳам ёрдамчи вазифанигина ўтавермайди. Масалан, “пейзаж” письрлари, деб аталадиган асарларда табиат ҳодисалари асосий тасвири манбани бўлиб хизмат қиласиди. Шунда ҳам табиат ҳодисалари соғ ҳолда эмас, балки инсон ҳаёти билан боғлиқликда юзага чиқади. Қадимги Рим шоири Гораций факат ёмои шоиргина яйловлар, булоқлар, шаршаралар, камалакларнинг ўзини инсондан ажратган ҳолда тасвириланшини айтган эди.

Шоир Уйғун “Тонгги бұса” номлы шеърида асосан табиатнинг бор күринишиниң чыздады:

...Сүкіланыб қарадим тонгнинг юзига,  
Бир қараашда оттоқ шохига ұхшар.  
Бир қараашда мартар... бир қараашда зар.  
Бир қараашда әса садағра ұхшар.

Тонгнинг ажодиіб бир пайт, тенеги үйк ҳүсн,  
Гүзал табиатнинг дилбар лавҳаси...  
Ил... китоб, ҳар күндүз үндан бир варақ,  
Тонг әса варақнинг гул сарлавҳаси.

Табиат саҳарда мисли бир ғүнчә,  
Тонг әса ғүнчанинг очылған чоги.  
Ёки тахмин қилинг: табиат бир күз,  
Тонг әса у қызининг мартар өтөни.

Тонгнинг тасвариға ранг бисотидан,  
Әнг әрқин, әнг гүзал мато сайдадим.  
Чунки тонг саодат ва нур келтирадар,  
Үнга илжомимин ҳадя айладим...

Мазкур табиат манзарасы соғ ҳолда берилмайтын, балки шиоирининг ҳис-түйғулари, кечинмалари, ўй-фикрлари билан боғлиқ равищада чызылады.

Шоирлар табиат манзараларини курсатар эканлар, уларни ҳар доим иисөн манфаатлары, ўйлары, орзу-умидлари, интилишлери билан боеклайдилар. Шу сабаблы Навоий дostonларидаги табиат манзаралари, Мұқимий ва Фурқат лирикасидаги баҳор фасли ҳақидағы мпералар, Ҳамид Олимжон ва Ўйғуннинг она Ватан гүзалигиги, күклам, олтин күз түгрисіндеги шеърлари бизнинг онғымыз ва қалбимизни бит-мас-туғанмас фикр-түйғулар билан бойнады. Демак, кишиліларнинг онғи, тафаккури үз ҳисларипи тарбиялашып буидай асарларнинг ахамияты бескөсендір.

Ёзувчилар томонидан чызылған ҳайвонлар образы ҳам худын шүйдай вазифениң үтгайды. Шу образлар воситасыда ёзувчилар иисөн манфаатларига ҳамоханды бұлған кишилілар ҳаётиниң әслатадынан ва үйренинг рухий такомиши үтүн мұхим ҳисобланған томонларни ақс жетирділар.

Бизга болалигимииздан “Тошбақа билән Чаён” масалы жуда яхши таниш. У Гулханийнинг “Зарбулмасал” асаридан олинганд бўлиб, ҳайвонлар ўртасидаги бир воқеа, яъни дарёдан ўтаётганларида тошбақага чаённинг нишсанчилини ҳодисасига асосланган. Лекин мана шу кичик воқеа ёрдамида кишилар ўртасидаги муносабатларга, яъни дўстлар орасида хиёнатнинг қанчалик даҳннатли эканлиги ҳақидаги масалага ишора сезилади.

Баъзи ҳайвонларининг образлари табиат манзаралари сингари инсонга хос турли белгиларни яхши очиш мақсадида уларга зид қўйилган ҳолда ҳам тасвириданади. Масалан, ёзувчи Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасида Ўрозвуқул худбин, муттаҳам, маънавий тубан шахс сифатида тасвириданади. Ундаги хусусиятларни ёрқинроқ қўрсатиш мақсадида уларга зид ҳолда буғуннинг софлиги, меҳрибонлиги, самимийлиги акс эттирилади.

Айрим адабий асарларда қушлар ва ҳайвонлар ўзларидан бевосита кинииларга хос бўлган хусусиятларни мужассамлаштирган образлар сифатида иштирок этадилар. Бундай аллегорик тасвирик кўпроқ эртакларда, масалларда ва қисман бошқа турдаги асарларда учрайди. Жумладан, Гулханийнинг “Зарбулмасал” асаридаги кўп қушлар тўридан-тўғри кишиларга хос бўлган хусусиятларни мужассамлаштирган қаҳрамонлар қиёфасида намоён бўладилар.

Бадний асарларда кишилар ҳаёти билан гурли даражада алоқадор ҳолда бўлган нарсалар ҳам акс эттирилади. Кўпинча нарсалар кишилар характеристикини ёки ундаги бирон хусусиятни туциунишга ёрдам берувчи воситга сифатида қўрсатилади. Масалан, Абдулла Қаҳдорининг “Синчалак” повестидағи Қаландаров жаҳул устида Саиланинг шляпасини бурдалаб ташлагани, кейин эса бошқа шляпа олиб бергани тасвири нади. Мана шу шляпа воситасида Қаландаров характеристикининг бир томони, яъни асаблари тараангашланганда, ғазаби ортиб кетишини, лекин айрим инсоний фазилатлардан ҳам маҳрум эмаслиги эдә қоладиган дарожада юзага чиқарилади. Баъзан нарсалар тасвири санъаткорининг қобилиятини, ижодий имкониятларини идрок этишга ҳам ёрдам беради. Жумлайдан, ёзувчи Ойбекнинг “Кутлуг қон” ва “Улуғ йўл” романларида ўтмишларни бойларининг хонадони, улардаги жиҳозлар, бизмлар, тортилган таомлар шу қадар муфассал ва ўрини-

ли тасвирланадики, улар билан танишган китобхон муаллифнинг қанчалик катта билимга ва истеъоддга эга эканлигини тасаввур қила олади. Тарихий мавзудаги асарларда вазият, бинолар, уй жихозлари тасвири китобхонда акс эгтиришган миллий, ижтимоий-тарихий рух, кишиларнинг яшаш тарзи ҳақида тасаввур ҳосил қиласи. Баъзида бир нарса ёки уни эслатишнинг ўзиёқ кишилар ҳақида, уларнинг ўйтуйгулари, ўзаро муносабатлари тўғрисида муҳим ва турлитуман тасаввурлар туғдириши мумкин. Ойбекнинг “Навоий” романидаги XV аср ёдгорликлари, мадрасалар, бозорлар тасвири шундай вазифани бажаради. Бундай бадиий тасвир марказида кишилар, уларнинг ҳаётни, ишлари, ўй-туйгулари, курашлари, табиятга ва жамиятга муносабатлари, ўзаро алоқалари туриши аён бўлади.

Бироқ инсон фақат адабиёт ва санъатнинггина мавзуи эмаслигини уннутмаслик лозим. Инсонни ўрганиши билан физиология, тарих, антропология, этнография, руҳшуннослик сингари қатор табиий ва ижтимоий фанлар ҳам шуғулланади. Бу ҳол “бадиий инсоншунослик”нинг ўзига хос хусусиятларини аникроқ тасаввур этиши зарурлигини тақозо қиласи.

Адабиёт ва санъатда инсонни бадиий тарзда талқин қилиш фандагидан даставалшу билан фарқланадики, улар ўз манбанин илмидаги каби қисмларга ажратиб эмас, балки жонли яхлитликда, бир бутунликда тадқиқ қиласи.

Жонли яхлитлик, бир бутунлик санъат ва адабиёт мавзунинг энг муҳим хусусиятларидан, уларнинг мавжудлиги учун зарур бўлган шартлардан бири ҳисобланади. Бундай яхлитликсиз санъат ва адабиёт кишиларнинг бутун вужудига таъсир ўтказиш курдатига эга бўлган жонли образлар бунёд этолмас эди.

Бадиий тасвир фақат ҳаётнинг гўзал томонлари билан чекланиб қолмаслигини кўплаб адабий асарлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, ёзувчи Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” романидаги маънавий, ҳам табиий гўзаллик тимсоли ҳисобланувчи Кумуш образи билан бир қаторда турли ярамасликлар билан шуғулланувчи, ташки қиёфаси ҳаддан ташқари хунук Жаннат портретини ҳам чизади.

Шундай асарлар ҳам борки, уларда кўпроқ ёки бутунича салбий персонажлар тасвирланади. С. Айнайининг “Судхўрнинг ўлими” асари фикримизнинг далили бўла олади.

Бу қонуний ҳөздір, чунки кишиларнинг ҳәёттің билимдері ва үндістің үз үрнеларини анықтаб олишлари учун тұрмұндағы гүзәлдік жаңылардың қызығынан да қолисалар билән ҳам, фожнали ва күштілік ҳолисалар билән ҳам таниш бўлмоқ зарурдир. Киниларга мудайян ахлоқ түрини ташыб олишига, қандай яшаш қераклігини англантага ёрдамлашадиган оммавийлик, янын күпчилік учун ғоявий, ахлоқий, жетек қимматта эга бўлини хусусияти санъат ва адабиётини чинакам кўламиши белгилайди.

Киниларнинг қандайдир илмий фаолиятини, уларнинг фан-техника соҳасидаги кашфиётларини тасвирилаш мумкин ғомаслаги тұғрисида хулюса келип чикмаслаги ғозим. Иззат Султоннинг “Имон”, Асқад Мухторнинг “Самандар” сингарлар түрлі клеb ва соҳа кишиларни ҳәёттіга, фаолияттика банишланган, үз ичиги ҳар хил илмий мунозара шарнари қамраб олган асарлари ҳам күпчилликка қи ниқарлар, оммабон бўлини мумкин.

Санъаткор тасвирижайдиган ҳәёт ҳолисаларнинг ғоявий-жетек қимматта эга бўлиши масаласи доим замонавийлик муаммоси билди боеликди. Ҳар бир дәврда ёзувчилар әзтиборниң қандай ҳолисалар жалб қылниши ва уларнинг тасвиrlаниши ҳалқ ҳамда тарихининг мәтниниң талябларига қай даражада мос келенин пижоятни мухум мисаладир. Агар ёзувчилар үз замондошларининг таляб ва охижешлариниң ҳисобга олмасалар ёки улар учун мұхым бўлган ҳолисаларни чеглаб ўтсалар, пжаллар кинилар гомонидан унугиб юборыллади. Абдулла Қодир ий “Ўтган кунылар”га ёзған сўзбонинда романнинг замон тағиби билан ёзилғанын күйдігича изоҳлайди: “Моденик, биз янги даврда обек күйлик, біс, биз ҳар бир йүсінде үйим янни даврнинг янғынлары кетінен зорнамиз ва шунга ҳитеп досгоғынлик, романчылық ва ҳикоячиликтарда ҳам янги асарлар яратыши, ҳалқымызни шу замонининг “Тоҳир ва Зухра”лари, “Чор ларвеш”лари, “Фарход ва Нирин” ва “Бахром тұр”лари билан таништырышига үзимизде мажбурият ҳис етамиз”! Ҷемағ ёзувчи ҳалқ учун замонавий асарлар зарурлигини жула яхши тушуниш.

Ўзбек демократик шоирлари усамонларидаги янгиликтерни қалыпта олған билан чектиниб қолмаллар, билик ҳалқ

---

Қодир ий. 1. Ўтган кунлар. Т.: «Ўқадабийнандр», 1993. 1-б.

жылдарининде унинг ҳәтилаги онг мұхым, мұраккаб томон-ларға қаратынға ҳаракат қылыштар. Шунине үчүн ҳам улар-ниң аспарларыда меңнегінде халқ ҳәтигинин аяғын манжаларды үзүрмөн сипиғында иорозилік төйлери көп ўрин олды.

Куринадыки, утап аспарлар үлкән ёзувчилар ижоди билди үнаа замон ҳалқ ҳәті орасын мұстақам алоқа вужула келгенді. Бұның алоқа биізниң давримизда ҳам мавжуддир.

Адабиёт мавзұн билім замонавийлік орасындағы мұносадаттың түрі туындында оның замонавийлік туындағасинин мөддіятиниң аңғылбадомық зирур. Құнича бу туында сохта-ланғырыстады да құнчелікка әhamияті бүлмеган замонавий мавзұ ҳақындағы жаңынан виар белан алмастырыб юборылады.

Хөзірги ҳәт мавзулары ассоциациялар үшін асар ҳар дөнім ҳәм чыншакам замонавий бұлдырмайды да китобхоналар учун мұхым қысметшілердің сағовшыларға живоб беравермейді. Аксинича, узок қарихий үтмешінің акс әтириүүн аспарлар ҳам чу-кур замонавий рұх касб этині мүмкін.

Иккінчи жағон уруғы шылдарда ўзбек адабиетіда Хамид Олимжонининг “Муқанина”, Ойбекининг “Махмуд Го-робий” сипатары қарихий мавзудаты аспарлары нағдо бұлған. Үздірда мұалығтар үтмешілдердің қархамоныштық қысметиниң жон-линистік шылдарини иберіл көтіп күрестелесиңиң түбі билан ҳа-қимигінің фанцизмінің қаршы кураңды ғафолинкі, қархамон-никларға рухданырынша иштеп шылар. Шунда күра мазкур қарихий аспарлар үнаа даврда замонавий рұх касб этині.

Демек, үтмешінің ёзувчы яни етінде замонға ҳамоханы бұлдан томоғынан акс әтирииң китобонға бевосита унинг давриниң өрнеки аспарлар даражасында ғысыр үтказиши мүмкін.

Ёзүүнің тасвирлегендегі норса - ҳодисининг замонавийлігінің еки замон өмірлігінің аниқдінің иккі ҳоли, янын тарих өхнәжіліктерінің да алғыншылардың оның түрлінен бағынғаларының қысметінде олар үшін көрінісінде. Нархакиқат, агар аспарнинг мұдыммалары, унда акс әтиристан ҳодисалар замон манғылдары да түрлінен ижтимоий түрліліктердің, халқ омма-саны, олар түп инсоннан өхнәжіліктері билан ішерілсе, бу ҳодисалардың камрағ олғаннан күлемі, аспарлардың айрым замонлар мөхіттінин очиннин чукурларын адағын гираққиёт даражасында сипаттап болады.

Демак, тарихий ўзгаришларни адабий тасвир құлами билан боғлиқ ҳолда идрок этиш бу құламнинг муайян замон ва ижтимоий ҳаёт шароитлари, балниң тараққиёт қонуниятлари билан нурланғанлыгини түғри гушунишга ёрдам беради.

Бадиий адабиёт ҳам ўзининг англанған мақсадига эга. Унинг тарихий тараққиети ва буюк науқылары шундан гувохлық беради. Юқорида айтганимиздек, ёзувчилар инсон ва унинг ҳаётыни бош тасвир мавзуи қилиб олиш ҳамда воқееликдаги түрли томонлар ва ҳодисаларни унга боғлиқ ҳолда ақс эттириши йўли билан муайян инсонларни инсонпарварлик масалаларини ҳам ҳал қиласидилар. Адабиёттинг мавзуи каби мақсади ҳам ўзига хос бўлиб, улар ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, инсон адабиёттинг мавзуигина эмас, балки мақсади ҳам ҳисобланади. Инсон бадиий таҳлилнинг бош мавзуи бўлиш билан бир вақтда характернинг шаклланишини, фикр-туйғуларнинг бойиб боришими талқин этиш ҳәлиқий санъат асарининг мақсади бўлиб қолади.

## П Б О Б

### БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ МАЗМУНИ ВА ШАКЛИ. АДАБИЙ ОБРАЗ

#### Адабиётнинг мазмунин ҳақида тушунча

Бадий адабиётнинг мавзуи ва мақсади орасида узвий боғлиқлик мавжудиги сабабли ёзувчи ўз билими ва қарашлари шуктап назарилан акс этирган парса-ҳодисалар, ҳистайғулар, ўй-фирқалар адабиётнинг мазмунинг ҳам киради. Буни улуғ ҳинди ёзувчиси Робинилранат Тагор “Адабиётнинг мазмунин” номли ғылосида қойиндаги тарзда жуда яхши тушунтириб берган оли: “Ташки дунё бизнинг онгимизга таъсир қилиб, унди бошқа бир дунёни вужудга келтиради, бу дунё ташки дунёдан ҳосил бўлган бўёқлар, образлар, товушлар ва бошқаларга лиқ тўла бўлинин билан бирга, бизнинг яхшиятик ва ёмоғлик тўғрисидаги тушунчаларимиз ҳам, қўрқинц, ажабланнишларимиз, қайну ва ишодликларимиз ҳам у билан чамбировс боғлиқ, унинг турли-туман ташки ифодаси маънивий дунёмиздаги хазинамизга боғлиқдир”<sup>1</sup>.

Ёзувчинин “субъектив” баҳоси, фикрлари бадий мазмунин вужудна кеттиришида катта аҳамиятга эга. Санъат асарининг мазмунин субъектив ибтидоисиз вужудга келиши мумкин эмес. Ҳулли ишунингдек, ёзувчи Ойбек ҳам ўзининг “Навоний” романидаги XV асрдаги широнитин бутун мурakkаблиги, ҳамма асосий izzидиятлари билан қамраб олган бўлсалада, у даврга ўз яунёқларини, билими нуқтai назарилан ёнданшаганини сир эмес.

Асарда тасвириланинг ҳодисалар ва ифодаланган тоялар унинг мазмунини ташкил этади. Мана шу икки томон, яйни акс этирилган ҳодисалар ва ёзувчи тоялари узвий бириниб кеттандагина, китобхонининг қадбини ва онгини бойитадиган тоявий матзумин вужулига келади.

<sup>1</sup> Tagor R. Саккиз томони. Саккизинчи том. Т., 1965. 282-6.

Агар асарда нималардир тасвирланса-ю, улар воситасида қандайдыр фикр ифодалылыша, акс эттирилган нарасы-ходисалар китобхон учун маъносиз бўлиб қолади. Аксинча, асарда ёзувчининг ўй-фикрлари, муниҳадалари мавжуд бўлса-ю, муайян ҳаётий ҳодисалардан келтириб чиқаришмаса, улар китобхон учун мавҳум, ишонилиши қийин, қуруқ гоялар бўлиб қолади.

Тасвирланувчи ва ифодаланувчи томонлар ўргасидаги узвий алоқадорлик ҳатто лирикада ҳам ўз кучини сақлади. Маълумки, лирикада ишончилик ҳис-туйгулари, ўй-фикрлари асосий ўринини эталайди. Лекин улар ҳам воқеликнинг турли томонларига боғлиқ бўлади.

Бундан аён бўладики, лирик асарларнинг бой мазмунини китобхонга етказилишининг муҳим шартларидан бири — шоирларнинг ўз ҳис-туйгуларини ифодалаш учун жуда оз микдордаги сўзлар воситасида уларнинг жонли образини ҳосил этишларидир. Масалан, ишонир Ҳамид Олимjon “Ўзбекистон” номли шеърида ўлкамтигининг гўзат табиатиди қалбидан туғилган ҳис-туйгуларини қуруқ баён қилиб қўя қолмайди, балки уларнинг жонли образини тақдалантиради. Шунинг учун ҳам бу ҳис-туйгулар осонлик билан китобхон қалбидан жой олади.

Қисқаси, бадиий асар мазмунин объективиши ва субъективиши ибтидоининг акс эттирилган ва ифодаланган томонлари бирлигидан иборатлир. Асарда акс эттирилган ҳаётий ҳодисалар, қалтимга олинган мавзу, ифодаланган ғоя ва ёзувчининг ўйирга муносабати унинг мазмунини ҳосил этади. Шунинг аниқлаб оғландан сўнг бадиий асар шакли ва у билан мазмун орасигина и муносабат масаласига ўтиши мумкин.

### “Ҳаёт шакли” ва адабиёт шакли

Адабиёт ва санъатга хос бўлган бадиий образлилик ҳаёт шаклинидир. У оддий яхборотга ишбаган қизиқарғанидир

Маълумки, илмий, мантиқий тафаккур яхлит ҳодисаларин ва жараёниларин қиемлари, гуруҳларга бўлиб текнинади. Ҳаёт шакли, яъни образли шакл воситасида эса санъаткор юмониятни тасвир доирасига тортилган ҳодисалар, турмуши жартийлари, кинилярнинг тақдирлари, ҳис-туйгулари, ўй-фикрлари бир бутун, жонли ҳолда қамраб олинади.

Бундай қамраб олиш адабиёт ва санъаттнинг моҳиятига, улар олдида турган мақсал ва вазифаларга жуда мос келади, чунки гӯлақонли, жонли, яхшит, ҳаёттй манзаралар чизиш йўли билантина китобхон қалбидаги гўзаллик ва июллик тўйғусини уйғотни ҳамда унинг узини мукаммал инсон сифатидаги гарбиялаб боринига ёримоқ мумкин.

Инсониятнинг тарихий тараққиёти давомидаги юзага келган ҳаёт шакли, яъни бадиий образлилик санъаттнинг ўзига хос белгисига айланниб қўдди ҳамда воқеаликнинг жонли манзарасини гавдалантириши борасида бекиёс имкониятлар туедирди.

Адабиётдаги “ҳаёт шакли” ёзувчилар томонидан акс эттирилган воқеаликнинг жонли манзараларидан ёки сўзларда баён қилинган тасвирий воситалар ёрдамида ифодаланган жонли инсоний ҳис-туйғулардан иборатdir. Бу манзаралар, ҳис-туйғулар бадиий асарларни образли тўқимасида мазмун ва шаклнинг узвий бирзигини юзага келтиради. Адабиёт ва санъатдаги образлилик мазмун ва шакл ибтидоларининг мужассамидан, бирлигидан иборатлир. Адабий шакл кўплаб турли-туман, композишион ва тилга мансуб тасвирий воситаларни ўз ичига қамраб олади. Улар ҳақида мазкур китобнинг иккичи бўлимида гапирилиди.

### **Адабиётда мазмун ва шакл бирлиги**

Мазмун ва шакл бирлиги, бадиий образ доирасида уларниң ўзаро алоқадорлиги санъаттнинг муҳим, қатъий қонуниёти. Буни энг улуғ санъаткорлар асрлар давомидаги қайта-қўйта гъельдаб келалар. Жумладан, Алияпер Навоий мазмун билан шаклнинг бирлиги тўғрисида “Ҳайратул-аброр” дастонидаги қўйилдагиларни ёзган эди:

*Назмда ҳам асл анга маъни дурур,  
Булесун анинг сурати ҳар не дурур.  
Назмки маъни анга марғуб эмас,  
Асли маъни қонаидаги хўб эмас.  
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,  
Зиннида маъни доти дилкаш анга.*

Мазмун ва шакл асарда шундай бирнишиб кетсанки, уларни бир-бирюзан ажратиш қийин.

Биз қандайдир лирик шеърда шоир томонидан ифодаланган ғояни түшүнчалар тишиң күчиреб, сүзлаб беринимиз мумкин, лекин у ҳолда мазкур ғояга, шоирининг асосий фикригү бөлгүнөң изик ҳис-түйгулар, ўй-кечинмалар йүқөлиб қолыди. Биз қандайдир роман ёки драмада илгари сурىлган эң асосий, умумий фикрларни таърифлаб беринимиз мумкин, бирок бу таъриф ҳеч қаңон асарининг жоюни, бир бутун бадий мазмунин ўрнини боса олмайды. Шунинг учун ҳам улуттук немис шоир Гёте ўзининг “Фауст” номлы буюк трагедияси ғоясини сөздө қылыш түшүнтириб беринидан бош тортган эди.

Илмий асарларда ҳәйкәлнинг түрлүү түмандыктердөң көрүлгөнлөгү, асасан умумий қонунчылардың, ҳукм ва хүлесаларда іозаты чи-  
қады. Бадий асарларда оса мазмунуна шактыйлыктын түфай-  
ли күп көрүлгөн борлык жөнүн ҳөзүл алохидаттар да  
үзүнгө хос сифатларинин ўзиро алохидаттарда намоён бузни-  
шида рүёбга чиқады. Бадий асарлар китобхон тасаввурнага  
кучли таъсир күрсөттүн құдараттаға этілді. Бүндай таъсирчан-  
лилікка әзүвчилик аниқ сүзілір ердамида ҳосын этиелеш об-  
разлар воситасыда өрнекшеленіп, чунки бу образлар гүйе сөнья-  
ткор ғояларинин нурланытириб, үқувчи онгила, қалбидан нозик  
түйүлдер, үзгариштар туелирады.

Бағын алабиёт наимұнасаарыда мазмун ва шакт үзаро мұнисабатда бұлады, алоқалор ва ииесінің хуесүсінің оға бұлған түшнүнчалар хисобланады. Асардат қандайдір үнсурға ииесінен мазмун хисобланувчи нареа болықаларига ииесінен шакт вазифасын ұтаппі мүмкін.

Мазмун ва шакл бир-бирига ўтиин мумкин, образ ғояғы иисбатан шакл бўлса, гоя ҳаётга иисбатан ишқлинир.

Худди шүнніңдек, бирор мазмунни ифолаючи шакт үз ҳолиң і бонаңа ҳәттій масалаларының мужасасамлаптириши, мазмундор бұлшыны мумкін. Мазмун ва шакт бирлігі қонуғи композицияның усулдары да ғасирий воситарапта ҳам талаптуқшылар, чунки ҳеч бир мазмун шактесиз бұлмаганидек, ҳеч бир шакт ёки ушинғанында ҳам мазмунесиз бұла өдмайтын.

## Бадий образ хусусиятлари

Воқеңекиң образын тарзда ақе әттириң алабиёт ва саньатинин ассоций белгиләрдән бириди. Образын ақе әттириң

алохыда шахсларда, ҳодисаларда, мұайян ҳақ-түйігуларда ҳәёт-нинң умумий, қонуний томонлариниң күрсатинин тақозо қылади. Албатта, образли гасириңнің бундай мұраккаб күри-ниниң санъатда бирданияғай иайде бўлиб қолған эмас. У узоқ тарихий тараққиётининг маҳсулиди.

Қалым замонларда, ибтидоий жамоа түзумида санъат асо-сан айрим ҳодисаларға, ҳәракаттарға, шахсларга тұғридан-түрги тақпид қылыштың әки үларниң ұхииштани юзага келти-рилдиң иборат әди. Үнде айрим ов мінзаралари, жаншар, лекциончилік иншары, воқеалар бевосита гавдалантирила-ди. Лекин санъат тараққиётининг әнг әастлабки босқычла-рилаәк, ҳодисалар, ҳәракаттар үз шахслардаги ҳамма нараса-ни эмас, балки мұхим күринган, аниқроғи, мұайян ҳәёт шароитлары учун зарур бўлған томонларни тасвирилапта ин-тилини тамойили күртиди.

Антик дунё адабиёттада эса айрим шахслардаги умумий томонлар ҳақыда онтеги тасаввур шактескенгани күзға ташла-нали. Бу тасаввурни иззарий жиҳатдан асослаган Аристотель тарихта инсебатан иоззия умумийроқ томонларга боғлиқли-гинаи әзган әди, поэия умумийроқ ҳодисалар ҳақыда, тарих эса айрим во-қеалар тұғрисендеғаныради. Қаңдайдыр харakterлы инсон га-шириши әки қылыштың экстимол, ёхуд зарур бўлған нараса уму-мий ник ҳисобланыди. Антик адабиётда умумийлик дейил-ленда, мұайян ижтимоий түрүхшар үзүннен шарниң үзи-га хос белгиси түшүнүлмаган бўлса-да, униң образлари уни дарв қишилари учун қизиқарди, кенг ёйилған томон-ларни күрсатинига уриниш бўлғанинигидан далолат беради.

Адабиёттеги кейини тараққиёттана мұайян синфлар, түрүхшар үзүннен шарниң үзи-га хос белгилари-ни мужассам тапшырыган шахслар типи ёрқинроқ ва гүлиқ-роқ күринга бошлайды.

Инсоният тағықкури тараққиётининг буюк ютуқлари ту-файын воқеенекшілік умумий мұхим ви тишик томонларини, ҳоди-салар мөхияттінин “ҳәёттің шикіз” да очиб берини чинакам бади-иі обра-жарниң асосий хусусиятларидан бирига айланди.

Алабиёттеги нодир намуналариниң ўрганиш бадиий об-разининг тарихий шактескенгани иккі әнг мұхим хусусиятини ажратиб күрсатини имконини беради.

Бадий образын хос биринги хусусият, юқорида айтылғаныдек, уннан жоңған, аниқдиги, үшінгі хос белгиларға бойлығы бұлғып, бу хусусият саңыттаға адабиёттің кишилдерге хиссей тағсыри құдратини белгілілайды. Масалин, халқымызданнан үтмешін, хусусен, XIX асрларға ҳаёті, тарихи оддий ҳолда мәнгілкій равиннанда, түншічалар өрдемнің сұзлаб берилгенде мүмкін, лекин у кишине әзувичи Абдулла Қодирійнің “Ұтған күндер” романында чызылған мәзкур давр мәнгілдері, қаҳрамандарының тақдирләри, ҳаяжонлары даражасыда жоңған тасаввур бермайлы.

Образининг иккінчи үзінді хос хусусияти шундан иборатки, у үндегінде анық, гакрортамас, шу билан бирде, умумий, тиңик белгиларниң мужассамлапирады.

Бадий образининг санағ үтілған хусусиятлары уннан китобхонға, томоцибинға, тиңлевчинға құрсағатидан тағсыр құдратини оширады ва саңылткор ҳис қылған, үйдіб юрган, тұқыб чиқарған нараса ізрии яққол жонланғанын учун көнгі имконияттар очып берады.

Айтғаныларымиз бадий образдары умумийлік ва хусусийліккінің бірлігінің қақида дастандық ҳудоса чиқарып үткен асес бұла олади.

Агар шоир үз олшын қандайдир бир жоңған тасвирлары мақсадынның құнінб, унниң күнелаб белгіларынц, аникроғи, мұхым томондарының санағ чиқса, у ҳолда поэзия әмас, оддий жуғроғия вужуда келеді. Акениңча, шоир үшін жоңғаннан жуғроғий хусусиятларының қайл қилиніп билең шуғылданмайды, уннан дақылкій қиёфасын, жопты мәнгіларасын өркінләштерувиш белгіларының құрсағати берсе, у ҳолда чиншакам поэтик образын тасвир қозага келади.

Фикримиздинң дағылғы сифатыда Абдулла Қодирійнің “Обид кетмоң” повестида Тиктепә қиңілори қандай тәърифланғаныннан зерттейді: “Иккі томонимиз тоx тұқай кабиғұза билан ва тоx үйнінчка, баъзан мони ва жұхориілар билап ұраған ҳолда ярим соат чамаси жашубы-ғарбда қарағаб борғніміздан кейин әнгілілары Тиктепә қиңілорининң тәварағатындағы бөг-бөргеларинің дарахтлары, ундан сүнг қиңілорқиңнан үні елжасына күкілам үфқига чиқа тұрган бир наңа лойқа болуғ қабіп өттегі Тиктепә құрналады. Бора-бора тене әйрайнб қиңілорқиңнан гузарылған үй-ғон түп толлариниң түрт томонға құлоч отанған буюқтары, буюқтар орасынан “Четкин”

колхозининг бултур солған зўр клубининг оқ тунука томи, шу клуб ёнига район маорифи томонидан бултур солиб берилган етти йиллик қишлоқ мактабининг қизил бўёқли тунукаси, ичига матлубот кооперативи, қишлоқ омонат касаси жойлашган, ҳозирча деворлари рангланмаган иморат. Унинг нариги ёнидаги шу кунлардагина рангдан чиқиб, оппоққина бўлиб кўринган қишлоқ касалхонаси, янги биноларнинг бешинчиси бўлган ва ҳозирча дераза, эшиклари курилиб битмаган “Четан” колхозининг хунар устахонаси томлари кўрилади”.

Бу нарчада Тиктепа қишлоғининг айрим қўрсалари кўрсатилади. Ҳатто ҳали унда йўқ нарсалар, белгилар, қилинмаган ишшар, яъни деворлар рангланмаганилиги, дераза-эшиклар ўрнатилмаганилиги ҳақида маълумот ҳам берилади. Лекин мана шу чизгиларнинг ўзи ҳам қишлоқ қиёфасини, унда содир бўлган ўзгаришларни дангал тасаввур қилиш имконини беради.

Кўрамизки, санъаткор идрок этадиган нарсалар ва шахсларда уларга хос бўлган айрим белгиларнинг барчаси эмас, балки муайян ҳаётий вазиятда улар учун характерли, муҳим ҳисобланган томонҳар юзага чиқади. Бундан нарса - буюмлар ва ҳодисалар қандайдир тайёр схема (тарх) асосида тасвиранниши керак экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Бу ерда гап бадиий асарнинг узвий яхлитлиги, яъни унда ҳар бир деталь (тафсил) муайян ғоявий-бадиий мақсадга бўйсундирилган бўлиши ҳақида бормоқда. Барча белгилар, тафсилотлар, чизгилар жуда катта қунт билан ташланниб жамлангандағига ҳодисалар ва характерларнинг моҳиятини очишга, турмуш минзарасини кўреатишга хизмат қиласди.

Турмуш минзарасини кўрсатмай туриб, санъат ўз мақсадига эрини олмайди. Маълум бўладики, бадиий образининг ўзига хос белгилари бойлиги тасвиранлаётган нарса-буом, ҳодиса ёки киннитларга хос хусусиятларнинг барчасини кўрсатини эмас, балки улардан алоҳида ажралиб турувчиларини, уларнинг моҳиятини очиб берадиганларини жамлашини анилатади. Аммо бу фикрни ҳам жуда кенг маъниода тушунини керак эмас, чунки бадиий асарлардаги айрим персонажларга хос баъзи белгилар учун характерли бўлмаслиги, фақат тақоролганимас, фавқулодда томонларни алоҳида ажратиб кўрсантига хизмат қилини мумкин.

Адабий образларда нарса ёки ҳодисаларининг нусхаси эмас, балки уларни бадиий равишда тадқиқ этишининг натижалари мужассамланган бўлади.

Баъзи адабиётшунослар образлиликни ёрқинлик тущунчалиси билан тенглантириб қўялиштар ва “ҳаётий шакл” фақат бизга аниқ кўриниб турган нарсаларни акс этириши зарур, деб ҳисоблагйилар. Лекин “ҳаётий шакл” цундай акс этиришининг ўзи билангина чекланмайди. Лирик шоир томонидан ифодаланган ҳис-туйғулар, эпик ёки драматик асар қаҳрамонлари томонидан илгари сурниган фикрлар ёрқин ҳолда кўзга кўриниб турмайди, бироқ улар санъаткор фикр-туйғулари билан уйғунлашиб кетган ҳолда китобхон оипига яв қалбига худди кўриниб турдиган нарсалардек таъсир ўтказа олади. Лирик поэзия китобхонга, асосан худди шунда таъсир кўрсатади, чунки унда баъзан яққол кўринадиган образлар учраса-да, ҳис-туйғулар ва фикрларининг ҳиссий ифодаси етакчилик қиласди.

Шоир Ҳамил Олимжоннинг “Ўрик тултаганида” ишеридаги:

*Деразаминг олдида бир туп  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...  
Новдаларни безаб ғунчалар  
Тонгда айтди ҳаёт отини,  
Ва шаббода қурғур илк саҳар  
Олиб кетди гулнинг тотини, —*

сингари мисраларни

*Майли дейман ва қилмайман ғаш,  
Хаёлимни гулга ўрайман:  
Ҳар баҳорга чиққанде яккаши,  
Бахтим борми дея сўрайман, —*

каби сатрлар билан солиштириб қўрамиз.

Аввалги олти мисрада аниқ кўриниб турдиган яққол образ мавжуд. Ундан биз ҳаётда баҳор фасли бошланниб, табиат гулга бурканганини, олам гўзаллашганини билиб оламиз. Натижада қўлбимизда позик кечинималар туғилади. Кейинги тўрт мисрада эса табиат гўзаслашгани оқибатида шоир руҳий лунёсида юзага келган кўтаринки мушиҳадалар би-

лан танишамиз. Улар ҳам китобхон онгига ва қалбига кучли таъсир ўтказади: шоир ўйларини ўқувчи қайтадан идрок этгандек ва ҳис қилгандек бўлади. Шу сабабли унинг маънавий дунёсида янги-янги ўй-фикрлар туғилади.

### Образли тафаккур ва бадиий тўқима

Баъзи ҳолларда образли тафаккур жараёни бирмунча нотўри талқин қилинади. Бу талқинга кўра ёзувчи ҳаётни ўрганиши ва унинг қонуниятлари моҳиятини англаб етишини натижасида онгига муалляни тоялар туғилади, кейин эса у ўна тояларни китобхонга стказиш учун мос келадиган ҳаётни ҳодисалар, инсоний характерлар қидириб топади. Бундай соҳта талқинда образли тафаккурнинг ўзига хослиги, яъни санъатни санъат қиласидаган томони эътибордан четда қолдирилади. Бунда бир бутун, яхлит бўлган образли тафаккур жараёни ғайритабиий равишда икки қисмга бўлиб қўйилади. Чиндан ҳам образли тафаккур воқеаликни жонли кузатишдан, ҳис этишдан бошлинида ва қиёслаш натижасида туғиладиган янги-янги ҳис-туйғулар ҳамла шаклланиб, ривожланиб борадиган тоялар, фикрларнинг чексиз оқимишдан иборат бўклини. “Образли фикрлар” ёки “бадиий тафаккур” деб аталадиган бу мураккаб жараёнининг ўзига хос хусусиятларини тўғри тушунмоқ учун у ҳақда буюк ёзувчilar ўзларининг ижодий тажрибалирига суняган ҳолда айтган сўзларини эслаш ўриши бўлади. Жумладан, Абдулла Қаҳҳор бу хусусида шундай деган эди: “Ўри” деган ҳикоям 1936 йылда, худди Чехов асарларини қидириб юрган нақъларимда ёзилган... Аммо бу ҳикояни ёзипча “Анор”даги Бабар, “Бемор”даги она хизматини ўтаган одамини кўрган, шунинг ухнаш бирон воқеанинг шоҳиди бўлган омасман. Хотирам ва қўйини дафтарим ёрдам берган бўлса, борлир. Лекин бу картинани мен тасаввур қилганиман, ўйлаб чиқмаганиман. Аммо ҳамма ган шундаки, хотирам ёки қўйини дафтарим бу ерда менни худди ину деталларини эслитади. Шу деталлардан характер униб чиқди. Қроззала деталларнинг аҳамияти ва имконияти тўғрисине Чеховининг менни берган сабоқларидан бири ҳам шу эли.

Кунлардан бир куни ён лафзаримга халқнинг ҳазил-мутойиббаларидан “Йўқолмасдан ишлари бормиди”, деган иборани ёзib қўйган одим. Бегараз ҳазил тарзидаги айттиладиган

бу ибораны амин хүккизи йүүқолыб арзга келгап мүйсафил дэхконга айтсанда, ҳеч күтпілмаган даражада ўткыр ва чуқур мының қасб отди, менниң ихтиёримдән ташқары ижтимоий күнчә оға булди, айни чөндө ишхе характерини очиб юборди.

Бүгүн хикояни мен болыпти-оёқ дегалын, хіректерлі савол-жавоб ассоция құрдым. Бир вакыт қарасам аслида йүқ кекес дехқон ҳам, уны қалтака қылувчи амалдор ҳам воқеиликтән күчиріб ёзған илгерігі қаҳрамандарымға қаратаңда жонлироқ чиқпіби. Бүгүн күріб ҳайрон бүлдім ва сүюниб кетдім”.)

Аслида осласаның, хикояда характерлар ҳам чизилған, ҳәлгей шарт-шароиттар ҳам ҳайратта қоларлы даражада инициарлы күреатилдікі, оқибтіл тиілге олинған кишилар, үйларнинг тақдіри ўз-үзіншін күз озінимизге келгандек бўлади. Ёзувчи учратған ва бевосита күзаттан одамларнин ташқы қиёфаси яхни тасвирлантимы ёки унинг тасаввуридә гавдалантган ва ўйланға, қиёсташы, сингез қилишта имкон берган манзараляр ҳаққоний чиққатин? Буни аниқлаш қынин. Қандай бўлмасин, ёзувчи ўй-тоб чиқарған мазкур манзараларини ҳаммаси санъаткорниң кагта тажрибаси, беҳисоб күзатнисари, кишилар рухий дунёсими яхни билдиши нағижаси сифатида юзага келгап. Үб ерда эҳтимоллик ёки зарурият қонуниятларидан келиб чиқалған ҳаёт ҳақиқати күзтап таптинаади. Бундай ҳақиқат түғрисида узоқ ўтмишиша Аристотель ҳам ганирган эди.

Абдулла Қаҳҳор сұзларини түрін идрок отиш баданий тафаккур жараённин ҳаққоний тушунниси имкониятини берали, чунки уларда санъаткор аввал ҳаётни күзатиб, нөялар тоғиши, сұнгра уларни ифола қылувчи ҳодисалар түқиб чиқарини ҳақидағы фикрлернинг ассоцияллық яққолағен бўзиди. Хикояда фақат Абдулла Қаҳҳорнинг үзингагина хос бўлған санъаткорлик хусусиятлари эмас, балки умуми, образли тафаккур қонуниятлари равишан ағиб бўлади. Хусусийлик үзига хослық воениғасына умумийт, эҳтимол ёки зарурий томонларни ифодаловчи образлар яратып ёзувцидан жуда катта билимни, фанзияни, чуқур тасаввур эта билини қобиљиятини тағайынди. Илмни аспар бўйли ўтгчи, мавжуд ҳодисалар түғрисида ахборот берали, байдитиң ажабиёл оса олат туси-

---

Каҳҳор Абдулла. Асарлар, оғын томник 6-том. Т : Гафур Булом по мидаги Алабист на санъат нағиришін, 1971. 326-б.

га кириб қолған нарсалар ҳақида хикоя қилади, ишонтириши учун бәзі нарсаларни ўзидан құшади. Образли тафаккурда бадий тұқима тояг катта ахамиятта эга. “Дүнёда ҳар доим бұлалықтың әкі одат тусига кириб қолған” нарсаларни күрсатмоқ учун айрим ҳодисаларнинг нұсқасини әкі суратини чи-зиңиң керак әмас, балқи беҳісөб турмуш фактларини чуқур тадқиқ қылыш, муайян дәвр ва ижтимоий гурухдар, йұналиштар учун хос бұлған томонларни атрофлича идрок этиш зарур бұлади.

Бадий тұқима туфайли санъаткорлар катта ҳаёттің ҳақиқаттің мужассамлаштиришга мұваффақ бұлалылар: улур ёзувчиларнинг қаҳрамонлари ҳаётда шундай феъл-авторлы қишилар тасвирилген шароитларда қандай ҳаракат қылса, үйласа, ҳиссиеўтә берилса, худди шундай фикр юритадылар, ҳаракат қылайдылар, худди үшандай ҳиселар билан ишлайдылар.

Бадий тұқима ёрдамида ҳаёттің мөхияттін очиб берган ва тасвирилән маңорати билан китобхонни ишонтира олған ёзувчи асары турмуштің ўзидан олинған, тұқиб чиқарылмаган, лекин тасодиғий, хусусий тарздан дағыллардан иборат бұлған асарға нисбатан ҳаққонийроқ чиқади. Худди шунингдек, ҳаёттің мөхияттін очиб берган тұқима ҳақиқаттің тан олувчи одамға нисбаган донороқ бұлади.

Аен бұлалықи, бадий тұқима воқеликни образли акс эттириштің зарур шарти бұлиб, санъат ва адабиёттің маърифий ахамияттін, имкониятларини тұлпикроқ идрок этишимизге имкон беради.

### **Эпик, лирик ва драматик образлар**

Бадий асарларда воқеликни акс эттириш уч хил усул билан амалға ошириләди. Бу усуллар адабиёттің күп асрлар тараққиеті давомыда юзага келген ва шаклланған. Мазкур усуллар адабиёттің асосий адабий турлары билан бөрлиқ бұлиб, эпик, лирик ва драматик күринишларға әгадир.

Дастлаб келиб чиқдан эпик тасвир усули ёзувчига нисбатан таңқи дүнін ҳисобланувлы борлықни акс эттириштің иборатдир. Лирик тасвир усули воқеликдеги ҳодисалар таъсирида инсон қалбіда туғилған ҳис-түйғулар. Үй-фикрлар-

ни ўз тилидан ифодалаш асосига қурилади. Драматик тасвир усули эса аввалги икки хил усул имкониятларини ўзида жамлайди ва кўрсатиладиган воқеаларда иштирок этувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам, нозик ҳис-туйғуларини ҳам, улар ҳаракат қиласидиган шароитни ҳам ўзаро узвий боғлиқ ҳолда, воқеага аралашмай, ёзувчи иштирокисиз акс эттиришга суянади.

Мазкур тасвир усувлари адабиёт тарихида тасодифий равишда юзага келган эмас. Уларпинг вужудга келиши инсон ҳаётининг қонуниятлари, ўзига хос томонлари билан бўлилдири.

Айрим бадиий асарларда тасвир усувлари ўзаро муносабатга киришиб, чатишиб, бирикиб кетиши мумкин. Масалан, ёзувчи Сайд Аҳмад “Уфқ” романидаги асосан эник тасвирни етакчи қилиб олгани ҳолда, Дилдор тасвирида лирик бўёқларга кенг ўрин беради. Аъзам образини эса кўплаб драматик вазиятлардан олиб ўгади.

Эник, лирик ва драматик тасвир усувларининг ўзаро чатишиб кетиши билан бадиий талқин имкониятлари доираси қашшоқлашмайди, балки у, аксинча, тасвирга янада ёрқин таъсирчанлик ва теранлик бахш этади.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Биз бу адабии турлар ҳакида кейинпроқ алоҳида-алоҳида тўхтала-миш.

## ІІІ БОӘ

### АДАБИЁТ – ИЖТИМОЙ ОҢГ ШАКЛИ

Адабиёт билмас-тұғанмас ғоялар мәнбай ҳисобланады. Үнда турлы замоңтардаги кинниларнинг фикрлари, ўй-мулохазалари, орзу-умидлари, жамиятдаги сиёсий, мағкуравий, ахлюқий-тұлымий, фалсафий, диний ва башқа хилдаты қарандыры үз әкесини топады. Ҳар бир давр адабиётида үшін замон жамияттегі онт даражасы акс этады. Шу билан биргә, бадий адабиёт үзи акс эттирган ғоялар билан кишилар қалбига, рухига күчли тасьир үтказыб, уларда янги-янги қараңтЫР, фикрлар туғилишига, уларнинг маънавий жиҳатдан бойишыга, онтегиппенг үсилшігі хизмат қылалы. Шу хусусиятларига күра алаңбет ижтимоий оңг циклдаридан бири ҳисобланады.

Бадий адабиётыда ёзувчининг фикрлари, ғояларисыз чи-накам асар ижод құлапнин мумкин эмес. Агар асарда субъектив ибтидо, яғни ёзувчи ғоялари, фикрлари бүлмаса, у маърифий-тарбиявий ажамият қасб этолмайды.

Адабиёттегі ғоявийлігі ҳақида сүз борганда, бадий тафаккурининг үзігінде хос хусусияттегі ҳисобта олмаслық мумкин эмес. Ижоддаги муайян ғоявий йұналиш фақат мазмұннанда күра әтіледі, балки ифодалапши жиҳатдан ҳам мақбул ёки номақбул бўлини мумкин. Бадий асарларда ғоялар бөвосита сўзлінг үзи билан әтіледі, балки образлар ҳосит құлап нўли билан ифодаланғанда сабабли, улар қуруқ баён этилини мумкин әтіледі. Бу ғоялар, асардаги барча образлар, уларнинг үзаро муносабатлари бөвоситасыда юзага чиқарылады. Акс эттирилиёттеган турмұн манзараларига иисбатан мұаллиф муносабаттегі ифодалаш нўли билан асарнинг ғоявий-ҳиссесінде қуввати опирилады, лекин бадий тасвир үрнинде нубилицестика эгаллаб қолини мумкин әтіледі.

Бадий асарларнин ғоявий мазмұннанда мұаллиф муносабати аралашуви билан унин публицистик фикрларини айнаң бир нараса деб түннүн мумкин әтіледі. Бадий образларда мұаллифини алохиди-алохидиа фикр ва қарандылариги-

на эмас, балки онги ва руҳий дунёсиинг бутун бойлиги акс этганилги сабабли ҳам у қарашлар орасида баъзан зиддиятлар ҳам кўриниши мумкин.

Ёзувчилар ўз бадиий асарларида ифодалайдиган фоялар фақат улар тафаккурининг маҳсуси хисобланмайди. Агар улар фақат шахсий тафаккур меваси бўлганда эди, тасодифий хусусият касб этган ва кишилар онгининг ривожида муҳим аҳамият касб этолмаган ҳам бўларди. Адабиётнинг энг яхши намуналарида ифодаланган фояларда воқеликдаги ўзгаришлар, турмуш тажрибаси, турли ижтимоий синф ёки гуруҳларниң манфаатлари, қарашлари акс этади. Шунга кўра улар катта ижтимоий аҳамиятга молик бўлиб, миллионлаб кишилар қалбига, онгига етиб боради.

Адабиётнинг кўп асрлик тараққиёти тажрибасидан маълум бўлишичча, тарихий ривожланиш қонуниятларига таянган, унинг хусусиятларини тўғри тушунган истеъдолларги на энг яхши бадиий қашфиётлар қила олганлар.

Илфор гоявий йўнилишдаги ва юксак бадиий қимматга эга бўлган, халқ оммасига хизмат қиладиган алабиёт ҳар доими халқчил бўлади.

Ёзувчи дунёқарашни идеаларининг синфилиги унинг ижодий имкониятларини чеклаб қўяди, халқ манфаатларини тушунишга халақит беради.

“Халқчилик” атамаси ўзбек адабиётшунослигига шаклан асримиз бошида кириб келди. Аммо шоирлар илгари ўз асарларида ҳаётни улус, меҳнат аҳли манфаатлари нуқтаги назаридан баҳодор эдилар.

Халқ поэзиясида унинг муайян муҳим хусусиятлари акс этади, ҳар бир халқ руҳияти ва ижтимоий турмуши ўзига хос бўлади ҳамда бу ўзига хослик ўша халқ томонидан ижод этилган асарларда ўз изини қўйдиради.

Одамлар халқчилик туцунчасини меҳнаткашлар оммасининг қарашлари билан боелиқ ҳолда олиб қарагандар. Улар халқчиликни эскича талқин қилишни, яъни муайян миллиатнинг урф-одитлери, маросимлари, кийимларини кўрсангинангина иборат деб туцунпини инкор этиб, “ҳақиқий миллийлик сарафанин гасвиirlащдан иборат эмас, балки халқ руҳинини акс этирилишидадир”, деган жуда муҳим фикрга келдилар.

Энг ажойиб адабий асарларда халқ онги баён этилди, халқ руҳи ва ҳаёти худди ойнада кўринганидек аксланади.

Шоир болшқа халқ ҳәётини тасвирилаганда ҳам халқын, миңгий бұлғып қолиши мүмкін, чунки у бошқа халқ ҳәётіга үз күні ва нұқтаи назарі билған қарайди. Іззувчи чинакам халқчыл санъаткор бұлмоғи учун халққа хизмат құртмоғи, меңнаткаш омманиң манфаат да өхтиёжшарини қоңдирмоги зарур.

Улуғ ёзувчи ва танқылчиларниң фикрлари бундай адабиёт тажрибаси асосида, муайян адабиётниң, адіб ижоди-нинг ёки алохыда бир асарының халқчиллігінің ёхуд халқчыл эмаслигини аниқлашып имкон берувчи мүнштарақ белгилар, үлчовлар, мезонлар көлтириб чықариши мүмкін. Бундай белгилар “адабиётпенослиқда халқчиллік мезонлары” даражалары деб аталағы. Адабиётниң халқчиллігін белгилешінде оданда үттә мұхым мезонига асосланылады.

Бадий асар халқчиллігининг биринчи мезони шундан иборатки, унда халқ оммаси учун мұхым ва қызықарлы ҳодисалар ҳамда ҳарактерлар тасвириләніші лозим. Табиийки, тасолиғий, нотипик нараса-ҳодисаларни акс эттириш билан халқ оммасининг “ҳәёт дарслеги” олдига қүйиладын та-лабларни қоплириб бўлмайди.

Энг яхши адабий асарларда ҳар доим муайян даврда халқ оммасини ҳаяжонга согтап масалаларга жиғдий ытибор берилган, ижтимоий тараққиёт қонуниятлари юзага чиқадын мұхым ҳодисалар акс эттириб келинганды.

Адабиёт халқчиллігининг иккінчи мезони ҳәётни даврининг илғор идеаллари нұқтаи назаридан ҳаққоний акс эттиришни тақозо қылады. Одамлар ҳәётни ҳаққоний акс эттириш бадий асар халқчиллігини таъминловчи асосий шартлардан бири эканлиги ҳақындағы фикрни илгари сурған эдилар. Ёзувчининг эзгу мақсади, юксак ғоялары бадий мұкаммал шакл воситасида рүёбга чиққандагина унинг асари халқчыл бўлади. Адабиёт халқчиллігининг аввали икки мезони билан чамбарчас боғлиқ учинчи мезони асарда худди мана шу бадий мұкаммаллик бўлишини, ният, етуқ ва тақрорланмас қаҳрамонлар олдий халқ тилида тушунарлы ҳарактерлар орқали тасвирилаб берилиппини тақозо этади. Шунга кўра, ёзувчининг бадий маҳорати масаласи ҳар бир санъат асарида, хусусан, адабий асарда катта аҳамиятга эга.

Демак, воқеликдаги кеңг халқ оммаси учун мұхым ва қызықарлы бўлған ҳодисаларни илғор ижтимоий идеаллар нұқтаи назаридан, ҳаққоний қамраб олган, мұкаммал ба-

диййилк асосида акс эттирган адабий асарлар адабиётнинг чинакам халқчил намуналари бўлиб қолади.

Халқчил асарлар оммага етиб бориши учун муайян шароит ҳам зарурдир.

Адабиётнинг халқчиллиги билан бир қаторда буюк ёзувчиларнинг ва улар ёзган иодир асарларнинг умуминсоний аҳамияти ҳақида ҳам гапириши зарурдир.

Адабий асарларнинг халқчиллиги ва умуминсоний аҳамияти масалалари ўзаро узвий боғлиқdir: халқчил бўлмаган асар умуминсоний бўла олмайди. Маълумки, ҳар бир санъат асари муайян халқ ижодкори томонидан юзага келтирилади.

Чинакам халқчил асаргина бошқа мамлакатларга ёйилади ва умуминсоний аҳамият қасб эта олади.

Бутун инсоният манфаатларига мос келадиган чинакам халқчил асарларгина миллий доирадан чиққан, лекин миллий ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда умуминсоний аҳамият қасб эта олади.

Муайян ёзувчи ёки адабий асарнинг умуминсоний аҳамиятини аниқлагандан бадиий тараққиёт хилма-хиллигининг тарихий қонуниятларини, унинг ижтимоий меҳнат тақсимотига ва ижтимоий турмушнинг ўзига хосликларига боғлиқларини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Ҳақиқий санъат умуминсоний аҳамият қасб этади, барча халқлар учун намунага айланади.

Энг яхши адабий асарларда ҳаётнинг асосий жараёнлари ва халқ онги акс этиши сабабли улар орқали ўша халқ адабиётининг қай даражада умуминсоний қимматга эга эканигини ҳам аниқдайди мумкин.

Демак, адабиётнинг халқчиллиги ўзига хос босқичларга, поғоналарга эга. Энг юқори поғонада ижодида умуминсоний мазмун акс этган шоирлар туради.

Адабиётда умуминсоний мазмун ҳар доим бевосита турли халқлар ҳаёти манзараларини гавдалантириш, ҳар хил миллатга мансуб бўлган кишилар характеристини вужудга келтириши йўли билангина ифодаланишини шарт эмас. Миллий доирадан ажralмаган, лекин ўзида бутун инсоният учун муҳим, тушунарли, таниш фикр-туйғуларни мужассамлашибирган асар ёки қархамонлар ҳам умумбаниарий аҳамиятга моликдир.

## IV БОБ

### БАДИЙ АДАБИЁТДА ТИПИКЛИК МУАММОСИ

Бадиий образ хусусиятлари түркисида сүз борганды, унда алоқида үзига хос, хусусий, тақорланмас белгиларда бир қатор ҳодисаларга, кишиләрге ва ижтимоий йүналиштарга доир умумий, ҳарактерли томонлар акс этини айтилған эди. Алоқидалик билан умумийлик орасыдаги бундай алоқидорлик бадиий образининг жонлилигини, бир бутунлигини таъминтайтади, маърифий аҳамиятини белгилайди ва ёзувчи күзда тутган ҳаёт ҳақиқатининг мөдияти очилишига имкон беради. Ҳаёт ҳақиқати мөдиятини очиш эса адабиёт олдилда турған тарихий мақсадлардың мөдиятини амалга оширишининг зарур няртидир.

Лекин ҳаёт ҳақиқати деганды нимани түшүнмоқ керак ва у бадиий адабиёт образларыда қандай юзага чиқарылади? Мазкур саволлар да масалаларни түбәри идрок этини типиклик муаммосининг мөдиятини англишига йўл очади.

Машхур адабиётчинос Л. Қаюмов “Типиклик — бош мезон”, деган асарыда айттишиб, типиклик ижодининг асосий қонунларидан бириллир<sup>1</sup>.

Фақат ҳодисалар, ҳарактерлар, вазиятларниң мөдиятини очиш йўли билиниша ижтимоий ҳаёт ёки унинг тараққиётидаги муайян босқич ҳақида тұғри тасаввур ҳосил қылыш мумкин.

Адабиётниң бош тасвир мавзуи — инсон, ёзувчиларниң диққат марказыда инсон ҳарактери, ижтимоий типлар туради. Адабиёт үзининг муқаддас бурчини ҳарактерлар да типларни бадиий күрсатиш йўли билан адо этади.<sup>2</sup>

Агар ёзувчилар кашиф этган инсон ҳарактерида миллион-миллион киниларга хос хусусиятлар ўз ифодасини топмаганида, у ҳарактерлар китобхонларни ҳаяжонлантиrolma-

<sup>1</sup> Қаюмов Л. Аср ва наср. Т.: Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 74-103-6.

ган, бир-бirlарини ва ўзларини тулпунншларига ёрдамлашолмаган бўлар эди.

Шу билан бирга, биз адабиётда типик, умумий, мунггарак белгилар ҳар доим ўзига хосликда, алоҳидаликда юзага чиқишини, фақат шундатина жонли бадиий образ вужудга келишини унугтаслитимиз керак. Олимлар типни фақат кўпчиликка хос хусусиятлар бирикмаси деб тушигувчи “наэтиётчилар”га танбех берib, типларда умумийлик билан алоҳидалик бирлиги қандай бўлишини таърифлаган эдилар. Шоир шахсларнинг ҳар бирида умумий, типик томонлар борлигини пайқайди: у турли кишилардаги хусусиятларни ягона бадиий яхлитлик допрасида бирлашгиради.

Шундай қилиб, типиклик муаммосини бадиий адабиётнинг ҳаётни билиш, ўрганиш соҳасидаги вазифалари ва имкониятлари масаласи билан боғлиқ ҳолда идрок этганда, биринчи навбатда, адабий образларда муштарак аломатлар алоҳидалик тарзида намоён бўлишини эътибордан четда қоллириш керак эмас. Бошқача қилиб айтганда, адабиётда типик аломатлар ўзига хос белгилар орқали ифодаланади, кишиларнинг типлари эса инсоний характерлар воситасида ҳосил бўлади.

Характер бу муайян инсонга хос белгилар ва хусусиятларни ўзида мужассамлантирган алоҳидаликдир. Бу ҳозишу билан изоҳланадики, инсон ҳаётда турли-туман мунисабатлар ва алоқаларга киришганда унинг онти ва хулиқида ўни мунисабатлар ҳамда алоқаларга мос келадиган томонга ўтилалади.

Чинакам реалистик асарлардаги кўплаб ҳис-туйғулар, фикрлар устидан ҳокимлик қўйувчи кучли оҳтиросли инсоний характерлар кўп қиррали бўлади. Характернинг кўп қирралилиги санъаткорлар томонидан кишиларга хос хусусиятларни сунъий равишда, тарқоқ ҳолда бирлаштириш йўли билан юзага чиқарилмайди. Юқорида характернинг муайян алоҳидаликдан иборат эканлиги айтилганди. Ҳар бир характернинг алоҳидаликка айланинининг сабаби шундаки, ёзувчилар ўзларининг асосий эътиборларини шу характернинг барча хусусиятларини ўзаро боғлиб турувчи етакчи белгисини очиб беришга қаратадигар. Характернинг етакчи сифатини тасвирлаш адабий асарларда ниҳоятда катта аҳамиятга

әгадир. Шундай тасвир туфайли китобхонлар асардаги образларнинг ижтимоий моҳиятини англаб оладилар.

Ёзувчи Асқад Мухторнинг “Давр менинг тақдиримда” романининг қаҳрамони Аҳмаджон характеристида жамиятнинг илғор кишиси бўлишга, давр билан ҳаминафас боришига, шу йўлда фаоллик кўрсатишга шигтиши туйғуси етакчилик қила-ди. Шу билан бирга, Аҳмаджон инсон баҳти, ўз муҳаббати, мазлум ҳалқлар озодлиги ҳақида ҳам кўп ўйлайди, баъзан изтироб ҳам чекади, гоҳида қаттиқ газабланади. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси Аҳмаджон характеристидаги етакчи жиҳат до-ирасида, у билан узвий боғлиқ ҳолда акс эттирилади.

Ёзувчилар тасвирланаётган характеристларнинг етакчи белгиларини очиб берар эканлар, уларни бевосита ёки билво-сита ижтимоий ҳаёт қонуниятлари билан алоқадорликла кўрсатадилар. Бунинг сабаби шундаки, мазкур етакчи белгилар шу ҳаёт заминида туғилган ва шаклланган бўлади. Етакчи белгиларни ижтимоий ҳаёт қонуниятлари билан боғлиқ ҳолда очини характеристларнинг умумий, мушгарак томонини юзага чиқаришга имкон беради. Натижада характер типиклик касб этади. Типларда муайян ижтимоий гурӯҳ, синф, ҳалқ учун хос ҳисобланган хусусиятлар мужассамлашган бўлади. Типларнинг маърифий аҳамияти, биринчи навбатда, уларда ижтимоий ҳаёт тамойиллари қанчалик ҳаққоний акс эттирилганлиги, унинг қонуниятлари қай даражада чу-кур очилганлиги билан белгиланади.

Чинакам бадиий асарларда ҳар бир тип, албатта, характер (муайян шахс) бўлади, чунки ҳар бир образда муштарак умумий белгилар алоҳида тақрорланмас хусусиятлар тар-зила юзага чиқади. Ўзиди муайян замон, ижтимоий-тариҳий шароит, ижтимоий йўналишлар ва ғояларнинг муштарақ, умум учун аҳамиятли томонларини мужассамлаштирган ха-ракетларгина тип даражасига кўтарила олади. Шунинг учун ҳам чинакам типларнинг юзага келтирилиши ҳаёт жараён-лирига чукур кириб борини ва воқеаликни бадиий идрок этиши-нинг натижасидир.

Бу ўринда адабиётшуносликда ҳалигача хато бир қараш, яни реал кишилар характеристи билан адабий қаҳрамонлар характеристини айнан бир нарса деб тушуниш ҳоллари учрайди. Албатта, ҳар бир чинакам ёзувчи реал ҳаётдаги кишиларни ўргантан ҳолда адабий қаҳрамонлар образини ҳосил этади.

Унинг асарлиридаги қаҳрамонлар ва образларнинг прототиплари ҳам бўлади. Бироқ ёзувчи ҳётдаги кишиларнинг айнан ўзини тақрорламайди, балки янги, муайян дараҷада тўқиб чиқарилган хусусиятларга эга бўлган шахелар қиёфасини намоён қиласди. У шахсларда реал ҳётдаги кишиларга хос хусусиятларгина эмас, балки истиқболи, тақдиди ва ёзувчининг улурга берган баҳоси, хатти-харакатларига муносабати ҳам ўз аксини тонади.

Алабиёт воқеликда мавжуд бўлган шахс ва типларга ўхциган, уларни тушунишга ёрдам берадиган, қўшимчалар билан бойитилиган янги персонажлар ва типларни вужудга келтиради. Алабиётда пайдо бўлган ва гўё реал ҳётга олиб кирилган типлардан бири сифатида ўтган асрда Россияяда вужудга келган “ортиқча одамлар” образини кўрсатиш мумкин. Албатта, бу образлар турмушдаги реал, ижтимоий, психологик тип асосида бунёд этилган.

Алабиётда пайдо бўлган типик характерларни таҳдил қўлганда, масаланинг икки томонини ҳисобга олиш зарур. Биринчидан, ўша персонажда ҳётнинг қайси гомони умумлаштирилганини, типиклаштирилганини, шу умумлаштириш туфайли китобхон онги қандай турмуш ҳақиқати билан бойиганеигини аниқлаб олиш зарур. Иккинчидан, мазкур умумланма қандай бадиий тасвир воситалари ёрдамида юзага келтирилганлигини билib олиш зарур, чунки адабий характерлар бир-биридан фақатгина уларда ифодаланган ҳёттий мазмунга кўра эмас, балки уларни шакллантириши ишнига хизмат қиласган акс этириши усулатларига кўра ҳам фарқланади.

Типик умумлашмалар ўз характерига кўра турли-туман бўлиши мумкин. Баъзан ёзувчилар кишилар орасида яққол ажralиб турадиган фавқулодда шахсларни тасвирлайдилар. Бунга алабиётимизга кирган Муқанна, Навоий, Улугбек, Темур образлари ёрқин мисол бўла олади. Мазкур образларда ҳётда чиндан ҳам мавжуд бўлган тарихий шахслар сиймоси чизилгандиги сабабли улар типик аҳамиятга эга эмас-дек кўриниши мумкин. Аслида ундан эмас.

Айрим образларда фавқулодда аҳамиятга эга бўлган, лекин инсон моҳиятининг асосий, муайян, тарихий хусусиятлари умумлаштирилди. Бундай образлар билан танишини натижасида биз кишиларнинг турмуш тажрибаси жараённида

шакуланған түрлі-тұманды хусусияттарын ҳам, түрлі ижтимоиيң нароғындардагы одамлар тәқширини ҳам тасаввур етә оламиз.

Алабиётта ижтимоиي синіф ва гуруұларнинг мұайян ил-ғорғояларини үзілді мужассамлаштырган, күпинчә янгилик учун қурапайдың типик персонаж ҳам бўлади.

Ёзувчиның субъектив қарашлари ижобий қаҳрамонлар-нинг объектив мөхиятига мос келиши мумкин.

Бундай ҳол ёзувчининг ижтимоиي ҳаёт қонуниятларини түғри тушуниш даражасынга, өсқилик билан янгилек орасидан қаранды қанлай пүктәи пазарда туришига боғлиқdir.

Ўзбек мұмтоз алабиётида ижобий қаҳрамонлар күпинча романтик, идеал қаҳрамонлар сифатида күрсатылган. Алишер Навоийнинг “Хамса”сында Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ҳында Искандарлар худди шундай идеал қаҳрамонлар бўлиб, шоир уларни ўта қудратли, ҳар томонлама муқаммал, ҳатто гайрітабиниң фазилатлар этаси қилиб кўрсатиш йўли билан ўз даврининг айрим масалаларига ишора қилгандек бўлади. У гўё идеал қаҳрамонлар образи восита-сида ўз замонасыда алоғатли подио зарурлигини, ҳар томонлама гўзал, барқамол кишилар етишиб чиқини лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Алишер Навоий ижод этган идеал, орзу асосидаги қаҳрамонлар образи билан тарихий вазият орасида ҳам маъзум даражада боғлиқлик мавжуд. Умуман, идеал қаҳрамонлар образи, асосан, ёзувчиларнинг юксак муқаммаллик ҳақидағы тасаввурлари—идеаллари асо-сида вужудга келган.

Идеаллик романтизм ижодий методи билан алоқадор ва у бундай образларнинг айби эмас, балки фазилатидир.

Ижобий қаҳрамон типининг объектив характеристикин түғри тушуниш лозим. Чинакам реалист санъаткор тўқиб чиқарылған идеалии омас, балки мұайян ижтимоиي гуруҳдаги кишиларнинг ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган мұҳим белгиларини кўрсатади. Қаҳрамонларни ҳаётдан, реал кишилар мұхитидан ажратиб, болшқача қилиб тасвирлани натижасида, китобхонни ҳаяжонланғыра олмайдиган жоюлы персонажлар ўрнига қандайдир мавхум образлар вужудга келади.

Аён бўладиши, ижобий қаҳрамон тўқиб чиқарылған идеал персонаж эмас, балки мұайян кишилар гуруҳига хос бўлган мұҳим ижобий белгиларнинг, сифатларнинг типик

умумлашмасидир. Құп асрлық адабиёт тажрибасы шундан гү-  
вохлиқ беради.

Сатирик типиклаштириш принциптеріндең біріншісі – асасыда ижод  
этилгандай образтар ҳам кatta маърифий-тарбиявий аҳамиятта  
эзай бўлади.<sup>1</sup>

Муайян ижтимоий иллатли, кулгили тарзда фоши қилув-  
чи адабий асар сатира (ҳажвия)дир. Сатиранинг ёрқин наму-  
налари сифатида Махмурнинг “Ҳапалак”, Муқимийнинг  
“Танобчилар”, Ҳамзанинг “Майсарапининг иши”, Абдулла  
Қаҳҳорнинг “Оғриқ тишлилар”, “Тобутдан товуш” сингари  
асарларини кўрсатиш мумкин.

Сатирик типиклаштириш усуулларини, принциптерини  
чегара алаб бўлмайди. Улар ранг-баранглар. Шундай бўлса-да,  
улар орасида гипербола (муболага) ва гротеск (ҳаддан таш-  
қари бўрттириш), йўқотишга интилиш туғуси кучлилиги-  
ни қайд қылиб ўтиш лозим.

Реализм қонунлари асосан учта: бири – ҳаққонийлик;  
иккинчиси – типик характерларни кўрсатиш; учинчиси –  
типик шароитда тасвирлаш. Гиник шароит деганда, ҳар қандай  
ижтимоий шароит эмас, балки улардан жамият тарақ-  
қиётининг етакчи тамойиллари намоён бўладиганлари ту-  
шунилади.

Адабиётдаги типиклаштиришининг маърифий аҳамияти  
билан тарбиявий аҳамияти ўзаро узвий боғлиқдир. Ёзувчи-  
лар ҳаётда чиндан ҳам мавжуд бўлган нарса-ҳодисаларни ўз  
қарашлари, эстетик идеаллари нуқтаи назаридан кўрсатар  
эксанлар, кишилар онгига турли вазиятлар, ҳолатлар, воқеа-  
ларга нисбатан тўғри муносабатнинг шаклланишига ёрдам-  
лашидилар. Китобхонлар типлар орқали ижтимоий ҳаёт қону-  
ниятларини яхшироқ англаш оладилар.

## **ИККИНЧИ БҮЛІМ**

### **АДАБИЙ АСАР**

#### **І БОБ**

#### **АДАБИЙ АСАР ЯХЛИТЛІГІ. МАВЗУ ВА ФОЯ**

Ҳар бир адабий асар ўзида ҳаёттіннің яхлит, бир бутун маизарасинің гавдапантиради (эпик ва драматик асарлар) ёки қандайдір яхлит, муайян, онның ҳис-түйгүні ифодалайды (лирик асарлар). Шуннинг учун ҳам бадий асарни ўзига хос, чекланған бир олам деб аташ мүмкін. Ҳатто адабиёттіннің “Илиада”, “Хамса”, “Уруш ва тингүлік” сингари энг буюк наимуналары ҳам маълум чегарага эга. Уларда бизнинг күз ұнгимиздә у ёки бу жамият тараққиеттіннің муайян босқиңидаги ҳаёты ҳамда худди шу босқиңчи тасвиrlовчи воқеалар ва кишилілар күрсетілади.

Адабий асарніннің бир бутунылығы, бириңчи навбатда, унда ифодаланған мітімүн билан белгіланади. Эпик ва драматик асарларда ҳамма нарса уларда ақс эттан зиддияттар, вазияттар, кишилар харakterи ва хатти-харакаттарыга боелиқ бўлади. Лирик асарларда эса ҳамма нарса уларда ифодаланған кечинмаларга алоқадор.

Гегель бадий асар мазмуниннің бу томониниң қуйидаги тарзда тушунытирган: “Драмада қандайдір хатти-харакат мазмунлик вазифасини бажаради; драма бу ҳаракаттіннің қандай содир бўлғанлыгини күрсетиши керак. Лекин кишилар жуда кўп иш қилидилар, ўзаро гаплашадилар, бошқа вақтда эса овқат ейдилар, ухтайдилар, кийинадилар, қандайдір сўзларни айтадилар ва ҳ. к. Бироқ кишиларнін мазкур ишларидан драманинг ҳақиқий мазмунини ташкил этувчи хатти-харакатларга алоқадор бўлмаганлари асарга кириши керак эмас, шундай қилиб, драмага кирган ҳеч бир нарса мазкур хатти-харакатга алоқалор бўйласлиги мумкин эмас. Худди шунингдек, мазкур хатти-харакаттіннің бир ҳолатинінгина қамраб олувчи кўриништа ташқи дунёдаги мураккаб томонларга

алоқадор бұлған, лекин шу ҳолаттннг үзіда ўша хатп-ҳарас-  
каи билан мутлақо бөгелмайдын да уни чуқурроқ күрса-  
тишга хизмет қылмайдын күнделаб вазияттар, ишесір, ҳолит-  
ларни ҳамда бопқа ҳар хил воқеаларни киригин мүмкін  
эди. Аммо үзінг хослиник талабига күра саңыат жарыға фа-  
қыт мұайян мәзмұнға... алоқадор нареаларниғина киритиш  
лозим, чунки унда ҳеч бир ортиқчалик бўлинни мүмкін  
эмес".<sup>1</sup>

Бу ерда муаллифиң асарда акс этпен асосий ғоявий  
мақсади билан таңыланағыдан да үзаро бөгелік ҳодиса, маң-  
зара, вазият, шахс, ҳис-түйнүар ҳамда фикрлерннг мұ-  
раккаб тарзда үзвіл бірліккіб кетпеш сиғыптағанамоен бұла-  
диган ички мүккеммәттік ва бутунлік күзде түшілді. Уни  
арапқ тасаввур қылмай да уни ташкыл әтүвчи үзаро бөгелік  
унсурларни билмай туриб, бадий асарларни түргі тушу-  
ниш қиін. Адабиёттің үрганувчи ҳар бир одам бадий асар-  
ни ўқиши давомиді унннг асосий мәзмұннни анықтаб бори-  
ппи, мөхияттың чуқур кира олиши ва бағдарлани мүмкін. Ма-  
салан, китобхон Аблұла Қаҳхорининг "Мұхаббат"<sup>2</sup> қиссаны-  
ни ўқыр экан, унда үзінг түе аныдан бері маълумдек тү-  
юлған масаланы, фикрпі янгыча ўқығандек, янгыча ҳис қыл-  
ғандек ва түшүнғандек бўлади. У қиссаны тутатар экан, ки-  
ниллар орасидаги энг олий муносабатлардан бири бўлмиш  
мухаббат түғрисида чуқур ўйға толади: "Чинакам инсоний  
мухаббат гоят құдратлы күчдір, у ҳар қандай түсінкі ен-  
гиб үтишпа қодир, жисмоний нұқсанлар ҳам, мулкій тафо-  
вутлар ҳам, чириған таомиллар, урф-одатлар ҳам ҳақиқітті  
мухаббат ійүлида ғов бўлолмайди, ундаи мухаббат учун ку-  
рашмоқ керак", деган ҳолосага келади. Аммо әзувчи асардаги  
бу асосий фикрн қуруқ сұзлар билан бағыттады, балки  
қиссанынг бутун бадий тұқымаси орқали рүёбга чиқаради.  
Асардаги асосий фикр, аввало, кишиллар образларын орқали  
юзага келади. Уларннг феъл-атворлари мөхиятті, дүнәқара-  
шы, рухий олами, хатп-ҳырқатлары, үзаро муносабатлары  
ва муаллифиң үзарга бўлған мұомаласи мухаббат масала-  
сига турлича ёндалици, мұаммонинг том маыноси ва киши-  
лар ҳамда жамият ҳаётінде үрні яққол намоен бўлади. Жум-  
ладан, қиссанынг марказий қаҳрамонлари бўлмиш Аивар,

<sup>1</sup> Тегель. Сочинения. Т. ХП. М., 1938, с. 19.

Мұхайдің күз үшінізде чинакам инсоний мұхаббат әгалари қиёфасыда күрінацылар. “Мен яхши күриш нима эканини ҳали билмайман, — дейди Айвар, — лекин Мұхайдің, Мұхайдің деган инсонға жуда-жуда мұхтожман. Агар шу мұхаббат бұлса, мұхаббат чақмоққа әмас, одамға үхшайды: туғилғанда бир парча түшіт бұлади, кейин күзини очали, кейин юзида күлдіргіч найдо бүлип жілмаяди, кейин тиіл чиқарып ҳар күни янғы бир гап айтады”. Ізувчи Айвар образи ва уннің болықалар билан мұносабаты орқалы мұхаббатшының ана шу босқынларының, яғни уннің инсон қалбыда туғилишінни, бутун вужудини қошалыпты, кейин фаол ҳаракатта, курашта үндашыны күзатып борышни үз олдига мақсад қилип қўйған ва унга эринған. Айвар қалбыда мұхаббат илк бор, уннің ҳәттидагы өнгөпір дамларнинг бириңа, яғни отасының қабристонға қўйиш вақтида жуда табиий равинида куртак ёздади. У үзиге сув тутиб, “Мард бўлинг, Айваржон”, деган қызыннің мұносабатыда улкан инсоний самимият сезады ва шу самимийлігі, чинакам одамийлігі учун Мұхайдің севиб қолади, уннің бир бор турмуш қурғанини єътиборга ҳам олмайды; Мұхайдің бўлған ҳиссенини олижаноблик деб әмас, балки ҳақиқий мұхаббат деб ҳисоблайды, үз севгиси билан фахрланади ва буни ҳеч кимдан яширмайды. Марғубанинг “Нима, Мұхайдёда ой кўрганмисан?”, деган саволига дадығып билди: “Ха, мен Мұхайдёда ой кўрганман! Даадам оламдан үтиб, дунё кўзимга қоронғи бўлганда Мұхайдёда офтоб кўрганман”, деб жавоб беради. Айвар үз мұхаббатини сўздағина ҳимоя қилмайды, балки уннің тантаси учун курашади<sup>1</sup> мұхаббат туфайли бошига тунған қишинчизикларга дош беради, мөддий машиққатларни енгизи учун меҳнат қиласади.

Шу таріқа Айвар қалбыда туғилған мұхаббатни аңглаш түйғуси, у ҳақдагы әхтирослы, ладид сўзлари ва севги тантаси йўлидаги кураншлари үзаро боғланыб кетади. Лекин Айварнинг хатти-ҳаракатлари асарда муаллақ қолда берилмайды, балки қатор шахслар, хусусан, Мұхайді, Марғуба ва бошқалар билан мұносабатда юзага чиқарылалди. Уларнинг барча ишлери, ҳаракатлари, курашлари үзаро боғланади.

Ўзининг инсоний қалр-қиммати, мұхаббати учун курашчанлық түйғуси Мұхайді ҳарактерига ҳам хосдир. Онасыннің тиili билан айтганда, үзиге “ит теккан”лиги, илк сев-

гиси Салим томонидан оёқ ости қилингани туфайли дастлаб Мұхайденінг Айварға бұлған мұҳаббати учун курашиши апта қийин бұлади, аммо у бора-бора ўзининг түрмуш қурғанлиги мұҳаббати йўлида төв бўлолмаслигини, инсоний ғурурини поймол қишлоғмаслигини англайди яъочиқдан-очиқ Айвар билан юришдан, у ҳақда қайғуришдан, дашиному таъналардан ўзининг муқалдас туїғусини мухофаза қилишдан ҳийиқмайди. У ҳамто Айварнинг тушкунлик оҳангидага айтган тогу тошларга бони олиб кетини ҳақидати гапини эниитиб: “Мени ташлаб, номард сенга йўл бўлсин!”, дейиниц даражасига қўтарилади. Муаллиф китобхонни Мухайде характеристика мазкур ўзгаринига, юксалишига қаттий дастиллаи йўли билан ишонтиради.

Агар юқоридаги иккى характер ривожи ва иккى севувчи қалб қовушинининг ўзи билан асар тугаганды эди, мұҳаббат мұаммоси жүн ҳал қисинан, ҳаёт бир ёклама акс оғтирилган ва қисса зерикарли чиққан бўлур эди. Муаллиф марказий қадримонларнинг мұҳаббат учун олиб борган курашини кўрсанар экан, буни жула яхши тушунгани сабабли шу курашининг зарурлигини ҳам мағтий равинидан асослайди: севигига нисбатан эски, чириган, манфий муносабатнинг ҳануз мавжудлиги ҳаётда мұҳаббат учун курашини мұқаррар қилиб қўяди. Ёзувчи мұҳаббат мұаммосига нисбатан янги ва эски, манфий қарангтар ҳамда уларни талиувчи шахслар ўргасидаги зиддииятни, тўқишишувларни асарининг бош конфликтси сифатида тақдим этади, уни чукур мағтиқ асосида акс эттириш орқали оса қисса воқеаларининг ҳақиқиитига, кескинлик ва ҳаяжон билан руҳданишига эришади. Қиссада мұҳаббат масаласига эскича, салбий муносабатда бўлувчи шахслар сифатида Муборак, Марғуба ва Жавлон иштирик этади. Мұҳаббат мұаммосига манфий, эскича муносабат мазкур персонажлар характеристикинг умумий томони ва салбий ҳаракатларини вужудга келтирган илдизлардан бири бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳолда юзага чиқади. Чуюнчи, Муборак онитда түрмуш қурған аёлнинг ўйланмаган йигитига тегини асло мумкӣ эмас, деган эскича тунунчча қаттиқ ўрнашиб қолади. Шу тунунчча табиатан соғдил, юмиюқ кўници Муборакнинг ушидан Айварни қувининг. Мұхайдега озор беришига мажбур отади; адолатли, соғдил, меҳрибон она сифатида курсатилган Муборак характеристика

ридаги кейинги ўзгариштарға, янын унинг ёңілар мұхаббаттағы қаршылық күрсатмай қўйғанын, аксина, уларга құмак-ланғаннан ишюнади. Жақлон өсі маелекесіз, ишкүніктан боли күттармайды, бойликка мүккесідан кетіп, хотинининг чизнидан чиқмайдыдан, ахлоқын бузуқ бир кимса бўлғандиги туфайли, чин мұхаббат оғалирга қарни бематани ҳаракатлар қўйди, настқашевикдан тоймайди.

Марғуба Муборакдан ҳам, Жақлондан ҳам кескин фарқ қилиди. Мұхаббаттағы ишбаттан нотўғри муносабат, янын уй-ланымаган йигитнинг жувон билан турмуши қуриши, уни севипши мумкін әмаслиги ҳақиқати тунунча Марғуба оннана. Муборак характеристидан каби, сингмаган, аске ҳолда у беш марта орга тегмаган бўлдири. Бу аслида Марғубага Анивр билан Мұхәйё ўртасидаги мұхаббатни тоиташда бир баҳона, холос. Марғубадаги Анивр мұхаббатини тоиташга иштисишининг асл сабаби бу аёлининг бойликка, мол-дунёга ўчилгидир. У Муроджалидан қолдан бойликни кўлдан чиқармаслик ишиттила, қандай қисиб бўлса-ді, Аниварин Мұхәйёдан ажрагани ва ўтай қизи Муалтарга уй-лантиришинг тиришади, бу борада настқашевикдан ҳам, разызликдан ҳам қайтмайди.

Ёзувчи юқоридан салбий шахсларнинг ва улар характеристидаги мұхаббаттағы ишбаттан бўланған нотўғри муносабатнин мавжуд оқанлиги оқибатларини ҳам очиб беради. Агар Муборак характеристидан ишкен оскі тунунчаларнинг ишбий яшовчанлиши билан белгиланса, Жақлон характеристерининг мөҳияти номукхамм ет гарбиянинг махсуслидир. Марғубининг характеристи, ҳаёт тарзи, ҳаги-ҳаракатлари, “тақдирнинг қўли-яи ўйинчоқ” бўлиб қолини юқорида тилга олинган иккисабабдан ташқари, кагта ижтимоий иллят, янын лаънати урунга ҳам алоқадор.

Мұхаббаттағы нотўғри муносабат ви бу нотўғри фикрларни ташувчилик билан ташинган китобхон қонуний равишда “уларнин жамиятими иш тутган ўрни ва истиқболи қандай?” деган саводин беради. Ёзувчи эса چуқур бадийи таҳзил орқали мұхаббаттағы ишбаттан салбий қараши ва унинг сабаблари қанчалик яшновчан, қанчалик қучли бўлмасин, оқибатеда мағлубиятга маҳкумлар, леб жавоб қайтаради. Мазкур мағлубиятнинг бойиси, муаллифнинг кўрсатишича, замонларнинг ўзгартганлгини, мұхаббатни ҳимоя қўлувчи янти қучлар, маибалир борлиниллар. Қиссадаги Ҳакимжон, Муат-

тар, Раҳимжон, Нанимжон сингари персонажлар ўша күчининги ифодачилари қиёғасида шипирок этадилар. Бу персонажлар характериниң умумий томони шундаки, улар муҳаббат муаммосига янича ёнданылалар, эски түшүнчаларга, таомилларга ярба бершига шипилдилар, Аниқар ва Мұхайдіә мұхаббатинин ғләбесі йўлда фаоллик күрсатадилар. Жумладан, Ҳакимжон ўзининг аввалиги хотинига, янын Марғубага кескинроқ ҳаракат қилингана қийналаты, лекин ишсөй ва унинг муҳаббаты мөхиятнин түрги түшүнгитин учун Анивар билди Мұхайдіенинг севгисини қўллаб-қўзатлади туролмайди. Манзур Ҳакимжониниң фикрларшарини күретувчи бир мисол: “Киз олмаган йигит, йигитта тегмаган қиз... Наникк ишсөй инсонна фиқат шу кўз билди қараст? Киз, йигит... Инсоннинг ўзи қаёқда қолди?”

Муаттарининг ҳам Анивар билди Мұхайдіә муҳаббатини ёқиб ҳаракат қилиши аяна қийни, чунки севги йўлдиши иносини говилярдан бирни бўлмани Марғубат унинг ўйай оиласидир. Аммо Муаттар янгича гарбияланган, изтор фикрли қиз бўлгани сабабли соғ муҳаббатининг ғалабаси учун курандек адолатли инсан четди қоломайди, катта бойликни рал очиб, ҳийи ишлатиб бўлса-ла, Марғубага қарши чора кўради.

Муаллиф муҳаббат мұаммосини, персонажларининг унга бўлган муносабатини таҳлил этар экан, имкон борича, четда туриб, ходис ҳикоя қилишга интилади, лекин шу билди бирга ўзининг уларга бўлган муносабатини ҳам яширмайди. Чуюнчи, ёзувчи муҳаббат масаласига янгича қаровин шахслар образини илиқ симимият билан тасвирласа, сабий персонажларга ўз муносабатини “ёсумин” (Марғуба), “кўк папина” (Жавлон) сингари мудаффақиятли ўхшатишлар, заҳархандали қулиги ва бошқа воситалар орқали билдиради. Шундай қилиб, ёзувчи қиссада ҳаёттй, жозибадор характерларни вужудга келтириш, уларни ўзига хос тарзда тасвирлани, дунёқарашига, руҳий одамига кириб боринц, митиқли, далилланган драматик сюжетни бунёд қилиши, мұхим сюжет унсурларидан ҳисобланувчи зиддият тасвирига жиший ётибор беринц, таилаган мавзуяга, қаҳрамонларига иисбатан бўлган ўз муносабатини акс эттириш, турмушни бутун асар давомида реалистик күрсатиш үслубидан фойдаланиши ва ёрқин манзаралар ёрдамида ҳаёттй жарабини яхши қамраб олинига интилаган ҳамда бошқа воситалар орқали ёнг муқал-

дас инсоний туýгулардан бири бўлмини мұхаббат муаммосини чуқур эстетик таҳлилдан ўтказган, ўзининг ниҳоятда мұхим гояснин образли, ҳаққоний, китобхон қалбига етиб боралиган, онгни, ақийн савияснин бойитадиган тарзда инъикос этирги.

Аблулық Қаюхор қисесидаги барча ҳодисалар, шахслар ва ҳолитларин ўзаро биринкириб турувчи ижтимоий-ахлоқий нафосин аңғланы ҳамда чуқур ҳис этишгина унда ўзаро чатиниб кетган фикрлар моҳиятнини, улар ўртасидаги алоқани түғри тушиунига йўл очди.

Адабиёгнине ҳар бир нодир намунаси ўяига хос мазмунта ва уни ифода отувчи гўзал шаклга эга бўлган, такрорланмас бадиийлик оламига ўхшиайди. Унлаги ҳар бир сўз ва ҳар бир образ ўзаро бирлашиб кетган ва ягона яхлитлигининг ажратимас қилемларига айланган бўлади. Яхлитлигининг бузилиши, нимадир этинимаслиги ёки ниманингдир ортиқчалиги, фикрлар занжирининг узилиши бадиий асар қийматини тушириди, ҳатто бутунлай қераксиз қилиб қўяди.

Яхлитлик Ҳудийлик, санъат ва адабиёт асарларининг фазилаттини ёмас, балки улар мавжудлигининг зарур иштирекидир.

Адабий асарнинг яхлитлигини, бадиий мукаммаллигини юзатажеклирини, гояснин очишида унини барча унсурлари — қаҳрамонлари образи ҳам, сюжет ва композицияси ҳам, тасвирий воситалари ҳам ўзаро биринкиб кетсан ҳолда иштирек этади. Фақат илроқ этишида осонлик тудириши учун уларни алоҳидатдоҳидат ўрзанини мумкни.

Кўдим замонларга адабий ясар яхлитити унлаги бош қаҳрамонини ягоналити билан белгиланади, деган фикр кенг тарқалган эди. Лекин Аристотель ўна замонларда ёқ. Геркулес ҳақиқати ҳикоялар битта қаҳрамонинг бағиштангани билин турли-туман асариар эканини, жуда кўп қаҳрамонларга оғл бўлиш “Илиада” эса ягона, тутал бир асарларини айтти, юқоридан фикр хатолигини исботлаган эди.

Аристотель фикрларини ҳаққонийлигига ялли давр адабиёти материали мисодиши ҳам иккор бўлиш мумкни. Масалан, Ойбекнинг “Навоий” романиди ҳам, Л.Г. Батининг “Хаёт бўстоғи” новестида ҳам, Уйғун ва Иzzат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасида ҳам Навоий обраси мавжуд. Шундай бўлса да, булир муглақо бирлашиб кетмаган, балки алоҳидатдоҳидат асарлар бўлиб қолаверади.

Адабий асарнинг яхлитлиги, бир бутунлиги, юқорида кўрганимиздек, бир нечта асарда ягона қаҳрамон мавжудлиги билан эмас, балки қўйилган муаммонинг ва илгари сурʼиган foянинг ягоналиги билан белгиланади.

“Мавзу” (ёки “тема”) атамаси ҳозирга қадар иккى мавзона қўлланниб келинади. Баъзи тар мавзу деганда, асарда тасвирлар учун ташлаб олинган ҳаёт материалини тушунадилар. Бошқалар эса асарда кўтарилиган асосий ижтимоий муаммони мавзу деб ҳисобландилар. Ўриничи хилдаги қараш нуқтаси назаридан ёндашилса. Ўрта Осиё ҳалқтарининг араб босқинчиларига қарши олиб борган кураши Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” пъесасининг мавзуи ҳисобланади. Иккинчи хил қарашга кўра эса, араблар истилосидан кейин Ўрта Осиё ҳалқлари тақдиди қандай бўлганлиги муаммоси бу асарнинг мавзунини ташкил қиласди.

Гарчанд, биринчи хилдаги нуқтаси назарни бутунлай инкор этиши мумкин бўлмаса-да, иккинчи хилдаги қараш ҳаққонийроқ туюлади. Бундай қараш, аввало, тушунчаларнинг аралаштириб, қоришитириб юборилишига йўл қўймайди. Мавзу деганда, ҳаётий материални тушунни асарда тасвирланган манбаларни таҳлил қилишга йўл очади. Иккинчидан, мавзуни асарнинг асосий муаммоси сифатида тушуннил унинг асар foясига чамбарчас боғлиқлигини таъкид этади.

Баъзи мавзунинг муаммо билан боғлиқлиги асар сарлавҳасининг ўзида таъкидлаб ўтилади. Фикримизнинг далили сифатида ўзбек адабиётидаги “Бой ила хизматчи”, “Ўтган кунлар”, “Сароб”, “Давр менинг тақдиримда” сингари асарларни эслаш мумкин. Гарчанд, барча сарлавҳаларда кўтарилиган муаммолар ўз аксиини тошавермаса-да (“Кутлуғ қон”, “Навоий”, “Қўшчинор чироқлари” каби), чинакам адабий асарларнинг ҳаммасида ҳаётдаги муҳим масалалар қаламга олинади, уларни ҳал қилиш йўллари қидирилади. Масалан, Абдулла Қаҳҳор бадиий асарда ҳалқнинг “тили училада турган гапларни” айтишга ҳаракат қиласди.

Демак, адабий асарни бу ҳолда муфассал таҳлил қилиши йўли билангина унинг мавзунин равишан англаб олиш мумкин. Асарда акс эттирилган ҳаёт манзарасини атрофлича англаб олмай туриб, унлаги мавзуни бутун мураккаблиги ва аниқлиги билан, яъни асосий муаммога боғланувчи қўпладаб масалалар билан бирликда тасаввур қилиш мумкин эмас.

Шунга күра, мавзуни асарнинг бир жойидан ёки бир неча бобларидағына қирил топиш, айрим иборалардан келтириб чиқариш түғри бўлмайди. Мавзуни асарнинг бутун матнидан, мазмунидан ва уни ифодалашга хизмат қилувчи шаклидан келтириб чиқариш мумкин.

Шундай қилиб, ёзувчи томонидан асарда кўтарилган ва кўп қиррали мазмунни ягона яхлитлик ҳолига келтириб турдиган асосий муаммо — мавзу (ёки тема) деб аталади.

Ёзувчилар бадиий асарла муайян ҳаётай муаммоларни кўтариши билангина чеклалмайдилар, балки уларнинг ҳал қилиниши йўларини ҳам кўрсатадилар. Бунинг учун улар тасвирланаётган нарса-ҳодисаларни ўзлари тасдиқлаётган идеаллар билан қиёслайдилар. Қиёслаш натижасида муайян бир фикрни илгари суралилар. Шунга кўра адабий асарда ҳар доим ёзувчининг муҳим фикри, ғояси, нияти бўлади.

Адабий асар ҳояси худди мавзуи сингари унинг бутун бой мазмунидан келиб чиқади. Чинакам бадиий асарларда ҳар бир воқеа, ҳар бир шахс ва ҳатто энг кичик тафсилот ҳам ғоянинг ифодаланишига хизмат қиласи. Шунга биноан асар ғоясини түғри тушуниш учун унда акс этирилган ҳамма нарсани чуқур идрок қилиш зарур бўлади. Шундай қилинмаса, ғоя ҳақидаги гасавтур ниҳоятда мавхум ва юзаки бўлади.

Ёзувчи асарда илгари сурған асосий ғоя лейтмотив, деб аталади. Асосий ғоя, айтганимиздек, асарнинг бутун бадиий тўқимасидан келиб чиқади. Шу сабабли, ҳар бир образ, ҳар бир тафсилот муайян ғоявий вазифани бажаради. Ҳар бир образ одатда ёзувчи ғоявий мақсадининг муайян томонини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Абдулла Қаҳҳорнинг “Мұхабbat” қиссасидаги ғоявий мақсадни тўлиқ гасавтур қилмоқ учун асардаги ҳар бир шахснинг, воқеа ва манзаранинг қандай ғоявий вазифани бажаринини тушуниб олмоқ зарур. Демак, адабий асарнинг бутун мазмунидан, бадиий тўқимасидан келиб чиқадиган фикр унинг ғояси деб аталади.

Адабиётшуносликда ғоя муаллиф баён этган, тасдиқланган фикрлардангина иборат деган хато қарашиб кенг тарқалган. Бундай қарашиб асарни бир ёқдама талқин этишга ва мазмунини соҳталантиришига олиб келади.

Бундан ташқари, айрим асарларда фақаттинга танқидий ғоялар ифодаланганлигини ҳам упутмаслик керак. Улар қато-

рига Мұқимиининг “Танобчылар”, “Масковчи бой таъри-фіда” сингари ҳажвий асарларини киритиш мүмкін. Уларда турли-туман ижтимоий иллатлар фоны этилар экан, ёзувчи, албатта, мұайян идеалдан келиб чиқади. Бирок мазкур асарларда танқылый ғоялар етакчилик қиласы хамда улар асоси-да ғоявий мазмунининг ҳаққонйлығы ва қай даражада мұ-каммал эканнеги аниқланади, ғояси унинг бутун бой маз-мундан келиб чиқади.

Ёзувчилар ягона ғоявий негизга ега бұлған асарларни күп ижод көргендер. Жумладан, ёзувчи Саид Ахмаддинг “Уфқ” трилогиясында кирган уч китоб акс эттирган даврига күра бир-биридан фарқланади. Агар биринчи китобда 30-шіллар охирлердегі Катға Фарғона канали қурилиши воқеа-лары жонланытирилған бұлса, иккінчисіде уруп даврининг фожиалари қаламтағ олниади, учинчі китоб эса урушадан кейинги тикланыш йылдары воқеалары тасвирига бағынған-ған. Лекин учала китобни ягона ғоявий мақсад бирлашты-риб туради. Ёзувчи уиғу китобларда асосий әзтибориға халқ тарихига мансуб бұлған мазкур даврлар кишилар тақдирди, рухида қандай из қолдирғанынғиң күрсатынға қаратади.

Мұайян адабий түркүмнинг ғоявий асосини түрері ан-лагамоқ учун унга кирудук асарларни алохіда-алохіда му-фассал таҳыл қилипцидан ташқары, шу таҳыл натижаларини үзаро қиеслаш, умумлаштырыш ва бутун түркүмга хос мұштарақ хусусиятларни аниқланади зарурдір. Бунда үзаро ало-қалор бұлған икки жараён құзға ташланади: ҳар бир асар-нинг ғоявий мазмунини муфассал таҳыл қилип йўзи билан мұайян умумий ҳудосага келинади, бу таҳылнинг түри-лиғи эса бутун түркүмнинг умумий мазмунини маңызды-ғыллап воситасыда аниқланади.

Ёзувчи бадий асар ёзар экан, ҳар доим мұайян мақсад-ни құзда тутади. Бу мақсадта құнича засарда ифодаланған еоя мөс келиши мүмкін. Асар ёзилдан құзда тутылған мақ-сад байзан унинг ғояспан фарқынаның қолини ҳам мүмкін. Бунда қолларда асар ғоясинаң мөхияттіні, аҳамияттіні түрері түшүнмөқ учун у билан ёзувчи мәқсани үртасындағы фарқларни биліб олмоқ дозим бўлади.

Ёзувчи мақсади билан асардан тағы орасында фарқ бўли-ни мүмкіншілікни түшүнган ҳозита нарас-ходисаларға түрері

иуқтаи назардан ёндашин тасвирнинг ҳаққоний ва мукаммал чиқишига йўл очишини ҳам унутмаслик лозим. Аксинча, ҳётини ҳатто ёки зиддиятни қарашшар асосида акс эттириши тасвирнинг аҳамиятини туширади, ҳатто бутунлай йўққи чиқаради, чунки шундай қарашшар воқеъликдаги турли томонларининг сохталаштирилган ҳолда кўрсатилишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам адабиётнинг илғор намояндалари ҳар доим адабий асарларнинг юксак ғоявийлиги ва тараққий-парвар дунёқарашнинг тантанаси учун курашиб келганилар. Бинобарин, мақсад қанчалик тўғри, чукур ва мукаммал бўлса, адабий асарнинг объектив ғояси ҳам шунчалик ҳаққоний, мұхим ва салмоқли бўлади.

Ёзувчи истагидан қатын назар, келиб чиқишидан ташқа-ри адабий асар ғоялари яна шу маънода объективки, улар муайян ижтимоий-тарихий шароит тақозоси билан юзага келади ва адабиётдан ўрин олади. Адабиётнинг ёнг иодир намуналарида мавзу ва ғоялар аксарият ҳолларда тараққиётнинг муайян босқичидаги илғор ижтимоий қарашшарга мос келади. Жумладан, Алишер Навоий асарларида адолатли шоҳ масаласининг кўтарилиши XV аср шароитига, ўша давр кишиларининг орзу-тилаклари, дунёқарашшарига мос келар эди. Худди шунингдек, Махмур ва Муқимий асарларида меҳнаткаси ҳалқ аяничи ҳаётининг акс этиши XIX асрдаги Ўрта Осиё шароити билан боғлиқ.

Муайян мамлакатда юзага келган ижтимоий тарихий шароит, миллӣ тараққиётнинг муайян босқичидаги ўзига хос хусусиятлар адабий асарларда муайян муаммоларнинг ёритилишини тақозо қўйлади. Бу муаммоларнинг адабий асарларда қай тарзда бадиий ҳая қилиниши ёзувчиларнинг ижтимоий-сийсий иуқтаи назарларига, дунёқарашшарига ҳам боғлиқдир.

Фоя, ният кўпинча эпик асарда ифодаланган объектив мазмундан мантиқан келиб чиқади. Уларни алоҳида таъкидлаш шарт эмас.

## II БОБ

### АДАБИЙ АСАР СЮЖЕТИ ВА КОМПОЗИЦИЯСИ

Хаётниң яхлит манзарасини, күпілаб шахслар, воқеалар, инсоний муносабатлар, фикр-түйғуларни худди турмушшагилек мұраккаб, бирикіб кетған ҳолда акс эттиришила турлы-туман воситалардан фойдаланылади. Албатта, бир ёзувчи құллаган воситалар бопцісінікінша ұхшамайди. Бирок шундағы воситалар ҳам борки, улар адабиёттің умумий хусусиятларидан келиб чиқады.

Бириңчидан, барча ёзувчилар мұқаррар равищда фойдаланадын энд мұхым восита— образлар ҳосил этишінде имкани беруви тилен күрсатып үтіш зарур.

Иккінчидан, адабиёттің қаёт оқими, харакатлары қамраб олинисиң сабабли сюжет, янын кишилар харakterи — тақдирі, ишлари, зиддиятлар, ижтимоий тұқпаушулар, ізага келадын воқеалар ёки фикр-түйғулар ҳаракати оқими ҳам олдніңгі үринга чиқады.

Үчинчидан, боявий-бадий мақсадни амалға оширишда тоғы асарда иштирок этувчи қаҳрамонлар нұтқига, тоғы мұаллиф ҳикоясынға, тоғы диалог ва монологларға, тоғы табиат тасвирига, қаҳрамонларниң үзаро ёзишган хатларига, кундаликларига ва башқа воситаларға мурожаат қилиш зарурияти ҳар бир адабий асарниң мұайян қурилишінде ёки, адабиёт назариясидеги атама билан айтқанда, композицияға эга бўлишини тақозо қилади.

Ниҳоят, тұрттынчидан, санъаткор мақсадининг амалға ошишінде ёзилаёттан асарниң түрига, жанр хусусиятларига ҳам бөглиқдир.

Мазкур ҳолаттар ҳар бир ёзувчи ижодида үзига хос тарзда намоён бўлади. Лекин улар үзига хос күринищтан қатын пазар барча ёзувчилар ижодида мавжуд бўлади. Шу сабабли, аввал мазкур умумий воситалар ҳақида мұкаммал тасаввурға эга бўлиши, кейин оса айрим ёзувчилар ижодидаги хусусий томонларни ўрганини мозим.

## Сюжет хақида умумий түшүнчө

Сюжетлийк асардагы эстетик мөхиятнинг биринчи пәртидир, — сюжет йүқ жойла бадийлик йүқ.

Үзбек мұмтоз ёзувчилари ҳам воқеаларни мұайян тарзда тартибға солиб, яхши ифода этишін катта аҳамият бергандар. Бу усулни асосий ниятни китобхонға етказыпша қулаттыйлуда билгендегілер.

Сюжет дегендеги асардагы воқеалар тизмаси түшүннелади. Бүнинг сабаби шундаки, «сюжетли асарларда» яхлит ҳаёт манзараси билан бөлгөлөк ҳолда бирон мұхым ижтимоий зиддият бадий тадқиқ этилади.

Сюжетда ижтимоий зиддият ривожланишиңда акс эттирилиши, унинг қандай ҳал бўлиши ва оқибатлари қўрсатилиши жуда катта аҳамиятта өгәдир, чунки шу йўл билан ижтимоий тараққиётининг тамоийлари ва қонуниятлари очиб берилади.

Шу муносабат билан сюжетнинг адабий асардаги кўп қирралы ролини түшүннинг ёрдам берувчи айрим ҳолатлар устида алоҳида тұхтаб ўтмоқ зарур.

Аввало, санъаткорнинг зиддият мөхиятига кириб боришни, кураш ишпирокчилари бўлган кишилар қалбидан жой олиш ҳам тақозо қилининин ҳисобга олиш лозим. Сюжетнинг маърифий аҳамияти бор, сюжет одамларнинг ўзаро алоқалари, улар ўртасидаги қарама-қарциликлар, умуман кишилар ўртасидаги муносабатлар, у ёки бу характеристикнинг, типнинг тарихий ривожланиши, ташкил топиб боришидир. Бу таърифда асарда иштирок этувчи шахсларнинг ўзаро муносабатлари, характеристикнинг шаклланиш йўллари ва босқичлари, турли-туман хусусиятларини яққол тасаввур қилишга имкон берувчи сюжетнинг мұхим вазифалари алоҳида қайд этиб ўтилган.

Иккинчидан, ёзувчи “истаса ҳам, истамаса ҳам қалби ва ақди билан ўз асарининг мазмунини ташкил этувчи зиддиятта тортилади»<sup>1</sup>. Натижада ёзувчи тасвириләтган воқеалар ривожи мантиқида унинг қаламга олган зиддиятни қандай түшүнниси ва баҳолашы, ижтимоий қарашлари ҳам ўз ифо

<sup>1</sup> Лондон Ж. Заметки английского писателя. «Литературная газета», 1954, 18 ноябрь.

дасини толади. Ёзувчи ўша түшүнүші ва қарааштарни китобхон онгига сингидиради, шу йўл билан унда ўша зиддиятга нисбатан ўзи истаган муносабатни уйғотади.

Учинчىдан, ҳар бир йирик ёзувчи асосий эътиборни ўз даврилаги ижтимоий зиддиятларни тасвирлашлари керак экан, деган холоса келиб чиқмайды. Улар ўз асарлари учун узоқ ўтмиш ҳәстидан ҳам сюжет танлашлари мүмкин. Адабиётимизда бу ҳақда кўилаб тарихий роман, повесть, ҳикоя, пьесалар ёзилганларни шундан гувоҳлик беради. Лекин бундай ҳолларда ҳам зиддиятни тасвирлаштаги вазифа бирдай бўлиб қолаверади, яъни ёзувчи олдида ўтмишдаги зиддиятларни кўрсатиш йўли билан ўз замонасидағи муайян илгор ижтимоий гуруҳларининг манфаатларини ёқлаш вазифаси туради. Ҳамза “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки ялгачилар иши” номли пьесасида ўтмишнинг даҳшатли, жирканч томонларини, меҳнаткашлар билан пулдорлар орасидаги зиддикни очиб беради. У иш йўл билан кишиларни баҳти ҳаётни қадрлалига чақирмоқ учун интилади.

Улуғ ёзувчилар ёзган асарларнинг сюжети чуқур ижтимоий-тарихий мазмунга эга бўлади. Шунга кўра, сюжетлар ҳақида фикр юритганда, даставвал, асар асосида қандай ижтимоий зиддият мавжудлигини ва у қандай нуқтаи наzarдан туриб акс эттирилганларни аниқлашиб олиши лозим.

Ёзувчи ижтимоий зиддият билан сюжетнинг ўзини айнаи бир нарса, деб түшүнүші мүмкин эмас. Муайян бир зиддият турли хилда акс эттирилиши ва ҳар хил сюжет асосига кўйилини мүмкин. Масалан, ўтмишдаги меҳнаткашлар билан бойлар ўргасидаги зиддият Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” драмасида ҳам, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тоғи отгунча” романларида ҳам қаламга олининган. Лекин мазкур асарларнинг ҳар бирида бу зиддият турлича акс эттирилган.

Сюжет түзища ёзувчининг бадний маҳорати ишқоятда мухим аҳамиятта эгадир. Сюжет ички тугалликка эга бўлганда, яъни тасвирланётган зиддиятнинг сабабларини, хусусиятини ва ривожланиши йўлларини яққол қайта яратишга имкон берганда ҳамда китобхон диккатини ўзига тортиб, ҳар бир унсур ҳақида чуқур ўйлашга мажбур қилгандагина, ўз зиммасига юкландиган вазифани адo эта олади.

Санъаткор ёзувчилар сюжетни тұтталғанған ва драматизм-га бой қилиціңгә интилғанларида ҳеч қаңон упнинг ташқи томондан ялтироқ чиқишиңгә сохта йұллар билан ҳаракат ет-маганғтар. Улар сюжетинин шүшілкін оддий, қызықарлы бүлинигінің амас, балки уин ҳаёт ҳақиқатини чуқур бадий талқиқ этиши асосида ҳосил қилиціні хам үйлаганлар. Шунга күра, тасвиrlанаётган зиддият ва уннинг қатнашыларини тұлғыроқ идрок этиши мақсадида құпілаб персонажлар образының юзага келтиргандар ҳамда уларни түрли-туман синов-лардан, ривожланиш босқылардан олиб үтгандар.

Бадий асар сюжети ҳаёт ҳақиқати асосида китобхонинің үзігін тортадынан, жозыбадор қирил қурылғандығына, муайян таъсир күнітінде эга булади. Ёзувчилар сюжетинің қызықарлы чиқишиңгә түрли-туман воситаларни құллаш орқали әришадылар. Баъзан ёзувчилар тасвиrlанаётган курашлар ва ҳарактерлар мантигінін очиқ-ойдін акс еттириш учун китобхон лиққатини жалб отувчи үткір ҳолатлар, вазиятларни тандаудылар. Буни биз Шекспирнинг күпчілік трагедияларыда, Диккенс ва Абдулла Қодирий романларыда қурилымыз мүмкін. Бошқа бир гурух ёзувчилар китобхонниң қызықтириши учун асар бошида уннинг дикқатини иштирок өзгөвчи шахсларнинг қандайдир дағылданмаган хатти-ҳаракатларига тортадылар ва шу йұл билан үша хатти-ҳаракатларни, ҳарактер хусусиятларини юзага келтирган сабаблар түгрисида бизни үйлаптаға мажбур етадылар. Үлмас Умарбеков “Ез ёмғири” номлы қыссасининг бошида бир аёлнинг күчада үлдириб кетилғанлығыни тасвиrlайды. Кейин эса бутун асар давомида шу воқеанин рүй беріш сабаблари, Мунисхонин фожиали үлемгә олиб қелген ҳодисалар, уларнинг илдізлары ҳамда уларни аниқдаш үйліда қаҳрамонлар ҳарактерларининг тұқыншыви, кураши күрсатыб борилады. Натижада китобхон дикқати бутун қисса давомида воқеалар ва ҳарактерлар ривожига қаратылади.

Биз музайин воқеалар мавжуд бўлған асарларда сюжет қандай бўлишини қуриб чиқдик. Бундай адабий намуналар жумласында драматик ва оник асарларнинг күнчилгиги киради.

И. С. Тургеневинің фақат табиат маизарасыннан чи-зуви “Ўрмон ва чұл” исари ёки марказида воқеа амас, балки Элгар Потнинг оқибат-натижада ташқи дүниёдан ҳодисаларта бориб тақсалидиган қандайдир қыс-түйғулар ва фикр-

лар оқынғанна турувчи айрим новеллалари, Э. Хемингуэйнинг “воқеасиз” ҳикоялари типидаги асарларда ҳодисалар тиғмаси мавжуд әмас.

Одатда, лирик асарларда эпик воқеалар йүқ. Лекин уларда ҳам лирик сюжет бўлади. Ундаи асарларда сюжет хис-туйғулар оқими кўзга равишан ташланадиган ва уларга “мен”нинг бошидан ўтган ва тилидан айтилган бирон кичик воқеа турғи бўлган шеърлар ҳам учрайди. Уларда баъзи лирик персонаж ва лирик образлар қатнишади. Бундай шеърлар, одатда, сюжетли шеърлар деб ҳам аталади.

Сюжет ёзувчига характер ва шароитни ривожланишида ҳамма кўп томонлама кўрсатиш, одамлар орасидаги муносабат ва зиддиятларни юзага чиқарини имконини беради. Бундай тасвир асарда қўйилган мақсалга тұлиқ эришилиши ва кўзда тутилган ғоянинг ифодаланиши учун кең имкон беради.

Л. И. Толстой “Уруш ва тинчлик” романидаги беш юздан ортиқ кишилар образини көлтирган. Уларнинг кўпчилиги умумлашганди типлар бўлиш билан бир қаторда, ўзига хос тақороламас шахслар ҳамдир. Асарда бекиёс инсоний фикр-туйғулар, ишонч ва умидлар, орзу ва интилишилар, ҳаракат ва ҳолатлар уммони дуч келади. Шундай бўлса-да, бу бекиёс даражада кўп характерлар муайян, ниҳоятда кең доира да ўзаро бирлиқда, мантиқий боғлиқ ҳолда қамраб олинган.

Алабий асардаги образларининг ўзаро муносабатлари ва алоқалари турли-туман бўлиши мумкин. Мазкур “Уруш ва тинчлик” романни мисолида образлар тизимининг асар боли ҳояснини, яъни “халқ тафаккури”ни ифодалашда қангчалик катта роль ўйнаганлиги англапшилади. Лекин образлар тизими яна кўплаб восигалар, хусусан, муайян шахс, воқеа, ҳолатнинг ўзига хос муҳим томонларини аниқ ва цуқур кўрсатишга хизмат қилувчи образларни зид қўйиш, ўзаро яқинлантириш сингари йўллар билан ҳам ажralиб туради.

### **Сюжетларининг миљий ўзига ҳослиги ва «сайёр сюжет» пазарияснининг асоссизлиги**

Юқорида айтганларимиздан аён бўладики, сюжет муҳим ҳаётий зиддиятларни ва улар жарёнинда инсон характер-

рининг моҳиятини, шаҳжаланишини, ривожини образли тарзда кўрсатишга имкон берувчи мазмундор воситадир.<sup>1</sup> Илгарилари айрим адабиётинуослар узоқ йиллар давомида “сайёр сюжет” назарияси деб аталган хато қирашига амал қилиб келганилар. Бу назарияга кўра, турли давр ва турли ҳалқ адабий асарларида учрайдиган асосий воқеалар чизиги ёки айрим ҳодисалар орасидаги ўхшашлик бир ҳалқдаги сюжетни иккинчиси қабул қилиб олиши орқали юзага келган, деб талқин этилар эди. Масалан, кўни ҳалқларининг эртакларида ва бошқа фольклор асарларида узоқ вақт йўқолиб кетган, ҳатто ўлган деб ҳисобланган эр ёки кўёвнинг сезилмас ҳолла ўз хотини ё қалини тўйида ёхуд унаштирилишида қатнашиши тасвириланган. Шундай воқеалар, хусусан, Қадимти юнон эносида, “Алномин” ва “Ёдгор” достонларида учрайли. “Сайёр сюжет назарияси” тарафдорлари бундай сюжетларининг қашлай қилиб ва қайси ижтимоий-тарихий сабабларга мувофиқ бир ҳалқдан иккинчисига ўттанини аниқлаш учун кўни куч сарфлагилар. Улар “Дон-Жуан”даги ҳамда Мольер, Гольдони, Байрон, Пушкин ёзган кўплиб асарлардаги ўхшаш воқеалар устида Фикр юритганларида ҳам бир сюжет воқеалари бошқасига қандай қилиб ўтиб қолганигини аниқлашига уринганлар.

Бу назариянинг нүқсони, даставвал, шунда элики, унда такрорланмас бадиий асарлар сюжетларининг бутун мураккаблиги ва ўзига хослиги мазмунан қашниоқ, умумий қолиниларга солиб қўйилар эди. Асос ёътибори билан “сайёр сюжет” потўғри, хато атама оди. Турли ҳалқлар асарларида айрим ўхшаш воқеалар мавжудлиги улар сюжетидаги мужассамланган ўзига хос бой мегимунинг такрорланганилигидан даюлат бермайди. У асарларда айрим воқеалар орасида ташки ўхшашликлар бўлса-да, сюжетлари тўлиқ ҳолда бир-бирига мос келмас ва оригиналгини билан ажralиб турар эди. Айрим ўхшаш томонлар бир ҳалқ сюжетини иккинчиси қабул қилиб олиши натижасида әмас, балки турли ҳалқлар ҳаётида ўхшашликлар мавжудлиги оқибатида юзага келган.

<sup>1</sup> Қўшижонов М. Бадиий сюжет. Сайданма. Иккى жилдик. 2-жилд. Т : «Адабиёт ва санъат» нашриёти. 1983. 215-253-б.

“Сайёр сюжет” назарияси алабиётшуносликда қиёсий-тарихий мактаб деб аталған йұналиниң оид “таълимот” лардан бири эди. Россияда бу мактабга академик А. Н. Веселовский ассоц соглан бўлиб, у, умуман, турли ҳалқлар орасидаги маданий алоқаларни ўрганиш ва уларнинг адабий-назарий ишларда тарихий зарурлигини исботлаши соҳасида кўп фойдали хизматлар ҳам қўлган. “Сайёр сюжет” назарияси қиёсий-тарихий мактабнинг заиф ва сохта “таълимот” ларидан бири эди. Сюжетни адабий материкалнинг бутун ғоявий-бадиий бойлигини ҳисобга олган, унинг ижтимоий-тарихий мазмунини тўғри тушунгандан, ҳар бир миллӣн адабиёт олдига муайян даврда кўйилган разифаларни ёрқин гасавур қўлган ҳолдагина, қиёсий-тарихий тарзда ўрганиш мумкин.

“Сайёр сюжет” назарияси адабий материалга бундай ёнданнишни кўзда тутмаганлиги сабабли унга амал қилиши натижасида бадиий асарлар таҳлили ўринини үхшаш тағсилотлар ва воқеалар қидириш эгалиб қолар ҳамда бундай қидириши ўни асарлар мазмунини ва аҳамияти ҳақидаги тушунчани ҳеч нарса билан бойитмас эди. Заифлигига, хатолигига қарамай, “сайёр сюжет” назарияси узок йиллар давомида адабиётшунослик ишларка катта ўрин тутиб келди. Олимлар факат XX асрда унинг асоссизлигини исботлашиб берлилар.

Ёзувчининг жаҳон маданияти ҳазинасини қўшадиган миллӣ ҳиссаси тасвирилангаётган ижтимоий зиддият мөҳиятига қанчалик чўқур кириб борғанлигига, мазкур зиддиятга мувофиқ келадиган воқеалар оқимиини қанчалик кенг ва аниқ ёритганига, акс эттиришининг тасвирчанлигига боғлиқдир.

Диккенс жаноб Домбининиң сывалий ҳаётидаги зиддиятни тасвирилар экан, тул ва табдикатилик урф-одатлари ҳукмронлиги кишиларни шикастглаб қўйинши, уларнинг турмушдаги энгэзгу, муқаддас ҳодисалар, хусусан, муҳаббат ҳақидағи қарашларини сохталашириб юборини тўғрисидаги фикрни илгари суради.

Сюжет оқимида айрим ўшашинклар бўлса-ла, ҳар бир нодир адабий асар миллий ва тарихий ўзига хослиги билан бир-биридан фарқданиб туради. Ижтимоий зиддиятлар тасвиридаги ва муаллифининг уларга бўлган мунисабатини ифодалашдаги бу ўзига хослик адабий асарлар сюжетининг муайян хусусиятини белгилайди.

## Сюжет қисмлари<sup>1</sup>

Бадий асар сюжети бир неча таркибий қисмлардан иборат ва улар ўзаро боғлиқ; қисмлар қаторига экспозиция, тугун, воқеа ривожи, кульминация ва ечим киради. Баъзи асарларда сюжетнинг пролог (муқалдима) ва эпилог (хотима) каби қисмлари ҳам бўлади. Асарнинг ўзида сюжетнинг барча қисмлари бўлиши шарт эмас. Аммо тугун ва кульминация бўлиши зарур. Хусусан, пролог ва эпилог кам учрайди. Лирик асарларда эса сюжет қисмларини бирма-бир қидириб топиш анча қийин. Улардаги сюжет қисмлари ҳақида гапирганда, фикрлар оқимининг бошлананиши, мантиқни тарзда давом эттирилиши, ривожи, якунланиши тўғрисида сўз юритиш, кечинма тасдиқланиши ё инкор қилиниши мумкин. Эпик ва драматик асарларнинг барчасида, лирик-эпик асарларнинг кўпчилигига экспозиция, тугун, воқеа ривожи, кульминация, ечим мавжуд бўлади.

Сюжет қисмларининг ҳар бири бадий асар мазмунини очища муайян вазифани бажаради. Шунга кўра уларниг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб ўтиш ва аниқ мушоҳада қилиши зарур. Сюжет қисмлари ва қаҳрамон характери ривожини бирга таҳлил этмай асар мазмунини шунчаки ҳикоя қилиб бериш куруқ баёнчилеклар. Чунки сюжет характер тарихидир.

**Экспозиция.** Кўпчилик асарларда ёзувчилар сюжетлардаги воқеалар бошлангунга қадир иштирок этувчи шахсларнинг қандай яшаганликлари, усиб, улғайишлари, характер хусусиятларининг шаклланиши ҳақида ҳикоя қиласидар. Бу ҳикоя асар зиддияти бошлангандан кейин содир бўладиган қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини асослаш ва шу йўл билан китобхонни уларга тайёрлаш ва ишонтириши учун қилинган дасглабки заруриятидир.

Зиддият юзага келигунга қадар қиёфасини шакллантирган шароитининг ва унда қарор топған характер хусусиятларининг тасвири экспозиция деб аталади. Экспозиция асарда иштирок этувчи шахсларнинг бадий ҳис қилинаётган зиддият давомилаги хатти-ҳаракатларини далиллаш вазифаси-

<sup>1</sup> Сюжетдаги экспозиция, тугун, воқеа ривожи, кульминация ва ечимни элемент, унсур, бўлак леб атанилар учрайди, биз Иzzat Султонининг "Адабиёт назарияси"га кўра "қисм" деб аталадик.

ни ўтайди; ҳәётлари, ўсипи, улгайшлари түркисидеги маълумотлар турли ўринларда берилади. Ўлмас Умарбековнинг “Ёз ёмғири” қиссасида Мунисхон билан Раҳимжон Саидовнинг асосий воқеалардан аввали ҳәётлари, турмуш қурилари, характерларидаги қирраларнинг шаклланиши тури бобларда ҳикоя қилинади. Бундай экспозиция кечирилган экспозиция лейлайди. Бироқ экспозиция асарнинг қаерида келмасин, ҳар доим бир вазифани бажаради, яъни китобхонни қаҳрамонлар билан, улар характеристики шаклинган шароит билан танишиширади, уларнинг кейинги хатти-харакатларини далиллашга йўл очади.

Биз Ойбекининг “Кутлуг қон” романни экспозициясидан Йўлчининг қиншюқда оғир ҳәёт кечирганини, онси ўлгач, қарзга ботганини, ерини сотинига мажбур бўлганини ва укасини ташлаб, Тошкентга иш қидириб келганини ҳамда шиҳарда тоғасиникуда ҳам қашшоқларча кун кўраётганини, турли хилдаги кинилар билан танишганини билиб оламиз. Буларнинг ҳаммаси бизнинг кейингилик Йўлчи қалбидаги оғир ҳәётта, қашшоқликка ва киниларни шундай турмушига маҳкум этган шароитта иисбатан норозилик туйғуси уйғонишлага, онгининг ўсипнинг, миллий озодлик ҳаракатининг қаҳрамонига айланисига ишонишсимиз учун имкон беради.

Драматик асарларда экспозиция маълумотлари кўпинча айрим иштирок этувчи шахсларнинг аҳбороти ё ҳикоясида берилади. Иззат Султонининг “Имон” драмасида Йўлчон ва Санжаровларининг асадаги асосий воқеалардан, зиддиёт бошлинишидан аввали, яъни уруш йилларидаги яшаш тарзлари, хатти-харакатлари, хулқ-авторлари профессор Комиловнинг ҳикояси орқали маълум қилинади. Айрим ишсаларда оса экспозиция маълумотлари воситалир тарзида, яъни акс оттирилаётгани зиддият содир бўлган вазиятнинг ўзи орқали юз беради. Сарвар Азимовнинг “Копли сароб” драмасидаги вазиятдан, қаҳрамонларни ўзаро муносабатларидан, тўқнашувларидан уларнинг бир вақтлар ӯз мамлакатини ташлаб кетганлигини, чет олда турли ишлар қилинганиларини, доимо Ватан ҳәёли билан яшаганликларини ва турли воқеаларни бодларидан кечирганликларини билб оламиз.

Кўрамизки, экспозиция асар мазмунини тўлиқ очища ва китобхонни унта ишонтиришида муҳим аҳамиятта эгадир.

**Тутун ва воқеа ривожи.** Асадаги воқеалар ривожини бошликовчи зиддиятларнинг найдо бўлишини кўрсатувчи ўринлар

түгун, деб аталади. Тугун юзага келган зиддиятни очиб бериниң йўли билан китобхонининг асар мавзуини тўғри тушунишига имкон туғлиради. Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” номли саҳифа асариде Солиҳбойнинг ўз хизматкори Ғофирии уйлантаририб қўйини ва унинг ён хотини Жамиланин кўргач, унга ўзи уйланинга қарор қилинишдан драматик зиддият бошланали. Солиҳбой билан Ҳофири орасида зиддият бошланган маъжур ўрин драманинг мавзуи, яъни бойлар билан камбағаллар орасидаги муносабат ва унинг қандай якуниланини ҳақида чуқур ўйлайтиди.

Асарда воқеа ривожи ҳам кайта аҳамиятга эга. У асар тутунидан бошланади. Воқеа ривожида кишилар орасидаги муносабат ва зиддиятлар юзага чиқади; инсоний характерларни турли туман қирралари аёни бўлади, шахсларнинг шаклланини ва улгайини тарихи акс этади.

Агар тугун китобхонининг асарда кўтарилган муаммони тушунишига йўл очса, воқеа ривожи жумбоқнинг ҳал этишини йўллари ҳақида ҳам мулоҳиза туғлиради. “Кутлуг қон” романидаги воқеалар ривожи давомида Йўлчининг матъиатий бойиши, зулмга қарши курашиш зарурлигини англай бориши, золим бойларга қарши фаол ҳаракатга кириланини, ниҳоят, озодликка чиқиши мумкинлиги йўлларини тушуна бошланни аёни бўлади. Шу воқеалар ривожи ёрдамида китобхон онигига роман мавзуи, яъни инсофсиз ва диёнатсиз бойлар билан меҳнаткаш ҳаљ орасидаги муносабаглар муаммони кураш орқали ҳал бўлинни тўғрисидаги фикр сингидирилади. “Бой ила хизматчи” драмасида ҳам воқеалар ривожида асардаги зиддият тобора кескинланишб боради, турли ҳодисалар таъсирида Ғофири қалбида Солиҳбойлар дунёсига қарши нафрат туйғуси кучаяди ва онгига уларга қарши курашини зарурлиги ҳақидағи худоса туғилади. Натижада Ғофири ижтимоий адолатсизликка қарши жасур куранчичи даражасига кўтарилади.

**Кульминация ва счим.** Воқеалар ривожидаги энг кескин, ҳаяжонли жиҳат кульминация деб аталади. Кульминация асарда кўтарилилган муаммони ниҳоятда ўтирилаштириб, кучайтириб, таъсиричан питини оцириб бориши билан мазмундордир.

“Кутлуг қон” романидаги Йўлчи сингари эзилган меҳнаткашларнинг колониял зулмга ва унинг малайига айланган

баъзи маҳаллий хукмдорлар зўравонлигига қарши қўзғолон кўтариши асарнинг кульминациясиdir. “Бой ила хизматчи”да эса Фоғирнинг Сибирга сурғунга жўнатилиши олдидан Жамила билан учрашиши ва шу пайтдаги оташини сўзлари, Жамиланинг килиларни Солиҳбойлар “замонасига ўт қўйинш”га чақириши, заҳар ичиниш, бой заводида иш ташлаш ҳолатлари асарнинг кульминациясини таъмин этади. Иккака асарда ҳам кульминация қўйилган масалани чуқурроқ, тўлиқроқ, ёрқинроқ ҳис этишимизга, атрофлича тушиунишмизга ва эслаб қолишимизга ёрдам беради.

Кульминация фақат эпик, лирик-эпик ва драматик асарлардагина эмас, балки лирик цеърларда ҳам мавжуд. Эҳтирос билан ёзилган ҳар бир шеърдаги фикр оқимининг юқори нуқтаси кульминацияdir.

Кульминация кент қўламли, йирик сюжетли асарларда фақат бир ўриндагина эмас, балки ҳар бир сюжет чизиҳида бўлиши мумкин. Бироқ уларнинг барчаси асарнинг умумсюжет оқимига бўйсундирилган бўлади. Ойбекнинг “Утук йўл” романидаги умумкульминацион нуқтадан ташқари Умарали, Зумрад, Усенин характерларига тегишши бўлган алоҳида кульминацион нуқталар ҳам бор. Улар асарнинг ҳар жой-ҳар жойида муайян бир кескин ҳолатларни вужудга келтиради ва шу йўл билан ҳётнинг ҳаққоний акс этирилишига дастак бўлади.

Кульминация ёзувчи услубига кўра асарнинг охирида, ўргасида ва ҳатто бошида ҳам келиши мумкин. “Бой ила хизмагчи”да кульминация драманинг охирига тўхри келади. Абдулла Қадҳорнинг “Синчалак” повестида Саида онгида ўз кучига ишонч тухилган, Қаландаров эса ўзининг ҳақлигига шубҳа ҳосил қила бошлаган ва уларнинг тўқианиув пайтари воқеаларнинг юқори чўққиси — кульминацияси бўлиб, у асар ўртасида келади. Бўғизан кульминация асар бошига тўғри келади. Бундай пайтларда, ёзувчи асарни ўткир драматик воқеа билан бошлаб, китобхонни ўзига ром қилишига ингилали ва қолган кучларнинг барчасини шу воқеа тутганини ечиб беришта ташказайди. Ўлмас Умарбековнинг “Ез ёмри” қиссаси худди шундан кульминацион чўққидан, яъни Мунисхоннинг ўлирилишидан бошланади. Кейин эса муаллиф шу воқеанинг тафсилотларини, қандай содир

бұлғанлығини, сабабларини ва мөхияттің ошкор этади. Бу услуга ёзувчидан катта маҳорат талаб қылады. Чунки дастлабки саҳифаларда бонштанған драматик ҳолат асар охиригача давом қилини керак.

Кульминация асарнинг энг кескіні, ҳаяжоның үрнін бұлғанлығы сабабли китобхонни зиддият қандай барҳам тоғиши, яқунтанини ҳақида ўйлашы мажбур қылады. Таевирланаёт-тән вөкөс сирларинин қандай очилишиниң күрсатувчи ёки китобхонга унинг ҳал этишини йүйлари ҳақида тууцунча берувчи үрин асар ечими леб аталады. “Күтгүе қон”да құзғолошиниң бостирилінія ва Йұлчинин үлемі роман ечимилер. “Бой ила хизматчи”да Жамилланың үлемі ва Еофирнің Сибирға сурғун қилиниши ҳамда у ердан янғы мақсадаар билан қайтишини драманинг ечими деса бўлади, шу ечим ёрдамида драматург ўзи айтмоқчи бўлган иннатнинг томошабин оңғигы яхшироқ етиб боришига, унга сингиб кетишуга эришиади.

Англашыладики, зиддиятлар асар тугунида юзага келиб, воқеалар ривожида кенг күламда аён бўла боради, кульминацияда ишқоятда юксак ўтқирилек ва кескинликка эришади ҳамда ечимда ҳал бўлади.

**Пролог ва эпилог.** Асосий сюжет ривожидан аввал бериладиган ўзига хос муқаддима пролог леб аталади. Пролог сюжет ривожидан олдин келиб асардаги воқеаларнинг энг дастлабки сабабларини очишга дастёрлик қылади. Бу сабаблар кейинги ҳолатлар ва ҳаракатлар мөхияттіни аниқ-равшан қылади. Сарвар Азимовнинг “Қонли сароб” драмасининг прологида асосий қаҳрамонлардан Мавлюно Фигоний, Шайх Абдулфотих, Юртолбек, Сайдхонлар бирин-кетин саҳнада пайдо бўлиб, узоқ йиллар аввал ўзларининг ватанларидан кетиб, чет элга келиб қолланлари, сарсон-саргардон бўлғанлари, иккинчи жаҳон уруши давридаги кечмишлари ва келажакка оид режалари ҳақида сўзлайдилар. Бу сўзлар уларнинг кейинги хатти-ҳаракатлари, қисметлари қандай сабаблартга кўра шундай бўлғанлығини тушунишга ёрлам беради.

Одатда, пролог асарнинг энг бошида бўлади. Лекин бальзам ёзувчилар уни асарнинг бошқа қисметларига, ҳатто охирiga кўчириб ҳам қўядилар. Бундай ҳолини Гоголининг

“Күркінчли қасос” деб аталаған ортақ-қысса сида учратамиз. Асарны хотималовчи құйнуга узоқ йиллар аввал Иван ва Петро иштирокида фожиали воеалар содир бұлғанлығи, Иванниң ҳалокати ва “күркінчли қасоси” ҳақида ҳикоя қылниади. Ҳудди шу оғир воеалар қиссада Данила ва Катерина ойласыла іоз берған барча бағызданыларниң ва Петро қариндоштырылған бұлмаш Жодугар қылған ҳамма жинояттарниң дастлабки сабабларидір. Шунға күра бандураачи құйлғи асар охиріда берилген бұлса-да, “Күркінчли қасос” шылғ проглоти ҳисобланади.

Езувчи асар ечимида персонажларшың кейинни тақдиди етарлыча очилмаган деб ҳисоблаган шайтларда эпилогдан фойдаланади. Бундан ташқари, эпилогда санъаткор асарда тасвирланған воеа ва харәктерларға нисбатан ўз муносабатини, улар устидан чиқарадыған ҳукмини аниқроқ ифодаляпта ҳам ҳаракат қылади. Асарда тасвирланған воеалар ва харәктерлар ризожидан келиб чиқарадыған энг сұнгти натижаларни ақс эттирувчи жиҳат эпилог деб аталаади.

Езувчи Абдулла Қажхорининг “Сингалак” повести хотимасыда, яъни эпилогда қаҳрамонларниң асардаги асосий воеалардан бир неча йил ўттандан кейинги ҳаёти ва уларниң ўзаро муносабатлари, тұқнашувлари қандай якунланғанлығи ҳақида маълумот берилади. Хусусан, Қаландаровниң кишиларға муносабати анча яхшиланғанлығи, Сайданинг Козимбек билан турмуш қуриб, совхозга шыға ўтғанлығи ҳамда Тожихоннинг Ҳамидулладан ажрапланғанлығи айтилади. Эпилог охиріда ёзувчи: “Тақдирини ўз құлиға олған одамларниң келажаги, албатта, ёрқын бұлади, ҳали бу несьманта әршишмагаларниң кураш йұлениң ёритади”, деб ўзининг қаҳрамонларига бұлған муносабатини, уларниң ҳаёт тақдиди ҳақидағы хулосаларини аниқ-равшап ифодалайды.

Асарларда воеаларниң эстетик якунланғанлығыдан күра, уларниң ҳаёттегі мұхымроқ бұлғыб қолади. Бу масыла асар сюжети учун мұхимдир. Буylan тапиқари, бадий сюжеттеги аниқлашыда асарниң бош қаҳрамони фәoliяттеге таяниш лозим, чунки асар мазмунидан келиб чиқарадыған тоғы шу бош қаҳрамон орқалы ифода қылниади. “Санъаткорниң эркінлеги күзланған гоявий-бадий вазифаларни ечишининг энг мәкбул сюжет-композицион ечимини төзиш, асарниң ички қурилишини уюнтиришінде индивидуал әндешесін билан

боғалиқдир”.<sup>1</sup> Ёзувчи асар сюжетини шактлантиришда фажат назарий фикрларга сүяниш билан кифояладиб қолмайды. Энгилікта сюжет қуришинің үзи қатый қоидалар билан чекенімайды. Үтасвириданағаштан воқеалар динамикасы, санъаткоринің үләр мағзиниң қақпани билан белгілана-ли. Сюжет қисметаринин олшімдан тайнилансаң бир үрнілә көлини ҳамма асарлар учун ишір әмис. Экспозиция туғындаған авағатына әмис, балки кеини ҳам келеди (Абдулла Қадхорининг “Құнғынор чироқтары” романыда шундай). Экспозиция асар иштеге сочиб юборилиниң ҳам мүмкін. Тұгуни ҳам, етими ҳам бұлмаган асар мәзмуненің сағасатыдан башқа нараса әмис.

Адабиёт ылмининң күрсатыннанча, сюжетиниң бені хил күрінинши мавжуд:

1. Хроникал сюжет. Бұндай сюжеттә воқеа тарихий ва мантиқий жиһатдан бириң-кесін, изчил күрсатылады (масалан, Нарда Түреулининг “Ұқытувчи” романының сюжеті шундай).

2. Концентрик сюжет. Бұ хил сюжеттә воқеалар сабаб-әкібат тарзыда, бир марказға жало әтилген ҳолда баён этиледи (Хамид Гүломуллининг “Манъыл” романыда бу хил сюжеттің күріш мүмкін).

3. Ретроспектив сюжет. Воқеа ривожи тұхтатилиб, тарихға мурожаат қылышыды, янын орта қайтылыды (Абдулла Қодирийнинг “Ұттан қүннелар” романы шундай сюжеттегі етап).

4. Ассоциатив сюжет. Буның объектив тасвири билан биргә субъектив ҳис-түйгулар, хотирашар, тасаввурлар ҳам акс әттириледін, психологияға таянған сюжеттің, ички кечинмелар, үй, ҳиссенәт ва әхтирослар ҳам сюжеттә үрін отали (Ойбекнинг “Құтлуғ қои” романы шундай сюжеттә билан таянған).

5. Синтетик сюжет. Қориинің тарзлы сюжет хилма-хил тасвири үсүлдарынан сүяналы, тағын реалистик бұлалы, ҳәёт түрлі үйлар билан тұла күрсатылады, воқеа тасвири дегтерминив (сабіблі боеланниң гарзуда) күрінеді (Ойбекнинг “Болалық” асарының сюжеті шунақа).<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Раҳимов А. Үзбек романы поэтикасы (сюжет ва конфликт). Т., 1993. 9-6.

<sup>2</sup> Үша маңба. 9-11-6.

## Композиция

Ёзувчи мұаіян турмуш манзарасини акс эттираң экан, уни ўқувчи күз үнгіда бутун тұлғасынан да яхлитлиги билан намоён қылыш үчүн асарини маңдым шактла солады. Адабий асарының барча қысметтерінің ўзаро бирланыптырып түрүвчи, мұаіян ҳәёттің яхлитлигінен да мұаллиф нұқтаған пазарина мөхәммәд образында акс оғындырып түрдемдерге беруви қурилиши композиция деб аталады.

Композицияның ишқоятда мазмұндор түншіліктердің. У үзининде мұраккаб, бирок аниқ қоңыннан жарыстағы әзіз.

Бирор асар композициясын, янын түзилішинің қақпдағы фикр жоритиш үчүн үндегі воқеалар, ҳолиса да шахслар нима мақсадда кириллігін хүсусида ўйлап күршиң керак бұлады. Максад аниқ бўлмаса, ҳаракат ҳам, янын кириллігінен воқеалар, уларда қатнашадиган шахслар ҳам тартибсиз бўлади. Шу сабабли асар композициясын аниқтап үчүн маълум бирликда турган нарса, воқеа да шахсларының нима мақсад билан бирлашганига диққат қилиш ло зид. Шу нарса аниқланмаса, асардаги бирликни да үннің қысметтері бажарадиган вазифасини англаб олиш мүнисул.

Адабий асарда нарса, воқеа да шахсларни бир нұқтага йиғадиган күч бор. Бу гоя, ният, ёзувчи ифодада замоқын бўлған фикрдир. Шу йўсинда санъаткорининг эътибор берадиган диққат маркази пайдо бўлади. Ёзувчи қамраб олинган ҳәёт материалда нималарнидирип диққат марказида тулади, нималарнидирип ўзининг лиққат марказига олмайди. Янын ҳар бир нарса, воқеа, шахсга ифода қизинмоқчи бўлған фоя, ниятдан келиб чиқиб ўрин беради. Ёзувчи А. Толстой "мақсадсиз ёза берип мумкин эмас"ligини айттиб, композицияни "санъаткор диққат марказининг белгиланиши"дир,<sup>1</sup> леган эди.<sup>2</sup>

Композицияның ишқида таърифлаш қылым замонлардан бери бор эди. Санъаткорининг демоқчи бўлған гани асарының ҳажмини белгилайди.

Демак, балийдің асарының түзилішини, таңқыл топшында ёзувчи илгари сурмоқчи бўлған фикр, гоя асосий күч ҳисобла-

- А. Толстой о литературе. М., 1956. С. 208-211.

нэли. “Үтгәп қүплар” романыда ёзувчы Абдулла Қодирий диккәт марказыда хонцук зумми авжига чиққан бир даврда, одний меңнаткын киндерләр у ёкда турсин, ҳатто Отабек. Күмүнн сингари ҳоким сипәф вакилләрни ҳам баҳтли бўла олмаслиги, тақдирри фожиали эканити ҳақидаги ниятни иғодалашни мақсадли гуради. Таъсиган ҳамма образ, воқса ва тағифилотларгача асрларни мақсед орқали, яъни кўзда туғилган гояни етарли даражада иғодалашни шуғай назаридан ке-либ чиқиб жойлантирилди.<sup>1</sup> Агар Абдулла Қодирий ҳамма нарсанни исесий мақсадла буйсундирмаганда роман гоявий-бадний жиҳатдан мукаммат чиқмаган бўлар эди.

Энг яхши бадний асрларга ҳар бир боб, боблардаги ҳар бир маизира ҳам ўз марказига эга бўлади. Ана шундай ҳол-дагини азабий асар зарур изчиликка эга бўлшини мумкин. Барча марктазлар аниқ ва равишн ёзилган, ҳаққоний бўлини, иересонажлар характеристикинг ривожи, руҳияти билан боғ-линици, асосий марказига бориб кўнисенин лозим. Бирча чекка марказларнинг йиенилишдан балий асрларнинг ягона маркази вужудга келиди. Бончаркавининг асосий белгилари чекка марказларнинг сифат хусусиятларини келтириб чиқаради. С. Айни ётган “Қулиар” романининг биринчи қисмида ком-позицион марказ ўтган зерда Ўрта Осиёдаги қулиарнинг тақ-дирини кўрсатинидан иборатлир. Ҳар бир боб ўзининг ало-ҳила марказига эга. Айниининг маҳорати шундаки, бобларнинг ҳар бирдани марказ умумий марказнинг нури билан ёритилган. Гўё умумий марказ майдо бўлакларга бўлинниб, ўни бобларга жойлантирилга ўхтийди.<sup>2</sup>

Шу романини биринчи қисмидаги ўн еттинчи бобни оятайлик. Учын бухоролик Абдураҳимбайпиннг татар савдоғари билан учраннуви ва сұхбати төсвирланади. Сұхбатда ҳар нарса тўғрисидә гартибсиз равишни ганирилавермайди. Биринчидан, бу маизардан иккى тағифилот — татар савдоғарининг сұхбат давомидаги тез-тез исесиқ чой сўраб турини ва тан орасини “...иулати, иулати”ни тақрорлайверини бу сұх-батга жоғицепик бағишлаган. Бу ерда энг асосий нарса шуки, муаллиф китобхоноларнинг эътиборини сұхбат мазмунидан келиб чиқалган ягона марказни жалб қылдади. Сұхбатининг

---

Кунажонов М. Ойбек маҳорати. Т., 1965. 304-328-6.

мазмүни эса рус поэхиинин фармони билан құлдарининг озод құлшынында ва Абдурахимбайининг көлажақда ўз қуллардан, янын бойлық манбандың жерлиб қолини нағижасыда зарар күрішіндең изіпшөб чекиши, татар салдогаринин құлдарининг озод құлшынын бойтаға фойда эканынин ту-шуптиривша зүр беріб үриништің ибораттың. Иккі бой суҳбатлашар экан, нималыр ҳақыда гашлашымайтын, дейсіз. Бирок, ёзувчының авылда құлдарининг тақыры қызықтириуды, шуның үчүн ҳам мұтәсіл бой тар суҳбатининг мазкүр ҳолатынин, асар құхрамонларинин тақыры туғрисиңде сүз борадысан қнемини тасвирлайды. Мұтәсіл бобниң марказы олдига қўйилған мақсадын бажарын билдиң чегараланын.

“Құлдар” романынин бү бобниң бир манзара ва бир марказ мавжуд бўлиб, улар асаринин умумий марказы билан боғданб қетгандыр.

Баъзан бадий асарларда бобниң ягона марказы билди бир қаторда бир неча воқеа берилди ва уларниң ҳар бири ўз марказига ҳам оға бўлди. Бу марказлар эса бобниң марказы билан, шунингдек, асарининг умумий марказы билан узвий равинша боғлиниб кетади. Ойбекининг “Навоий” романында иккичи бобниң ослайчик. Бу бобниң марказы Алишер Навоий инсоннаварларинин асосий нуқталари мөхиятнин очиб бериладан ибораттың. Бу ғоя кейинчилик бутун асар давомида тобора кенпроқ очиша боради. Бу боб уч манзарадан иборат бўлиб, уларниң ҳар бири ўз марказига оға. Биринчи манзарада Алишер Навоий шоҳнинг муҳрдорларига вазифасига тайинласпиди муносабати билди үннинг ўйилғи меҳмондорчилик тасвирланади. Ўқувчиниң бу ерда құхрамоннинг меҳмон күтиши маросими ортиқча жалб этмайды, балки иккى улуф одамнинг — Навоий ва Султонмуроднини учрашувлари, Алишериниң ўз идеаллари, фан ва маданиятни ривожлантириши тұғрисидаги мұлоҳазалтары үннинг өзтибори-ни тортали. Худди ана шу нарса воқеанинг маркази.

Бу бобниң иккенинші воқеасыда ёзувчи дикқати Навоийнинг ўз укаси Дарвенисли билди суҳбати ва бу суҳбатта давлат ҳамда ҳукмдор фаялияті тұғрисидаги идеали юзасынан илғары сурған мұлоҳазаларига қаратылған. Кейинни воқеада эса ёзувчиниң дикқат марказы Алишер Навоийнин Хўжа Афзул билди учрашувын ва мамлекат, халқ ҳаёғы, көлажати

түрлесидаги идеаллары ҳақидағи мұлоҳазалары тасвириға қаратылады.

Күриниң туриблиқи, бобининг умумий маркази түең үч килемге бүлиніб, алохуда воқеаларға жойланып прилагана үштайды. Лекин бу уч воқеа маркази бобининг умумий марказидан көліб чиққан, үз навбатидә бу боб романнинг умумий марказини вужулаға келтирінің интироқ этапы.

Композицияның яңа мұхым масалалардан бири мувофиқлардың. Бу ерті айрим тағсилоттар, оныздарининг, воқеалар тасвири ва образларнинг асар марказига, ёзувчи мақсадыға мувофиқлардың күзла тутылады. Ҳар бир лағылдани музияни шароитта мувофиқларның сезінін таңдаудың уәлитироқ этаптеган манзара, боб да умумасар марказини ҳисекілдін таңдаудың орқалынған бўлини мумкин.

Агар бадий асар боблари ва воқеалардың ёзувчининиң диктат марказын анық да равнин сөзлиб түрмаса, факт ё тағсилотларнинг мувофиқлардың ҳақида тапириши мумкин эмес.

Композицияның мұхым томондардан яңа бири мөъер масаласынан. Ҳақиқий ёзувчи асар устида иншар әкап, ўзи-ниң ҳажм жиҳатын қатынн чекланғаннин ҳисекілді. У айрим тағсилоттар да ғалылтар тасвирини ўзбоғимчалық билан үзүншін ёки чеклаб қойыны ҳуқуқыга етілә. Мөъер масаласы ҳар бир тағсилот да воқеалардың марказынан мувофиқларға бөлек бўлади. Мувофиқлар даражасы ҳамина тасвири үзловини белгилаб беради. Марказга мутлақ дара-жада мувофиқ тағсилот да воқеалар, манзаралар орасында уларнан ассоциацияларынан, яғни марказини ифодаловини деталь, воқеаларғина муфлесал, кейн тасвирилайды. “Наво-ий” романнинг бешинчи бобидаги воқеа да тағсилотларнан мөъерини өслайшык. Бу боб биригич қилемнин марказы үз бирордварини ўздирувчыларға Алишер Навоийнинг муносабаты да ақтанның күч-құдратига бўлган ишончиниң күресатилига ділват қылғанды. Бу қилемді воқеа да тағсилотларни тасвирилди — үзлови худди ана шу марказын қатынн бўйсундирилади. Муаллиф ортиқча деталларынан тағсилотларни тасвирилди — үзлови худди ана шу марказын қатынн бўйсундирилади. Шуниндең, яғнироқ тасвирилар билан ҳам манзул бўлмайды. Буларнинг барчаси мазкур қилемнин марказига мувофиқлар. Елғор Мирзоининг Ҳусайн Бойқарога қылған хужуми, Бойқаронинң ҳарбий маҳорати, Алишер Навоийнинг мамлакат тарихи, тақдиди ҳақидағи ўйлари юза-

сидан гап борганды ҳам муаллиф фикрларни жуда ихчам жойлантиради. сүзларнингина эмас, ҳатто тафсилотларни ҳам кам айттиради — ёзувчи услуги фикрни лўнда қилиб айтиш билан изоҳланади? Роман музалифи Ёдгор Мирзоининг бутун ҳаётини, Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги баъзи маълумотларни, мамлақатнинг ўтмиши тўғрисидаги фикрларни икки саҳифага сиздиради. Буларнинг ҳаммаси китобхонни кейинчалик кені ёритиладиган муаммоларнинг тарихидан хабардор қиласди.

Роман муаллифи китобхонни асосий шароит билан ташнишига тириб, ўз бадиий мақсадига эришгач, ўша қисмнинг марказий кучга киррадиган ўрнглари тасвирига ўтади. Натижада Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан уруслар ва уларни давом эттириш тўғрисидаги масала туфайли туғилган тўқидашувидан иборат бўлган воқеа берилди. Бу ўрнинг келиб, ёзувчининг қисқа ахборотлар билан чекланиши мумкин бўлмай қолади. Зоган, асарининг маркази бевосита баён этиладиган қисм тасвирила оддий ва қисқа хабарлар билан чекланиши мумкин омас, аксингича, бу қисм гўзал ва ҳаяжонли бўлиши керак. Бу ерда биз худди ана шу қоидага риоя қилинганини кўрамиз. Ёзувчи марказий воқеа тасвирига ўтар экан, унини услуби ўйгара боради. Энди у маълумот бермайди, аксингича, муфассал тасвирлайли. Энди образлар ҳар томонлама пухта, ўзига хос нутқлари, қиёфаларидан ўзгаришлари, нозик ҳаракатлари билан кўрсатилади, шу йул билан уларнинг руҳий моҳияти очилади.

Демак бадний асар композицияси аввало мазмуннинг, поэтик гоянинг аниқлти, реалисти, эстетиклиги ва шу поэтик гояяга нисбатан қисмларининг, образларнинг жой-жойига қўйилиши ва уларнинг асаддаги мувофиқлик қоидасига биноан аниқланган тасвир мезёридан иборатdir.

## Композициялық жосигалар

Алабий асарни бир бутун килип ишод этишди, қисмларни, воқеаларни ўзаро бөвлапда, қаҳрамонлар ҳаракат қила-  
диган шароитни қайта ҳосият этинди ёзувчи түрли-туман  
ёрдамги композицион воситалардан фойдаланац. Үндай ком-  
позицион воситалар жумлаасын лирик чекинин, кирпима  
воқеа, бадий колицини, энграф, портрет, пейзаж, ле-

таль ва бошқалар киради. Бұу композицион воситаларнинг барчаси ҳар бир асарда, албатта учраши шарт әмас. Агар портрет, пейзаж (манзара), лирик чекинишиң ва деталь (тафсил) адабий асарларда бирмунча күп учраса, бошқалари күзға камроқ ташланади. Композицион воситалар асар гояснин очишиша муайян роль ўйнапшига күра үсігі хос мазмундорликка әга бұлади. Шу сабаблы үларнинг ҳар бирини алохидала-aloхида күриш үткінділіктерінде.

**Лирик чекинишиң.** Адабий асарда ёзувчиның бевоситың үз фикр-түйгүлариниң айтиши лирик чекинишиң деб аталағы. Бұндағы чекинишилар, асосан, эпик асарларда бұлади, чунки драмада умуман мұаллиф нұтқы бұлмайды, лирика еса бутунича шоңор көчималарининг мужассамидір.

Лирик чекинишиң түрли-тұмаи композицион вазифаны бажаради. Күпинчә ёзувчилар лирик чекинишиң ёрдамида персонажларнинг ишләри, хұлқ-атворлары, харakterларыға бередиган үз баҳоларини апиқ-равишан билдиришиға ва китобхон онтиға сипгадырынға еріппәүлілар. Абдулла Қодирий “Үткен күннәр” романында Зайнаб харakterига, хатты-характерларига үз мұносабатини ёрқынроқ баён қыныш үзінде онтиға еткәзини мақсадыда күйідән лирик чекинишиң келтиради: “Күндоңелік үйда күнда жаңжал”, дегендегілер. Албатта, бүни айтуыштың күннің үйламасдан ва билмасдан айтмагандыр. Жуда, ҳар күнни жаңжал бүлмаганда ҳам, ҳафгада, үз күнда бир түнөлем шықысада, албатта, күндоңини-күндоңи деб бұлмас. Неге десанды, бизнинг баязын бир күндоңеніз, чиқтесіз ойлаударда ҳам иккіншінде күнда товоқ-қоңық синиб, тоғора яңғызынғынниң қарыншының қайсымын биліміз, бас, әнді күндоңшылқы ойлаударымыздың көліганды-чи, албатта, юқориудаги “Күндоңшылқ үйда күнда жаңжал” мақолини түғриға, чынға чиқармасын өзінде... Әрхәкінде, үз орамызда күндоңи жаңжилини кам билмасын? Азиматтың тағы дауынан дүнен бұзған күндоңи түпполынғын күнніндең күлөғіна ёқсан? Үкүрчиннің қимматынан бақтаниң яғниңдең, қаламни ҳәм ғиди-бидидан озод қылыштың мұвоғиқ күрдім. Мени көчирсепшілар”.

Баъзан мудайян персонажга қарыншылық лирик чекинишиң бошқа персонажнинг үйләри, көчималары биілән чыншылған кеттеган бұлади, лекин китобхон барыбір үзін мұаллифинің бевосита анылғаннан шын үй-түйгүлары сиғатидан қалады.

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» досгонининг 1-3,5,44-45-боблари лирик чекинишиз, қолган 48 боб лирик чекиниши. Лирик чекинишилар соқийга мурожаат руҳидадир. Кўпчилги майнинг бирон янги томонини аниқлайди, ўзи мансуб бўлган бобиниг мазмуни билан уйгунидир. Майнинг фазилатлари «майи мамзуж рангин», «шароби ошиқона», «бодай оли», «майи гуранги хушбу», «майиким жонфизодур», «жоми фано», деб белтиланади. У майнин «жоми тавфик», «жоми кироми», «шароби арманисоз», «шароби дард шарвард», «жоми майи ноб», «шароби чини ойин», «жоми илоҳий», «шароби баҳудона» деб атайди. Баъзи лирик чекинишилар чуқур ижтимоий маънога эга, лирик қаҳрамоннинг камчилигини кўрсатади, 37-бобдаги лирик чекинини маана бундай:

*Кетур, соқий, қадаҳ оғоҳиқдин,  
Ки, андин журсча хушроқ шоҳиқдин.  
↗ Иҷиб май, салтанат илмай кўзумга,  
Қилин зулм, элга килгунча ёзумга.*

Навоийна, ишқда шоҳ ва гадо тенг, уларнинг ишққа муносабати турлича (38-бет), жаҳонни фасли бевафо (14-боб), соқийга рангин жом тут, у кўнглиниг фам тоши ва тиконларини сурсин, лейди (15-боб). Тириклик шумини билтилғанимат, дейди (21-боб). Лирик чекиниши Шарқда инсон бош сяяклари май коса қилинганига ишора, киноя, таъна бор (23-боб). Тасаввуф ишқининг «фано базми»га интилини мавжуд (26-бет).

Айрим ҳолларда лирик чекиниши муаллифнинг тасвирланган ҳаётга нисбатан ўз муносабатини, баҳосини англатади. Ҳамид олимжон «Зайнаб ва Омон» достонида ёшлиар муҳаббатинин тантанасини тасвирлар экан, унга нисбатан ўз муносабатини билдириш учун кўйидаги лирик чекинишини ҳавола қиласди:

*Гўзал эди дунё чунон ҳам,  
Гўзал эди бу ажойиб дам.  
Икки дўстга айтаб шароф-шон,  
Оқар эди тошқин Зарафшон.  
Оғам сари сочиб яшем онг.  
Секин-секин ёршишарди томиг.*

Баъзан ёзувчи лирик чекиништар ёрдамида ўз асарининг хусусияти, гоявий йўналиши ҳақида тушунча беради. Ҳамид Олимжон «Зайнаб ва Омон» дистонида кишмалар ўргасидаги чипакм ахлоқий муносабатларни. ҳақиқий муҳаббатни улутланни ўз одигга мақсад қилиб кўяди, мазкур гоявий ниятини ўқувчига аниқ ва равишн етказими учун асарни қўйидаги лирик чекиниши билан бошлади:

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон  
Севгисидан бир янги достон.  
Бир зўр оташ, бир зўр аланга  
Икки қалбга туташгани рост.  
Бир севиким жон берур тапга,  
Ҳам Зайнабу омонларга хос.  
Бу севгидан иўл бошлилар вафо,  
Ҳам вафони емирмас жафо.

Кўрамизки, лирик чекиниши адабий асарларниң турли жойида келиб, ёзувчиининг ажес этирилсаётган ҳаётта, персонажларга муносабанини, гоявий мақсадини ёрқинроқ баён қилингага, қилемларни ўзаро боғлашга, мувофиқлик юзага келинингга мувоффақ бўллади. Лирик чекиниши ўринли қўлланиландо блеёнчилик, дидактизм, яъни ўйтбоғлик, гояларниң қуруқ тирифи вужулига келмайди. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» ҳақидалий тапқалий фикрларига жавоб қайтарар экан, лирик чекинишининг бу томонини алоҳида қайд қилиб ўткази: «Тапқалий дидактика» деб ҳиссий чекинишини ҳам артишириб юборган. Масалан, «Мен — ёзувчи...», деб кундан жанжални түғрисидаги ўз ҳиссиётимни айтаб ўтар эканми, ҳатто буни «янги ириёmlар» ҳам афв сизаб йўл берадилар. Бу «дидактика»дан болиқа гандир».<sup>1</sup>

Демак, лирик чекиниши маҳорат билан қўлланилганда, муайян гоявий вазифани бажарувчи мазмундор воситага айланади.

**Киритма воқеа.** Адабий асардаги асосий воқеалар тизмасига бевосита алоқадор бўлмаган, лекин муайян гоявий мақсадга бўйсундирилган опизодлар киритма воқеалар, деб

<sup>1</sup> Қодирий Абдулла. Кичик асарлар. Т.: Фафур Ғулом номидаги бадиий алашиб нашристи, 1969. 195-б.

аталади. Улар күннің асарға мазмұннің чукурлаштырыш, характерлар ривожини далилләне ва иғодаланаётгән соғы китобхонға анықроқ етіб боришини тәммиләне мақсадыда кирилләнди. «Үтгән күннәр» романында Отабек Күмүншікідан күвілгач, йұла уста Олим деңған туқуғчыннің үз ҳәеті, муҳаббати, севігілісінің фожиғалы үліми ва бир умра бахтесіз бұліб қолын ҳақидаги ҳикоясіннің тиңглайды. Бу жой асарлары асосий вөgefшар тиғымасынға бевосита бөләнмайди, лекин Отабек уни тиңглалағач, үзіннің келажаги, тақдипрининг уста Олимнікітің үшшаб кетиши түғрисінде чуқурроқ үйтәй болғандайды. Отабекка күнніліб, китобхон ҳам шу ҳақта мудоға аюритады ва асар охырларында унине уста Олимдан ҳәм қаттароқ бахтесінікка ураганлығы ғұвоғы бұлалы. Демак, уста Олим ҳикоясідан иборат киритма воқса ёрдамыда мұаллиф бұкнишларнің бахтесін бұлолмаганлығы ҳақидаги мудоға ҳақасын көнгрек, чуқурроқ, гүсьирчанроқ құлғиб күрсатынға мұваффақ бўлған.

Шунға үлпән киритма воқсаны Ниримқұл Қодировнің «Қора күндар» романында ҳәм учратамиз. Үнда ҳәйдөвні Мадамин тоғда, үйлонлар даврасында үз ҳәетіні, үйланиш тарихини ва бепарвөлиги оқыбатына хөтіннің бевақт үлганинни айтты берады. Бу ҳикоя ҳәм романында асосий воқеаларға бевосита бөләнмайди, аммо у тиңгловчилар рухига, айниқса Холбек қалбига құчлы таъсир үткәзали. Натижада Холбек аёлнің қадри, үз хотини – Жапнатға мүносабати түғрисінде чуқурроқ фикрлай болғандайды. Демак, Мадамин ҳикоясідан иборат киритма воқса аёлнің қадр-қиммати ҳақидаги иштегі таъсирчанроқ анылатындан ташқары Холбек характеристидаги үзгаришини дәнилланға, китобхонниң үнга ишоғыришига ҳәм күмак берады.

**Бадий қолилләне.** Ёзувчилар айрим ҳодисалар ва характерларын китобхон күз үнгіде яққолдоқ намоён құлпын үзүн балын бадий қолилләне воситасыдан нағ өләндилар. Тасвиринаётгән характерлар ва ҳодисалар мөһияттің яққол отиб күрсатын мақсадыда уларға якни булған воқеалар чи-зилини балын қолиллән деб аталаади.

Айрим асарлардың бадий қолилләнеші асосий құрамоқ тиң мөһияттің китобхон күз үнніде чуқурроқ отишиңа қызынан қызылади. Масалан, ёзувчи Үткір Хошимовнің «Баҳор қайтмайлы» қысасының бопшырына Конқус жарығы ҳақидаги ағесо-

на берилади. Афсона асар қаҳрамонларидан Анивәр билан Мұқаддамининг қуйидаги сұхбати тарзида көлтирилади:

«Бир хиллар ... бир вакъттар бу ердан катта дарә үтган лейишады. Дарә бүйіда шаҳар бұлған экан ... Бир күннің шаҳарға дүшмандың құжум қилиб қолибди. Шаҳар одалары дарәнинде күніргіши бузид ташлашибыди ... Дарәнинде кечув жойи бор экану уни шу шаҳардаги иккі йигитдан бұлак ҳеч ким билмас экан. Қамал бұлмасыдан бир ҳафта олдин құз йигитлардан бири билан турмуш құрган экан. Иккінчи йигит дүстидан қандай құлиб бұлмасын қасең олишиға, қызни құлға киритишінде қасам ичған экан. Дүшмандың шаҳарні ўраб олини билан үша йигит хоиншық қилибди. Дарёдан сузид үтиб, дүшман саркардастың сирни айтты. «Агар сен рақибимни ўлдириб, севгилімни менің олиб берініңга ваяда қылсанғ, йўлни кўрсатаман», дебди. Саркарда рози бўлибди. Дүшмандар кечувдан үтиб, шаҳарні босиб олишибди. Қызиниң севгилиси урунда ўлибди. Саркарда хоинин чақириб, май тутибди. «Хизматиниң учун ҳақиғитни ол» дебди. Хоин май ичиб, яна тилагини ёслатыбди: «Мен сенинг буйруғиниң бажардым. Энди сен ҳам шарғимни бажар. Одаларинің айт, севгилімни олиб келинисин», дебди. Саркарда кулибди. «Севгилінин кўриниң сенға насиб құлмайды, ҳозир ичганинг май эмас, заҳар! Үз дүстига хиёнат қылған одам, менің дўст бўломайды. Сен қон қусиб ўласан!» дебди. Хоин чиндан ҳам қон қусиб ўлибди».

Қисса давомида Алимардонининг худди афсонадаги сингары үз дўстига хиёнат қылғани, унинг севгилисинин тортиб олини, худбинлик, бойлик орттириши йўлига кириб кетишинин кўрамиз. Асар охирида яна Қонкус жарлаги тилга олинади. Алимардон худди шу жар ёқасига кўмилади. Бундай қолнилари воситасыда муаллиф асосий қаҳрамон характеристикаларының чуқурроқ, таъсирчанроқ очиб беришга эриниади.

Ёзувчилар бальзина асарда кейинчалик содир бўладиган ҳодисаларни қизиқарлироқ қилиб берини, китобхонни узарга тайёрлаб бориши мақсадидага аввалроқ ўна ҳодисаларга яқин ва ўхшапи вөкәсаларни қаламга оладилар. Ўлмас Умарбековининг “Одам булиш қайин” романы мұқаддимасыда шоҳ Муслим ва унинг ўели ҳақидаги афсона көлтирилади. Үнда шоҳ Муслимнинг яккаю ягона ўели мислсиз ақд ва куч-

кувват әгаси бўлиб етишгани ҳамда уз отасидан тортиб бутун ҳалқин қирғин қылгани, оқибатда умрининг ярмини пүнигимон билан ўтказгани айтплади. Роман қархамони Абдулла ҳам ишоятда ақети ва билимдан бўлиб етишиади, бироқ у бошқалар тақдирига бефарқ қараши, фақат ўз манфатини ўйлани оқибатидан асар охирларида, худди ишоҳ Муслим фарзандидек нушаймон қилиб, изтиробга тушиб қолади. Ёзувчи романда иносий воқеаларга ўхшани ишоҳ Муслим фарзанди ҳақида и афсонани келтириши йўли билан Абдулланинг худбинилиги ва фожнасини эслада қоладиганроқ қилиб кўрсатишга муваффақ бўлган.

“Баҳор қайтмайди” қиссасида ҳам шунга ўхшани ҳолин учратип мумкин. Қисса бошларида асар қархамони Алимардонниң қўйидаги туни берилади: “У наст-балаш қоялар орасидан от чонтириб бораёнганини. От едек учармини, тогу тошгар чирнирмак бўлиб орқада қөвлаб кетримиши. Биртун ҳамма ёқни үлмат қонлабди. От алланимиза қаттиқ қоқилибди-ю, қоп-қорони жарликка мункиб кетибди. У отнинг бўйнидан маҳкам қучоқиаб олганча, шувиллаб наста туниб кетаётганиши, аммо чукуриниг туби йўқмил”. Айрим асарларда бадиий қолиллаш иносий қархамон сиру асрориши китобхон кўз ўнгига чукурроқ очиб кўрсатишга олиб келади.

Қисса давомида Алимардонниң, худди афсонадати син гарид, ўз дўстига хиёнат қылгани, унинг севтилисни тортиб олиши, ўз “Волга”сида жарга қулақ кетгани ва фожнали ҳалюк бўлгани айтишиади. Муаллиф асар бошида Алимардонниң қўрқинчли тушини бериш йўли билан китсбхонни қиссада кейинчалик содир бўладиган драматик воқеаларга тайёрлаб олади, унинг қизиқинини ортиради.

**Эпиграф.** Баъзан ёзувчилар асарни ёки унинг қисмларини бошлишдан олдин бошқа асарлардан, ҳикматли сўзлардан, ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан қисқа парча келтирадилар. Бу парча эпиграф леб аталади. Худди асар сарлавҳаси қаби эпиграфларда ҳам унинг мавзуи ва ғоявий йўналишига маълум даражада ишора қилинади. Абдулла Қаҳҳор “Анор” ҳикоясига ҳалқ қўшишидан олинган кўйидаги икки мисрани эпиграф қилиб кетириади:

Үйлар тўла пон, оч-наҳорим болам.  
Ариқлар тўла сув, таштани зорим болам.

Бу эпиграф ўтмишда мекнаткаш ҳалқ ҳаёти ниҳоятда оғир бўлғанлиги ҳақида ҳикояда илгари сурилганни тўлиқроқ тушуниши мизга ёрдамлашади. Ёзувчининг “Бемор” ҳикоясига эпиграф қилиб келтирилган “Осмон йироқ, ер қаттиқ” ва “Ўғри” ҳикоясига эпиграф сифатидан ташланган “Отшининг ўлими — итнинг байрами” сингари ҳалиқ мақоллари ҳам худди шундай вазифани бажаради. Абдулла Қаҳҳор “Даҳшат” ҳикоясида эса ўтмишда хотин-қизларга ўтказишлан зулмларни ўз бошидан кечирган ва ҳақоратларга қарии боли кўтарган аёлларнинг бири — Тўрахон аянинг: “Хотин-қизларни бурун замонда кўрган кунини билмайсизлар, қизларим, айтган билан ишонмайсизлар!”, деган сўзини эпиграф қилиб келтирган. Ёзувчи бу сўзларни тасодифан ҳавола ўтмаётпи. Биринчидан, ўтмиш ҳаётини фақат катталардан эшитиб, китоблардан билган ўқувчи — янги авлод пайдо бўлди. Уни ҳамма нарсага ишонтириш қийин. Ёзувчи “Даҳшат”да ҳикоя қилган воқеани ўтмишда юз берган ё содир этилини мумкин бўлган ҳаётий ҳодисалардан бири, кичкинагина мисол, демоқчи. Иккинчидан, муаллиф бу эпиграф билан ўқувчини кўнгилсиз ҳодисанинг рўй беришини кўришига тайёрлаида, воқеа оҳангини олдиндан белгилайди.

Демак, эпиграф асар ёясини, унда тасвирланган воқеаларни кигобхон аниқроқ ва тўлиқроқ тушунишига олиб келади.

**Портрет.** Ёзувчилар алабий асарларда қаҳрамонлар руҳијатини, характеристарини очишида уларнинг ташқи қиёфалари, яъни портретларини чизинига жиддий эътибор берадилар. Кўпичча қаҳрамонлар портрети уларнинг ташқи кўринишларидаги белгиларини жамлаш йўли билан ҳосил этилади. “Ўтган кунлар” романида Абдулла Қодирий Отабекни “оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келингган қора кўзли, мутаносиб қора қопли ва эндигина мурти сабз урган бир йигит!” сифатидан тасвирлайди. Ёзувчи Ҳасанали портретини чизишда ҳам худди шу йўлдан бориб, унинг ташқи белгиларини қўйиндагича жамлайди: “Бу чол Ҳасанали отлиқ бўлиб, олтминц ёшлар чамасида, чўзиқ юзли, дўнгроқ пепионали, сариққа мойил тўгарак қора кўзли, оппоқ узун соқолен эди. Соқолининг оқдигига қарамасдан унинг қаддила кексалник аломатлари сезилтмас ва тусида ҳам унча ўзгариши йўқ эди”.

Айрим ёзувчилар бундан кұра самаралироқ йүлгә, яъни сиртқи белгиларни воқеалар давомида йүл-йүлакай күрсатыб бориши усулига үтадилар. Жумладан, Одил Ёқубовнинг “Эр бошига иш түшс” романында Аъзам ячейканинг қиёфа-сидаги баъзи ташқи аломатлар тұлароқ берилғандан кейин йүл-йүлакай унинг қуидеги портрети рүпара келади: Аъзам aka Эртоевга ғазаб билан жавоб бередіганды “катта, тим қора күзләрида үт чақнайды”, “юрагини ғижимлаб тұхтайди”, дүстләри даңда берғандан кейин “бир зум күзини юмиб бөшини осилтириб” туради, уйда фурбон отадан жаҳыл чиққанды эса “күзләри ғалати чақнайды”, гапираётіб, асаблари ніхоянда тарғынлашғач, “түсатдан чап күкрагини chanгал-лайди-ю, худди ҳаво етмагандай бүйнини чұзганича бир томонға оға бошлайды”, үліми олдидә “юзи бұрдан ясалғандай оппоқ, қийнір бурни қандайдыр сұррайыб қолған” ҳолда “деразанинг олдидеги каравотда ғалқанча” өтади.

Бу усулнинг бир афзаллығи шундаки, унинг воситасыда ташқи белгилар ёрдамида қаҳрамоннинг ички дүнёсідеги үзгаришшар іузага яққолроқ чиқади.

Лессинг “Лаокоон” номли асарыда ташқи белгиларни сабаб беришнинг ўзи адабий асар учун ҳар доим ҳам самарали бұлавермаслігінің жуда яхши исботлаб берған ва портрет чизишининг яна бир күринші ҳақида гапирған әді. У Гомернинг “Илиада”сидеги Еленанинг гүзаллиғи тасвирини эслайди. Гомер Еленанинг чиройини күрсатыща, фақат сиртқи белгиларни ҳисоблаб үтирасдан, бу аёл пайдо бүлиши билан унинг гүзаллигидан чоллар ҳам ҳайратта тушғанлығын айттан. Шуларни эслагач, Лессинг қуидагиларни ёзади: “Бұлак-бұлак ҳолда ёки муфассал тарзда тасвиirlаб бұлмайдыған нарсани Гомер унинг бизга күрсаттган таъсири орқали іузага чиқаришни биларди. Шоирлар, қыздар чиройидан бизда үйғонадиган қониқиц, эхтирос ға мұхаббатни тасвиirlаб беринг. Шунда сиз бизга чиройининг ўзини тасвиirlаб берған бўласиз”.<sup>1</sup>

Портрет чизишининг түрли-гуман хилларидан ҳар бир ёзувчи ўз услуби, ғоявий мақсадига мувофиқ ҳолда фойдаланади. Маҳорат билан чизилған портрет инсоннинг тұла-

<sup>1</sup> Лессинг Готхольд Эфраим. Лаокоон или о границах живописи и поэзии. М.: Изд-во “Художественная литература”, 1957, с. 244.

қонді образини ёрқынлатыши, рухий дүнёсінің яхшироқ бадий тәдқиқ этиши воситасындағы айланади.

**Пейзаж.** Тасвирий адабиёттеги табиат манзаралари пейзаж деб үоритилади. У адабий асарда муайян ғоявий-композицион вазифаны бажарады. Ёзувчилар пейзаж ёрдамыда характерларни ҳаракатта, доимий ұзғарынша күрсатадылар.

Бадий асарда пейзажнинг құлланиш ійіллери ишектеуде хилма-хил бўлиб, улар ёзувчи услугуби ва асар жанри билан ҳам белгиланади. Табиат манзараси тасвиридан турли хилдаги мақсад күзатилади. У тоxиқеа содир бўлган фаслини билдиради, тоx қаҳрамонлар кайфиятини очинига ёрдам беради, тоx асар воқеаларини бир-бiri билан боелашын вазифасыни үтайди. Абдулла Қаҳдорининг “Сароб” романында қаҳрамон қарашларини, кечинмаларини уни ўраб турган нарсалар тасвири ва биринчи навбатда пейзаж орқали қўрсатишга ҳаракат қилинган. Асар қаҳрамонларидан Мунисхон ўз ўтмининиң қўмсаиди, отаси ҳаёт вақғларини эслайди. У борлиқдан бир дақиқа узилиб қолади. Ёзувчи Мунисхон хаёллари орқали унинг ўтирган ерини, кечмиши ва ҳозирги пайтини қайд қиласди ва бу билан Мунисхоннинг ҳаётга, кейинги тузумга бўлған муносабатини янада аниқроқ ҳис этади. “Мунисхон ўна вақтда ҳам ҳозир ўтирган ерини билар эди. У вақтда бу ерлар зиёратгоҳ эди. Ўйилиб, ҳас-хашшаги чиққан томлар, ёмғир суви ювиб, нураган эгри-бүгри деворлар, чордеворга зийнат бўлиб, унда-бунда ағапаб ётган арава шотилари, туячаклар, турли раңғидаги синиқ сополлар, заңг босган тунука парчалари, шохларига аълам боелантган кекса тут, чинорлар, улар остидан қўтирилган саганалар, ўхшовсиз ўсган буталар, худди шу ернинг ўзи сингари кишиларида бир ганип бор эди. Ҳозирги инга тизилгандай бинодар, ёш шиҳар, ёш бое, ёш хаво, ёш дараҳтлар, гулларнинг ганити йўқ. Мунисхон учун булярнинг ҳаммасидан у зиёраттоҳнин бир синиқ сополи, бир кўтарилиган саганаси ортиқроқ, гўзалроқ, ширии турмушнинг рамзи эди”. Тасвирида муаллиф оҳаны Мунисхон хаёллари билан тутаниб кетади.

“Сароб” романыннинг 8-боби пейзаждан, яъни қишинин аста-секин баҳорга ўз Ӯрнини бериши, табиатнинг ажойиб либосига бурканинидан болынади. Бу пейзаж иккى ёшинин -- Мунисхон ва Сандий мұхаббатаринин очиқ-оїдии гиль-

риғи билан жүр бўлиб кетади. Лекин бу ажойиб баҳор бирбирига айни пайтда ҳам яқин, ҳам ниҳоят узун бўлган мазкур икки кинининг ҳар қайсисига хос туйғуларни намойиш қиласади. Баҳор Саидий учун кагта нарсалар ваъда қилингандай бўлади. У ўзини бир неча дақиқа ниҳоятда баҳтили ҳис қиласади. Бироқ, у Мунисхоннинг рад жавобидан кейин баҳтили хаёлига келтиришга ҳам ҳаққи йўқлигиги англайди. Мунисхон баҳорни бошқача ҳис этади. Баҳор унинг ўтмишлилаги шоҳона ҳаётини эслатади, Саидийдан ниҳоятда узоқлантириб боради. Киниларга одатда ажойиб кайфият баҳш этувчи баҳор бу икки ёнга алам олиб келади. Мунисхоннинг эски ярасини янгилаиди, Саидийни чоҳга итариради.

Пейзаж кўп ўринда муаллиғга ўз фикрларини якунлаш учун ҳам керак бўлади. Мунисхон очиқдан-очиқ Саидийга тегмаслигини айтади. Орага совуқ сукунат тушади — бирор сўз ҳам ортиқчалик қилиши сезилиб туради. Лекин муаллиғ Саидий муҳаббатига ҳурмат билан қарагани сабабли мазкур эпизодни “Ўнғайсиз жимлик ҳукм сурди” деб тугалиш тўғри бўлмас, нимадир етишмаётгандек туюлар эди, деб ўйлади. Шунга кўра эпизодни куйидаги табиат манзараси билан якуплади: “Ўнғайсиз жимлик ҳукм сурди. Фирволлаб турган щабада очиқ қолган китобни варақлаб, устидати гулни ерга туширди, қоғоз царчаларини учирив кегди”. бу пейзаж Саидий ва Мунисхон ҳолатларига ҳамоҳанг эканлигидан ташқари, умуман ўқувчига бобнинг бошида ҳавозла қилинган баҳор тасвирининг давоми ва мантиқий якунидек сезилиади.

Киёслаш, қарама-қарини қўйни Абдулла Қаҳҳор ижодидаги кенг ишланған усул; табиат ҳодисаларидан, турмуш зиддиятларидан фойдаланиши ёзувчига реалистик манзара чизинга, характер чизиқларини белгилана гең имкон беради. Унинг “Анор” ҳикоясида Туробжоннинг хотини эрига аччиқ ганириб қўйганидан жуда хафа бўлади: “Қоронғи, узоқ-яқинда итлар ҳуарар эди. Кўча эшигини очиб, у ёқ-бу ёққа қаради, жим-жит. Гузар томонда фақат битта чироқ миғлилар эди. Самоварлар ётган”. Кўнгилга алиқандай ваҳима соловччи тинчлик аёл кечинмаларига ҳамоҳанг бўлиш билан бирга Туробжон хатти-харакатларига маълум даражада қарама-қарши эди. Кун бўйи ишлаган Туробжон бутун борлиқ ором олаётган бир вақтда ҳам ухламай, хотинининг

орзусиниң қондиринің мақсадыла үхирлік қилишга мажбур бўлади.

Ёзувчининг “Бемор” ҳикоясида қўйидаги манзара берилади: кўнгилга ҳанилик солувчи “ҳамма ёқ” жим-жит. “Фақат ишниға гинеиллайди, bemor ишқиллайди, ҳар замон йироқ-йироқдан тадой товуши энитилади...”. Бу тасвиридан ўтминининг типик манзараси кўз олдимизга келади.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Хотинлар” ҳикоясида эса пейзаж бир неча вазифани бажаради. Ҳикоя асосида Маърифатхон қабрини киппилар зиёрат қилини воқеаси туради. Қабр шундай тасвирланади: “Майдоннинг бир чеккасидаги кекса мажнунчотол остида бир-бирига суюб қўйилган икки тош тахта сиғана тақлини олиб турар эди». Ёзувчи Маърифатхон дафи этилган жойни таъкидлаш билан бирга унинг Асқар ота қалбидаги қолдирган таъсирини ҳам кўрсатади. “Асқар отанинг назарига бундаги ҳар бир дараҳт, ҳар бир бута мотамсаро, баҳорда япроқ чиқаргандаги ҳам, қора япроқ чиқаралиган ва ҳозир “онди келдингизми, Асқар ота?” деб турганлай кўринар оди”. Биринчидан, бу ерда руҳий ҳолат жонли кишининг ташқи ҳаракатлари, имо-ишоралари билан эмас, балки “тилсиз” табиатнинг чехрасида кўрилган аломатлар тасвири орқали берилади, иккичидан, табиат устидаги “мотамсаролик” либоси халқнинг Маърифатга бўлган хурмати ва муҳаббатини ифода қиласи.

Мисоллардан аён бўладики, пейзаж маҳорат билан чизилиб, ўз ўрнида келганда, асар ниятини белгиланада, тўлақонли характерлар ҳосил этишида муҳим аҳамиятга эга.

Деталь. Ёзувчи баъзан асарни бир кичик деталь асосига куради. Ўна деталь асардаги барча воқеаларни боғиб турувчи, муаллиф мақсадини таъкидловчи восита вазифасини бажаради. Абдулла Қаҳҳор “Қизиқ деталь, чиройли парча шу вақтда асарнинг қимматини оцирадики, шу қизиқарлилиги, шу чиройлилиги билан боянинг ташвиқ қилинишига хизмат қиласа”<sup>1</sup>, дейди.

Деталлар ниҳоятда хилма-хил бўлади. Деталь муаллиф ё персонаж пурқида, пейзаж, портрет ва бошқалар тасвири давомида келтирилиши мумкин. Лекин унинг мавқеи, албатта, асар ҳоясини шакллантиришдаги вазифаси, образларни

<sup>1</sup> Султонова М. Абдулла Қаҳҳор усбуни. Т.: «Фан», 1967. 123-6.

характерлашындағи иши билан белгиланади. Абдулла Қаххор-нинг “Анор” ҳикоясындағи ҳодиса, яғни анор детали билан боғылғы мажаро бир қараңда жуда жүн, оддий бұлып туулади. Агар анор мажаросини асадаң, ҳикояда акс эттан вақтдан ажратыб олиб қаралса, у үчөн қандай мағына касб этмай қоли-ши ҳам мүмкін. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у ана шу оддий бұлып күринган деталдан катта ҳақиқатни ифодалаш, асарғоясина тайинаш учун восита сифатида фойдалана ол-ған. Кипшилар ўртасыда тенгсизлик ва унинг фожиали оқибат-лари масаласи асарнинг бош мавзуудир. Анор мажароси эса шу масалани ёритищда, асар пафосини рүёбга чиқаришда курол вазифасини үтайды.

Туробжоннинг хотини анорга бошқоронғи бұлиши жуда табиий, күп учрайдиган ҳодисадир. Анор — қимматбақо, тан-сиқ мева. Үтмишда бирорларнинг эшигидә ишлайдиган фа-қир йигит учун анор топиш мушкүл бұлған. Агар аёл “одам-лардай гильватага, тузга, кесакка бошқоронғи” бұлғанда ва муаллиф гильвата ёки кесак деталини құллаганды, табиийки, воқеа таъсирли чиқмаган бұлар эди. Анор детали бу жиҳатдан ҳам мақсаддат мұвоғиқдир. Хуллас, бу деталь мажароларни келтириб чиқариш, асар воқеасини ривожлантириш ҳамда далиллаш, ниҳоят, ҳаёт ҳақиқатини ва ҳикоя нұқтаи назарии билдириш учун мұвоғиқ дастак хизматини үтаган.

## III БОБ

### АДАБИЙ АСАР ТИЛИ

Адабий асарларда ҳаётни бадиий акс эттиришнинг асосий воситаси сифатида тил иш кўради.

Тил орқали деярли ҳамма нарсани қамраб олиш мумкин бўлганилиги сабабли у билан адабиётнинг тасвир доираси ҳам беқиёс имкониятлар касб этади. Бироқ адабиётнинг воқеаликни онгимизга, қалбимизга етиб борадиган даражада самара бермоғи учун ёзувчилар асар тили устида қунт билан ишлашлари, мазмунни ифодалашда юксак бадиий аниқликка ва лўндаликка эришмоқлари зарур. Тил адабиётнинг асосий қуролидир, ҳаёт ҳодисалари, далиллар билан бирга унинг материалидир. Тистининг аҳамияти ҳақида топишмоқлардан бирида шундай дейилади: “Асал эмас, лекин ҳар нарсага ёпишар”. Бу дунёда ном қўйилмайдиган, ном топилмайдиган нарса йўқ, демакдир. Сўз — барча далиллар, барча фикрлар либоси. Аммо ҳар бир далил замирида ижтимоий ҳаёт маъносини унинг муҳимлиги, тўлалиги ва ёрқинлигича тасвirlашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган бадиий адабиётдан равон, тушунарли тил, пухта танланган сўзлар талаб этилади. Классиклар юз йиллар давомида аста-секин ишланган ана шундай тилда ёзганлар.

Бадиий адабиётда, радио, театр, матбуот ва телевидениеда қўлтанилладиган тил, асосан, адабий тилдир. У халқнинг жонли сўзлашув тили билан доимий алоқада бўлади. Адабий тил муайян миллиятнинг меъсралашган, маълум тартибига солинган тили. Адабий тил халқ тилидан келиб чиқиши билан бир қаторда унинг ривожига ҳам катта таъсир ўтказади.

#### **Тил — бадиий образ яратни воситаси**

Абдулла Қодирий, Ойбек. Абдулла Қаҳдор ва Нуримкул Қодировларнинг бадиий тил тўрисидаги фикрлари билан танишамиз. Сўнг “Ўтган кунлар” романининг тили ҳақида-

ти қараашларни қайд этамиз. Үндән кейин, шу асосда бадий тил назариясига оңд муроҳазаларни умумлантирамиз ва ху-  
лосалаймиз.

Абдулла Қодирий “Үртоқ Әлбекнинг тил ҳақидаги ту-  
шунчалари” (1924) деган мақоласида бу шоирнинг асарда сўзни қўллаш, тилига муносабат, бу соҳадаги нўноқлиги ҳам  
бешарволигини ҳажв қилди. У “Ёзишфувчиларимизга” (1926)  
деган мақоласида ёзувчи ва тил алоқасига доир масала юза-  
сидан шундай дейди: “Сўз сўйлашса ва улардан жумла ту-  
шида узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб,  
бошқаларнинг тушиуниаслиги катта айб. Асли, ёзувчи айт-  
моқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда,  
орага англанилмовчилик солмаслиқдир. Бундан бошқа фикр-  
нинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда  
асло ўрин берилмаслиги лозим. Шундагина иборанинг тузати-  
би босишига йўл қўймаган ва мустақил услугуб ва ифодага  
эга бўлиб, ўзингизнинг қадамдаги истиқболингизни таъ-  
мин қилган бўларсиз».<sup>1</sup>

Ойбек “Ўзбек поэзиясида тил” деган мақоласида поэзия  
тилига хос бўлган олтига хусусиятни алоҳида қайд қилган  
эди, улар оҳангдорлик, бўёклилик, ихчамлик, чиройли-  
ликдир, У дейдики, “Ҷофия учун маъниони қурбон қилиш  
ярамайди”, “ҳар бир сўз узукка қўйилган қимматли тош  
каби порласин”. Ойбек стиичмовчиликлар ёзи шоирларда,  
ҳатто Faafur Fулом, Ўйғун, Ҳамид Олимжоц, Мақсад Шайх-  
зода каби таниқли шоирларнинг шеърларида ҳам йўқ эмас-  
лигини далиллаган. Тилдаги камчиликлар чигаллик, синиқ-  
лик, баландпарвозлик, сунъийлик. Қашшоқлик ва қуруқ-  
ликдан иборат. Унингча, сўзлар поэзияга чертиб, танлаб  
олинишни лозим. Шеърда ишлатилган сўз кучли, ифодали,  
равшан, содда, тоза, ҳалқа яқин бўлинни керак. Шеър тили  
“техника луғати” эмас. Ойбек шеър тили олдига вазифалар  
қўйиб лейдики, тил ҳаётни түғри кўрсатишга хизмат қил-  
син. у яхин ишланинни керак, асар омма ичига тил орқали  
кириб боради, у кенг аҳолига қаратиласди, шу сабабли у  
барчага тунинарли бўлсин.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қодирий А. Иход машҳакаллари. Т.: «Ўқитувчя», 1995. 6-б.

<sup>2</sup> Ойбек Мусо Тошмуҳаммад ёни. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн  
тўққиз томлиқ. Ўи тўртинчи том. Т: «Фан», 1979. 107-112-б.

Ойбек проза тили түғрисида сўзлар экан, Абдулла Қодирининг “Улоқда” ҳикояси тили ҳақила тұхтаб, бу жаңр тили түғрисида шундай дейді: “Бу асарда жөнли бүёқиң образлар учрайди. Қишлоғарнинг портрети аниқ, қабартириб беріләди. Тил “Жувонбоз”нинг құруқ, рангсыз тилидан жұда кагта фәрқ қылади. Ҳикоя тирик, образын бир тилде ёзилсан. Ҳалық сўзләри ва ифодалари ҳикояның бадий түқимасына узвий кириб кетади, сингади. Шахслар ҳам ұларига хос тиян билан сүйгайдылар. “Улоқда” ҳикоясида ташвиқотчынининг, воизнинг ўрнини саныаткор олади. Ёзувчи бу асарда воқеалар устида муҳокама құлмайды, тушиппирмайды, исбот қылмағыл, балки образлар билан күрсаради” (18-бет).

Ойбекнинг бадий тил түғрисидеги қараашлары ва муносабатлары унинг “Күттүлөө қон”, “Навоий” романларында үз амалий тасдифини тоғыди.

Бадий тилге ахамият бериш Абдулла Қаҳхор ижодында бундан ҳам күчлироқ, у ҳақлы суратда бадий тил устасидир. Ўзбек адабиётінде бу жиҳатдан үнга баробар келувчи ёзувчи йўқдир.

Абдулла Қаҳхор “Рус тилини она тилимиз дейинц учун аввал үз тилимизни билишмиз керак!” деган мақоласыда рус тили ва ўзбек тили муносабати соҳасидагина эмас, балки, умуман, чет тили ва ўзбек тили алоқасы жабхасыла ҳам масалага аниқлик киритди. У чет тиллар педагогика институти талабаларига хитобан шундай деди: “Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар жойларга чет тиллар билан биргә, балки биринчи навбатда үз она тилимизга -- ўзбек тилига чексиз муҳабbat туйғусини олиб боринглар! Ўзбек тили ғоят бой, ниҳоятда чиройли, ҳар қандай фикрү туйғуни ифода қилипшыға қодир эканини амалда күрсатинглар”, “Мен бу гапни тилимизнинг бойлигига дахл қиласын, ҳусн-латофатини бузадиган, тилимизни таҳқиқ қилишга қаратылған қилиқтарға бардам бериш мақсадида айтатеётганим йўқ. Бу гапниң факат тилимизгатина эмас, давлатимизга, тузумимизга ҳам алоқаси ёнр”.

Абдулла Қаҳхор қуйилагиларни совет давридаги “ҳаётимизда” мавжуд деб билди:

1. Кўнгина ойлаларда бола үз она тилинини мұтлақо билмайды! Бу ота-онани заррача ҳам танинниң етмайды.

2. Баъзи бир оиласарда бола ўз она тилисида гапиргани номус қиласи!

Ёзувчи алоҳида таъкидлайдики, “Рус тилини иккинчи она тилимиз дейини учун ўз тилимизни билишимиз керак!»<sup>1</sup>

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи қисқа, сиқиқ ёзали. Шунинг учун ҳам у адабий лақмаликни қаттиқ қоралайди. У “Китоб шавқ билан ўқилиши керак” деган мақоласида бу ҳақда шундай деган: “Ҳамма лақмаликлар орасида энг ёмон лақмалик, шубҳасиз, адабий лақмаликлир... Мингларча одамларининг қўнглини оздирадиган адабий лақмаликдан қутулишининг иложи борми” (254-бет).

Абдулла Қаҳҳор поэзия, ашула, проза, болалар адабиёти ва сатира тили тўғрисида қимматли фикрлар билдирган. Унингча, “шеър оз гап билан кўп нарсани англатишдир” (“Қандай ёзин ярамайди?” деган мақоласи, 1929). Абдулла Қаҳҳор Лев Толстойнинг “Пушкинда вазн ва қоғия бўлишига қарамасдан, шу фикрини бошқача ифода қилиш мумкин эмаслигини сезиб турасан”<sup>2</sup> деган фикрини келтирган. Шу сабабли Л. Толстой Чеховни “Прозада Пушкин”, деб атаган. Абдулла Қаҳҳорнинг англашибча, “шеър – фикр экстрати”, “шеър – ошиқнинг оҳи”, “шеър – қўнгилнинг ойнаси”, “шеър – маъсум гудак”, “шеър – бир мұъжиза”. Унингча, Чустий талантли шоир, лекин “жон мурғи” дейди, ҳеч бўлмаса “жон қуши” эмас. Ёзувчи бу шоир тилини “ишибон” деб агади” (261-бет). “Оддий сўз, – дейди Абдулла Қаҳҳор, – аниула ижодкорларининг қўлида қудрагли кучта айланини лозим” (400-бет).

Абдулла Қаҳҳор ёзувнинг илҳом, жисорат, маҳорат керак, деб билади. У Гоголни “биринчи домлам” деб билар ёкан, прозада тил характер яратиши лозим, дейди; “Бизда ҳиссиз ёзилган, ...китобхонни адабиётдан бездирадиган совуқ китоблар оз эмас” (265-бет). Ҳўнгнинг юзини пардозлаш учун керак. Ҳақиқат шундай жононки, пардоз унинг ҳуснини бузади”<sup>3</sup> (“Устоз” деган мақо-

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Асарлар. Беш жиллик, бешинчи жилд. Т.:Faғур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1989. 250-251-б.

<sup>2</sup> Қаҳҳор А. Асарлар. Олти жиллик, олтинчى жилд. Т.: Faғур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 1971. 238-б.

ла, 1960). У “болалар учун китоб ёзадиган киши тилнинг заршуноси бўлмоғи керак», деб ёзди (357-бет).

Аблулла Қаҳҳор ҳажвия тилида киноя, масхара қилиш, бўрттириш мұхим воситага айланади деб тушунади. У буидай дейди: “Жек Лондон икки кишини сизга мисслесиз жаллод деб тақдим қиласди-ю, унинг жаъловлиги тўғрисида бирони оғиз сўз айтмайди. Гоголь ҳам шундай қиласди. Унинг сизга Иван Ивановичнинг “яхши” томонлари деб тақдим қиласларни Иван Ивановичнинг нақадар аҳмок, ярамас киши эканини англатади” (218-бет).

Ёзувчи “Тагор бенгали адабий тилини жонли тилга... яқинлаштиргири”, деб ёзди (312-бет). Ҳамза ҳалқ дилининг таржимони. “Шу сабаб унинг тилини ҳалққа ишоятда яқин қиласди. Ҳамзагача ва Ҳамза даврида ҳам ҳеч бир ёзувчининг тили Ҳамза тилидек жонли ра ранг-баранг ҳалқ тилига яқин бўлган эмас” (289-бет).

Тил билан Пиримқул Қодиров махсус шуғулланган. У “Ҳалқ тили ва реалистик проза” (1973) деган монография ёзди. Унинг “Тил ва дил” (1972) деган илмий-оммабони китобча (брюшора)си ҳам босилиб чиқди. Бу асар монографияни бойитади ва тўлдиради.

П. Қодировнинг айтишлича, Алишер Навоий “Мұҳокамат ул-лугатайн” асаридаги ҳеч бир ҳалқ тилини камситмайди, балки ўз она тили камситилишини истамайди. Ўз тилининг форс тилидан қолишмаслигини таъкидлайди. Малъумки, Фирдавсий форс тилини араб тили тазиикидан ҳимоя қилиши учун курашган эди. Фирдавсий қиласларни Данте италян тилида, Навоий ўзбек тилида амалга оширди. Француздарда италянчча, русларда французча сўзлаш мода бўлган эди. Ўз она тили зарарига бундай қилиш гуноҳдир. Навоий бадиий сўзни дурга ўхшатди, демак, у оғзаки ва ёзма алоқа восита-сигина эмас, балки безак ҳамдир.

П. Қодировнинг эътибори монографияда умумхалқ тилига қаратилган, ёзувчи шу тилдан нажот топади. Аммо Хожанинг “Мифтоҳ ул-адл”, Гулханийнинг “Зарбулмасал” асаридаги ҳалқ тилига мурожаат кейин яхши давом этмади. Муқимий, Фурқат, Завқийлар реалист әдилар, бироқ улар тилида ёски ўзбек тили таъсири бор. Ўрта Осиёдаги дастлабки сиёсий тарқоқлик, монархиячиллик ва мустамлакачилик,

каниалистик тараққиёттинг кечикиши миллат ва миллӣ тилларнинг шаклтанишига салбий таъсир қилди. Реалистик адабиёттинг баъзи жанрлари юксак ривожланмади, бу ҳам реалистик тил ривожини сусайтириди. Аммо жадид ёзувчилар бу соҳада ташаббусни кўлга олдилар, янги, замонавий ўзбек адабий тилини асосладилар. Бу иш миллӣ истиқдол учун кураш билан боғлиқ эди. Улар бу ишда ҳалқ тилига сунди-лар, ҳалқ тили кун сайнин ўзгаради, янгиланади, равнақ топади ҳамма адабий тил устидан назорат қиласди. уни бош-қаради. «Ўзбек прозасида инсоннинг дилини ҳаққоний тас-вирлашти қодир бўлган бадний тил жонли ҳалқ тили база-сида, классик адабиётимиз тилининг энг яхши анъаналари-ни новаторона тараққий эттириши йўли билан майдонига кел-ганини тасдиқлай оламиз».<sup>1</sup>

«Тилдан фойдаланиши ёзувчининг ўз нуқтаси назари ва давр услуги билан алоқадор. Бу ҳол даврдаги жорий ижодий ме-тод ва миллӣ адабий анъаналарга қарайди. Миллӣ адабий анъаналар эса оскиргац, янги кириб келаётган ва кун кўра-ётган анъаналар билан боғлиқдир.»

Навоий ва Навоийгача бўлган шоирларнинг бадний тили романтизмда эди, реалистик йўналишлар ҳам йўқ эмас эди. Аммо бу кейинчалик Бобур тилида кучайди. Бирор ӯ сўнг яхши ривожланга олмай қолди. Романтизм тили китобий эди, бунинг таъсири дастлабки реалистик тилда ҳам бирмунча сақлалиб турди. Би зда реалистик бадний тилга асос солган кипиллар демократ шоирлар эди.

«Реализм тилдаги эски услубни, эски тўсиқларни улоқ-тириб ташлади, реализм, умумхалқ тилидаги турли-туман нутқ воситаларининг ҳаммасидан фойдаланишига ча-қирди, биринчи навбатда ифодалангандек билан сўзнинг уйғун бўлишига, нутқининг аниқдиги, нутқ орқали очи-ладиган характерларининг ҳаққоний ва ёрқин бўлишига аҳамият берди».<sup>2</sup> Бу мулоҳаза XIX асрда тўла шаклланиб олган рус реализми ва унинг тили тўғрисидадир. П. Қоди-ров ўз китобида буни келтирас экан, давом этиб шундай дейди: «Мана шундай реализм ўзбек адабиётида ўтган аср-

<sup>1</sup> Сорокин Ю. С. К истории термина реализм в русской критике. 1957, с. 198.

<sup>2</sup> Уша манба.

ларда майдонга кела олмасан ҳаммамизга маълум. Бунинг жуда кўп сабаблари бор албатта. Бон сабаб бизда феодализм ва феодал тарқоқликининг узоқ ҳукм сурганилигидир”.<sup>1</sup> Н. Қолиров яна давом этиб дейдикни, “биздан тўлақонли реализм миёнин тили шакллангандан кейин эмас, балки миёнин тил нормаларининг шаклланшини билан бир вақтда пайло бўлди”.<sup>2</sup> Аммо академик В. В. Виноградовнинг айттинича, аслида, реализм маълум бир ҳақнинг адабиётида ўзига хос бадиий сўз системаси сифатида мазкур миёнин тил шаклланмасидан оддин майдонга келолмайди, реализм миёнин тил шакллангандан кейин пайдо бўлади ва равнақ топади”.<sup>3</sup>

Бежиз эмаски, 20-йиллардаги ўзбек адабиёти тилида муайян даражадати жимжималорлик йўқ эмас.

Реализм ва тил масасасида рус олимлари салмоқчи ишлар қўлганлар. А. А. Иотебня, А. Н. Веселовский, Я. Д. Поливанов асарлари мавжуд. А. К. Боровков, В. В. Кожинов асарлари нуҳга ёзилган.<sup>4</sup>

«XVI асрда янаган француздю Белленинг ёзинича, “Она тилини ҳимоя қилин — Ватанини ҳимоя қилин билан баробардир”.<sup>5</sup> Одамининг ўз мамлакатига бўлган меҳрини она тилига бўлган меҳричисиз англани мумкин эмас”.<sup>6</sup>

П. Қодиров тарьқидлайдики, аср бошидаги Ҳамзанинг “Янги саодат”, М. Шермуҳаммедовининг “Бефарзанд Очиллибой” асарларида адабий тили йўқ оди, бу, энг аввало, тия билан боелиқ. С. Айниининг “Бухоро жаллодлари” новестида муаллиф нутқи билан персонаж тили бефарқидир. Лекин Фитратнинг “Қиёмат” номли тақирий реализмда ёзилган асарида Почамир (Рӯзиқул)нинг ияккоклиги, Абдулла Қо-

<sup>1</sup> Қодиров П. Ҳақ тили ва реализмик проза. Т.: «Фан», 1973. 20-б.

<sup>2</sup> Қодиров П. Адабий асарнинг тили. Адабиёт назарияси. Икки томлик, I том. Т.: «Фан», 1978. 321-б.

<sup>3</sup> Виноградов В. В. О языке художественной литературы. М., 1954, с. 446.

<sup>4</sup> Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. Т., 1937.

<sup>5</sup> Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. Стиль. Произведения. Литературное развитие. М., 1965, с. 234-316.

<sup>6</sup> Вопросы формирования и развития национальных языков. М., 1960, с. 206.

жарийининг “Топшұлат тәжанғ иімді дейди?” асарыда чапа-  
ни, қиморбоз, мақтаңың, тақасаланғ, лоффи, ялқов ү  
такаббур тиін яхши гавдаланади. Еңбұр Еуломниң “Ти-  
рилған мурда” повестида кейин ўзгарған ялқов образы  
ланғал құривади. Ҳамзаниң “Майсараппен иши” коме-  
диясындағы Мұлдауст тили халқ тили үзбек  
драмасы тиінинде мұстақ ғалібасидір. Ирозада тил ёзув-  
чи үзбек шарының мақсаты ҳам ҳис-түнүсінің реал ифода  
ета оладиган сұздарни тоңа олини жөзим. Бунда поэзия-  
лының тиесирчанлықтарының ритм үзбек мусиқийлик кабін востага-  
лардың ішкі, уларның вазифасының “ифода эта олини” зин-  
масында қокланади. Сүз орқалы сурат чының бұлған детал-  
дарын тасвири мұхимдір. Тиінк үзбек мұхитындағы қылыштарда әртүрлі  
қаҳрамон харakterинің қосыл қылыштарында әртүрлі, бал-  
ки шароит тасвириның чыныда ҳам иш беради. Ёзувчының  
китобхонга қоқыра олини керак, бу иш оса тил  
орқалы бұлади. Н. Қодиров “Гүлнинде дилге боғаның әкәмдік-  
тің реалистик адабиеттің ҳәсітіне боғаның сингары  
жуда мұхит омылларданып” деңгей (98-бет). Абдулла  
Қаджорининг “Майиз емаган хотин” қыкоясыда түрлі пер-  
сонажтарының түрлік индивидуал нұтқ-лары, яғни по-  
лифоник нұтқ ақес оттаң. “Қаҳрамошинде феъл - авторини  
үзінде тил орқалы очиши ёзувчидан чинакам сүз санын-  
кори бұлыштың, адабий тил үзбек жонын тил бойліктарынан  
моҳирона фойдаланып талаб қыллады” (99-бет). “Сұлхұр-  
ниң “ўлеми” повестида воқеа муаллиф тиілден сұзлан-  
ған. Эпосда муаллиф образы, ривояти образы, қыкоячи  
ҳам бұлыш мүмкін. Бу шахсий услубдан келиб чиқады.  
“Шахсий услуб фақат муаллиф нұтқыда әртүрлі, персонаж-  
лар нұтқыда ҳам құривади”.

20-йларда сұзға мунисабат соҳасында бутун халққа ту-  
шындарлық ёзушша ҳаракат қылышады. Ёзувчилар тиін бойни-  
тиінде ҳам хизмет қылышадар. Улар жонын тиілден ҳам ин-  
формацияны, яғни адабий тиінде яратында шаҳар шевалырында  
сүянениди, муаллиф нұтқыдан персонаж тиінине фарқла-  
шылар, тиіннен позитив бұлмаслинша эътибор берділар,  
аста-секиң әзмалық, китобийлік, жимжимадорлық адаби-  
әдеби суриб чиқарылды.

Қодиров Н. Адабий асарлар тиін. Т.: «Фан», 1978. 333-6.

20-йылдарниңтина эмас, балки бутун XX аср ўзбек адабиетинин ҳам шоҳ асағларидан бири бўлган “Ўтган кунлар” романинин тили ҳақида бироз тұхтаб ўтамиз. Тил – мислини ҳодиса, иш боисдан, бизни шу романнинг бадиий тили ва маддийлик<sup>1</sup> масаласи қызықтиради, муаллиф нутқи, Отибек ва Кумушибиби тили қисқа таҳдид этилади.

Тасвириарниң мислийлик рухи ва тили айріча ажамиятта мөлдик. Одоб тасвири гүзәлdir. “Күглүф бўлсени” бобида шундай дейилган: “Офтобойим боиқа хотинларимизлек орниниг разий ва хоҳишини, умуман, бутун нахсани эктиром қилувчи бир хотинидир”.

Отабек Кумушибибидан ўнич сўрайди. Шундан кейин муаллиф дейдик, “Кумушибиби қизаринди”. Сунг уч нуқта кўйилған, “ўни” дейини гүё одобдан ташқари бўлур эди.

Ёзувчи дарв рухи ва мислийликни шундай аниқ тасвири отади: “У ёқ - бу ёқдан шом азопи эпитетла бошлаган эди” (“Кувватин” боби); “Йўлакдан Юсуфбек ҳожи кўриниб, қочадиган хотинлар ўзларини чепта олдилтар” (“Қудаларни кутиб ошиш”). Идиш-товоқълар токчаларга териб қўйилади ёки баражиця ноз-неъматлар келтирилини, мезбон Ўзбек ойимини нойгақда ўтириши, аталган кишнидан қўйни сўйинидан олдин фотиҳа сўраш, Ўзбек ойимнине, кўз тегмасин деб. Кумушибига исирин солидирини мислий олатлар ва утирини поэтик ифодалари эди. Ёки: “Дастурхонга қарадилар ва “олиғиг-олини” билин бир-бирларини кисташига бошлидилар” (“Зимдан аловат”). Айрим халқларда “олиғиг-олиниг”нин йўқ ожанлиги маълум. “Ўрда”, “Хода бозор” каби тарихий номлар тасвирига ўнича хослик бағислаиди.

Шундай ҳақиқ сўзлари ҳам борки, улар муаллиф нутқидан фикрини қандай ифодалаш керак бўлеа, худди шундай ифодатийиди: “Кумуинин ой-куни яқин эди” (“Ой-куни яқин эли”), “Ҳожи хотинидан “Ўғлими, ҳалво” деб сўради” (ўни бобда), “Мехмонларга... қуюқ-суюқ тортилди” (“Мусулмонқўл истибдодига хотима”), “Зайнаб дастурхон кўтариб кирди ва меҳмонларга “Хуш келибсиз” айтгандан сунг дастурхон ёзди” (“Зимдан адовит”), “Отигатина ҳон

<sup>1</sup> «Миллат» асли арабча сўз бўлиб, халқ, миллат маъноларини англатади»(Арабско-русский словарь. М.: Русский язык, 1985, 763-с.); «Миллат» форс тилида миллат (нация) маъносида ишлатилади (Русско-персидский словарь М : Русский язык, 1986, 301-с).

бўлиб ўтирувчи Хулоёр ҳам остириш, кестириш ва ёрлақаш ўз ихтиёрида бўлған Мусулмонқул майдондан олинмагунча ўзининг қўғирчоқ сифат юра берини тушунди” (“Мусулмонқул истиблодига хотима”). Буни “ой-куни яқин эли”, “қулоқ-суюқ тортгилди”, “хуни келибслу”, “отигатина хон булиб ўтирувчи Хулоёр” жумлалари далиллайди.

Абдулла Қолирий Ўзбек ойимни шундай таърифлайди: “Ўзбек ойим эзлиқ беш ёнилар чамали, чала-думбул табиятли бир хотин бўйса ҳам, аммо эрига ўтқирлиги билан машҳур эди. Унин ўтқирлини ёлғиз эригатина эмас, Тошкент хотинларига ҳам ёйнигани эди” (“Ота-она орзузи”). “Чала-думбул табиятлилик” ёса буни исбот қиласди ва улар қўчма маънога эга. Отабек Марғилонидаги фожна босилсин деб, уч ой Толикентда юради. Буни ёса Ўзбек ойим “кейинги қилирган иссиғ-совғум кор қиласи, пекилли” деб потўғри ўйлади, бу унинг чала-думбуллигидан бигисидир (“Қоронги кунлар” боби).

Романда ҳазил ва ҳижъ ӯриниларida киноянинг мавқеи ортади. Пирназар жаллод шундай дейди: “Ёмоиларни биттага, териб-териб бош кесмасдан элни тинччиши қийин!” Шу пайт ҳожи кулиб қўйди...

— Ёнинизда “Утирган бизнинг ўғилни ҳам кўмагингизга чақира оласиз”... дейди ва Отабекка “Марғилон воқеаси”ни шама қиттили (“Ҳожи этак силккан”).

Боинқа катта мавқе фразеологияга берилган: “Ўзбек ойим унча-мунча тўю азаларга “ковущим кўчада қолган эмас” деб бормас эди” (“Ота-она орзузи”), “Бу ҳаракат, албатта, “енг ичида” бўлди” (“Мусулмонқул истиблодига хотима”). Азиз исёнчи ҳалқи томға чиқиб салом беради ва узр сўрайди. Ҳалқ бунга “қулоқ солмади, иш ўтган, гишт қолипдан кўчган эди” (“Исён”). Фарғона вилоятида “белбоғ”ни “қийинқ” деб атайдилар. Шу сабабли Отабек белига қийинқ боелайди (“Кутимаган баҳт”).

Роман тили бундаги романтика ва лиризмга мос ва хос. Гоҳо у шеърият тилидан нағис ва нағосатга эга бўлади: “Бу кун уйғонинданоқ бутун копиотнинг яхши туш кўриб турғаниниги сезилар эди” (“Қоронги кунлар”).

Муаллиф нунқида “бузаргарлар”, “кала бузарлар” деганини сузар ҳам иштаган. Аммо унгар матнни кеч кандай сунъийликлар ҳосил қўйманили.

Бундай хусусиятлар мудалиф тишигина эмас, балки Отабек ва Кумуш каби бош қаҳрамонлар тилига ҳам бетона эмас. Отабек уста Олимга шунчай дейди: “Шу ўн бен куннииг ичидә саккиз тенки атласдан лолқыл иккى күра йиҳиб қўйинигз” (“Кулиб қараматан баҳг”). “Саккиз тенки атлас” фиқат ўзбекларга мансубдир.

Ўзбеклар — ҳақиқатнараст ҳалқ. Отабек ҳам шу руҳда тарбия кўрган, “қунбеги Қутидор ва Отабекка оил ўлим жазоси ҳақидаги фармойишни ўқиса, Отабек: “ҳақсиз жазо!” дейди (“Ҳукмнома”). Кўриниб турибдики, Отабек адолитсизлик оддина жим турадиган йигитлардан эмас.

Отабек — бир сўзли ва меҳрибон кини, виждан соҳиби. Унинг фикри тушуниарли, самимий ва равон ҳамда умумхалқ тилида содда баён қилинган. У, онни еб кетинг, деган уста Олимга шундай дейди: “Тайёр онни ташаббет кетиб, йўлда очликдан қўйиначилини ўзим ҳам тушуниб турибман, уста, бироқ туяқашлар билан Андижонда бу кунга учрашиш учун ваъдалашинган эдим, уларга етиб олиб, йўл харажатлари учун бир оз ақча бермасам... Сизнинг ошинингизни кутиб қолсам, бен кинини кўра-била туриб, оч қўйсан булиман” (“Кулиб қараматни баҳг”).

Ўзбеклар тўғри сўзни ҳалқ, хонаси келса, уз айнини таш олинидан ҳам қўйтмайди, бундайлар айниқса оддий, рухоний ва зиёли кинилар ичидә кўп. Шундай миллӣ тамойил Отабекнинг Кумушга ёзган хатларидан бирори учрайди: “Мендан ҳам ёзган жойлари бордирки, сизнинг биринчи мэрраба менга ёзган хагингиз маъносида даҳнатни суръатда ўзимни тағофилга солғин ва хал келтирувчини сурнигирмасдан жавоб хати берриб юбортган эдим. Шунини ила сизнингда, ўзимни-ла, Ҳомид қўлини ўйин бўлмоғимизга катта йўл очган эдим” (“Хайриҳоҳ қотил”).

Халқ ва миллӣга оид масалалар бўйича бўлан баҳсларда Отабек ақл ва савия жиҳатидан оддинда туради. Раҳмат, сен ожган хотин ўзининг ёқинни лоим, деса Отабек уни тўлдиради, унингча, эр ҳам хотинига ёқинни керак. Отабек Русия босқини оддидаги ўзбекистонла бўлган гарқоқцик ва ўзаро ички низоларни тўғри тушуниб стади. У шундай дейди: “Менимча, ўрусини биздан юқоридалиги унинг итифокидан

бұлса керак, аммо бицинг қундан-кунга орқага кетиши мизга ўзаро низойиміз сабаб бұлмоқда” (“Хон қызига лойиқ бир йигит”). Отабек халқ, миллат тақдиди донарасыда фикрлайды, ифодаси соддалиғи, англашыларлығи билан ажралиб туради ва ҳиссиятлайды.

Муаллиф нұтқыда “чиғилинг” деган сүз ҳам учрайди, ажабки, бу сүз иккі томтік “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да (1981) ҳам ійк, аммо Фарғона водийисидагилар уни күп ишташағы, балқы у бутун республикага ҳам маълумдир.

Ёзувчи Кумушбиининг портретини идеал гарзда чизган. Кумушбиби сочи жынгалак, нұкра юзли, шаҳло күзли, лаблари устида қора холи бор, узун киприкли, Юсуфбек хожи уни “фаришта” дейди. Онаси Офтобойимининг айтишыча, Кумушбиби—эрка, лағзи тез, аразчи, ичи қора. (Офтобойим ўз қизи ҳақындағы бу салбий сұзларни Ўзбек ойимни Кумушбибидан құрқытиш ва шу ійл билан қызыни Тошкентдан Марғилонга олиб кетишиң учун айтгандай туолади. Чunksи Кумушбиби унга ёлқыз фарзанд ва овунчоқ, бундан ташқары, Офтобойим кундош балосидан чүчтійди). Кумушбиби, Отабеккінг сезишича, күвдір. Реализм Кумушбиининг характеристика билан алоқадор. Кумушбиби эри чүнтагида унга отаси ҳожи ёзған хатни топиб олади ва шу орқали зинданда ётған эри ва отаси Кутидорни озод қилағы, натижада уннинг жасорати намоён бўлади. Хатда ҳожининг Тошкент бегидан норозилиги айтилган эди. Хонлик эса Отабекни Тошкентдан Марғилонга юборилған жосус деб англаған. Кумушбиининг ақду заковати буни тушуғанди.

Дастлаб Кумушбиби сипо, камғап кўринади. Сүз, савол ва жавоблари қисқа, аксар 1-2 сұздан иборат. Бу уннинг андишали, мұлоҳазакорлығи билан алоқадордир, ахир одамнинг кимлигі қанча ганирганлығы билан белгилалмайдық! Кумушбиби гоҳи, керак бұлса-да, галирмайды, бир жилмайиб қўяли, ё бирон қилиқ ва ҳаракат билан индамай жағоб қиласы. Никоҳ кечаси, чимилдиқда “Сиз ўшами?” дейди, чunksи у Отабекни дастлаб ариқ бўйида, таҳорат олаётганды кўриб ҳайратланғанди. Сохта “талоқ хати олиб келган пучук хотин — Сиз кимлари бўласиз бойнинг?” деб сўрайдил. Кумушбиби: “мен қызлари” дейди, “лар” қўшимчаси халқ ичидә “бир неча қызлари” мазмунини эмас, балқы ҳурматни билдиради (“Хиёнат”).

Аммо ҳаётнинг азоб ва қулфатлари бошига тушибошли-  
гач, Кумушбибининг “тили чиқа бошлайди”. Отабекдан та-  
лоқ хати келганда, “уятсиз!” деб құяди. Бошига кундошик  
тушганда, характеристика қызығанчиқұлк пайдо бўлади, Зай-  
набга қарпли очиқ ҳужумга ўтади. Отабекка эса қоқитиб ва  
таъна қилиб, “менинг юрагим икки нарсани уз ичига си-  
фидира олмайдир” дейди (“Кундош-кундошдир”). У Отабек ёзаш  
хат билан ўзга қўл ёзган талоқ хатни солишириб қўриб,  
уларнинг икки хил дастхатларини билар экан, “Ога! Бизни  
нечоғлик гафлат боссан экан!” дейди? Бундай пайтда ҳалқ  
худди шундай дейди, бошқача эмас.

Кумушбиби аксар уялинқираб ё қизарип сўзлайди, чун-  
ки уят, ибо, андиша инсонга зебу зийнатдир, улар ҳайвон-  
ларда йўқдир, баъзи кишилар бу сўзлардан узоқлашганда  
жониворларга яқинлашади. ↗

Фаргона водийсида эр хотинини тўнгич фарзанди номи  
билан чақиради, Кумуш Отабекни “бегим” деса, Отабек  
Кумушбибини “хоним” дейди, чунки ҳали уларнинг фар-  
занди йўқ эди.

Кумуш тилида фразеологик (идиоматик ва кўчма мать-  
ноли) сўзлар оз эмас. Бу ҳол Кумушбиби образи жозибаси-  
ни орттиради. Кумушбиби Отабекдан гинахонлик қиласди,  
шунда Отабек “Ўйқудан сўл ёнингиз билан турисбиз!” деса,  
Кумушбиби унга “Чунки менинг ўнг ёним билан тургиза-  
лган кишим йўқ”, дейди ва Зайнабга шама қиласди (“Кун-  
дош-кундошдир”). Романинг кундошликка доир ўринлари  
халқ тили жиҳатидан энг гўзал ёзилган саҳифалардир. Улар-  
да Кумушбиби асқия ва сўз усталари ватани бўлган Фарго-  
надан эканниги жиҳатидан бошқа ҳамма персонажлардан аж-  
ралиб туради, у қизиқчи, ҳазилкаш, киноячи ва асқиячи  
сифатида дангал кўришиади.

Кумушбиби бўлиб ўтган ишларни Отабекка бироз тав-  
кидлаб ўтмоқчи эди, бирдан улар ёнига Зайнаб келиб қола-  
ди ва Кумушбибининг энсасини қотиради.

Кумуш тап ўйрловчи Зайнабдан ўчи олиш учун Отабек-  
ни уриниганлиги, ходасининг “Зайнаб” исемли қизи борли-  
гини, у баҳсга сабаб бўлганилиги тўғрисида сўзлаб, охири  
“Зайнаб гумбоз” деб қўяди, сабаби шуки, кундоши Зайнаб  
семиз эди. Отабек Кумушбибини ичтида “шайтон” деб қўяди.  
Кумушбиби Тошкентлалигига Марғилонга хат ёзади. Унда

халқ сўзларидан ўринли наф олини намунаси кўринниб турибди: “Кундошим билан муросамиз келишмай турганлигини... ёзган эдим”, “Орамиз жуда бузилган” “Бир-бири мизни сб-ичмакчи эдик”, “Кўп олишидик, бу ит-мушукликдан биз зерикмасак-да, кўсвингизнинг жонидан тўйлираёздик”, “Мен жўрттага баъзи гапларини тескариликка олиб кўрсан ҳам, у чурқ этмайдир” (“Ой-куни якин эди”).

П. Қодировнинг “Ўтган кунлар” романни тили ҳақида айтган фикрлари тўғридир, унингча:

1) “Бу романнинг тилида бигани мағғун қиласидан нарса мизлийлик ва исърий гўзалликдир”<sup>1</sup>.

2) “Ўзбек прозасида роман жанрини бошлаб берган бу асар жонли тил бойликларини классик адабиётимиз тилига хос нағислик, образлиликка пайванл қила билининг энг характерли мисолларидандир” (97-бет).

3) “Тасвиirlаридаи ўзбек халқининг мизлий ўзига хослиги, такрорланмас руҳий дунёси, тилини гўзал қиласан гўзал дили кўринниб туради. Ёзувчи халқининг дилида бор гўзал туйғуларни топиб ёзгани учун романнинг тили ҳам гўзал чиққан” (97–98-бетлар).

4) “Ўтган кунлар” тили мумтоз адабиёт тили билан ҳозирги адабий тил ўртасига қурилган кўприклир, буни Ҳамза поэзияда қиласан.<sup>2</sup>

5) “Чучмаликка мойил ёзувчи Отабекни Кумушинни қабри ёнига олиб келиб, унинг тилидан ўта сентиментал иборадарнинг айтилиши мумкин эди. А. Қодирий бундай қиласиди. Чунки унинг қалбидаги оғир мусибат туйғуси ва самимий кечинималари мезон вазифасини бажаради. ... Мана шу ички мезон — бадний регулятор бўлиб хизмат қилувчи меъёр туйғуси “Ўтган кунлар”нинг тилида бугун ҳам биз учун ибрат бўла оладиган бир фазилатдир” (97-бет).

6) “Ўтган кунлар” романни новатор асардир, энг яхши адабий анъаналарнинг янгича тарзда кўринишидир, бинобарин, бу хусусият энг олдин унинг тилига таалуклидир.

<sup>1</sup> Қодире П. Халқ тили ва реалистик проза. Т.: «Фан», 1973. 97 б.

<sup>2</sup> Бизингича Ҳамза буни драмада ҳам килин

7) “Үтган кунлар” ўзбек халқы яратган тишининг қудратини, жозибасини, энг нозик ҳис-туйғуларни ҳам тасвирланға қодир эканини биринчи бўлиб, барадли кўзга кўрсатган асарлардандир” (79-бет).

Танқид “Үтган кунлар”да бирор дидактика борлигини қайд қилган эди, муаллиф бунга ҳалқнинг мумтоз адабиёт томонидан шу руҳда тарбияланшанини ва лирик ческинни тақозосилигини сабаб қилиб кўрсанган. Ёзувчи — ҳәқ. Дидақтика романда оҳорли, ширали бўлганлиги туфайли, камчиликка айланадиган даражада эмас<sup>1</sup>.

Абдулла Қодирий ҳажвичи эди. Шу сабабли унинг ҳажвий услугби ва тили ӯзига хос тус олади. Ойбек бу тўғрилаш шундай дейди: “Бир кўн кули асарларида Абдулла Қодирий ҳалқ тескиячиларига яқин бир равишда услугб яратади. Ҳалқ сўзлари, ифодалари, чапани таъбирлар, қочирма гаиларни кўн ишлатали, “толе деган муттаҳам йўк”, “мен кўтиришнининг кейинги сёғи ҳам бўла олмадам”, “яғир эшагингни чу не” ва ҳоказо”.

Роман тили шеър тилидангина эмас, балки ҳикоя ва ҳажвия тилидан ҳам тафовуланади. Буни Ойбекнинг “Үтган кунлар” романни тили түргисида айтган сўзлари кўрсатиб туради. Абдулла Қодирийнинг романдасти тили, умуман, аниқдир. Аммо у маҳсус инплантан, ригми ва мусикӣлиги кучли. Аёл хусни ҳақида сўз кетгандага роман тили жиҳлатанади, романтик тус олади, нағис, гўзал жонлапади. Шахслар нутқи улар характеристикини даигат гавдалантиради. Образ тилидан унинг қайси табақаданлигитини, аёл ё өрқак киниалигини бемалюл билдиб олини мумкин. “Қўча тили”, унинг чашанингни билиниб туради. Қаҳрамонлар тилигина эмас, балки муаллиф нутқи ҳам эмоционал картиналди, бадиий воситалари янги, кутимаган даражада, ўхнатиш ва сифатлапшарга бой.

Муаллиф тилида эски ўзбек тили таъсири сезиларни, тасвирланган воқеа иборалари ўзлари оид бўлган замони услубига яқинлашишинга интилади. Буни тариханлик (историзм) талаб қиласади.

“Үтган кунлар” романидаги ёзувчи тил устида катта маҳорат кўрсатади. Романинг тили, ҳақиқатан, бой, бўёқчи, содда, ифода кучи зўр, оммага англашиларли бир гилдир.

<sup>1</sup> Қодирий А. “Үтган кунлар” ҳам үтган кунлар танқиди устида баъзи изоҳлар “Шарқ ҳақиқати”, 218-сон.

Ўзбек адабий тилининг шакланишида бу асарининг роли, шубҳасиз, юят каттадир.

Ёзувчи халқ тилини жуда яхни билади. Воқеаларни англатин учун сира қийналмасдан халқ тилининг бой ҳазинелден истаганиччи материал олади. Асарнинг бадний тўқимасида юзнирча мақоллар, махсус ифодалар, тугал тиллар, қочирматар, сўз ўйинлари ярқирайди.

Мана булар тилини жонли, образли бир тил қилган...

“Ўтган кунлар” янни ўзбек адабий тилининг тараққиётни катта роли ўйнайди. ўзбек балийи ироэаси “Ўтган кунлар” романидә қўйилти ва шаклнина бошлади” (143–149-бетлар). Адабий асарда ҳар бир сўз муайян образни юзага келтиринига хизмат қиласди. Ёзувчи сўз ёрдамида турли-туман ҳис-туйғуларниң, фикр ва ҳодисаларниң жонли, гўзал, тавсирчан ҳолла тасвириг ётишинига эриниди.

Воқеликни сўз ёрдамида образни акс ётиришда ёзувчи ўз миллӣ тилининг бутун бойлитетидан, битмас-туған мас имкониятларидан унумни равишда баҳра олади. Образни вужудга келтириш учун ҳар доим махсус сўзлардан, хусусан, ўҳнатиш, эпитет, истиора, жонлантириш сингари тасвирий воситалардан фойдаланини шарт эмас. Албатта, бундай воситалар ҳам адабиётда аҳамиятга эга, лекин образ ҳосил ётишининг энг асосий шартларидан бири шуки, у ўз ўрнида, зарур жойла қўлланишидан, мазмундор бўлиншидан иборатdir.

Адабий асар тилинини баднийлиги ўйлаб томларда ҳам ифодалаб бўлмайдиган изренини бир сўз, бир аломат ёрдамида юзага чиқаришдан иборат.<sup>5</sup>

Инрик асарларда, аввало, сўз, ибора ва ифодаларни турли фикр-туйғуларни имкон борича чукур ёритишга мос қилиб таъланади. Иккичитан, бундай асарларда ёзувчининг тасвириланаётган ҳолисларга, ҳис-туйғуларга муносабати бевосита сувларини уйдан ангининишиб туради.

Драматик асарларда оса, муаллифнинг қаҳрамонларга, нарса-ҳодисаларга муносабати, асосан, иштирок ётувчи шахслар нутқи орқали юзага чиқали. Уларда муаллиф нутқи бўлмайди; қаҳрамонларниң кимани ҳам, акс ётирилгётган давр, инглиши ҳам, муаллифнини макетин ҳам персонажлар нутқи военесини төн бўлди.

## Персонаж нүтқи

Хаётда ҳір бир одамнинг тили, сұзлаштарыннан қандай түрмуш көчирғанлығы, маданияты, онғы, рухияти ҳақыда мағлум тасаввур берали. Шунға құра, балдий асарлардаги қаҳрамонларнинг нүтқлари, сұзлаштарыннан қам түрлі-тұман, үзінгә хос бўлиб, улар характерининг мазмунини аныланыңда муайян вазифаны үтайды. Ёзувчилар қаҳрамоннинг сұзлаштарини, үзінгә ҳос оҳаннини қисқа ва лўнда жумлалардан ташкил топган сұхбатлар, диалоглар, монологлар орқали тасвирилана, қаҳрамон характеридаги белгиларнинг шаклшынынни унинг нүтқи орқали акс оттиришига алоҳида ёзтибор берадилар.

Олатда, шахслар нүтқи уларни құрнаған шароит билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Шароит күпинча персонажлар сүзининг аҳамияттини оширади, мазмунини чуқурлаштыради, муайян вазиятта персонажнинг ганирийи шарт экани психологияк жиҳадан асосланади.

Демак, ёзувчилар персонажлар нүтқи орқали уларнинг үзига хос күсусиятларини, рухий дүнёларини, яшаш тарзларини, характерларнинг мантигини, муайян шароит учун мунигарақ томонларини очиб берадилар. Шунға құра персонажлар нүтқи қаҳрамонларни алоҳидалаштыриши воситаси ҳисобланади.

Персонажлар нүтқи адабий асарларда уларнинг ўзаро сұзлашылуы, яни диалоглар ёки бошқаларға қаратаған сұзлары, итиғи сұхбатлары, яни монологлар ишаклида күрнади.

Адабий асардаги персонажларнинг ўзаро сұзлашыву, сұхбати диалог деб аталади. Драматик асарлар бутунicha диалоглардан иборат бўлалди. Эпик асарларда ҳам диалогларга анча кеңг ўрни берилади. Лирик-эпик ва айниқса, лирик асарларда эса диалог кам қўйланади. Лирика тили кўпроқ монологикdir.

Диалог персонажларини ўзаро муносабатларини, характер қирраларини, рухий дүнёларини ва умуман асар мазмунини очища муайян вазифаны ало этади.

Адабий асарда персонажнинг бошқаларға қарата сұзлаши ёки ўз-ўзи билан рұхан сұхбатланиши монолог деб аталади. Монологнинг түрлі күрнештери мавжуд. Агар у персонажнин тұғридан-тұғри бошқаларға қаратаған нүтқи тарзыда

берилса, очиқ шақыдати монолог бұлады. Монологнинг бу хилидан В. Шекспир “Отелло” ва “Гамлет” трагедияларыда мұваффақият билан фойдаланған. “Гамлет”деги “ё қолиц, ё үлпі”, деб боштанувчи ҳам Үйғун ва Иззат Султонларнинг “Алишер Навоий” драмасидеги: “Күй. Газал... Ох.. қайтаң тиринар ярамни...”, деб боштанувчи монологлар очиқ шақыла бұлғып, үзининг мазмундорлығы, қаҳрамонлар рухий дүниесини чуқур очишига хизмат қылғанынғи сабаблы ҳалқ орасыда кең тарқалғандыр.

Алабай жасарларда монолог персонажларнинг ички нұтқи, үз-үзи билан сұзлашуви, судбати тарзда ҳам берилген мүмкін. Бу монологнинг еңік шақыл ҳисобланады. Үндан әзізівчи Абдулла Қодирій үнгүмли фойдаланған. У “Үтган күнлар”да Отабек ва Кумушнинг драматик ҳолатларини акс эттиришта күпроқ уларнинг ички нұтқидан фойдаланған. Худди шу хилдати ички монологдан баҳра олиш Ойбекнинг “Құтлуқ қон”, Абдулла Қаҳҳоринин “Синчалық” повестінде ҳам хосдір.

Бағын бутун асар давомында ұнкоя биринчи шахс тилемден, яғни монолог шақыла айтылыш ҳам мүмкін. Асқад Мухторинің “Давр менинг тәқдиримдә” романында ривоят асарының бошидан охиригача баш қаҳрамон — Ахмаджон тилемден олиб борилады. Бундағы усул әзізчига қаҳрамоннинг ҳис-түйіфдарини, үй-ғиқрларини, түрлі ҳодиса ва кишиларға муносабатини ишонарлароқ тарзда бағын қылыш имконини берған.

Монолог қандай шақыда бўлишидан қатын назар, ҳар доим қаҳрамонлар рухий оламини, онгидаги үзгаришларни, түрлі кишиларга ва нарса-ҳодисаларга муносабатини англашишга олиб келади.

Әзізчилар персонажлар нұтқига жуда усталик билан ва месъерни сақлаган ҳозиша ҳалқ мақолаларини киритадылар. Бунда ҳам улар қаҳрамонларнинг рухий дүниесини терапироқ очишини күзда тутадылар.

“Бемор” Абдулла Қаҳҳоринің “Аиор”, “Үғри”, “Миллатшылар”, “Томолабор” синтегри “Үтминидан әртаклар” туркомуни кирудын ұнкояларидан биридір.

«Сотволидиннинг хотини — қасал, күзи тиниб, болни айланады. Тұрт ёш қызынан онасынан келған нациштарни құрып үтирады, тоғо құлда мол насакты билан ухлаб қолады. Сот-

волди эса қасалдан бохабар бұліб туриш учун сават тұқиши хонаки қасби билан шүгүлланади. У саватларни улгуржи оладиган баққолдан 20 сүм қарз сұрайди. Шаҳарда биттагина докторхона бор. Докторхона деганды, Сотвоздининг күз олдига извош ва оқ подшонинг сурати туширилған 25 сүмлик пул келар эди”. Қасалликни бартараф этиш учун баъзи чоралар күрилады: ўқитилади, табибга күрсатади, қон олдиди, баҳшиға қаратади, товуқ сұяди ва беморни қонлайди, тол хипчин билан савалаб күчиртиради, чиљесин қилдиради. Ҳаммасига пуз кетади. Сотвоздининг эса құли қисқа, замон — почор. Дард оғирлашаверади.

Хикояда еттиға персонаж бор. Абдуғанибай чигит пүчоқ билан савдо қиласы, у — Сотвоздининг хұжайини. Сотвозди ундан маслағат сұраса, у: “Девонаси Томқоваддинға ҳеч нарса күттардигизми? гағсулағзамга-чи?” — дейді. Құпии кампир жа: “Бегунох ғұдакнинг саҳарда қылған дуоси ижобат бұлади, уйғотинг қызингизни!” — дейди. Қызалоғи туриб йиглайды ва: “Худоё аямди дайдига даво бейгін...” дейді. Хотин эса бир куни: “Худо қызимнинг саҳарлари қылған дуосини даргоҳыда қабул қылды. Дағаси, энди тузукман, қызимни саҳарлари уйғотман!” дейді. Уннинг сұзларыда оналик меҳри билиниб туради. Келған гадой — ҳең лўст, Шайдуғло банани олло, садақа ради бало, бақавлы расулы Худо... — дейді. Барчасининг сұзларыда давр савияси, ноиложлик, мұхтожлик, қолоқлик сезилиб туради. Қызча сұзыдан “р” ўриница “й” келади. Құпигина болалар дастлаб “р”ни талаффуз қылолмайды. Сотвоздининг сұзи ішүқ, у қылған ишлар асосан муаллиф нұтқидан аён бұлады, уннинг кимлиги ҳам шу орқали маълумдир.

Муаллиф айтишича, у “офтобшувоқда гавранларға күмислиб, сават тұқыйды”. У үз нұтқида халқ сажидан “бундай вакыттарда ійғон құзилади, ингичка узилади” деган гапни келтирғац; “бемор охирі ўсал бұлды”, “Саҳарға бориб узилди”, дейді. Муаллиф нұтқига бу жумлалар халқ жоғли ти-лидан олинған ва улар муаллиф нұтқини чиройлы қылған. Ҳикоя шундай тұгатланади: “Сотвозди қызасини ўлғын ёнидан олиб, бопшқа ёққа ётқизаёттанды қи жа уйғонди ви күзини очмасдан одатлагиша дуо қылды: “Худоё аямли лайдига даво бейгін!!!”<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қазғор А. Асарлар. Олти томник, биринчи том, Т.: Гафур Еулом номидагы Адабиёт ва санъат националь, 1967, 56-58-б.

Езувчи воқеа қандай бўлса, шундай тасвиrlайди, унга баҳо бериб ўтиrmайди. Ҳикоя финали ҳар қандай китобхоннинг ҳам кўзига ёш келтиради, бегуноҳ ёш гўдакнинг бошига шундай оғир ва даҳшатли кулфат тушганлигига чидай олмайди.

Лирикада персонаж масаласи ўзгачароқ. Драмадаги диалогик нутқ, ҳикоядаги муаллиф нутқи лирик шеърда лирик қаҳрамоннинг монологик нутқи билан алмашинади; нутқ “мен” (ё “биз”) тилидан сўзланади. Бунга Эркин Воҳидовнинг “Ўлка” шеъри мисол бўла олади:

*Боғларингда сайд этганимда,  
Сен бор эдинг қалбда, Ватаним.  
Боғ ҳуснига шеър битганимда,  
Уни дастлаб сенга атадим.*

*Минглаб тилда мадҳингни сўзлар  
Бунда ўсан ҳар битта дарахт.  
Нур эмади миллионлаб кўзлар  
Кўкдан сенинг ҳуснингга қараб.*

*Жилмаяди ўзида йўқ шод  
Янги ой ҳам кетмай қошингдан.  
Этак-этак олиб коинот  
Юлдузларин сочар бошингдан...*

Бу шеърда биронта ҳам<sup>1</sup> лирик персонаж йўқ. Ватан ҳисстайгуларининг соҳиби лирик қаҳрамон (“мен”)гина мавжуд, холос.

Аммо айрим шеърлар лирик персонажта эга бўлиши мумкин. Абдулла Ориповнинг “Дўзахийлар” шеъри бунга мисоллайдир. Бу шеър шоирнинг “ҳаж дафтари” туркумига киради:

*Ёвлашиби бир куни икки мусулмон,  
Орадан адолат тамоман кўчди.  
Улар олишидилар узоқ, беомон,  
Оқибат бирининг қалиаси учди.*

*Кимдир Пайғамбардан сўради келиб:  
— Аё, Расулуллоҳ, айлагил жавоб.*

<sup>1</sup> Воҳидов Э. Мұхаббат. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 44-б.

*Хоңақоң, рақибин қонға ғарқ қилиб,  
Үл Қас жағаннамда тортгайдир азоб?*

*Расулилоұ dedi: — У ҳам ва бу ҳам  
Мақсум булғусидир дұзах тұрыға.  
Иккөв ҳам майдонға түшігандары дам  
Ұлым тилағандар бири-бириға!*

Бу шеърда лирик қаҳрамондан бұлак, Пайғамбар, икки дұзахий ва “кимдір” бор. Лирик қаҳрамон воқеанин үз кечинмаси сифатида баён қиласы. Баён эса шеърий, бинобарин мавзундир. “Кимдір” дұзахийларининг охири не бұлининни Пайғамбардан сұрайди. Пайғамбар әса улар дұзахға тушишини айтады. Сабаби уларнинг бир-бириға ұлым тилағандаридир. Шеър абаб қоғияланады, бинобарин, жаңри қоғия тартибига күра, кесиптеген дейилады; 6+5 вазнида ёзилған, бу — асосий вазни, 6+3+2 күриниши ҳам бор. Қонға ғарқ қылыш муболағаси бор. Умуман, шеър сербүек тил билан ёзилады, аммо мазкур шеър иисбеттан содда тилде дүнёға келған. Бу ҳол услуб билан боғлиқ.

Шеър Абдулла Орипов услугуга хос тарзда қысқа, солда, равон ёзилған.

### **Тасвирий-иғодавиіт воситалар**

Балниң асардаги ҳар бир сүз тасвирий восита ҳисобланғанда мүмкін, чунки у, албатта, мазкур асар мазмунини иғодалашып хизмат қиласы. Шунға күра, ёзувчилар воқеликдеги ҳодисаларни акс эттириш үзіншеге бағолаш учун зарур сүз топа билішшары ҳамда уларни үз үрніда құллаш үзіншеге бағолашып түркі иғодалаш устида тинимсіз мекнат қылғанылар.

Тасвирий-иғодавиіт воситалар үзіншеге бағолашып түркі имкониятлары иншојатда күп. Улар орасыда синоним ва антонимларни, архаизм ва неологизмларни, диалектизм, жаргонизм ва профессионализмларни, варваризмларни алохыда-алохыда күриб үткіншілдер зарур.

**Синоним ва антонимлар.** Маъно жиһатдан бир-бириға яқын бўлған сүзлар синонимлар, леб аталади. Улар ўзаро яқын бўлған.

<sup>1</sup> Орипов А. Ҳаж дағғари. Т.: «Шарқ», 1992. 26-б.

лекин бир хил ҳисобланмайдыган ҳодиса ва түшүнчаларни ифодаланыса мұхим вәзифаны ұтайды.

Зарур бўлған маънени, ҳис-туйгунни ифодалаш учун синонимик сўзлар қаторидан энг моси ва мақбулини ганланш ёзувчи бадий асар тили устида олиб борадиган ишнинг муҳими ҳисобланади. Айниқса, бундай иш ўзбек ёзувчилари ижоди учун аҳамиятли. Чунки ўзбек тилида синонимларга нидоятда бойдир. Эски ўзбек тилида синонимлар мугащобих леб аталган. Ўзбек тилининг бундай сўзлар бойлигини Алишер Навоий алоҳида таъкидлаган ва “Мұҳокамат ул-луғатайн” асарида мисолиар асосида исботлаган. Жумладан, у “йигламоқ” түшүнчесининг кўринишлари фарқини ифодаловчи бўхсамоқ, йиғламсимиқ, ингранмоқ, синграмоқ, сиқтамоқ, ўқирмак, чинқирмоқ сўзларини қўйидаги адабий парчалар мисолида кўрсатиб беради:

*Ҳажри андуҳида бўхсабмен, била олман нетай,  
Май иложимдур қўпуб дайри фанога азм этай.*

*Зоҳид ишқин десаки, қылғағ ғош,  
Йиғламсинару кўзига келмас ёш.*

*Истасам давр ағтидин ишқингни пинҳон айламак,  
Кечалар гаҳ инграмакдур одатим, гаҳ синграмак.*

*Ул ойки кула-кула қироғлатти мени,  
Йиғлатти мени демақи, сиқтатти мени.*

*Ишим тоғ узра ҳарён аик селобини сурмакдур,  
Фироқ ошушибдин ҳардам булут янглиғ ўкурмакдур.*

*Чарх зулмидаки, бўгузумни кириб ўиғлармен,  
Ичирур чарх (урар) инчакириб ўиғлармен.*

Агар Алишер Навоий келтирган парчада ҳадеб “йиғламоқ” сўзи қўлланаверганда, асар тили ғаиз, услуби сийқа чиққан бўлур эди. Синонимлардан тўғри ва унумли фойдаланиш бадий тилнинг ранг-баранглигига, тақрорийликнинг камайишига ва услубнинг равонлигига йўл очади. Фикримизнинг далили сифатида Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” достонидан қўйидағы парчани эслаш мумкин:

*Шоð ўтади Зайнаб күнлари,  
Күнгли баҳор кўқидай тоза,  
Кўкда учган қушларнинг бари  
Шодлигидан олар андоза.  
У яшайди беситам, безор,  
У билмайди қайғуни, ғамни,  
Оёқлари остига баҳор  
Тўшаб кўйган алвон гиламни.*

Бу мисраларда икки хил синонимик сўзлар қатори мавжуд. Биринчи қаторга “шоð”, “беситам”, “безор” сўзлари кирали. “қайху”, “ғам” сўзлари эса иккинчи қаторга мансуб. Агар шоир мана ўнандай синонимлардан фойдаланмай, айнан бир сўзиниг ўзини қайта-қайта ишлатаверганда, шеър тузилишига ҳам, оҳангдорлигига ҳам, тилининг равонлигига ҳам шутур етган бўлар эди.

Маъно жиҳатдан ўзаро зид турган сўзлар антонимлар дейилади ва улар адабиётда кенг қўлланилади. Антонимлардан ёзувчилар кўпинча турли кишилар ёки ҳодисаларни бир-бирига қарама-қараш кўйиш, контраст ҳолатлар ҳосил этини мақсадида фойдаланадилар. Шоира Зулфия “Орада саҳифа қолипти бўм-бўш” номли шеърида “ёш” ва “кеҳса” сингари антоним сўзлар ёрдамида қуйидаги контраст жиҳатини ифодалайди:

*Ўртада саҳифа қолипти бўм-бўш,  
Нак ёшлик-кексалик уфқалори ора.  
Оро ўйл-гўёки жароҳатли тўш.  
Лоҳ битиб, очилиб тургучи яра.*

Баъзи ёзувчилар муҳайян бир ҳодисанинг ўзидағи зилликни антонимлар воситасида ниҳоятда ўтқирланитириб, таъсирчан баён этидилар. Шоир Ёрқин Водиқов “Барча шодлик сенга бўлсин!”... ёб бошланувчи ғазалида лирик қаҳрамон қалбидаги муҳаббат туйғусида, севгилисига муносабатида, фикрларida бўлған зидликни антонимлар воситасида ниҳоятда шысириш ва ёрқин кўрсанади:

*Барча шодлик сенга бўлсин,  
Бор симам, зорлик менга*

Барча дилорлик сенгаю,  
 Барча хушторлик менга.  
 Сен менинг жонимни олгин,  
 Мен сенинг дардинг олай.  
 Барча соекик сенга бўлсин,  
 Барча беморлик менга.  
 Сенга бўлсин барча ҳусну  
 Менга бўлсин барча ишқ.  
 Кори хунхорлик сенгаю,  
 Мехри пойдорлик менга.  
 Бу жаҳоннинг роҳатин ол,  
 Бор азобин менга бер,  
 Сенга бўлсин барча ором,  
 Барча бедорлик менга.  
 Ол ўзинг кошоналарни,  
 Менга қўй майхонани,  
 Барча хушёрлик сенгаю,  
 Барча хумморлик менга.  
 Сенга бўлсин нурли кундуз,  
 Менга қолсин қора тун.  
 Барча гулшан сенга бўлсин,  
 Бор тиканзорлик менга.  
 Сен шаҳаниоҳликни олгин,  
 Менга қуллик бўлса бас,  
 Бор жафокорлик сенгаю  
 Бор вафодорлик менга.  
 Майли, останандга ётсам,  
 Майли, қувсанг тоши отиб,  
 Бор дилозорлик сенгаю,  
 Бор дилағорлик менга.  
 Сенга шеърни битсин Эркин  
 Йиртиб отмоқ, ўз ишине  
 Касби инкорлик сенгаю,  
 Айби иқрорлик менга.

Бу шеърда кетма-кет келган антонимлар лирик қаҳрамон мұхаббатининг ғоят терандигини яққолтасаввур қылниш имкон беради. Демак, антонимлар шоир иягининг аниқравашан ифодаланишига йўл очади.

**Архаизм.** Жонли сўзлашув тилида ишлатилмайдиган ёки жуда кам қўлланильдиган эскирган сўз ва иборалар архайзмлар деб аталади. Архаизмлар адабий асарларда турли мақсадларда ишлатилади. Улар кўпроқ тарихий асарларга қўлланади

ва тасвирланаётган давр руҳини акс эттиришга хизмат қилали. Ойбекнинг “Навоий” романидаги иккичи боб архаизмга бой бўлган қўйидаги парча билан бошланади:

“Султонмурод дарс учун мударрис мавлоно Фасиҳиддинини хужрасига кириб, ҳайратла қолди. Яп-яниги кўк шоҳи тўн кийгани устод янги такяга саллани бежаб ўрамоқда эди. Унинг ҳар вақт мулоийим, очиқ юзи, оқ кўркам соқоли, бутун саллатдор гавласи уништ юонилётанини, кувончинини билдираф эди. Султонмурод унинг бирон олий даргоҳга отланганини фараз қиласи. Мударрис саллани ўраб бўлиб, тўнининг силсиқ, шоҳисини кўллари билан аста силаб-силаб кўйиди-да, табассум билан Султонмуродга мурожат этди:

— Маҳдум, букун сизга таътил. Алишер Навоий жанобларини подиоҳ ҳазратлари муҳрдорлик вазифасига тайин этмишлар. Ўшик замонларида жаноб Алишер бир неча вақт менда таълим олмиши эдилар. Рутбай олийлари билан табрик этмоқ вазифамизdir”.

Бу парчадаги “мударрис”, “мавлоно”, “такя”, “маҳдум”, “таътил”, “муҳрдорлик”, “рутбай олий” сингари архаизмлар Алишер Навоий яшаган даврни ҳис қилингимизга, кинилярнинг сўзлари тарзи ва услубини англашимизга ёрдам беради.

Ҳақиқий санъаткорлар архаизмлардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдалападилар, чунки эскирган сўз ва ибораларни ҳаддан ташқари кўп қўллаш бадиий асарнинг китобхонга тушунишшини қийинлаштириб қўйини мумкин. Одатда, ёзувчilar архаизмлардан имкони боригта кам фойдаланишга, ишлатгандарида ҳам ўзларига замондош бўлган китобхонга тушунарлиларини топиб қўллашга ҳаракат қиласилар. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, Ойбекнинг “Навоий”, Максуд Шайхзоданинг “Мирзо Улугбек” сингари асарлари фикримизнинг далили бўла олади.

Баъзан архаизмлар поэтик нутққа алоҳида тантанаворлик ва улуғворлик баҳси этали.

Архаизмлар лайрим ҳолларда асарларги баъзи шахсларни кулигили, кинояни тарзда кўрсатилишига ҳам хизмат киласиди. Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг “Калвак Махзумнинги хотира яфтаридан” номли асаридаги баъзи архаизмлар худди шундан вазифани ўтарили. Бунга иккөн бўлмоқ учун асардан қўйилдаги парчани уқни кифоя: “Марҳум Мекалай оқ подиоҳ-

нинг ҳазинасида чахорёрлардан қолғон бир мұсхафи шариф бұлур әркан. Мекалай подшоқ ушбу Каломи шарифға бенихоят ихлюсманд бўлиб, бир минг беш юз сарбоз билан мазкурнинг муҳофазасига қўшиш қилур әркан. Вақтики мастрравой деган ҳалойик бепарҳезлар бош кўтариб, орада кўнжант-жадал юз бериб, неча одам ўлуб ва неча нафар мажруҳ ва маъюб бўлиб, баъдаз он ўшал мастрравой деган ҳалойик бепарҳезлар толиб бўлуб, барча тахту баҳтларни қўлга олиб, яна ул фитначилар ичидан бойшебик деган яна бир бепарҳез чиқиб ва яна мастрравойлар билан бенихоят қаттиқ жанг қилиб ва мағлуб айлаб ва яна оқ подшоҳнинг қизига уйланиб, баҳдаз он тахтда барқарор бўлғон эрди”.

Бу парчадаги “чахорёр”, “мұсхафи шариф”, “сарбоз”, “муҳофазат”, “бепарҳез”, “баъдаз он” сингари архайзмлар Калвак Махзумнинг қиёфасига, сўзлани тарзига қўлгили тус беради.

Сўзларнинг архайзм қатламига кирганилитини ёки кирмаганилитини аниқлаганды, тарихан аниқ, яъни тил тараққиётини ҳисобга олган ҳолда ёндашиб лозим, чунки ҳозир архиклашиб колган сўз ва иборалар бир вақтлар янги бўлган.

**Неологизм.** Тилда илгари мавжуд бўлмаган янги сўз ва иборалар неологизмлар, деб атадади. Адабиётда неологизмларниң икки хил кўринини мавжуд: агар биринчи хилданги неологизмлар жумласин тилнинг лугат таркибида энді пайдо бўлган ва ёзувчи асаридаги фойдаланилган янги сўзлар кирса, санъаткорнинг узи ижод этган янги сўзлар неологизмларниң иккинчи туридир. Биринчи ҳолда неологизмлар ёзувчилар томонидан мислий тилнинг лугат бойлигидағи бопиқа сўзлар билан бир категорда қўлланасилади. Неологизм, санъаткор тасвирилётган ҳодиса учун тилнинг лугат таркибидан аниқ ном тоимай, узи янги сўз кашф этганды, махсус тасвирий-ифодавий воситаға айланни мумкин (бу ҳол ўша кени қўлланалигин вазиятга кириб, ўзининг янги бўғини йўқотгунга қадар лавом этади). Халқ тилинини бой ҳизинасида ёзувчи учун зарур сўзлар тошилмай қолини ҳоллари жуда кам бўлинчи сабабли санъаткорларнинг узлари юзага келтирган неологизмларниң поэтик нутқдаги салмони ҳам ниҳоятда чеклангандир. Ҳеч бир эҳтиёж сезилмаган ҳолларда янги сўзлар тўқинини ёки мавжуд сўзларнинг шакли сунъий ўзгартирилини поэтик нутққа катта

зарар етказади. Бундай қыланиши халқ тилини, шунингдек, поэтик нуткни кераксиз, түшүнлиши қийин бұлған сұзлар хисобига тұлдириб юбориши мумкин. Үндай сұзлар халқ тилида ва поэтик нутқда қатый жойлашиб қололмайди ҳамда тезда истесъмолдан чиқиб кетади. Ҳақиқий санъаткорлар энг зарур пайтлардагина неологизмларни юзага келтирадилар. Шоир Мақсад Шайхзода “Келажакпинг саволларига жавоб” номли шеърида халқпинг космосны забт этиши соҳасидаги ютуқлари ва имкониятлари бекітес даражада улканлыгини ифодаланды учун “фазошумул” сұзини ижод этады ҳамда уни ўз мақсадига мувофиқ равишда күйидаги тахлитда үринди иштегенді:

*Қитъалар ұртасида  
қисқарыб масофалар,  
Рұзномага құйилар  
фазошумул вазифалар.*

Шоир шу шеърида яна бир неологизм ҳосил этади:

*Типим куни одамлар  
Боришар ой сайлига,  
Отланыб нур учқунларга  
Жұнаб Сомон йұлига.*

Бу ерда “космик кема” түшүнчеси “нур учқун” деган сұз бирикмаси билан ифодаланған. Натижада мазкур неологизм шеърга миелді рух, ўзига хослик ва охандорлик бағш этган ҳамда муаллифнинг келажак ҳақидаги орзулари, ўй-түйгулары чуқурроқ аңтлашилышы шароит туедирган.

**Диалектизм, жаргонизм ва профессионализмлар.** Асарларда бадий тасвир воситаси сиғатида адабий тиlda құлланылмайдыған, фақат муайян вилоят, туман ақолиси жонли тиلى учун хос бұлған сұз ва иборалар, янын диалектизмлар ёки, иккінчи ном билан айтганда, шевачилик ҳам қатнашади. Шевә сұзлары, янын диалектизмлар билан бир қаторда жаргонизм ва профессионализмлар ҳам ифодавий восита сиғатида құлланылады. Муайян ижтимоий гурухға мансуб бұлған кишилер томонидан ициатиладыған, фақат уларпинг ўзига түшүнарлы бұлған мағсус сұз ва иборалар жаргонизмлар, деб аталаған. Бундай сұлар ўзбеклар орасыда “абдал тили”.

деб ҳам юритилган. Қадимги савдоғарлар, үерілар, қиморбозлар ва бошқа гурухтарнинг үз жартони бўлган. Булар ұзаро сўзлашувда бошқалардан сир туғини учун суный сўз ва иборалар ясаганлар, мавжуд сўзларни кўчма маънода ишлатгандар.

«Муайян қасб-хунар кишиларининг нутқига хос бўлган маҳсус сўз ва иборалар профессионализмлар деб аталади.»

Жаргонизм ва профессионализмлар адабий асарларда бирмунча кам кўлланилади. Диалектизмлар уларга нисбатан кўпроқ ишлатилади. Бундай сўз ва иборалар, асосан, адабий асардаги иерсонажлар нутқила уларнинг ўзига хос сўзлари тарзини кўреатиш, қиёфаларига маҳаллий, синфий, ижтимоий ва қасб-хунар хусусиятини ато этиши мақсадида кўлланылади. “Ўтган қуңлар” романидаги уста Олим: “Бир неча кун шу йусии иккиланиб юргач, ниҳоят, ўзимга тунунчимаган бир завқ остида вагъдамии ифога боштабман, бир кийим цюҳи деб ўттиз кийим бўладиган ипакни бўяни, гана, арқоқ, тула машиқватлари кўзимга деч кўринмабдир”, — дейди. Бу гапдаги “танила”, “арқоқ” “тула” сингари профессионализмлар уста Олимнинг бўз тўкувчиликка алоқидор ишҳис эканлигиги ни осонгина тушуниб олишмизга ёрдам беради.

Езувчи Ҳусайн Шамснинг “Ҳуқук” романидаги персонажлардан бири Рустамбек: “Сени Ҳайдар кузур” дейдилар. Шу бугун битта “кузур” линггини кўрсатсанг, оғайнц...”, — дейди. “Кузур” сўзи үерилар, қиморбозлар орасида ишлатилидиган жаргон ҳисобланади. Унинг ёрдамида биз Рустамнинг ҳам, Ҳайдарининг ҳам ўтиликка, қиморбозликка алоқидор шахслар эканлигини осонгина билib оламиз. Жуманнёз Шариповининг “Хоразм” романидаги персонажлар нутқида “на гаплар бор”, “ҳа, Онина хола, ер олсангиз ҳам дуниб қолдингиз?”, “дим ҳорлингиз” сингари жумлаларни учратамиз. Бу ердаги “на”, “дуниб” ва “дим” сўзлари ўзбек тилининг Хоразм шевасига хес бўлиб, маъно жиҳатдан адабий тиљдаги “німа”, “йўланиб” ва “жуда” сўзларига мос келади. Муъәтиф мажкур диалекти ѹмлар ёрдамида Хоразмда янъючин кишиларининг сўзлари тарзини, маҳаллий шароити руҳини ифодалашига ҳаракат киласи.

Диалектизм, жаргонизм ва профессионализмлар, одатда, муъәтиф нутқида қўттанимай, и. Уларнинг муъәтиф тиљида ишлатилиши ҳитто зарарли ҳисобланади, чунки ёзувчи адабий

тилда гапириши лозим, шу билан бирга, ундаи сўзлар асарнинг китобхон томонидан тушунилишини қийинлаштириб қўяди.

**Варваризм.** Чет тиллардан олинган, лекин ёзувчиларнинг миллий тили лексик қатламига кириб улгурмаган ёки кирмайдиган сўз ва иборалар варваризмлар деб аталади. Ёзувчилар зарур пайтларда улардан ҳам наф оладилар. Варваризмнинг тури кўп. Ёзувчи ўз тилида аниқ ном олиб улгурмаган ҳодисани тасвирилаганда, унинг чет тилдаги номига мурожаат қиласди. Фурқатнинг “Нафма ва нафмагар ва анинг асбоби ва ул нафма таъсири хусусида” шеъридаги қўйидаги мисралар фикримизнинг далили бўла олади:

*Хусус икки томоша аввал охир,  
Бири нағма, бири эрди театр...  
Эшиштганлар ани ҳолин билурлар,  
Багоят нашъалар ҳосил қилурлар.  
Ўзимга тушди бир куну шу ажвол,  
Бор эркан нағма они оти раёль.*

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин бу ерга халқ театридан бошқа, профессионал театр санъати ва рояль мусиқа асбоби кириб келди. Ўзбек тилида ўша даврда уларнинг маъносини англатадиган сўзлар йўқ эди. Шу сабабли, Фурқат ўша тушунчаларни ифодалаш мақсадида чет тили сўзларини олишга мажбур бўлган. Кейинчалик “театр” ва “рояль” сўзлари ўзбек тилининг лугат таркибида яшаб қолди.

Юқоридаги парчада кўрганимиздек, варваризмлар ёзувчилар нутқида энг зарур пайтлардагина қўлланилиши мумкин. Ўз она тилида муайян тушунчани ифодаловчи сўзлар мавжуд бўлгани ҳолда, ёзувчининг улар ўрнида чет тили сўзларини ишлатини салбий ҳодиса ҳисобланади: бундай қилинганди, ўринисиз параллелизм ҳосил бўлади. Аммо бу фикр атамаларга тегиши эмас. Варваризмлар персонажлар нутқида бирмунча кўпроқ дуч келади ва бу образларни ўзига хос тасвирилашга хизмат қиласди.

Баъзан варваризмлар ўз тилини бузиб, турли-туман чет эл сўзларини ноўрин қўллаб гапириувчи шахсларнинг кулили, ҳажвий қиёфасини жонлантириши мақсадида ҳам ишлатигади. Ёзувчи Мирмуҳсиннинг «Умид» романидаги Жанна нутқида бошқа тиллардан олинган сўзлар худди иғтида

вазифани бажаради. Мана, Жанна нутқидан бир парча: “Чой ичамиз, всё... Мамам қасалға бўшроқ, тоҳ у ери, тоҳ бу ери... Эрка! Папам жуда эркалиталилар. Кампир бувилирим келишибди... Мамам тузуклар, паникага тушганлар. Синъор... чиқиб коридорда қўлингизни ювиб келинг”.

Бу парчадаги “всё”, “мама”, “папа”, “паника”, “синъор” сўзлари Жаннанинг сингилтаклигини, ёмон тарбия қўрганигини, тўғри сўзлай билмаслигини осонроқ, дангал тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

Шундай қылтиб, варваризмлар ҳам адабий асарларда турмуш ҳодисаларни оҳорли акс эттиришига, қаҳрамонлар тилини ўзига хослаштиришига хизмат қилувчи куролга айланади.

### **Тилинг маҳсус тасвирий воситалари**

Адабий асарларнинг бадиий жиҳатдан мукаммал чиқишида эпитет, ўхшатни, метафора, метонимия, гипербола сингари тасвирий-ифодавий воситалар ҳам муайян вазифани ўтайди. Ёзувчилар бундай маҳсус воситалар ёрдамида ўзлари тасвирилаётган нарса-ҳодисаларнинг баъзи бир томонини ёки белгисини аниқ ва қисқа ҳарактерлаб берилгина эришадилар. Ёзувчи ҳар бир ҳодисани акс эттирганда, унинг муайян шароитда мухим ҳисобланган сифатини ажратиб қўрсатади. Ҳамид Олимжон “Зайнаб ва Омон” достонида бизни ўз қаҳрамонни Зайнаб билан танишишилар экан, унинг гўзаллигини, қалбидаги мұхаббат түйғуси уйғонланлигини кўйиляб тасвирий воситалар ёрдамида алоҳида таъкидлашта интилади:

Зайнабнинг ҳам тоза, осуда,  
Доғ қўрмаган маъсум қалбида  
Севги ятрақ ёзиб қолибди  
Ва фикрига ғавғо солибди.  
Кокиллари унинг тол-тол,  
Лабларида битган қора хол  
Бир дунёга арзигудай бор,  
Қўзлар ёниб ахтарар бир ер,  
Ер ахтариб бокқанде қийғоч,  
Қоши бўлиб худди қалдирғоч,  
Атроғида ойлар чарх ураг,  
Теграсини юлдузлар ўраг,  
Покизадир қизнинг тилаги,  
Оппоқ қордай бўлиб кўкраги

*Құтаришар ұамон тоқори,  
Үл ҳозирча севгінинг зори.*

Езувчи тасвириәттан ҳодиса үзілештерилгенде мұхым деб хісоблаган белгиларниң алохидалы ажраптың түрінен барын тасвирий-ифодавий воситаларнинг өзгешесінде болады. Шу сабабда, мәхсус тасвирий-ифодавий воситаларнинг айрымларының алохидалохидалы күриш үткіш жоиздір.

**Әпитет (сифаттасы).** Таевиранаёттан ҳодиса учун езувчи мұхым деб билгап белгінің күрсатынша хизмат қылувчы бадий аниқловичи сифаттасы әки әпитет деб аталады. Әпитет мантиқий аниқловичининг айнаң үзі әмбет. Агар мантиқий аниқловичи бир нараса-буюм белгиларни бошқасынниң олдай фарқласа, әпитет оғимиздә, қалбимиздә езувчи тасвириәттан нараса-ҳодиса ҳәмде яхшит, бир бутун, күчма мәтіноли тасаурум түтініради. “Қора кийім” дейніле, “қора” сүзи, яғни мантиқий аниқловичи мұайян кийимшінің рангының жүйе билдінеді. “Зайнаб ва Омон” достонидан олинған күйіндегі нарачада әса бу сүз бошқача вазифаны болжарады:

*Ярим оқшом, чумчуклар тиган,  
Хамма қора либос кийинеган,  
Сойларда түн, сағроларда түн,  
Цавраларда, водайларда түн,  
Япроктарда түн әтіб үхлар,  
Сойлышкларда түн қотиб үхлар.  
Түн ўрмалар тое бошаларида,  
Түн Зайнабнинг қараашларыда.*

Бу ерда “қора” сүзи балтый аниқловичи, яғни қандайдыр алохидалы бир рангшының білдірмейді, балкы тасаурумиздә қоп-қора либос, түннің яхшит манзаасини пайдо қылуды.

Хәр хил сүз түркүмнің мансуб сүзлар әпитет бүлиб келгенін мүмкін. Құпніца, бундай вазифаны турлы нарасаларға нисбетан берілген сифаттар болжарады:

*Зайнаб түрар, қора күзиодан  
Жовдираған ёши тирқиар,  
Қони қочиб оттоқ іюзидан,  
Галасада күкраги урап.*

Бу ерда “қора” ва “оқ” каби сифатлар эпитетидир, от туркумига ойл сүзлар эпитет бўлиб келган ҳоллар ҳам анчагина:

*Офтоб йиқар қайғу тогини,  
Ойлар ёқар тун чирогини.*

Бу парчада от туркумига мансуб бўлган “қайғу”, “тун” сўзлари эпитетдир.

Баъзан равиш, равишдош ва сифатдошлар ҳам эпитет бўла олади:

*Қуёши ботди, бир тұда қызлар,  
Ғам билмаган кулар юлдузлар,  
Овоз қўйиб қўшиқ айтади.  
Зайнаб билан хушчакчак Ҳури,  
Адоғ билан яллачи Нури,  
Асаг билан ўйинчи Сора,  
Сурма билан қувноқ Рұхсора  
Сарви билан дуторчи Гүнор  
Юлдуз билан Суқсур ва Анор,  
Бирга-бирга қайтади хандон,  
Бирга чақчақ қиласди чандон.*

Бу ерда ҳам “билмаган” сифатдоши, “кулар” равишдоши ҳамда равиш туркумига мансуб “чандон” сўзлари эпитет бўлиб келган.

Мазмунига кўра эпитетлар тасвирий ва лирик бўлиши мумкин. Тасвирий эпитетлар акс эттирилётган нарса-ҳодисаларнинг муҳим томонини кўрсатади. Бундай эпитетда ўша нарса-ҳодисага ёзувчининг муносабати ўз ифодасини топмайди. “Зайнаб ва Омон”даги:

*Тор кўчанинг бошига келиб,  
Зайнаб энди ўзга ўйл олди.  
Ҳар бирига чандон тикилиб  
Дўстларидан зўра ажралди, –*

сингари мисраларда “тор”, “ўзга” сўзлари тасвирий эпитет ҳисобланади.

Лирик эпитетлар эса муаллифнинг тасвирланиётган нарса-ҳодисаларга муносабатини алоҳига таъкидланади.

*Ғазабида олам-олам ўт,  
Түшүнчаси қоп-қора булут  
Қаби борган сари қуолар  
Анор гүё сочини юлар*

Бу ерда “олам-олам”, “қоп-қора” сүзлери лирик әни төтпидир, чунки ишоир улар ёрдамида Анор хола таябини ишхоятда кучли қылыш ишрок эта олган.

Баңзан сиғатланыптарда тасвирий ва лирик унсур чагылышынан кеттап. Бундай ҳолларда әпитет нараса-ҳодисалардаги мұхым томондарни таъкидлашыра ҳам, муаллифиңнің уларға бұлған мүносабатини анылашыра ҳам даыят отади:

*Түп үстігін күн нури ётди,  
Бир ажойиб гүзәл тоне отди.*

Бу ердаги “күн”, “ажойиб гүзәл” әпитеттерида ҳам тасвирий, ҳам лирик унсур мавжуд. Бундай бадий аниқловчылар лирик-әник әнитет деб аталаади.

Қадим замондарда халқ оғзаки ижодиля аввали тасвирий әпитеттер юзага келген. Кейинчалик бадий тафаккур ри-вожи билан болып қолып лирик әпитеттер найдо бўлган. Ёзувчилар ҳојирги даврда әпитеттер ёрдамида мұайян шароитла күрестелешин нараса-ҳодисалариниң түрлі-туман белгиларини имкон бориши көнг миқёсла қамраб олинника интиладилар. Қадимда дарёларининг теззини ёки ранни, зоссан, бир-шкен әпитет билан тасвириланған бўлса, ёзувчи Асқар Мухтор “Чинор” романындан олинған қуйидан тарчада күнгаб сиғатлонистар ёрдамида Амударёның түрлі-туман төвлапиндерини, хусусияттарини көнг кўламда экс әттиради:

“Бўтана Аму кени ёйилб, тўяқиненз, лекин сирди бу улуғворлик, ҳайбат билан, юздан қараганды жуда секин, аммо кучли, теран оқим билан сизжиб борирли. Қўёш тиккага кутарилади, иккى қирғоқда олтиналиб сарғая бошлаган чакаликлар, куз памонини иисанда қизмайшынган қуюқ корамтири янил қамини ўрмоншири, тинмай нураб ёған қумлоқ жарниклар сүзиб ўта бошлади. Аму гүзәл, аммо сеҳргар, жолутар ларё, ўзани бўни, қирғоқдари тайиненз, кутилмади жойда фарватерда қум тепалар, балчиқ оролшири, тош тўғони иш найдо бўлади. Лойка дарё губидан уларни пайқаб,

ўз вақтида чар бериб ўтиш учун қапитан тұлқинларнинг аройишини, мавжударнинг алдамғы жимжималарини, оқимларнинг теран йүлдіри, асов хұлқи ва ҳийлақор төвланишларин күз билап күрибгина әмас, иккى бир ҳис билап сезиб, тез ва дағыл қарорға кела олиши керак. Акес ҳолда, кема ҳам, юқ ҳам, әкиңаж ҳам ҳар лаұза хавф остида.

Лекин ҳозир хатарлы баҳор әмас. Аму күн сәйини ўзини дам چапта, дам үнгіті таштаб, бемаъни тұлғонмайды, ҳозир куз, қиртоқтар үна-үна. Һироқ күзининг ҳам ўз мақри, ўз қылдырып бор. Күзда дарё дағытатын саёз торғыб, ұзаннинг тошлок жойларыда ўтқир қояларни яланғочылаб кетади. Шулардан биронгаси күнделектен түриб қолса, ўзита тұқнашысса ҳам, иккى томонидагы құчын оқимни ёріб ўтиш маҳол бұлады”.

**Ўхшатиши.** Бадий адабиётда кенг құлланыладын тасвирий - иғодавиіт воситалардан бири үхшатищидir. Ізувчилар мұайян нараса-ходиса ёки уннинг асосий белгилари ҳақида китобхон өнгіда аниқ тасаввур ҳосил қылыш мақсадида уннан қаналайдыр болық, таницироқ нараса-ходисага ёхуд уннинг белгиларыга үхшатадылар. Ўтмиша үхшатиши ташбұқ деб ҳам юритилған. Үхшатишилар “дек”, “дай”, “үхшааш”, “худди”, “монанд”, “түе”, “мисли”, “сингари”, “қаби”, “яңглиғ”, “симон” қаби сүз әр күншімчалар әрдамида юзага келтирилді. Үхшатиши тасаврланаёттап нараса-ходиса ёки уннинг асосий белгилариниң ёрқинроқ, аникроқ қылыш күрсатынға хизмет қилиади. Ҳамид Олимжон “Зайнаб ва Омон” достонида түйга келған раққосаларнинг ҳаракатиниң ёрқин, аниқ акс эттириш учун қуїндагы үхшатиши шыға солади:

*Күндей енғыл учар әдилар,  
Оқ бүгүтдей күчар әдилар.*

Баъзан ізувчилер үхшатишелардан кетма-кең фойдаланылары ҳам мүмкін. Үхшатишининг бу түри ўзбек мұмтоз әдебиётіда таңбихи мұсаласат деб аталған. “Зайнаб ва Омон”да ҳам таңбихи мұсаласатта аңғашпа мисол топын мүмкін:

*Дарे тинмай соларды шовқин,  
Ки құзыдай кора әди түн.  
Ки қалынай ток әнди ҳамо,  
Ки қалынай сөсөндін дасо.*

Бұның көтімдіктерінде асарда тасвирланаёттан нареа-ходисаларпен әки ишоннинг бир неча белгисини еркінроқ ҳөді аюзага чиқарып да имкон беради.

Худии сипатлапан сингари үхшатыш ҳам маълум хиссийдик, таъсирчанылпік білғига әга бўлиб, муаллифнинг тасвирланаёттани нареа-ходисаларга муносабатини ифодалаша қартилган. “Зайнаб ва Омон”да Ҳамид Олимжон Зайнабнинг қошини қаллирғоча үхшатыш билан ўз құрамонинши ғашықи киёфасини гузал тасвирланаға иштесе. Апор ҳолатта ишебатан үзининг салбий муносабатини англатанды оса, унинг ғазабини, туурунчасини қора булутта үхшатади:

*Разабида олам-олам ўт,  
Түшүнчеси қоп-дора бұлут.*

**Мажозлар.** Күшілар пүтқида ҳар бир сұз түрліча маъниода ишлатылған мүмкін. Құпчилик сұз ва иборалар үзлағы билдиргендегі мәйяп мазмундан тащқари, күчма маънога қам әга бўллади. Кучма маъниода қўлланылған сұз вәз иборалар мажозлар деб аталади.

Кўп ҳолларда бир нареа-ходиса белгисини бошқасига күчирини йўли билан унинг асосий томонини ҳеч бир таърифсиз, осонгина, аник-равини ифодалаш мүмкін. “Темир одам” дейилгандан, “темир” сұзы күчма маъниода қўлланылған бўллади. Мазкур ибора одамнинг темирдан, яъни металдан қилинганларини аннелтмайди. Бу ерда “темир” сұзы орқали металлга хос белги, яъни унинг қатиқияти, ишниниң оғамига күчириллади. Натижада, “темир одам” дейилганды, кўз олдими яға ирдеси мустахкам, жилемний жиҳатдан бакувын ишон келади.

Мажозлар алабиң астрларда, айниқса шеърларда жүрги күп қўлланылған. Ёзувчидар ишко сирдан шуплақи олдий безак шифраттар өмис, білеки зарурат түнгизандагына ишфанаидар. Алабиң астрларда мажозлар үрнеги ва асослы равинини қўлланыпданғанда изжобий самараидар беради. Йирик санъаткорлар мажозлардан тасвирланаётганды нареа-ходисаларнин асосий томонишини аник ва ёрқин курсеттің максадиларини фойдалашындар. Мажозларнин барчасы турғын хиллери ҳодисаларнин белгиларини үзіро яқинлаштыриши, таққослаш, күчирини орқали аюзага келади. Бұлдан яқинлаптириши ва күчиринишни тартиб-қонияларни ишоятла хилми-хил бўлиб,

улар мажозларнинг кўплаб турларини вужудга келтиради. Мажоз турлари орасида метафора, гипербола, литота, ирония, перифраз ва боиқаларни ажратиб кўрсатни мумкин. Мажоз турлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоқ учун уларни алоҳидага алоҳидага кўриб ўтни зарур.

**Метафора (истиора).** Икки нарса-ҳодисанинг ўхнатилигига асосланган мажоз метафора ёки истиора деб аталади. Метафора ёни ўхнатилипир. Оддий ўхнатишда бирон нарса-ҳодиса иккитининг ўхнатилиди. Метафорада фақат иккитини уисурнинг, яъни ўхнатилиган нарса-ҳодисанинг ўзи бўлади. Шуни кўра, метафора орқали ўхнатсан нарса-ҳодиса фираз қилини нули билан тасвур этилади. Ҳамид Олимжон “Зайнаб ва Омон” достонидаги қинчюқ йигитлари ҳақида ганириб:

*Агар бури ёйса қузочин,  
Парвоз қилар кўкларда лочин, --*

лейни. Бу ерда фақат ўхнатилиган нарса, яъни лочин тизига олинади. Лекин юнанинг ўзиёқ, йигитларнинг лочинига ўхнатилини, энчилдигини, катта ташлари қолирлигини фаҳмлашмиз учун етарли.

Ўхнатили учун зарур бўлган сўз ва қўшимчалар метафорада тушиб қолади.

Поэтик асарларда барча мажозлар каби истиора ҳам нарса-ҳодисаларни аниқ-риванини, таъсиричан, оҳорли тасвирланига қаратилади. Улуғ шоирлар ўз асарлари мазмунини яхнироқ ифода этини учун зирур бўлган пайдарлаганина истиорага мурожаат қилинадар. Улар сиртдан ялтироқ, лекин мазмунан қашниоқ истиоралар ишлатишдан йироқ бўлганлар.

Адабий тажриб یدа бутунинча бир ёки ундан ортиқ метафора исосида қурилган асарлар ҳам учрайди. Шоира Увайсиинин машҳур чистонидаги аниқ истиора воситасида ўқувчи куз ўнинг яққол күринади:

*Бу на ҳумбаздор, эшиги, туйнугишин ўйқ нишон,  
Нече ҳамон пош қизлар миттил айланбодур мажоз  
Туйнугин очиб аларни ўзибдан олсан хабар  
Юлиаридаги пародияртилик, турардан байри көс*

Бадиий асарларта, күпинча, “олтин водий”, “үт юрак”, “темир интизом” “пұлат ирода” сингари сүз бирикмалари учрайди. Бундай әдларда бутун бирикма эмас, балки фақат аниқловчининг узи метафорик хусусиятта өга бўлади. Ҳам сифатлаш, ҳам истиора вазифасини бажарувчи бундай аниқловчилар метафорик әпнитетлар деб аталади. Ҳамид Олимжон “Зайнаб ва Омон”да Омонининг оғир ёшлигини, одамларниң унга муносабатини тасвирлагандага “аччиқ жавоб” метафорик әпнитетини қўллаган:

*Дарё каби мавж уриб тошдим,  
Водийларда ётгиз адашдим,  
Хар кўрганда айладим сўроқ,  
Аччиқ жавоб эшиздим бироқ.*

**Жонлантириш.** Метафоранинг ўзига хос кўринишларидан бири жонлантиришларидир. Унда инсонга ва жонли мавжудотга хос белгилар табиат ҳодисаларига, нарсаларга ва тушунчаларга кўчириллади. Жонлантириш шеърий асарларда жуда кўп дуч келади. Ҳамид Олимжон “Зайнаб ва Омон”да жонли мавжудотга хос “ўхшаш” ва “ўрмалаш” сингари хусусиятларни тунга кўчириш йўли билан Зайнабнинг муайян вазиятдаги ҳолатини аниқ қўрсатишга муваффақ бўлади.

Жуда кўп ҳолларда табиат ҳодисалари жонлантириллади. Бундай жонлантириш “Зайнаб ва Омон”да ҳам жуда кўп:

*Бир гувоҳи сувлар шилдирап,  
Бир гувоҳи кўкда ой юрап,  
Бир гувоҳи юлдузлар қатор,  
Турап қизнинг дийдорига зор.*

Шеърий асарларда турли ҳодисалар ва ҳатто айрим тушунчаларга ҳам жон киритиллади. Ҳамид Олимжон Зайнаб оғланинг фожиали тақдирини хис отар экан, “кулмоқ” сўзи ёрдамида “қашпоқлик” тушунчасини ҳаракатта келтиради:

*Йиллар ўтди, фақир хонадон  
Мұхтаржылқда таслиз этди жон,  
Ҳамхонада қашпоқлик қулди  
Ва оила тутдағ тұқилди.*

Мисолларда күрганимиздек, жонлантириш тасвириңнің ҳаётінің тигі атпуд етказмайды, балки унинг ҳиссейлигіні, образлигіні оширади.

**Аллегория.** У метафорага яқын мажозлардан бири дір. Аллегорияда айттылмоқчи бұлған фикр бошқача шактла солинали. Одатда, истиора пәнметафорик иборалар орасында келса, аллегория деярлі бутун асарға тааллукқа бўлади: аллегорик асарларда тасвириланган киннилар, ҳодисалар орқали ҳар доим бошқа шахслар, далиллар, нарасалар тасаввур қилинади. Кўпинча халқ мақолиари (“Боқ отингни арпа билан, боқар қази қарта билан”, “Оти борнинг қаноти бор”), тошишмоқлар (“Отдан баланд, итган паст”, “Боши тароқ, думи ўроқ”), масаллар ва шунга ўхшаш асарлар аллегорик хусусиятга энди бўлади. Бошқа мажозлар каби аллегория ҳам тасвирида энди муҳим томонни ажратиб кўрсантиш ишенини бажаради. Айникен, инсон хусусиятларини ҳайвоилар образи орқали акс эттирувчи масаллар ва уларга ўхшаш асарларда аллегорияниң мазкур гомони кўзга ташланади. Уларда кўпинча айёллик тулиғи, очкўзлик ва қизғанчилик бўри, кўрқоқлик қўён қиёфаси орқали намоён бўлади.

Айрим ҳолларда аллегория фақат бир образ эмас, балки асардаги ҳамма образлар тиғзаси пайдо бўлишини таъминлайды. Үнда ҳам аллегория йўлни билан тасвириланади. Гулханийнинг “Зарбудмасал” асари бутунисича аллегорик шактла ёзилган, барча қаҳрамонлари қушлар бўлиб, уларниң ўзаро муомалалари, хатти-харакатлари муфассал тасвирини топган.

Муаллиф ўзи яшаган даврдаги халқ ҳаётининг оғирлигига, киннилар ўртасидаги алоқаларга, тенгизликларга қўшилар орқали истиора қиласади. Аниқрори, қушлар образи орқали Гулханий ўзи яшаган даврдаги хонлиқ тузумидаги ҳаётни кўз олдимишга яққол келтиринимизга ёрдам беради.

Аллегория, турли сабабларга кўра, ўз фикрини болиқача шактла ифодаловчы персонажлар шугқида кўпроқ иши кўради. Собир “Зайнаб ва Омон”да үзининиң севгилиси борлиги ҳақида шундай лейди:

*Менинг ҳам бир сүйеган гүшим бор,  
Менинг ҳам бир ўз булбулам бор.*

Ҳамзанинг “Паранжы спрларидан бир лавҳа” пьесасыда Мирзакарим Гулжондан “Тұлғимисиз, бўри?” деб сўрайди. Бу аллегорик жумлалардан Мирзакаримнинг иш ўнидан келган-келмаганлигини сўраётгандиги анигашадиди.

Муаллиф нутқида аллегорик ифодалар кўшича халқ оғзаки ижоди анъаналари асосида ёзилган асарларда учрайди. Ҳамид Олимжон “Семурғ” дистонида Паризоддининг шартини бажарилга келган йигитлар ҳақида шундай мисраларни ёзди:

*Лече манман деганилар,  
Илон пўстин еганилар,  
Иккила берди бир-бир,  
Макон бўла берди ер.*

Бу ерда “ilon пўстин еганилар” ибораси аллегорик гарзда бўлиб, у йигитларнинг ниҳоятда усталиги, айёргигини осонгина тушунишмизга имкон беради.

**Метонимия.** Метонимия, метафора ва унга яқин мажозлардан фарқи ҳолда, бир ҳодисадан иккичисига маъно кўчиришда бошқачароқ принципига таянади. Метонимия ёки кўчим нарсалар ва уларнинг белгиларини ўзаро чоғицитириши йўли билан эмас, балки маълум даражада ички ва ташкии алоқадорликка эга бўлиган нарса-ҳодисаларни ўзаро яқинлаштириши йўли билан юзага келтиради. Нарса - ҳодисалар орасидаги боғлиқлик турли-туманлиги сабабли бир ҳодисадан иккичисига метонимия орқали маъно кўчириши йўллари ва принципиалири ҳам хилма-хилдир. Метонимиянинг бир турида бирон нарса маъносин у жойлаштирилган идии номи орқали ифода этилади. Кинилар орасида “бир лаганин битта ўзи тушварді”, дегани ибора юрди. Бу ерда “лаган” дейилганда, ундаги ош тушунилади. Бундай иборалар халқ орасида кенг тарқалиб кетганинни сабабли уларнинг метонимик хусусияти сезилмайдиган бўлиб қояган. Поэтик нутқда эса ўз метонимик хусусиятини сақлаган сўз ва иборалар тасвирий восита га айланга олади.

Метонимиянин бошқа бир турида бадий асарлар ўнида уларни ёзган ёзувчиларнинг неми ёки тахаллуси келтирилади. Ҳамид Олимжоннинг қуйидаги сатрларида бундай метонимиянинг ёрқин намунаси бор:

*Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда,  
Навоий шарафи яшар мұқаддас.*

Баъзан метонимияда муайян ҳаракат ёки унинг натижаси ўрнида мазкур ҳаракат қуролининг номи келади. Шоира Зулфия ўзининг Ойбекка бағишинган достонини “Күёшли қалам” деб атаган. Бу ерла оддий қаламининг ўзи эмас, балки шу қалам билан Ойбекка мансуб бўлган ижод кўзда тутилади.

Гоҳида метонимияда қандайлир нарса ўз номи билан аталади. Шоир Хайрииддин Салоҳининг “Ихрим қизлари” номли қўшигига:

*Мұхаттә, Сураиә, Раъно, Мұқаддас,  
Қўзимни яшнаташиб кийибсиз атлас, --*

деган мисралар бор. Бу ерда “атлас” сўзи шундай деб атальувчи матонининг ўзини эмас, балки ундан тикилган кўйлакни билдиради.

Баъзизда метонимияда кинилар ўрнида улар яшаётган ёки йиғилган жой, мамлакат номи идрок этилади. Ҳамид Олимжоннинг “Семурғ” достонида хоти:

*Юртга хабар берингиз,  
Айтингиз ҳар бирингиз,  
Хон қизига харидор,  
Паризод ҳуенига зор,  
Бўлганиларга баҳт қуиди , --*

дейли. Бу ерда “юрг” дейилганда кинилар, халқ кўзда тутилади.

Мисолардан аён бўладики, метонимиининг санаб ўтилган турлари ҳар хил йўл билан бир мақсадга, яъни гасвирланаштган нарса-ҳодисалариниң мухим томонини алоҳида ажратиб кўрсатишга дастёрлик қилиди.

**Синекдоҳа.** Синекдоҳа — метонимиининг ўзига хос бир кўриниши, унда бутун бир нарса-ҳодиса маъносини унинг бир қисмига ёки аксийта, қисмининг маъносини ҳодисига кўчиприлади. Ҳамзанинг “Наринжи сирларидан бир лавҳа” драмаси-

да Холисхон Турсунга шундай дейди: “Аччиқ чой, янги чилим, дарров бир сиқим ош қиласан, тузукми? Ойхолани чақириб қўй!” Бу ерда “бир сиқим ош” дейилганда, “бир қозон ош” кўзда тутилади. Демак, бу ўринда қисем орқали бир бутун нарса англанади. Ҳамиид Олимжоннинг “Семурғ” достонида Семурғ Бунёдга:

*Денгизлардан ўтганда,  
Дунёни сув тутгандা  
Қўзларинг очилмасин,  
Хаёлинг сочиilmасин, —*

дейди. Бу ерда “дунё” дейилганда, бутун олам эмас, балки унинг бир қисми тушунилади.

Айрим ҳолларда синекдоҳада бирлик сонда қўлланилган нарса-ҳодисалар кўпликни ва аксинча кўпликда ишлатилганилари бирликни англатади. “Семурғ”да Паризод Бунёдга:

*Кўлинг билан одамзод  
Балодан бўлса озод, —*

дейди. Бу ерда “кўлинг” сўзи бирликда бўлса-да, кўпликини англатади, яъни китобхон у орқали Бунёднинг қўлларини англайди. Мазкур достонида сўз кўплиқдадир, қуйида бирлик маъносини англатишга ҳам мисол бор:

*Халқумлар бўлиб қок,  
Тоқатлари бўлиб тоқ,  
Қимиirlар эди секин,  
Зўрга олар эди тин.*

Баъзан синекдоҳада аниқ бир сон орқали мавҳум миқдор кўринали. Бундай синекдоҳага мисолни ҳашарот ёки гул номиридан топини мумкин. Чунончи, “миғоёқ” дейилганда, оёқлари жуда кўп бўлган ҳашарот кўз олдимизга келади. “Қирқ оғайни” дейилганда, аниқ қирқта гул эмас, балки қангчадир гуллар бирлиги тасаввур қилинади.

Гоҳида муайян нарса-ҳодисалар тури унинг бирор кўриниши орқали ва аксинча бирор кўриниши ўзи мансуб бўлган тур воситасида ифодаланади. Гафур Гуломнинг “Софининш” исъеридағи:

Зұр карвон үйінда етим бұтадек,  
Интизор күзларда халқа-халқа ёш.  
Әнг кичик заррадан Юпитергача,  
Үзінг мұраббийсан, хабар бер қуеш, –

сингари мисраларда “Юпитер” сүзи орқалы барча сайёralар, ҳатто бутун борлықни иштейди. Кейинроқ шоңр үелі жаңғдан қайтганда бир сават шафтоли билан күтиб олишиңи айтади. “Шафтоли” сузы үрнида у мансуб бұлған “бог” тушиңчаси иштеп тарапади:

Эй ұғым, жонғипанғ саломат бұлсын,  
Үз bogинг, үз меванғ данаган сақла.  
Шу мерос богингни үз құлнингга ол,  
Менга топширилған меросий ҳақ-ла

**Гипербола ва литота.** Адабиётда бадий орттириш, катталаштырылған гипербола ёки муболага, бадий кичрайтириш эса литота деб аталади. Үзбек мұмтоз адабиётіга оид назарий маңыздарда гипербола “булұғ” ёки “ифрот”, литота эса “тафріт” деб юритилған. Бошқа мажозлардан фарқылы ҳолда гипербола ва литотада тиілгә олинған нарса-ходиңса үрнида бошқа нарса ёки ҳодиңса тушинуилмайды. Уларда нарса-ходиңсаларнинг ұжми, күлами ҳәқиқаттағы мөс келмайдын даражада катталаштырылади ёки кичрайтирылади. Шу йүл билан китобхонинің тасвирға олинған нарса-ходиңсалар ҳақидағы тәсисуроти құтайтириләді. Ойбек “Күтлуг қоң” романында Ёрматаниң бойлар учун тер түкіб ишләшиңи, үз уйда эса чой қайнатының ұам олови йүқлігінни билдіріш мақсадыда хотини гилядан қүйидеги гиперболадан құлайлады: “Хар нили ахвол шу. Їзда тоғ-тоғ үтін таї-әрлайсыз, хузурини хұжайиншар құрады”. Абдулла Қадхор “Синчалак” повестида Қаландаровнинің Саідага бұлған дастлабки мүносабатини, янын ёш қиғын менсімай, унда паст назар билан қаранини ўқувчи оннің аниқ-раввиан етказған мақсадыда уннан гилядан берилған қүйидеги литотадан фойдаланады: “Синчалак деген құпии биласи им, обени индей... Шу құни “Осмон туниб кетсе, уншаб қолиман”, деб оғтаниң күтариб ёттар әкан!”

Гипербола ва литота йирик образлар ҳосил этиш воситасидир. Бу айниқса, халқ оғзаки ижодида яққол күринади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида Алшомиши ва боинқа қаҳрамонларнинг образини бунёд қилишида қўйилдаги гипербола, литотанинг мавқеи катта:

*Оҳ урса оламни бузар довуши,  
Тўқсон молнинг терисидан ковуши.*

Ёки,

*Тикилсам, қурийди дарёнинг гуми,  
Нафра тортсан, қулар қўргоннинг тими.*

Шунда дев урмоқчи бўлиб, чўян калтакни кўтариб, Рустамнинг қадди-қоматига, сиёсатли келбатига қараб ўйлади: “Бундай йигит бу кампирнинг ули эмас. Ули бўлган вақтда, қўли бориб, шундай улини ўлдирармиди?! Бу кимни билади. Шундай бир улини билмаган, менга вафо қиласмиди. Келе шаштим қайтмасин, деб тўқсон ботмон чўяндек бўлган калтак билан кампирни кўйиб юборди. Кампир тариқдай тирқираб кетди”.

Халқ оғзаки ижоди намуналарига таяниб битилган асарларда ҳам гипербола ва литота кўп. Ҳамид Олимжон “Семург” достонида осмондан учиб келган қушининг даҳшатини, қудратини аниқ муҳрлаш учун кетма-кет муболагалар келтиради:

*Кун чошгоҳдан оққандоа,  
Қуёш тикка боққандоа,  
Қўзғалган каби бўрон,  
Гувиллаб қолди осмон,  
Яшин учгандай бўлди,  
Нола кўчгандай бўлди.  
Кўкни тутуб қаноти,  
Бўтун оламнинг оти –  
Семург қуши келиб қолди,  
Бунёдни билиб қолди.*

“Ойгул билан Бахтиёр”да муболагалар билан бир қаторда тасвирии бирмунча ишонарли қилиш мақсадида шоир литоталардан ҳам фойдаланади:

*Ойгузни Жайхунбалик  
Олди-ю ютиб кетди.  
Томогидан қилемалык  
Оп-осон ўтиб кетди.*

Реалистик адабиётда ҳам зарур шайтларда гипербола ва литотадан фойдаланилалы. Буни биз юқорида “Күтлүғ қон” ва “Синчалак” асарларидан көлтирилган мисолларда яқын күрдик. Адабиёт тажрибаси күрсатыныча, гипербола ва литетта реалистик асарларда ўриналы, асослы тарзда құлланылғандагына ижобий нағижатар беради. Айниқса муболаға — романтизм адабиётида етакчи бадий воситалардан бири.

**Ирония (кипоя).** Бадий адабиётта ва айниқса, сатира ва юморни ўз ичига олувчи ҳажвиётта ирония ва киноя деб аталувлардан бири бўлиб, унда ифоданинг ташқи шакли ички мазмунига зид бўлади. Ирония сиртдан қараганида, муайян бир маънони англитувчи сўз ва ибора, чуқурроқ ўйлашиб кўришганда, китобхонда кулги ҳам уйғотувчи ички мазмунига эга бўлади. Киноя Абдула Қаҳхоранинг “Ўғри” ҳикоясидаги Амин билан Қобил бобо ўртасидаги қўйидаги диалогда ёрқинроқдир. Таъмовсиран, биллиб туриб, билмасликка олиш, мазах ва қалақа қилиш бирга чатилиб кетсан:

- Ха, сиғир йўқоллами?
- Йўқ... сиғир эмас, ҳўқиз, ола ҳўқиз эди.
- Ҳўқизми?... Ҳўқиз экан-да! ҳмм... Ола ҳўқиз? Тавба?
- Бор-йўғим шу битта ҳўқиз эди...
- Йўқолмасдан ишари бормиди? Қинақа ҳўқиз эди?
- Ола ҳўқиз...
- Яхши ҳўқизмиди ё ёмон ҳўқизмиди?
- Қўй маҳали...
- Яхши ҳўқиз бирор етакласа кетса берадими?
- Бисотимда ҳеч нарса йуқ...
- Ўзи қайтиб келмасмакан?... Бирор о шеб кетса қайтиб келабер деб қўйилмаган экан-ла! Нега йиқланади? А? Йиғланмасин!
- Қобил бобо ери қараб тек қолли.
- қидирирсаммикан-а? — деди Амин чинчалогини этагининг остига артиб, — суюнчиси нима бўлали? Суюнгини чашна олиб келинимадими?

Аминнинг бу гапи Қобил бобога “Ма, ҳўқизинг” дегандай бўлиб кетди.

— Кам бўлманг, — леди пулни узатиб, — яна хизматинги гиздаман.

Аминнинг сўроқларини Қобил бобо тўйпа-тўғри талиқи маъносида тутишади. Шунинг учун бу сўзлар “ма, ҳўқизинг”, дегандек туюлади. Китобхон эса, у сўроқларининг ички маъносини англаб, аввало, қотиб-қотиб кулади, иккинчидан, Аминнинг бир камбағал чолни дақиқлатиб мунофиқларча пичинг қилиётганини, унга наст назар билан қараётганини чуқур хис этади.

Кинояниш кесатиқ, зил кетгиши, қоқитиш, қочирим каби турлари бўлиб, улар ўзбек адабиётида кенг қўлланилади. Ниҳоятда аччиқ, заҳарханда култига суюнган киноя сарказм деб аталади. Абдулла Қаҳҳорнинг “Оғриқ тишлар” комедиясида маданият уйида шарманаси чиққан, кўп хотинилитиги фоши бўлган Заргаров Хуморхонга: “Мен Заргаровнинг хотини эмасман, ўйнанишман дессангиз, мен қутушиб кетаман.. Хотинни эрқак ўйнаш тутмасин деган закон йўқ”, дейди. Шунида Хуморхон аввал: “Аблаҳ!” деб бақиради. Кейин эса Заргаровга қўйидаги сарказм билан жибоб қайтаради: «Оёғимнинг тагига йиқилиб, соқолинг билан ботинкамни чўткалашиб юрган вақғларинигдайм менга ўйнаш бўлгии демагандинг-ку!”

Кинояга бой нутқ, биринчидан, тасвирланаётган нарса-ходисаларнинг, шахсларнинг моҳиятини очишга ёрдам берали, иккинчидан, муаллифнин уларга муносабатини ойдинга пиширади. Юқорилари мисолларда биз киноя воситасида Амин ва Заргаровларнинг қиёфасини, уларнинг қандай шахс эканлигини аниқ билиб оламиз. Иккинчидан, худди шу киноя китобхон ва томошибин кўз ўнгиди Абдулла Қаҳҳорнинг Амин ва Заргаровларга салбий муносабатда эканлигини, уларни култига йўли билан қоралашига, фоши этишига иштиғимлигини аниқ-риванин аниглатади.

**Иерифраз.** Ёзбон ёзувчилар бирон нарса-ходиса ёки ишҳисни ўз номи билан аниш ўринига унга бонқа гирифий ибора топадилар. Ҳамид Олимжон “Пуликин” письрила улуғ шоир ижодини “рус письрининг баҳори” деб атайди. Миртемир “Сенга, республикам...” письрилгут “Ўзбекистон” тунунчасини “олтин нахтазор” ибораси билан алантиширади

Нарса-ҳодисалар ёки шахсларнинг ўз номи ўрнида бошқача таъриф-тавсифи билан ифодаланиши перифраз, деб аталади. Перифраз ҳам, бошқа тасвирий воситалар каби, тасвиirlацаётган нарса-ҳодиса ёки кишиларнинг муҳим томонини ажратиб кўрсатишга, унга мантиқий урғу беришга хизмат қиласи. Ҳамид Олимжон Пушкин ижодини “рус шеърининг баҳори”, деб атар экан, улуғ шоир фаолиятининг энг муҳим томонини, яъни унинг ўз халқи адабиёти тарихида янги босқични бошлаб берганлигини, реалистик усулга ва рус адабий тилига асос солғанлигини кўзда тутади. Миртемир Ўзбекистонни “олтин пахтазор”, деб атаганда, республикамизнинг энг муҳим белгисини, яъни у оқ олтин кони эканлигини алоҳида таъкидлайди.

**Поэтик синтаксис.** Ҳар бир ёзувчи тили ўзига хос қурилишга эга. Агар унинг сўз бойлиги она тилининг луғат таркиби томонидан белгиланса, қўзлайдиган гап тузилиши нинг ўзига хос шакллари ҳам мазкур тилнинг синтактик қурилиши тақозоси билан рӯёбга чиқади. Ёзувчи поэтик синтаксисининг ўзига хослиги ижодининг умумий йўналишига, тасвир этилаётган аниқ нарса-ҳодисаларга ва асар қандай китобхонга мўлжаллаб ёзилаётганилигига боғлиқ бўлади.

Аввало, ёзувчи ижодининг умумий йўналиши, хусусияти унинг поэтик синтаксисига ўз муҳрини босади. Л.Н. Толстой ҳаётни, кишиларнинг яшааш тарзини, характерларини, “қалб диалектикаси”ни, қиёфаларини жуда кенг эпик қўламда қамраб олишга уришган. Шу билан боғлиқ холда, унинг энг йирик асарларида, хусусан, “Уруш ва тинчлик” опеясида узун-узун жумлалар, бир неча эргали гапли қўшима гаплар ниҳоятда куи қўлланилган. Гоголь, Абдулла Қаҳҳор осса фикрларини лўндароқ, иччамроқ ифодалашга, жуда оз сўз ишлатиб, кагта маънони юзага чиқаришга, бир-икки таъкид ёрдамида иносон руҳи дунёсидаги нозик ўзгаришларни қамраб олинига интиладилар. Шу сабабли уларниң асарларида қисқа-қисқа, лекин мазмунидор жумлалар, кичик-кичик гаплар, сиқиқ иборалар, лаконизм кўп учрайди. Фикримизнинг далили сифатида Абдулла Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикоясидан бир кичик шарчини ўқиши кифоя: “Сотиб болдининг хотини оғриб қолли. Сотиболди касални ўқитди – бўлмади, табибга кўрсалди. Габиб қон олди. Бетобининг

күзи тиниб, бопи айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб қонлади. Буларнинг ҳаммаси, албатта, пул билан булатди. Булатай вақтларда йўғон чўзилади, ингичка узилади”.

Ёзувчининг поэтик синтаксиси кўп жиҳатдан тасвир мағбанияга, яъни қандай киншиларни, нарса-ҳодисаларни кўрсатилишига боғлиқ. Ойбек “Навоий” романидаги XV асрдаги давр руҳини берини, шароит ҳароратини хис этириш мақсадида ўша замонининг романтизм ижодий методига хос тақаллуфли гап тузилишини маълум даражада “тирилтириш” йўлини туттган. Бу ҳол, айниқса гапларни тугалловчи, кесим ясовчи қўшимчаларда ва персонажларнинг ўзаро сўзланишларида кўринади: “Чол ханжарга бир зум қараб, кўзлари аллақандай қувониб кетди. Кейин Тўғонбекка бошдан-оёқ разм солди, молни арzonга тушириш учун совуққонлик, беспарволик билан гапирди:

— Бек йигит, мен сотувчиман. Шундай буюмларимнинг қадрига етадиган харидор қидираман, лекин ғоят иложисиз қолгаи бўлсанг, у вақт сени муҳтоjлик ва зарурат ташжасидан холос этмоққа тайёрман. Чунки умримда масжид-мадраса солдирмадим. Азиз-авлиёлар учун мақбаралар бино қилмадим. Маккан Мукаррамага бориб, найғамбаримиз босган тупроқларни қўзимга суртмадим. Бас, оллонинг даргоҳига не билан борурмен?!

— Қария, — деди Тўғонбек манеглайини қапиб, — сотини ниятида эмасмен.

— Хўш, мақсадинг? — деда узун, учи ингичка соқолини тутамлади чол.

— Ханжар сизга гаров бўлиб қолсин, — деб жавоб берди Тўғонбек дўкон четига ўтириб. — Менга беш динор беринг, роса бир ойдан кейин мен сизга олти линор келтириб, буюмни қайтиб оламан. Агар тақдир насиб этмай ақча тополмай қолсан, у чоғ савдосини қифаймен. Ўзингиз инсоф билан баҳоларсанз...”.

Абдулла Кодирин осса “Калвак Махзумининг хотира дафтаридан”номли ҳаёвий асарида ҳикояни биринчи шаҳс тилдиш олиб борини йўли билан поэтик синтаксиста ўтминидаги руҳонийлар, дин аҳллариини бежамд, хашимли нутқига хос гап қурилшинини ластак қизиб олади. Бу синтаксисининг ўзига хослигини тасаввур қилимоқ учун асардан қўйи-

даги парчанин үқинп қиғоя: “Эи бонни бўш доноолар, эй қовоқ  
книгани диндошлар, бой мусулмонни комиллар!

Замона охир бўлди: хуб бедула иштари чиқди. Шариат  
иенивогирининг шистари авж олиб, бизнингдек фақиrlар  
хор бўлди. Книимлар қискариб, сочлар узайди: эркаклар  
хотун, хотунлар эркак қиёфасига кирдилир. Ўарчадан ақл  
кетди: ҳамма гувоҳ: борар йўлидан, қыллар ишидан адаши;  
умомга хурмат, ёнларга шафқат, ўғлонарга муҳаббат йўқ!  
Бас, бударнинг барчаси охир ямон аломати бўлмай, нима  
булсун?”

Ёзувчи поэтик синтаксисиниң ўзига хослиги унинг асар-  
лари қайен давр ўқувчисига ва қишлоғи китобхонига мўлжал-  
ланганлиги билан ҳам белгиланади. Агарда муаллииф ҳозир-  
ти лавр китобхони учун асар ёза турдиган, унинг поэтик син-  
таксисига бутунича ёки ўзбек тилидаги мураккаб таи қури-  
лишини асос қилиб олса, маккур китобининг ўқувчиларга  
тушиунишини анича қиништанидди. Худди шунингдек, кичик  
ёндаги болалар учун асар ёзганди, нуқул қексалар нутқидаги  
таи тузилиши, жумла ва иборалар қулланаверилса, ун-  
дай асарни ҳам кичик китобхонининг туннунини ва айникса,  
ундай завқ олини осон эмас. Оидек “Навоий” романидага XV  
аер кишилари нутқига хое таи тузилишини маъбуум даража-  
да “тирилтирган” бўлсан-да, XX аер китобхони учун ёзётг-  
анишини ҳеч қайси унутмаган ва қалимиги синтаксис ун-  
сурларига ҳаддан ортиқ урин бермаган, меъёри сақланади.

Демак, ёзувчи синтаксисе воситалари ташланганда, воқе-  
ликни бадний аке эттиришдаги ўз принципларига таянади,  
муайян асар мавзуи ва мағзуминида, гасвир минбаидан ке-  
либ чиқади ва унинг қишлоғи китобхонига мўлжаллананини  
иназарда тутади.

Юқорида поэтик лексикуда тилининг маҳсус қатламлари  
ва тасвирий воситалари муайян вазифаси ўтиши куриб ўтилди.  
Поэтик синтаксисда худди инундай вазифани бадний нутқ  
фигуралари (иборалари) бажарали. Ҷундай фигуралар кўп бўлиб,  
онг муҳимлари билан алоҳида-алоҳида ташиниб ўтиш зарур-  
дир. Улар қаторига, хусусан, риторик сўроқ, мурожаат ва хи-  
тоб, такрор, кучайтирици, параллелизм, қарама-қарни қўйини,  
инверсия, асиндетон, полисиндетон кабилалар киради.

**1. Риторик сўроқ, мурожаат ва хитоб.** Ёзувчи китобхон  
лиққатини муайян ҳодисага ёки муаммога жаётб қилиши, ўз

Хаяжонини мұхрлап ын пафосни күчайтирип мақсадыла асарда бітізан риторик (үндөвлі) сұроқтар берады. Асарда риторик сұроқ қуїндар экай, шыға кимдандыр жавоб олни мақсадын күзде гүтилмайды, балки шу орқали китобхон ёки то-мошабининің муайян қодисаға, масалага жиддийроқ, әзти-бор билан қарашына ернисилады, янын уз ҳиссияттінің үқув-чига тоқтирады. Құдлус Мұхаммадий “Бізниң күз” шеъри-ни бир неча риторик сурок билдиң бошталайды:

*Күзими тиңгे ғузаллігін,  
Ок тінін тар, күрганмисиз?  
Тоғдан ұсақтын, ердан киркма.  
Шоғдан бекін үзгансиз?  
Ұзум үніб, шарбат сузіб,  
Шинкіга үт әқсанмисиз?  
Гала-гала, шода-шоды  
Дұз-дуғ әңеңк қокканмисиз?  
Бұларни хам қояверін,  
Цаламизга чиққанмисиз?  
Пахт-пордан үюм-үюм  
Ок өмірини інққанмисиз?*

Шоир бу сұроқтар ёрдамида аввало китобхонни күз ҳақыда үйлаб құрыпта дағытады. Кейин, шу сұроқтар-нинг үзідаёқ, күз фаслыға хос айрим хүсусияттарни таъ-кид адады. Китобхонни күз фаслы ҳақыда үйлаб құрыпта үз-үнинг баъзи белгиларини идрек этизига тайёрлаб олғандан сүнг мазкур сақрататли фасл мән зарасини чизады:

*Хар барғе тиңла түсін олиб,  
Шілдірашиб тұқылады,  
Олма шохи олмасын  
Күтаролмай буқылады.  
Хар муюшда тұп-тұп хирмон,  
Тоғ-тоғ бұлыб үюләди  
Күз ҳосили омборларга  
Лішиналад қушилады.  
Құландағ ңұстасыға  
Силемен сөкін тома ңілі  
Еукдам еғіб әсем сұя  
Мәнні-мәнні инванаиди.*

Шеър болында берилген риторик сабаддар мазкур тас-вириниң тәссиричелігінің оннегінде

Бадиий асарларда күп учрайдиган риторик мурожаат ва хитоблар ҳам худди шунга яқин вазифани бажаради. Баъзан ёзувчи асарда ишнирок этувчи шахсларга, тасвиrlанаётган нарса-ҳодисаларга мурожаат қиласиди. Бундай мурожаат қилинганда, бизда тасвиrlанаётган нарса-ҳодисаларга нисбатин муносабат туғдирилади.

Ойбек машхур “Товушим” шеърини риторик мурожаат билан бошлади:

*Оғайнилар!  
Давримизни  
Қалға согланман.  
Ҷұллардаги сароб изни  
Оңглаб олғанман.  
Курашади икки тұлқин,  
Қараб тұраімы?  
Еш тарихнинг темир құлін  
Кетға бураймы?*

Шоир “Оғайнилар!” деб мурожаат қилиши билан диққатни шеърда ұзи ифодаламоқчи бўлған фикрга, ёритиладиган масалага қаратади.

Риторик хитоблар эзгуликка даъватдир. Абдулла Орипов “Юртим шамоли” шеърида шундай хитоб қиласиди:

*Әсгин, эй боғларнинг жамоли күлсин,  
Мовий нағас билан тұлсын этаклар,  
Ұчкур құшиқтарга бу олам тұлсын.  
Шабыннега шоирлар айтсип әртаклар.  
Әсгин, Ватанимнен тарағасин боли,  
О, юртим шамоли, юртим шамоли!*

Бу мисолда риторик хитоб долзарб фикрга қаратылған. Ү матнда жонли рух кирилади.

2. **Такрор, күчайтириш, параллелизм, қарама-қарниң күйини.** Адабиётда муайян фикрни ифодаловчи сүз ва ибораларнинг такрори асосиغا қурылған синтаксик бирикмалар ҳам күн. Үзінші ҳам адабий фигуралар жумласында киради. Бадиий асарларда сүз ва иборалар түрли үрнінде, түрли мақсадларда такрорланиши мүмкін.

Агар сүз ёки иборалар бир неча гап, шеърий мисра ёхуд банд бошида тақрорланиб келса, бу ҳодиса анафора деб аталади:

*Бунда ҳамма, ҳамма нарса бор,  
Бунда қизга толе бұлар ёр.  
Бунда орзу қозонади от,  
Бунда севги ёзади қанот.*  
(Хамид Олимжон. “Зайнаб ва Омон”).

Сүз вә ибораларнинг бир неча гап, шеърий мисра ёки банд охирида қоғиясиз тақрорланиб келиши эпифора деб аталади:

*Бұлуб магрур ўз ганжинасина,  
Не муҳтож ўзгалар ганжинасина.* (Тул ва Наврұз").

Баъзан муайян сүз вә иборалар бириңчи мисранинг охирида келиб, иккичи мисранинг бошида тақрорланиади. Бүйдай қайтариқ туташ тақрор деб аталади. Шоир Оғажийнинг қўйидаги газали бошидан охиригача шу асосга қурилган:

*Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўринг,  
Меҳри жамоли устида икки ҳилолини кўринг  
Икки ҳилолини кўриб қонмаса меҳринеиз агар,  
Саҳфаи орази уза нуқтаи холини кўринг.  
Нуқтаи холини кўриб сабр этса олмас эрсангиз,  
Хусну жамоли боянида қадди ниҳолини кўринг.  
Қадди ниҳолини кўриб кўнглингиз этмаса қарор,  
Жон кўзи бирла бөқибон лаъли зилолини кўринг  
Лаъли зилолини кўриб жонингиз этса изтироб,  
Чораи ҳолингиз учун шаҳди мақолини кўринг.  
Шаҳди мақолини кўруб топмаса чора ҳолингиз,  
Нуктага лаб очар чоги гүнжсу далолини кўринг.  
Гүнжсу далолини кўруб истасангиз муроди дил,  
Оғажийдек қучуб белин айши камолини кўринг.*

Баъзан сүз вә иборалар шундай тартибда жойлаштирилалар, гүё биришинг маъноси кейингиси томонидан кучайтириб, ривожлантириб борилгандаек бўлади. Бу кучайтириш деб аталади. Кучайтирини ҳам бошқа фигуранлар каби ҳаяжонни оширишинг, муайян уйғунылик вужудга келтиришга даъ-

ват этилган. Унинг ёрқин мисолини Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” драмасида учратиш мумкин. Кучайтириш Ғофирининг шариат пешволярига қараша айтган қуйидаги сұzlаридан мазмундорлыкни орттирувчи восита сипатина келади: “Хой бўрилар! Сұzlарингдан қайт! Бўлмаса ҳокимнинг бормайман, минибонининг ялинмайман, халққа арз қиласман, ҳасикқа!”

Бу ерда “бормайман”, “ялинмайман”, “арз қиласман” сұzlарни тобора бир-бирининг маъносини кучайтиргандек, қаҳрамон қалбидаги ҳис-түйғуларни яхшироқ ифодалагандек бўлади. Жамиланинг пъеса охирлары сұzlари ҳам худди шундай: “Не қилай? Яшаш учун курашшим, одишшим, бопнимга туироқ сочиб, фарёл кутардим, фойдаси тегмади, қўз ёншаримнинг ариқда оққан сувчалик қадру қиммати бўлмади”.

Шоир Ғафур Ғулом “Турксиб йўлларида” шеърида турли халқ ва элларни ҳамда рақамларни кетма-кет санааш йўли билан шеърий бадний идрокни поғонама-погона кучайтиришинга муваффақ бўлди:

Бу йўллар,  
шу қадим йўллар  
устидан

Чин – Әром,  
Рус – афғон,  
Ҳинд – Туркистон  
Ва жумла жаҳон,  
Ўн миляшон,  
Юз миляшон  
Ва мышаро нафар

Бу ерда кучайтириш шеърига тантанавор, кўтириники оҳанг баҳи этади.

Гоҳида икки ёки уйдан ортиқ ўхниш ҳолиса бир-бирига яқин синтактик қурилмаларда ёнма-ён қўйиб қиёсланади. Бундай фигура наравилемиз деб аталади. Наравилемиз ўз вазифасига кўра ўхшатишга яқин туради. У халқ оғзаки ижодида ҳам кенг қўлланилиди. Уни халқ мақолларни ҳам кўрасиз: “Бой бойга боқар, сув сойга оқар”, “Онининг таъми ту билан, одамнинг таъми сўз билан”.

Параллелизмлар ёзма әдабиёт намуналарида нарса-ходи-саннинг, ҳис-туйгунинг аниқ-равшан акс этишига кўмак-ланади. Ҳамид Олимжон “Зайнаб ва Омон” достонида Зайнаб ҳаётини даингаз курсланида параллелизмга мурожаат килади:

Эйди унинг хар нарсаси бор,  
Эйди унга ҳамма гап тайёр,  
Одамиёнд ғуломстонида,  
Саодатнинг баҳт бўстонида,  
Орзуларга тўлиқдир кўнеял.  
Вахимасиз осойишта дил  
Унга бир йўлдошли истар,  
Бир қадрдан сирдошли истар.

**3. Антитеза.** Бир ёки бир неча ҳодисанинг белтилари ўзаро алоқадор ҳолда тасвирланиши кўп учрайди. Бундаи фигура қарама-қарши қўйиш ёки антитета деб аталади. Антитета кўниинча антоним сўзлар орқали ҳосил бўлади. Буни юқорида шоир Эркин Воҳидовнинг “Барча шодлик сенга бўлсин...” шеъри мисолида кўрган эдик. Антитета ҳам, параллелизм каби, ҳалқ оғзаки ижодида кенг кўлам олган. Бунга иқрор бўлмоқ учун қўйидаги ҳалқ мақолларини эслаш кифоя: “Будой нонинг бўлмасин, будой сўзинг бўлсин!”, “Яхши сўз — жон озиги, ёмон сўз — бош қозиги”, “Яхши топиб ганирар, ёмон қопиб гапиравар”.

Ҳамид Олимжон Омоннинг кишилар ўртасида обрў-эътибор топғанлиги, яхши ном чиқарганлигини кўрсатиш учун антитетани ишга солади:

Эл сўйларкан доим ёмонни,  
Атамаиди ҳеч бир Омонни.

Баъзида сукут фигураси ҳам ёрдамга келади. Бунда нутқ-даги айрим сўзлар туниб қолади, ё зувда кўпинча улар ўрига кўп нуқта қўйилади. Жула қаттиқ ҳаяжонланганда, ўз фикрларини тўлиқ ва мантиқли ифодалай олмайдиган киши-саннинг нутқини берини мақсадида мазкур фигурадан баҳра олинади. Асқад Мухтор “Түнилини” романиди ўнирлик қилиб, поездда Почтаев томонидан кувилган ва Жуман тарафида қоплар орасига яшпариб қолиниган Бекнинг ҳаяжонли ҳис-

туйғуларини, бетартыб нүткени баён этишда сукут фигура-сидан нафланган:

- “Отинг нима? — деди Жуман болага.
- Бек.
- Ўз отингми?
- ...
- Ота-онаң борми?
- Дадам бор.
- Қаерда?
- Билмайман.
- Хүш... Бу ишни ўзинг билиб қиляпсанми ё бирор ўргатдими?”

Сукут айрим ҳолларда тасвирланаёттан нарса ва ҳодисаларнинг ниҳоятда мураккаблигини, сўз ёрдамида таърифла-ниши қийинлигини англициш учун қўл келади. Асқад Мухторнинг “Чинор” романидаги Акбарали ўзининг бир одам ҳалокатида айбордлигини, сохта шуҳрат билан яшаб юрган-лигини тущуниб етгандан кейин Шодасойдан бутунлай ке-тади ва бу ҳодисанинг мураккаб сабабларини онасига ту-шунтириб беролмайди. Сукут бу ҳолатни ифодалаща иш беради: “Шарофат хола шум хабар эшигтгандек, ичидан қал-тираб кетди. Йўқ, бу гапнинг мазмунидан эмас, ўғлинииг ғалати товушидан сесканди.

- Бутунлай-а?
- ...
- Бошлиқларинг билан чиқицюлмадингми?
- ...
- Нега ахир, болам?
- ...
- Ё бирор иш қилиб қўйдингми?
- Йўқ! Йўқ! Йўқ! — деб бирдан ловуллаб кетди Акбара-ли. Бўғилиб ўнқирди.
- Кетсам ҳақим йўқми? Истаган жойимга боролмай-манми, сўрайверасизми? — У асабий ҳолатда ёқасини бўша-тиб, тараққатиб деразани очиб юборди”.

**4. Инверсия, асинхрония ва полисинхрония.** Бальзан гап бўлак-лари матнда одатдагидан бошқачароқ тартибда ўрин олади. Бу ҳодиса инверсия деб аталади. Ёзувчи ўзида катта мазмунни мужассамлаштирган сўзларни гапда ўзгачароқ тартибда жойлаштириш йўли билан китобхонни унга жиддийроқ таҳамият берishiغا ундейди. Ойбек “Болалик” асарида кўп

үринларда гап бұлаклариниң ғрамматик қоидалардан фарқын ҳолда көлтиради ва ўзи истаган сұзға мәнтиқті үрғу беріб. китобхоннинг дикқатиниң унга қаратади: “Олисдати тоғлар хәёлімда жуда яқындай күріпади менгә”, “Табиб қаттық таңғиб боелайди оғымнин”, “Отда даалалар, қирлар ошиб usoқ юришни севаман ўзим ҳам”.

Инверсия назмий асарларда күпинча шеър унсурлари, хусусан, вази, туроқ, қофия, банд тақозоси билан ҳам көлиб чиқади. “Зайнаб ва Омон” даги қуйидаги мисралар фик-римизнинг далили:

*Кириб келди жимгина Анор,  
Ковоғидан ёғар эди қор.*

Бағын адабий асарларда күпілаб уюшық бұлаклар келгани ҳолда, улар орасында биронта ҳам боғловчы бұлмайды. Бу ҳодиса, яның уюшық бұлакларининг, сұз ва гапларининг матнда ҳеч бир боғловчысыз жой олиши асингеден деб аталади. Асингеден нұтққа маълум шиддаткорлық бағищалайды ва одатла тез алмалыб турадыған манзара ёки ҳис-түйгулар тасвирида дүң келади:

*Күм-күк,  
Күм-күк...  
Күклам қүшіндап  
күкареған қирлар,  
Пұлат яернеларни  
Күтарған ерлар  
күм-күк!..  
Салқын сағарларда  
үйқудан турған,  
Бүлоқ сувларига  
юзини төвған,  
Мармар қаволарнинг  
күйніга өзінгі,  
Зилол бұшилекларға  
кенг қулоч құйыған,  
Мустақильдік  
шиқи билан ёнған  
даалалар,  
күм-күк...  
(Ҳамид Олимжон. “Бахтилар водийиси”).*

Аксинча бадий асарларда бир ёки бир неча гап давомида құпшаб болғовчилар құлланып ҳоллари ҳам йүқтәмдес. Бұндай ҳодиса полисиңдең деб аталади. Оданда, ёзувчилар боғловчиларни құллаштырып билең поэтик нұтқнинг айрим қисметарын алохіда ажратып күрсетнің, сұздарнинг мәнносині тақидағы қаралатын қылайлар. Боғловчилардан унумылған фойдаланып ҳодисаси Алишер Навоийнинг насырий асарларыда құп учрайлы, уннан “Маҳбуб үл-құлуб” идан олинған құйидаги парчала “ва” болғовчиси бир неча марта тақрорланған: “Аммо баъд фуқаронин гадойи ва ғароиб мастраларнинг чехран күштің ал-факір үл-хақыр Алишер-ал-мулаққоб бин-Навоий... мундоқ арз қылур ва адосин фарз билурким, бу хоксори наришон рўзғор шабоб овоиннинг бидоятидин күхудат замониннинг ниҳоятиғача даврон воқытидин ва сипехри гардон ҳодисотидин ва дахри фитнанғиз буқаламунтиғидин ва замонаң рангомигүз гүногунығидин муддати мадид ва аҳли банд ҳар нағын шиқ ва суратда әқдом урдум ва ҳар тавр сулук ва кисватда югурдим”.<sup>1</sup>

Бадий тил назариясиннан қыллинған таҳлили асосида құйидаги худосаларға көлемни мүмкін:

- Бадий тил тарихи құйидаги уч катта даврга бўлинади:
- қадимги туркӣ тили даври (XI асртага);
  - эски ўзбек тили даври (XII асрдан XIX асртага);
  - миллӣ тил даври (XIX асрдан бошланади).

Қадимги туркӣ тил ҳозирги оддий китобхонга луғатсиз англайшыларни эмас. Эски ўзбек тилида эса китобийлик, жілжимадорлик мавжуд эди.

Бадий тилини эстетик ва лингвистик ўрганиш бор, уларни аралаш ҳолда текшириб бўлмайди.

Тил бадий асарнинг шакли эмас, фақат шакл яратиш воситасидир. Яъни тил мазмун ва шакли боғладайди. Тил образга ишбатан шаклини, образ эса асар тоясига ишбатан шаклини.

Кўрмайин ҳақ ҳазинасин холи.*

*Такалмуф эрур танга фарсудалик,  
Анинг марқидур жонга осудалик.*

*Қотиқ эл жисмидин анбурлар олмай нақд эмас восил,  
Ки тоғни пора-пора қилмайин, лазъ ўлмади ҳосил.*

Айрим ахлоқий-таълимий фикрларни алоҳида таъқидлаб қўрсатиш мақсадида мумтоз адабиётдаги насрый асарлар ичida ҳам фардлар келтирилган. Навоий “Маҳбуб ул-кулуб” асарида ёмоилик ҳақида муайян фикрни илгари суриб, унга алоҳида урғу берини мақсадида фард келтиради: “Ёмонларға лутғу карам, яхшиларға мужиби зарар ва алам. Мушукка риоят кабугарға оғатдур. Шағол жонибин тутмоқ товуқ тухмини қурутмоқдир.

Фард:

*Бўрини кўзи билан қилган семиз,  
Кинчек жамъу хайлигайдур раҳмисиз*.

**4. Рубоник.** Тўргт мисраси банддан иборат бўлган лирик жашорларининг бири рубонийдир. Рубонийда қўпинча 1-, 2- ва 4-мисрасиар ўзаро қофиядиони бўлади. Унда рубонийнинг қофияланини схемаси қўйидагича бўлади: **аа ба**.

Айрим ҳолларда рубонийнинг тўртталаш мисраси ҳам ўзаро қофияланади. Бундай шеърий шакл “таронаи рубоний” деб аталаши ва унинг қофияланини схемаси қўйидагича бўлади: **аааа**.

Рубонийни инсоннинг муайян ҳис-туйгулари, кечинмаларин терин фалсафий мушоҳадалари билан омухталашибиро юборидаи бўлади. Рубонийни инсон, ҳаёт, яшанинг маъноси, борлиқ ҳіқиқидаги фалсафий умумлашималар катта ўрин тутади.

Рубонийнинг дастлабки памуналари қадимги форс-тожик науқ оғзаки ижодиши мавжуд. Унинг ёзма памуналари эса IX–X асрлардаги форс-тожик адабиётиди, хусусан, Рудакий ижодида мийонга келган. XI–XII асрларда яшаган форс-тожик шоири Умар Хайём эса рубоний тараққиётига жуда катта ҳисса қуниган. Навоий ва Бобурлар улмас рубонийлар

ёзганлар. Навоийнинг қўйидаги рубоийлари бу шеърий шакл ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилишга имкон беради:

*Гурбатта ғариб шодмон будмас эмиш,  
Эй анига шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикандек ошён будмас эмиш.*

*Йўқ даҳроа бир бесару сомон мендек,  
Уз ҳолига саргаштау ҳайрон мендек,  
Ҳам қўйинда хонумони вайрон мендек.  
Яъники, алохону аломон мендек.*

**5. Туюқ.** Ўзбек адабиётидаги тўрг мисрали шеърий шакларнинг яна бири туюқdir. Бу шеърий шакл омоним (шаклдош, аммо маъноси турлича бўлган) сўзлардан маҳорат билан фойдаланиш асосида битилади. Одатда бир сўз туюқнинг 1-, 2- ва 4-мисралари охирида такрор келади, лекин ҳар мисрада турлича маъно англатади. Туюқда оҳангдошилик ҳам шу сўзларнинг такрорланишиндан келиб чиқади. Юсуф Амирий қўйидаги туюғида “ўт” сўзини уч хил маънода қўллаган:

*Шамъ янглиг ёнадур бошимда ўт.  
Кўз ёшимдин ер юзида унди ўт.  
Қон ёшим кийди ўзунени лолазор.  
Мунча тақсир айладум, қонимдин ут.*

Бу туюқда “ўт” сўзи биринчи мисрада олов, иккинчи мисрада ўсимлик маъносини англатади. Тўртингчи мисрада эса бўйруқ феъли сифатида келади, яъни “қонимдин ўт” дейилганда “қонимдан кеч” деган маъно ифодаланади.

Туюқ омонимларга асосланганлиги сабабли туркий тиллардаги адабиётларга хос лирик жанр ҳисобланади, чунки Алишер Навоий “Мұҳокамат ул-тугатайн”да тўғри исботлаб берганидек, туркий тиллар омоним сўзларга бойлиги билан ажralиб туради.

Туюқлар, одатда, аruz вазнининг “рамали мусаддаси мақсур” баҳрида ёзилган.

Туюқда кўнинча сўз ўйини воситасида муайян фикр ихчам инклда таъсирчан, тоҳо юмористик тарзда ифодаланади. Бунга иқрор бўлмок учун Юсуф Амирийнин яна икки тутоғини уқиши кифоз

*Телбаман шағио күзүнг олусидин,  
Үзмадим бөгингда васыл олусидин.  
Хажер даشتада югурмоқлик биле  
Еттамадим васынгга ийл олусидин.  
Бодасиз бетобман бу кече ман,  
Лаълинг истаб, эмди жондин кечамен.  
Соҳили мақсадга етгайманму деб,  
Кўз ёшим дарёсида сув кечаман.*

Бу мисоллардан аён бўладики, тулоқда омоним сўзлар қайси мисрада қай маънода қўлланилганини шеър матниндан англапшилади.

Ўзбек мумтоз адабиётида тулоқнинг ёрқин намуналари ни Юсуф Амирий, Лутфий ва Навоийлар ижод этган. Демак, тулоқ тажнис (сўз ўйини)га суюнади, Бобур унинг бир қанча турини келтирган, бирининг тажнисли банд қофияси авбоб тарзида, бошқасида тўртталга мисра ҳам тажнисли, яна бирида тажнис радиф сифатида келади, бошқа бирида тажнисли тўртлик ҳожибли ва ҳоказо.<sup>1</sup> Оғаҳий олти мисрали тажнис ҳам ёзган.

**6. Қитъя.** Мумгоз адабиётдаги кичик шеърий шаклларниң яна бири қитъядир. ў кўпинча икки байтли қилиб ёзилган. Каттароқ ҳажмаси, ҳатто тўққиз -ун бир байтли қитъалар ҳам бўлган, шаклни қигъя матласиз ғазалга ўхшайли. Унда жуфт мисралар қофияланиб келади. Бу шеърий шаклнинг қофияланини схемаси қўйидагига бўлади: **ба, ва, га, да** ва ҳоказо.

Қитъалар аруз вазнининг турли баҳларида ёзилган. Унинг ёрқин намунаси сифатида Алишер Навоийнинг қўйидаги манзур шеърини эслаш мумкин.

*Жаҳон ганжига шоҳ эрур ажедаҳо,  
Ки ўтлаар сочар қаҳри ҳангомида.  
Лине номи бирла тирилмак эрур  
Маош айланамак ажедаҳо комида.*

Кўрамижи, қитъада муайян ҳис-туйғу фалсафий, ахлоқий-тадъиимий, ижтимоий гоя билан бирлашиб кетади. Шунга кўра унда дидактика кучли бўлади. Буни, яъни қитъапнинг

<sup>1</sup> Захариаддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар. Т., 1971, 163-164-б.

Ҳикматга бойлигини алоҳида таъкидлаб, Алишер Навоий қўйилагиларни ёзган эли:

*Мундок мұқаттаотким, мен ғиғмишам эрур.  
Ҳар бир ҳадиқан хирад айлар учун фароҳ.  
Мажмунин уйла кишинари, англаки сатҳини  
ҳикмат сүйидин айламишам китъа-қитъа боҳ.*

Шонрининг бу сўзлари ҳаққонийлигига, яъни мазкур шеърий шаклининг афоризмга, ҳикматга бойлигига иқрор бўлмоқ учун Навоийнин яна иккى қитъасини эслаш мумкин:

*Сафиҳ золим ила бўлма хот уза ҳамдаст,  
Муносиб ўлмади им чунки ҳамтабакликка  
Ўзунгга аблаки подонни айлама ҳамрас,  
Ки, яхши зромас ҳирак доги ҳамсаబакликқа.*

*Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор,  
Ким, анинг зотида бедоду сутам бўлгай қўшиғ.  
Яхшилиқ гар қўлмаса, бори емонлиқ қўлмаса,  
Ким, ёмонлиқ қўлмаса, қўнғанча бордур яхшилиғ.*

Қитъанинг дастлабки намуналари Рудакий ижодида учрайди. Ўзбек адабиётида бу жанр ривожига Алишер Навоий салмоқли ҳисса қўнған.

**7. Мустазод.** Ўзбек адабиётида бир қатор ишърий шакллар борки, улар ғазалга боғлиқ ҳолда туғи-ғанлиги ва яқинлиги билан характерланади. Ундан жанрлар жумласига мустазод, мухаммас, мусалдас, мусамман, таржибанид, таркибанид киради.

Мустазод шеърий шаклки, унда арузининг бирон ва янида ёзилган шеърининг 1-2- мисрларидан сўни бу мисрларга уларининг бошлангич ва охириги рукилари асосида кичик мисрлар қўнилади. Икката тўла мисра охири қофия-дени, уларининг кичик мисрлари эса ўзаро ўзгача қофия-данади, сўни тоқ мисрлар ва уларининг кичик мисрлари қофия-сиз, аммо жуғғи мисрлар ва уларининг кичик мисрлари шеърининг 1-2- мисрлари ва уларини кичик мисрлари охири сингари қофияланади. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асаридаги мустазодга шундай таъриф берилади: “Вот яна ҳалиқ орасида бир сурул бор экантурким, ҳазажи мусамманни ахроби макфуфи маҳзуф вазнид: байт борглиб, ҳар

мисрасидан сұнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адоқилица, суруд нағамотига рост көлтиурлар эрмиш ва ани “мустазод” дерлар эмиш”. Мусадас ва мусамман рукили ҳамма вазнларда ҳам мустазод ёсса бўлаверади.

Бу шеърий шакл ҳақида тасаввур ҳосил қилмоқ учун Навоийнинг қўйидаги мустазоди билан танишиб чиқиши лозимдир:

*Эй ҳұснугга зарроти жаҳон ичра тажсалло  
мазҳар санга ашё.  
Сен лутф била кавну макон ичидা мавло  
олам санга мавло.  
Ҳарён кезарам телба сифат токи яшундунг  
кўздин пари янглиғ,  
Мажнундин ўзин токи ниҳон қиласади Лайлло,  
ул бўлмади шайдо.  
Урён баданим заҳмлари ичра эмас қон,  
юз пора кўнгулдор,  
Бу равзаналардин қиласадур ҳар бири, яъни  
ҳұснунгга тамошо  
Зуҳд ичидা топмади Навоий чу мақоме  
эмди қиласур оҳанг,  
Ким, бўлғай ул бодаву бир турфа муғаний  
муғ кулбаси маъво.*

Бу мустазод вазни:

— — VI<sup>V</sup> — — VI<sup>V</sup> — — VI<sup>V</sup> — — I  
— — VI<sup>V</sup> — — I

дир. У ҳазаж баҳрига мансуб. Унда кичик мисра вазни: — — VI<sup>V</sup> — — бўлиб, у вазннинг 1 ва охирги рукиллари асосида тузиласетир.

Хоразмлик шоир Чокарнинг:

*Ҳуснинг гули то бўлади жаҳон мулкида пайдо,  
эй шўҳи паризод,  
Солди ани ишқи бошима кулфати савдо,  
қиласун манга имдод, —*

деб бошланадиган, халқ орасида ашулагага айланаб кетган мапиҳур шеъри ҳам мустазод тарзида ёзилгандир. Бу мустазод ҳам юқоридаги вазндалир.

Собир Абдулла 1935 йили “Банг” номли ҳажвий муста-  
зод ёзи. Бу мустазод мазмунантына эмас, балки шаклан  
хам охоролидир. Үндә 1, 2-түлиқ мисралар ва уларнинг ки-  
чик мисралари **aaa** тарзда қофияланган, кейинги байт-  
тарда тоқ мисралар ўз кичик мисраси билан турнича қофия-  
ланниб келади, жуфт мисралар эса ўз кичик мисралари билан  
худди дастлабки 1-2-түлиқ мисралар ва уларнинг кичик  
мисралари сингари қофияланнишари шарт:

Ҳар кимки, бўлур гўшанишин, такячи, бангни,  
васвасиги янги.  
Улдир шу жаҳон одамининг ламта, лавонги.  
Жонсиз ва гаронги.  
Турған ери бир кўнга гўлаҳ, кайфи зиёда,  
хўжарга имода.  
Кўклиarda булутларга миниб, тоҳ самода,  
ой үнга уланги.

**8. Мусаммат** учликдан ўйликкача бўлган шеърчамбар-  
дир. У мусаллас (учлик), мурабба (туртлик), мухаммас (беш-  
лик), мусаддас (олтилик), мусабба (еттилик), мусамман  
(саккизлик), мугасса (тўқизлик), муанишар (ўйлик)ни ўз  
ничига олили.

**9. Мусаллас.** Ару яна ёнигани бундан ишк мусаллас Увай-  
сий қаламига мансублир:

Раҳм этиб, ераб, мени сен аиза жонондин ҳалос  
Бахроми қон этити ул давли бафакиондин ҳалос,  
Жонни тандон қутқариб, кунемини армононин ҳалос.  
Дунтинга роҳид ҳидидин мен каби таромумагати,  
Кайрати хоби ҳаели тиҷра хайроч улмагати,  
Хеч гунча сен каби ҳолимни андаги ҳамстагати,  
Жон қабуя этмае танимдин оғизахал келди весям.  
Ер бовар қизмагай жон сузига битима фесам  
Раҳм этибон Вайсими доғига сен етгаги фесам.

Хуллас, бу мусаллас ааа, ббб, ввв қофияланади. У айт-  
ниқса, бармоқ тизимиди кенг ривож тоиди.

**10. Мурабба.** Бу жанрии ётма адабиётла бошлатган киши  
Аҳмад Яссавий эди, уни Маніраб балоғат ғетка иш:

*Хамду санолар айтай хұдога,  
Ёрга етар күн борму, ёронлар?  
Етгайму додим нозук адога  
Ёрга етар күн борму ёронлар?*

*Шамың фирокинг күксімда ёнди,  
Құз ёшым оқиб бағримга томди,  
Ғафлатда қолған Машраб уёнди,  
Ёрга етар күн борму ёронлар?*

(“Хамду санолар айтай”).

Мураббаниң 1-банди азаң, абаң, ааба ҳам қоғиялапи-ши мүмкін. Мурабба бошқа шоир газалиға боғланған олади. Мураббаниң бошқа бир устаси Мұқимиңдир. Бу жанр мусиқада көнг шұхрат топади. Бундай бандлар, худи жуфт қоғияли байт (банд) сингари, энг қадимги жанрлардан бири.

**11. Мұхаммас** 5 мисралы бандлардан иборат шеърий шакл бўлиб, унда биринчи банднинг барча мисралари ўзаро қоғияланади: кейинги бандларда эса аввали тұрт мисра ўзаро қоғиялапиб, бешинчи мисра биринчи банд билан қоғиялони бўлади. Мұхаммас, күпинча бирон газал асосида ёзилади. Бунда мұайян газалининг ҳар бир байти олдидан учитдан янги мисра қўшилади. Мумтоз адабиётимизда шоирларнинг ўз газалларига ҳам, бошқа муаллифларнинг газалларига ҳам мұхаммас боғлаганиллари маълум. Бирон газалга мұхаммас боғланар экан, унинг вазни ҳам, қоғияланышы ҳам сақланади. Бундай ҳолда, у “тахмис”, ё “тазмин мұхаммас” дейилади. Шоирнинг ўзи мустақил ёзган мұхаммаси эса “табыхуд” мұхаммас деб юритилади. Мұхаммаснинг қоғиялапиши схемаси қўйидагича бўлади: **аааа; ббба; вввва** ва ҳоказо.

Бу шеърий шаклнинг намунаси сифатида Навоий томонидан ўзининг “Кошки” радифли газалиға ўзи томонидан боғланған мұхаммасин әслаш мүмкін. Мана, унинг биринчи, иккинчи ва охирги бандлари:

*Бўлмағай эрди жамолинг мунча зебо кошки,  
Бўлса ҳам қылғай эдинг кўзлардин ихфо кошки,  
Килмағай эрдинг улус катлани таманно кошки,  
Очмағай эрдинг жамоли олам оро кошки,  
Солмағай эрдинг бори оламна ғавғо кошки.*

Әмбиким очтинг жемолу халқ ила қыздың ситет.  
Күргач они хайли шиқинг төртибон юз тиги тез,  
Қылдылар күнелүмни үйлерен ханжаридин рез-рез,  
Чун жамо шиң жиляваси оламга солой рустахез,  
Қылмагай әрди күзүм они тамошо кошки...

Дема күнелүм кота имса үзүри анбар сошиа,  
Е агар жон маңа бүлсек лаъзи шаккар хойнда,  
Е магар бишим әмасму рахши хоки пойса,  
Эй Навоий, бебағодур ёр, бас не фоида,  
Нечаким, десант агар, ёхуд, магар, е кошки.

Мұхаммасинің бошқа бир тури шаша, бббаа қофиятшыны:

Озода әғзат ұлакам, дүрматшы дүримсан,  
Күп захымат ила топтап баҳтимсану боримсан,  
Жоним каби асерайман, номус ила оримсан,  
Күнгілм очидур боксам, орому қароримсан,  
Хар ерда мададкорим, ҳар шида мадоримсан.

Күйнінгда ұсар яйраб әнде баутиер инсон ишр,  
Бошсан - оек оқ олтап саҳрою биёбонлар,  
Айбантта ұтар юздан зур ахд ила паймонар,  
Олтинге хазинамен, болыт-ла баҳоримсан,  
Хар ерді мададкорим, ҳар шида мадоримсан.

(Хабиббі, "Лиеримсан")

Колдан бандың ҳам охирги иккى миер бир хил қофияттыса-да, факт охирги миер тикрор (рефрен) дүниб келді.

Агар мұхаммас бошқа шиор газдига боелинесе, у ходын күнинча сұнғығы бапыда авыл мұхаммас боелигинин, кеңиң әса газал мұзалиғишининг гүлделүсі бүләди. Бүнгә лағыл сипатида Оғажийиниң Навоий құзаның боелинан мұхаммасының бирикін шағирип охирғы бишилдік жерін мұмкін:

Очыб майдан юзтег гүл-гүл чыкыб майхонасін қалып он,  
Наридек жисива бирла токи булдитег азымы менбон.  
Чашим дашты жетүн шира ютурмак ҳар тараф шоюн,  
Әнур сарғашта хоки таш ара мажнүн күнегүл сар сп,  
Түйткөндек қүлондин жесемдиг мажнұны сарғардан...

Чекиб дәврон жағасыні фузуды әйдоду шыққонан,  
Баярман Оғажийдек ҳар нағас юз минг қарат жондин,  
Ұтар мүндін тұпку күн оху нолам charted ғардондін,

*Навоий, құлма айб ағғону фарәдимки даврондин,  
На бир фарәду үн ағғонка юз фарәду минг ағғон.  
(“Очыб майдан юзинг гул-гул”).*

Мұхаммас шеърий шақли муайян ғазалдаги ҳис-туйғу ва фикрларни көңіроқ, муфассалроқ, чуқурроқ ифодадашта, яғни кечинмалар ҳамда ҳаёттій умумлашмалар билан бойитишта имкон беради.

Агар романтизмдә әзилган ғазалға ҳозир мұхаммас бояланса, унда реалист шоир фикрлари мазмунан ва ифода жиҳатидан романтизмға үйғуналады.

Ўзбек мұмтоз адабиётида күп асрлар давомида Навоий ҳазалларига мұхаммас боҳлаш анъанасти мавжуд бўлган. Шу билан боғлиқ ҳолда Хива ва Қўқон адабий мұхитларида, хусусан, Мунис, Оғажий, Муқимий, Фурқат, Завқий сингари шоирлар ижолида мұхаммаснавислик ривож топған.

**12. Мұсаддас олти мисралы бандлардан иборат бўлган шеър ҳисобланади. Унда биринчи банддаги мисралар ўзаро қоғиядош келади. Кейинги бандларда эса аввалги беши мисра ўзаро қоғиятланади. Олтинчи мисра биринчи банд билан қоғиядош бўлади. Бундай ҳолларда мұсаддаснинг схемаси қўйидагича бўлади: **ааааа; бббба; вввва** ва ҳоказо.**

Мұсаддаснинг бундай намунаси ҳақида тасаввур ҳосил қылмоқ учун Навоийнинг қўйидаги шеъридан олинган биринчи, иккинчи ва охирги бандларини ўқиши кифоя:

*Субҳидам маҳмурлуктун тортибон дарди саре,  
Азми даир эттияки, ичгаймен сабухи соғаре.  
Чиқти соғар тўлдуруб коғирваши маҳтыйкаре,  
Нақде дин олиб, ичимга солди майдин озаре.  
Ваҳки, диним кишварин тороје қўиди коғире,  
Куфр элига ҳаммо дин аҳлига яғмогаре.*

*Демаким, нечун ҳаётингдин сенга йўқ ҳосиле,  
Ишқдин оллингда ҳар дам мушкил узра мушкиле.  
Тун байурсен нечун айласен ўзунгни гоғиле.  
Буйла бўлгай кимга ёри бўлса сендек қотиле,  
Чобуке, раънокади, нўшинлабе, хоро диле,  
Маҳваше, насринузоре, гуаруҳе, сиймин баре. .*

*Ошалиғ тарқ этиб, чун ёр этар бегоналиғ,  
Мен кила олмон саломат қўйида фарэналиғ,*

*Айлайин дайри фано аҳли била ҳамхоналиғ,  
Ким, маломат жомидин ҳосил этай мастаналиғ.  
То бұлуб беҳүд Навоийдек қилаі deoноналиғ,  
Ким, тараҳым қымаса, қылғай тамошо ул нарий.*

Мусаддас бирон шоир томонидан ёзилини ҳам, бошқа муаллиф ғазалиға боғланиши ҳам мумкин. Юқоридаги көлтирилгандар мусаддас болып табылады. Агар бир шоир иккигисининг ғазалиға мусаддас болып табылады, үшінші деңгелінде ол мисра құшади да үларни байтнинг дастлабки мисраси биләп қофиялайды. Бирон шоир ғазалиға мусаддас болып табылады, үшінші деңгелінде ол мисраси биләп қофиялайды.

Бағыт мусаддасларда қарастырылғанда бириңчы банднинг сұнгы иккі мисраси худди нақароттегі айдан тақрорланиб ё аксина қелади. Бириңчы банднинг барча мисралари үзаро қофиядош болады. Кейинги бандларнинг аввалғы түрт мисраси үзаро қофияланады. Үндай мусаддасларнинг қофияланиш схемаси қуйидагича болады: **ааазза;** **бббаа;** **ввваа** ва ҳоказо.

Бундай мусаддаснинг ёрқин намунасини Фурқат ёзған бұлыб, уннан шығынған, иккінчи жағдайда мисраси үзаро қофияланады. Үндай мусаддасларнинг қофияланиш схемаси қуйидагича болады:

*Сайдинг құябер, сайдер, сайдера экан мендек,  
Ол домини бүйнісін, бечора экан мендек.  
Үз ерини топмасдан, овора экан мендек,  
Иқболи нигүн, баҳти ҳам қора экан мендек,  
Хыжрон үқидин жисеми күп ёра экан мендек,  
Күйған жигары-багри садпора экан мендек.*

*Кес риитаниким, қылсун чаптақлар отиб жаста,  
Ҳажсрода алам тортиб, бұлды жигары хаста,  
Төбеларға чиқиб бұлсун ёри била пайваста,  
Кел, құйма бало доми бирла они по баста,  
Хыжрон үқидин жисеми күп ёра экан мендек,  
Күйған жигары-баҳри садпора экан мендек...*

*Йүк ҳуши, пари теккан деңгелінде үшшайдур,  
Күз еши яна тұлған паймонаха үшшайдур,*

*Гам сели билан күнгли вайронаха ўшайдур,  
Фурқатда бу Сабдуло ҳайронаха ўшайдур,  
Ҳижроп үқидин жисми күп ёра экан мендек,  
Күйган жигары баҳри садпора экан мендек.*

**13. Мусабба.** Биринги мусабба (еттиликни) Машраб ёзган. У **aaaaaa, bbbbba** қофияланади:

*Эй гүнчай нахези гулистони малоҳат,  
Вэй, тоза ниҳоли чаманорои назокат,  
Зулфи сияҳинг фитнаю, холу хатинг-офтат,  
Йўлунгда тегар бошима минг санги маломат,  
Мақбулсан, эй дилбари хуш лаҳжга, бағоят,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на санам жафо қиласа жонима роҳат!*

*Ул холки кунжи лаби жонона тушубдур,  
Жон олмоқ учун кўзлари мастрона тушубдур.  
Ҳиндур бачае мушки Сулаймон тушубдур,  
Ул гоҳи занахдонига бир дона тушубдур,  
Чун Юсуфи Явқубки зиндана тушубдур,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на санам жафо қиласа жонима роҳат!*

(“Эй гүнчай нахези”).

Иккинчи мусаббани Комил ёзди. Бу мусабба **aaaaab, bbbbab** қофияланади:

*Эй кўрмаган ишқ достонин,  
Сайр этмаган ҳусн гулистонин!  
Мендин эшият ушибу сир баёнин:  
Ҳар неча фидоси қиласа жонин,  
Бир лаҳзаси тарқ этиб фигонин,  
Булбул кўтарурда ошётин,  
Гул дедики, “хас каму жаҳон пок”.*

*Бул меҳру вафо йўлида собир,  
Ҳар наън жафо етүшса шокир.  
Оидин не сифат иши улса садир,  
Зинҳор малоҳат ўтма соҳир.*

*Күр буалбулу гул ишини, охир.  
Булбул күттарурда ошёнин,  
Гул дедики, “хас каму жаҳон пок”.*

**14. Мусамман** 8 мисралы бандлардан иборат шеър бўлиб, унинг биринчи бандидаги барча мисралар ўзаро қофияланади, кейинги бандлардаги аввалги етти мисра ўзаро қофияланади, саккизингчиси биринчи банд мисралари билан қофиядош бўлади. Мусамманнинг қофияланиш тартиби қуйидагича бўлади: **aaaaaa; бббббба; вввзввва** ва ҳоказо.

Бу шеърий шаклнинг намунаси сифатида Навоий мусамманларининг биридан дастлабки икки ва охирги бандни келтириб ўтамиз:

*Ҳар тараф азм айлаб ул шўхи систамгор, эй кўнгул,  
Тифи ҳажеридин неча бўлғайбиз афгор, эй кўнгул,  
Чун сафар айлар эди бир қатла дилдор, эй кўнгул,  
Дарди ҳажериға бўлуб эрдук гурифтор, эй кўнгул,  
Бўйлаким таъриф этиб ғурбатни бисёр, эй кўнгул,  
Шаҳру кишвардин маломат айлаб изҳор, эй кўнгул,  
Айладинг ё, ўйқумжик, айлар сафарер, эй кўнгул,  
Ваҳки, бўлдуқ яна ҳажри ишгидин зор, эй кўнгул.*

*Аҳли ишқ ичра менга дарди фироқ ўлмиш насиб,  
Бу эмас дардикни ани дафо эта олғай табиб.  
Ёрни ғурбат сари тарғиб этар ҳар дам рақиб,  
Ваҳки, ул гул фурқатидин ўлгуси бу андалиб,  
Чун сафар асбобини омода айлабтур ҳабиб,  
Бир тараф гүё азимат қиласудекдур анқариб,  
Үл ҳуд айлар азм, мен ҳам ҳастадурмен, ҳам гариб,  
Гоҳи-гоҳи бўлгасен мендин хабардор, эй кўнгул...*

*Ҳажеру фурқат андуҳидин телбалалардек чекма ун,  
Мастиярдек сўз адосин қилима кўп айтуб узун,  
Авло улким, оҳ ўтидин қилимасанг зоҳир тутун,  
Эттимасанг саргашташк дашт узра андоқким қуюн,  
Боргоҳи айшида бир гўшада тутсанг ўрун,  
Жаннат ойин базмига эл жамъ бўлмасдин бурун,  
Ийтимосим будурурким, барча элдан ёшурун  
Қилғасен мискин Навоий дардин изҳор, эй кўнгул.*

Баъзи мусамманларда бирингчи банднинг сўнгти мисраси кейинги бандлар охирда худди нақаротдек айнан тақрор-

ланиб келди. Бундай мусамманларда биринчи банддаги барча мисралар ўзаро қофияланади, қолған бандтарда зәс даст-лабки олти мисра ўзаро қофиялопи бўлади. Ундаи мусамман-ини қофияланиш тартиби куйидагича бўлади: **аааааааа, 6666баа; ввввваа ва ҳоказо.**

Отахий мусамманлардан одинган куйидаги биринчи, иккичи ва охириги бандларда худди шундай қофияланшинини ва мисралар тақорини учратни мумкин:

Вақтинга ҳүшилиг, эй кунгул, етса бу айшонадин,  
Томсане агар нишотлар мутриби хуш таронадин,  
Юз тараф уласи ҳосишиңг чангу наю чағонадин.  
Жоми дуғона етса гар мұрабачаи яғонадин,  
Маст муюом өсінг агар соғ майи шабонадин,  
Лаҳзаи эмин ұма ҳам гүссаи бикаронадин,  
Билки, бу күхна дайр аро қажераваш замонадин,  
Комига етмади бирор ширати жовибонадин.

Ҳар кишиким бу дайр аро ёр ила ҳамишип ұлур,  
Базмани гар қалгучи мутриби позанып ұлур,  
Соғари айш тұтұғчи сөкүни гүлжабин ұлур,  
Шыҳиди ком васынға ҳар нечаким қарып ұлур,  
Базмиға тағриқа етиб, охир шиши син ұлур,  
Васи шишоти борибон фирмкат аро ҳамин ұлур,  
Билки, бу күхна дайр аро қажераваш замонадин,  
Комига етмади бирор ширати жовибонадин..

Айшу тараф ери эмас ушбу саройи бебако,  
Соқүни гүлжабинига дағб шиор эмас вағо,  
Соғ майи нишотибин зарраи ғам эмас жұдо,  
Ханоны сури ҳамдами гирияу мотаму ато,  
Ширати жовибон талаб айламак ондаудур хато,  
Ушбу хатота, Осахий, қылма үзинені мубтало,  
Билки бу күхна дайр аро қажераваш замонадин,  
Комига етмади бирор ширати жовибонадин.

## 15. Мутасса. Арузда ёзилган мутасса биттагина, у Навоининг “Топмадим” ради菲ли газалига боғланган!<sup>1</sup>

Ҳамма иш ҳаддан қийин излаб осоне топмадим,  
Севдиму бу ҳақда ҳарғыз ҳуя баёне топмадим,  
Әдә роҳдат дең, үкүбатдан тоғыне топмадим,

<sup>1</sup> Тыйчесе У. Мутасса. Г. «Езувчи», 1998.

*Кўпни шод этдим, бироқ ўзни шодоне топмадим,  
Ҳамманни тутдим яқину жонажоне топмадим,  
Мен қадрдан бўлдиму, шундай ёроне топмадим,  
Хизмат этдим, бир умрким, зарра шоне топмадим,  
Мехр кўн кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим.  
Жон басе қилдим фидо, ороми жоне топмадим.*

*Ҳеч ниҳояни гуллаганда, зарб ила урма, яшин,  
Гўё қўйёшдай ёришиди қошидай қопқора тун,  
Бу мұхаббат инги сабза сингари унди бу күн  
Кошки бу қисқа умр сўнг баҳт ила топса якун,  
Жонимизга қон бўлиб кирди асл сезги секин  
“Сизни дерман!”— деб эдинг сен аввало,*

*мен-чи кейин,*

*Мехри ислом умматим дер, гарчи дўзах ичра сен,  
Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен  
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.*

**16. Муашшар.** Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида арузла ёзишган биттагина муашшар учради. Уни Табибий ёзган:

*Ошик иши оҳ, зор иландур,  
Ғам дийдаи ашк бор иландур,  
Фар жасврда устивор иландур,  
Бунларда ҳам ифтихор иландур,  
Маънига вали фирор иландур,  
Олам аро эътибор иландур,  
Не айласа ихтиёр иландур,  
Десам, бу иков не кор иландур,  
Гул гунчалигигида хор иландур,  
Очилии бир ўзга ёр иландур.*

*Оламга кўнгүлни берма асло,  
Бўймай дессанг ар асири савдо,  
Маҳвашларига ҳам ўлма шайло,  
Солмай дессанг ушибу жонфа яғмо,  
Бўлсанг агар, ён рафиқи доно,  
Бир гўшайи ами аро тутуб жсо,  
Ёт анда сабоҳу шом танҳо,  
Ким андин эрур бу иши ҳувайло,  
Гул гунчалигигида хор иландур,  
Очилии бир ўзга ёр иландур.*

Демак, бу муашшарда охириги байт ҳар бандда такрорланади.

**17. Таркиббанд шүпладай шеърий шаклки, унинг ҳар бир баңдиди ааввал худди ғазалдагидек ўзаро қофияланган бир байт бўлади, жуфт мисраларгина ааввалги байтга қофиядошлик қиласи. Турли таркиббанд баңдларила байтлар миқдори муаллиф истаги ва мақсадига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши мумкин, лекин муайян бир таркиббанд доирасида барча баңлардаги байтлар миқдори албатта тенг бўлади. Агар таркиббандининг бирингчи баңдиди беш байт бўлса, қолган баңларда ҳам худди шунгичдан бўлиши қаттий. Бироқ ҳар бир баңд сўнгидан ўзигача жуфт қофияланган байт келади. Бу шеърий шакл намунаси сифатида Навоий таркиббанидан олинган қўйидаги икки баңд билан танишши мумкин:**

*Даҳр боғики, жафо шорииදур ҳар чамани,  
Жӯз вафо аҳмига санчилмади аниңг тикани.*

*Кимдаким доди вафо кўрса, шаҳид айламаса,  
Лоласининг не учун қонға бўялмииш кафани?*

*Поймол этмаса андинки келур меҳр иси,  
Оғеғ остида недин қолди гиёҳи дамани.*

*Савҳаи хотири пок ғўмаса барбод андин,  
Бас, не соврумок эрурким, кўрар аниңг самани.*

*Ростялар бўлса аниңг арсасида баҳхўрдор,  
Жаврдин, бас, нега бебарлик эрур сарви фани.*

*Гар яқин аҳшини Мансур кеби қати этмас,  
Бас нединдор шаҗару сунбули дору расани.*

*Вар камол аҳзи жалойи ватан эрмас андин,  
Нега туфроқдур ул акмали даврон ватани.*

*Баҳри урфонудури Сайид Ҳасан, ўлжим афлоқ,  
Етти дурёжи аро бир кўрмади андоқ дури пок.*

\* \* \*

*Золи гардум кишига майли вафо айламади.  
Кимеда-ким кўрди вафо, гайри жафо айламади,*

*Кайси бүр васл күпин меҳр ила қылди равшан,  
Ким, яна ҳажер туни бирлә қора айламади?*

*Кайси давлат қуёшин чекти камол авжы уза,  
Ким, яна ер түбіда маскан анга айламади.*

*Кайси лабташнага тұтти қадаҳи соғ нишот,  
Ким, яна қисми аниң дүрді ано айламади.*

*Кайси дилхастага еткурди фарығат нұше,  
Ким, насиби яна юз неши бало айламади.*

*Хар дил озурдағаким новаки зулм этти қүшод,  
Гарчи бор эрди хато, лек хато айламади.*

*Чекти бу зудмин аниң барча халойик, лекин  
Чора бу дардға жұз ахын фано айламади.*

*Хосса ул фони давронки, бұлуб восили ҳақ,  
Құймади күңгли аро гайри аёлин мұтылақ.*

Шу шеърдаги бандларнинг қоғияланған схемаси қуйидегича бұлади: **аа, ба, ва, га, да, еа, ёа, жж**.

**18. Таржибап** таркиббанлық жуда яқин туради. Уният бандларыңа ҳам аввал ҳудди ғазалдаги сингари қоғияланған байтлар келади. Лекин таркиббанддан фарқлы ҳолда таржибаппининг ҳар банди охирида ұзаро қоғиядош иккى мисра ҳудди нақаротдек айнан тақрорланыб келади. Мана шу тақрорланувчи мисралыр бандларни ұзаро боялашға хизмат қилаади ва “байти восилә” деб аталади. Ҳудди таркиббандығы қаби мұайян таржибапдесирасида барча бандлардаги байтлар сопиғ тенг бұлади. Бу шеърий шакт намунасы сиғатидә Нәвөй таржибандыдан қуйидай иккى банды көлтирамыз:

Ән, кирпикі нешу күзи ҳүнхор,  
Жонимни неча күлгерен алғор.  
Чабанға ғамидин күнегіндең ірі,  
Хар қонқы сиришким әтти изхор.  
Хайхотки, ҳақжриңе шалғашпайдыр  
Жонимда алам, танимда изор.  
Юзүнги күрүб мени ралыса,  
Ишк ұттара бұлғаш гирифтор.  
Сен әрдинг мажелсін ұзарып,  
Ким соң ұзасад сипекірі ғаффор,  
Юз қасрат ила мени шырғы  
Васаштедай, аё ҳүжаста сыйфор.

*Эмдикни фироқ аро тушубмен,  
Топқунча яна ҳариф े ёр.  
Едингни қилай ҳарифи мајслис,  
Фикрингни этай күнгүлга мунис...*

*Эй, кишвари ҳусн узра ҳоким,  
Хублар бори ҳазратингда ходим.  
Буздунг бу күнгүлни, ложсарам мулк  
Вайрон бўлур, ўлса шоҳи золим.  
Ҳижрон мени чунки ўлтурур зор,  
Сен ҳам мадад этнагинг не лозим?  
ҳар нечаки бешоят ўлуб,  
Қидинг мени бегуноҳ мужрим.  
Уммед будурки, ёна тенгри  
Солса мени мақдаминға солим,  
Иқбол киби туруб қошингда.  
Бўлсан яна хизматингга озим,  
Васлингда газал тафаккур айлаб,  
Унутганим ушибу байтниким,*

*Единени қилай ҳарифи мајслис,  
Фикринги этай күнгүлга мунис.*

Таркиббанд ва таржибаддининг дастлабкӣ намунилари X – XI асрлардаги форс-тожик адабиётида яратилган. Ўзбек мумтоз адабиётида улар Юсуф Амририй, Навонӣ ва бошқа шоирлар ижодида учрайди. XV асрдан кейинги даврлар ўзбек адабиётида эса бу шеърий шакт науянгилар бирмунинг кам учрайди.

Мумтоз адабиёт измири иштир шакллари лейлиган, ҳозир улар жанрларлар.

### **Товуни тақрория ва мусикийлик**

Пеърии нутқ клипсарининг жонли сўзлашувидан ва наср тилини узиниши муайян оҳанидорлини, жарангдорлиги, ритмдорлини (бўйин, турок, вази, ритмик мауза, туркум) билан жаралиб турини. Мана ину оҳангдорлик ва жарангдорлик билан бөвлиқ, ҳолда исеърида муайян мусикийлик (ритм, қофия, биня) юзни келтири. Юқорида кўриб ўтилган қатор инсурлар, хусусти, ритм, вази, қофия, банд исеърини мусикийлик касб ётинида муайян ва асосий вазифани ўтайди. Бу аргументларни, исеърига таруналариниң жойлантирилиши,

такрорланиши хам шеърий нутқда мусиқийлик тувилишбига хизмат қиласы. **Интонация**, янын овоз, ургу науза, шунингдек, товуш такрори шеърий мусиқийликнин ёрдамчы үнсүрларидир.

Шеъриятда товушлардан фойдаланиш, уларни жойлаштириши ва такрорлаш соҳасида қатор усуслар вужудта келганд. Ундаи усуслар орасида ассонанс ва аллитерацияни ажратиб күрсатиш зарур.

Айнан бир хил ёки оҳангдош уили товушларнинг муайян мисра, банд, шеър давомида тез-тез такрорланиши ассонанс деб аталади:

*Ез фасли, ер васи, дўстларнинг сұғбати,  
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг қайғияти...  
Гар бу уч ишти мувоғиқ топсанг ул уч вакт ила,  
Мундин ортуқ бўймаҳаёт, Бобур, жаҳоннинг ишрати.*

Бу шеърий парчада, **а**, **и** ва **у** товушлари кетма-кет такрорланиб келиб, газалнинг жарангдорлигини, таъсирчанлигини оширган.

Муайян мисра, банд, шеър давомида айнан бир хил ёки оҳангдош уили товушларнинг тез-тез такрорланиши **аллитерация** деб аталади.

*Рўзи азали қиз қисматиоо  
Эрга тегмок одати бордир.  
Бўнасиба тақдир хатида  
Ёзилганоур, оҳ билан зордир.*

“Зайнаб ва Омон” достонидан олинган бу парчада **р**, **з**, **к**, **с** товушлари такрорланиб, шеърий нутққа муайян оҳангдорлик баҳш этган.

Улуғ шоирлар тажрибасидан маълум бўлишича, шеърда товушларни нотўғри кўйтиш, аллитерация, ассонанс каби усуслардан ноўрин ва меъёридан ортиқ фойдаланиши номақбул сўз ўйинига олиб келади, асарни юксек ғоявийлик ва бадиийликдан, таъсирчанликдан маҳрум қиласы.

Аксинча, шеърда нутқ товушларидан санъаткорона фойдаланиш, турли усусларни ўринти қўйлаш асарга жозибадорлик, мусиқийлик баҳш этади. Мусиқийлик эса шеъринниң кишилар руҳига, ҳиссиятига кучли таъсир кўрсатишни уларгинан ошига стиб боршили ва хотираларнида гузал кўшиник-дек сақлашни учун нўл очали.

# **УЧИПЧИ БҮЛİM АДАБИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИИ КОНУНИЯТЛАРИ**

## **І БОБ АДАБИЙ ЖАРАЛЁН ҲАҚИДА ТҮШҮНЧА**

Бадний адабиёт күн асрлар тарихга эга. У минг йыллар давомида ривожланиб келли. Бироқ ҳозирги даврга қадар бүлгөн адабиёт тарихи нүқул олдинга қараб тұхтосыз іок-салыштанғана иборат эмас, соғо адабиёт ва санъат тараққиеті учун зарур шароит бўлмаган. Ёзувчилар соғо адабий ривожланишга ўз қобилияти ва истеъоди имкониятлари даражасида ҳисса қўймаганилар. Адабиёт XV асрда, яни Навоий замонидаги Марказий Оснёда гулиаш даврини кечирган бўлса, XVII ва XVIII асрларга келиб, ижтимоий-сийёсий ҳаётининг гарқоғиги билан боғлиқ ҳорда бирмунча сусайиб кетди.

Адабиётнинг тарихий тараққиети жарненидаги мазкур ҳолатлар унинг мунигарак ривожланишидаги умумии қоңуниятларини ва асосий йўналиштарни кўриб ўтишини тақозо қўлади.

Санъатнинг вужудга келишини ва тараққиётидан энг асосий заизифани инсон ҳаётини ва меҳнатини ўтаган. Ҳаёт, меҳнат бизнинг қадимий аждодларимиз мукаммалашувига йўл очди, скрибаг-натижада инсоният даҳоси оршишган барча ажойиб ёнзорликларининг бони сабабчисига айланди. Меҳнат жараёнила санъатнинг олга томон тараққиётидан иборат яхлит ҳарикат боштанди. Бироқ ҳаёт, манфаат уни зиддиятли туссан солди. Ҳаётнинг ҳаққоний акс этирилишига хайрҳоҳ бўлгани ҳақкимиш ўтиёжларига мос келувчи санъатда олга ривожланини жараёни давом этмоқда. Санъат асарларининг аниқ мазмунин ва тақдирли турли- туман ижтимоий муносабатлар ва миллий тараққиётнинг ўзига хослиги билан белгиланди. Шунга кўра санъат тараққиётидаги ҳар бир босқич ўзига хос ви тақрорланимас бўлади.

Санъат ва адабиёт асарларининг ҳар доим муайян ижтимоий тарихий шароит тақозоси билан юзага келиши ва шу

бонелди тақрорланып хүсусиятта эң бұлшын ҳақиғаты фикр-лар саньын тараққиеті үшінде боелік бүлмаган қодисаларинің оданы алмашыныдан иборат бұлжыл, уңда оддинаң қараб жок-салын булмае әкан, деган худоса көлиб чиқмаслығы лозым. Айрим саньын асарларинің тарихада иисбей хүсусиятта эң әкаптығы ва уннанға ассо әзтибори билан олдинга қараб ривож-ланында орасаңда зиддиятті бор, деган фикрлар сохтады.

Давомий алоқадорлық ва ворисиийлик адабиёт тараққиетін-да ҳам қосадыр. Лекин бу давомийнің көзінде үзінгі хос фарқ ҳам бор. Үзінгі фарқ илмий-техникавий асарлары ҳам, балан ижодта х-тталукшилір. Илмий-техникавий асарларнің нитижаларында оданың асарларға ҳәм үтіб, инсонияттың білімін тараққиесінде күни-шілб көткесілі, жұмызды, табиат, гефактур, жаһия ривожи қону-пияттың тақрарлауда үтиши билан ойданылашиб, түкүрлішінб болады, әске машиналар ассоңда үларнанғ яңғы, мұқиммал үз-затынан оның туралы өзінде көткесілі, замонавий турлардың өзінде көткесілі, балан асарлар эса адабиёт-нің кейиннің тақрарлауда үтиши күрсатып билан биргә, түрлі даврларда ижод әтилған әдабий наукалардың билан бир қатарда яниайверады. Низомий шириказес 500 йыл давомында кишилілар қал-бига маңынавий озиқ беріб көлесіп түрлі, үндандан аввал яны-ған Атотай ва Лутфий ғасылдары ҳам, кейиннің иерархияда вужуд-да көткесілі Бобур. Мұқиммій, Фурқат шеңберлары ҳам халқымыз үтүн қадрлы бұлжыл қолмоқда. Чүнки балан асар мұстақил үз-затынан қашғиётті.

Тарихдегі үчөн бир давр тақрорланып мейдиди. Одамнинг болы-лигі, ўсмирлігі ва ёшшілгі қайтарылмаганынде, инсоният-нің мұайян тарихий босқичлары фикр-түйіндары ҳам, балан илроқи ҳам айнаң тақрорланып мейдиди. Шу сабаблы, инсо-нияттың мөхияттың әзтибори билан бойыншы бормоғи учун асарлар давомында кишилік томонидан вужудда көлтирилған да-ндири балан асарларда акс эттан маңынавий бойліктарни ижод-дай үзланыптырып, етаплаб бориши зарур.

Барча ижтимоиј оңғашыллары кабы адабиёт ҳам үзінде қа-шыттагы мүқобиғаттың курашынның акс әтирады ва шу кураш-да ишироқ өтады. Шунда күра, адабиёт тараққиеті қа-шыттің зиддияттар үргасында кураштақозын билан өзага келады-тап мұхиттар жаріленінде яигиланып борады.

## АЙНАВИЙЛІК ВА НОВАТОРЛЫК

Хәр қандай тараққиетде үшінде боелік, давомиисти-анъанаивиийлик бұлжыл. Адабиёт тақрарлаудың үлесінде

улкан ҳодиса ҳам ўтмишдаги энг яхши анъаналарнинг ижодий давом этирилиши натижасида юзага келади. Адабиёт тараққиётида ғоялар, типлар ва бадиий тасвир воситалари доирасидаги анъанавийликни фарқлаш зарур. Бу уч соҳадаги анъанавийлик ўзига хослиги билан бир-биридан фарқланаб туради. Агар ғоялар соҳасидаги анъанавийлик, асосан, дунё-караши бир-бирига яқин бўлган ёзувчилар ижодида кўзга ташланса, тасвирий воситалар борасидаги анъанавийликни турли ғоявий йўналишдаги ижодкорлар асарларида ҳам учратиш мумкин. Иккинчи ҳол худди тил каби турли ғоявий мақсадларда қўлланиши мумкин бўлган бадиий тасвир воситалари ва усуслари тараққиётининг ички қонуниятлари билан изоҳланади.

Адабий жараёндаги ғоявий анъанавийлик тўғридан-тўғри муайян ижтимоий кучлар ривожидаги давомийликни, анъанавийликни акс эттиради. Ғоявий анъанавийлик ўтминидаги фикрлар ва қараниларнинг янги шароитга мосланган, ўзgartирилган, чуқурлаштирилган ҳамда тўлдирилган ҳолда янгича ифодаланишидир.

Кўпчилик миллый адабиётларда ўзаро боғлиқ, анъанавий типлар қаторини учратиш мумкин. Ўзбек адабиётида озодлик учун кураштан аёллар типлари пайдо бўлган. Улар қаторига Майсара, Гулсара, Нурухон, Ш. Тошиматовнинг “Эрк қушди” романидаги Майна Ҳасанова, Ҳамил Гуломнинг “Манъал” романидаги Эъзозхонларни киритса бўлади.

Ёзувчилар томонидан қаҳрамонларнинг муайян типлари юзага келтирилиши реал ҳаёт тақозоси билан содир бўлади. Комил Ячин Гулсара ва Нурухон образларини ҳосил этар экан, Ҳамзанинг аёллар характеристини тасвирилашдаги анъаналарига таянли. Лекин у мазкур типларни Ҳамза Майсара образини гавдалантиргани учунгина вужудга келтирмади. Гулсара ва Нурухон сингари типларнинг таркиб топишида аёллар озодлиги муаммоси 20-йилларда энг муҳим ижтимоий масалалардан бирига айланганлини бош сабаб бўлади. Шунга қарамай, анъанани бошлиб берган санъаткорларнинг хизмати каттадир. Улар ўзларидан кейинги ёзувчиларга ҳаётдаги муҳим тиник ҳодисаларни, лолзарб масалаларни кўра олиш ва ёркин акс этиришин учун йўл очиб берадилар. Шунга кўра, уларнинг анъаналари алабиёт тараққиётига ҳаётбахш таъсир кўрсатади.

Бадий тасвир воситалари соҳасидаги анъанавийлик ўзига хос хусусиятга эгалир. Ҳар бир ёзувчи ўз асарининг мазмунини ифодалаш мақсадида кўилаб тил воситаларини ишга солади. Бу воситалар ғоялардан фарқи ҳолда, ижтимоий йўналишлари турлича бўлган ёзувчиларнинг асарларида қўйланиши мумкин. Муқимий ва Муҳий каби шоирлар турли хилдаги, ҳатто бир-бирига вид ғояларни илгари сургандаридан уларни ифодалашада анъанавий ёки ўзаро якия эпитет, метафора, ўхшатини сингарип тасвирий воситалардан фойдаланганлар. Шеър вазни, қофниялаш ва банд усуслари ҳамда бошқа назм унсурлари тараққиётидаги анъанавийлик тасвирий воситалар соҳасидаги анъанавийликка киради. Шеър тузилишида ҳам турли ғоявий йўналишларни шоирлар, кўпинча, айлан бир хил шеърий воситалардан: вазн, қофия, туроқ ва бандлардан наф оладилар. Бу ҳол шеър тузилишининг, миллий маданиятиниң куроли ҳисобланувчи тилга бевосита боғлиқ. Кўпинча муайян миллий тилининг грамматик қурилишига мос келадиган шеърий усуслар ва воситалар ижоддан мустаҳкам ўрин олади ва ривожланади.

Адабий тасвирнинг эпик, лирик ва драматик йўллари тараққиётидаги анъанавийлик ўзининг бирмунча мураккаблиги билан ажralиб туради. Бальжада бу соҳада мавжуд шаклларниң тўғридан-тўғри ривожланганини кўзга ташланади. Қадимги Грекияда Эсхил ва Софокл ижодидаги трагедия жанри Европид томонидан ривожланди. Лермонтов поэмалари бевосита Пушкининиң шу жадрлаги асарлари таъсиридан озиқланди. Айрим жанрлар ўғмини тажрибасини умумлаштириш, бирланшириш натижасиде вужудга келади. Шундай синтез туфайли Л. Н. Толстойниң “Уруш ва тинчлик” романидаги тарихий очерк, фалсафий трактат ва бадий беллетристик тасвир хусусиятиари ўқаро чатишшиб кетган. Гоҳида санъаткорлар ўтмишдаги адабий тур ва жанрларнинг айрим белгиларининг олиб, янги шаклларни камиф отадилар. Муқимий қадим ва ўзбек мумгоз адабиётидаги узоқ даврлардан бери мавжуд бўлган тўрт мисралик бандан фойдаланиб. “Саёҳатнома” деб аталувчи янги жанри пахтиро этади.

Ҳар бир ҳолда ҳам, ёзувчилар муайян тасвир усуслини танилаганларидаги бадии асарни муминни чуқурроқ очиниң хизми қўйувчи мукобилшакл тончиликни биладилар. Ўнроқ бальжада бир хил тасвир усуслиниң ифодийий ясенинни ўзи жаддайтириш бошқа мемумини юзиги чиқартиши мум-

вофиқ келган ҳоллар ҳам учрайди. ҳатто шундай ҳам бұлади-хи, янги замон санъаткорлари тоғыда үз умренинің таб бұлған, есеки шақылдарниң қайта тирилтирадилар. Чунки янги мазмун есеки шақылда ҳам күрина олади.

Асрлар давомында ўзбек мұмтоз адабиетіда шеърияттің қытъя, муста зод, мусаддас, мусамман, таржыбанд, таркибанд қаби жаңирларда ижод қилиши анынаны мавжуд эли. Ҳозирғи даврга көлиб мазкур жаңирларда ёзищсусайды; ҳозирғи шиддаткор ижтимоий ҳаёттің мазмунини, руҳини чуқурроқ, таъсирчанроқ ёритишта имкон берувчи янги замонавий шеърий шақыл ва жаңирлар пайдо бўлди.

Шундай қилиб, адабиёт ва санъат тараққиётідаги аньянавийлик ҳар бир санъаткор учун замонавий, мұхим ва зарур бўлған ижтимоий адабий әхтиёжлар тақозоси билан юзага келали ҳамда давом этади. Санъаткор инсоният рӯёбга чиқаралётган поэтик усуулар ҳамда тасвирий воситалар хаянинасига мурожаат қылтар экан, улар орасидан үз олдида турган дол зарб масалаларни ҳал қилиши учун энг муносиб ва лойик бўлғанишларни таҳтаб олади. Шунга кўра, чинакам санъат асарларидаги ўтмишдаги тасвирий воситаларнинг қўлданини қадим замонларга қайтишга эмас, балки ҳозирғи куннинг энг мұхим муаммоларини, истиқболини ёрқинроқ ёритишни ишига хизмат қиласи. Бу тасвирий воситалари шу жараёнда саиқаллади, янгиланади ва боййили.

Утуҳ санъаткорлар бадний ижод тажрибасига таяшганлари ва ўни тажрибанинг энг яхши томонларини үз асарларидаги мужассамлаштирганлари ҳолда, ҳар доим бирон янгиликка ёришганлар, янги фикрни илгари сурғанлар ёки түё ҳаммага тининшек туялған масалаларни янгича ёркитганлар. Уларга янгиға ёндашганлар. Илмий тафаккур тараққиётідаги қаби бадний ижодда ҳам ўтмиш адабий тажрибаси ва малакаси янги янги авлодлар томонидан ўзлапгирилиб, ташқиلىй равишда қайта ишиланиб, бойитилиб, чуқурлаштирилиб ва янги босқичига кўтарилиб келинади. Ийтуфайли, ўтмишдаги онг яхши, چоҳор аньяналарни давом этирувчи санъаткорлар бадний ижод тараққиётига үз ҳиссаларини қўшган новаторлар (янгилик ярагувчилар) сифатида ҳам намоён бўладилар.

Ўзувчилар ўтмишкочаларининг фикр-туйғуларини, ғоятларини танқиلىй устинтириши ва ривожлантириши, янги ғоявий нодирликларини ижод этиши билан бир қаторда, бадний тасвирир соҳасидаги аньяналарни равидақ топтириб борадилар.

Ўзбек мумтоз адабиётида асрлар давомида кўплаб анъанавий тасвирий воситалар, хусусан, қайта-қайта кўлланалиган ўхшатишлар вужудга келган. Чунончи, гўзал қизнинг қоматини сарвга, юзини ойга, кўзларини юлдузга, қошлирини ёйга, соchlарини илонга, лабларини олчага ўхшатиш одат тусига кириб қолтан. Чўлпон ҳам ўз ижодида бундай образлардан кўп фойдаланган. Шу билан бирга, у бундай қайтариқларни учча маъқулламай, “Бир хил, бир хил, бир хил” деб таърифлаган. “Гўзал” номли шеърида эса Чўлпон юқоридағиларга ўхшаган образлар билан бир қаторда лирик қаҳрамонининг ёруҳ юлдуз билан суҳбатини беради:

*Коронгу кечада қўкка кўз тикиб,  
Энег еруғ юлдуздан сени сўрайман.  
Уя юлдуз, уяшиб, бошини букиб,  
Лйтадур: мен уни тушида кўраман.  
Тушумда кўраман шунчалар гўзали,  
Биздан-да ғўзалир, ойдан-да гўзали!*

Бу ерда шонир түё гўзали қиз қиёфасига юлдузининг кўзи билан назар ташгайди.

Илгари адабиётда юлдузни жонлантиришлек бундай тасвирий восита деярли учрамасди. Демак, Чўлпон ўз ғоявий мақсадини ифодалашинг тасвирий восита тирдан фойдаланиши соҳасида новатор (яни ишник)ликка эришиди.

Ёзувчининг ўз ўтмишидолари билан бўлган анъанавий алоқасини ва ижодидаги янги белгиларни, янни новаторлигини аниқ тасаввур этини инҳоятида катта аҳамиятга этадир. Буни аниқ илроқ этмай туриб, мазкур ёзувчининг адабиёт тарихидаги ўрнини ҳам, адабий жарҳёндаги ролини ҳам тўғри тушуниб бўлмайди. Янгиллик яратолмаган шонир новатор бўла олмайди. Янгилликсиз анъана йўқ, анъанасиз янгиллик йўқ.

Адабиёт тараққиёти иккى асосий йўлдан боради. Биринчидан, у балийи асарларининг тур ва жанрлари кўпайиб, ўзгариб ва мурзикабланиб борини билан боелиқ ҳолда давом этади, иккимчидан, турли ижодий метод (усул)тарнинг вужудга келиши ва алманинини билан боелиқ равнища ривожланади. Алабиётнинг мазкур иккى асосий йўнишларини тўғри тасаввур отмоқ учун уларнинг тараққиёт қонуниятларини кўриб ўтмоқ лозим.

## И БӨБ

### САМЫГ ЖУДА ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДА, ИНСОН ҮЗИНІ-ҮЗІН ТАНИГАН, ИНСОНИЙЛІГІНІН АНГЕЙ БОШТАГАН НАЙЛАРДА ҚОРИНИҚ ҲОЛА ЮЗАГА КЕЛДАН.

#### АДАБИЙ ТУРЛАР

Самыг жуда қадим замонларда, инсон үзині-үзін таниған, инсонийлігінін аңғасын боштаган найларда қориниқ ҳолда юзага келдін. Рақе, мусиқа, бадий сұз, ёзув көніб чиққуингача бұлған даврлардың қадимгі самыатта үшіро бирлікке памоёні бұлған. Бұ қориниқ самыат фанда синкремтім деб атқади. Синкремтик самыатта инсон меңнітівнің тәрағқысті, унда ритмнің мұхым үрні тутиши ҳаёттың түр шы соҳаларини аужуда көлини, хис-гүй үшар оламинин көнінини віз тағаккур ривожі билған боелиқ ҳолда түрлі үйарыншылар содир бұлған. Натижада самыланған бир қаңта нақлары, турлары віз жаңылары майдонда келдін. Улар орасында ең қадимий шықшылардан бири поэзия, янын сұз самыаттың хисоблаганды. Самыг түрлары, оныңда, вокеликтер қай даражада, қай түрсінде ақс үйердінде, ирдөлдін воситаларында болып күнделікті хуесияттары — қараб, бир-бірнан шарқлашады. Жұмалдан, мусиқа вокеликтерінде физик изуыншылар ертімнен ақс отыра, ісвирии самыат бүекшар, түрлі рашылар билін, рақе салытты — гүзіл харықаттар воситаларда ғанағанынради. Негізгі еса, самыттың олай түрі булып, «әркін инсон сұзінде ифояданаши, сұз эса ұлт шүткі ғовунин, ұлт маңзара, ұлт аниқ ва равиан айттындағасаурудыр». Шүншік үзүн поэзия болықта самыттың қамма элементтерінде үз ишінде отын, бұлак салындарыннан қаралғанда берілгенде қамма воситалардан бирләшкенде тирам равианда берілгенде қамма поэзияның қаралғандағы түрлерінде сұрандағандаған.

Поэзия, янын суз воситасыда ҳосия отылған адабий ижод қалыптасынан оғандағының шарқла аудио-записьларда вужуда келдін. Кейиннешік уннан ұлт түрлі хысілдері, күрініншылары пайдо бұлған. Ежүннен вужуда көлини билеп боелиқ ҳолда еса, поэзия асарлары халқ оғындықтың ижолштан шарқла равианда, мұайян

Беланский В.Л. Гайдайған асарлар. Т.: «Уставнандр», 1955, 131-6.

тургун шакллар касб этган, бир-биридан аниқ фарқданувчи адабий тур ва жанрларга ажраған.

Адабиёт, одатда, узоқ даврлардан бери эпос, лирика ва драма сингари уч адабий турға бўлиниди. Ҷулар ҳаёгининг қайси томонига кўпроқ ўтибор бериши ва қай тарзла акс эттирицига қараб бир-биридан фарқланади, эпос, Гегель айтганидек, “объективикни ўз объектив ҳолида” кўрсатали, лирика “субъективикни, ички дунёни” акс эттиради, драма эса, “шундай баён усули” дирки, унда “объективлик акси” билан “шахснинг ички дунёси бирлашади”.

Соддороқ қилиб айтганда, эпосда ёзувини қурғицаташки дунё ва улдиги воқеа-ҳодисалар, лирикада хис-түйгулар, ўй-фикрлар, драмада ҳаракатлар, ўзаро муносабатлар етакчи ўринда туради.

Сўз санъати аввал поэзияда, яъни эпос ва лирикада, кейинчалик уларниң синтези бўлган драмада ривожланниб келганд.

Адабиёт тажрибасида мазкур уч тасвир усули ўзаро читтиниб кетган ҳоллар, уларниң турли-туман кўринишларида қўлланган пайтлари учрашига қарамайди, бу турларга хос асосий принциплар минг йиллар давомидан сақланиб келмоқдади. Адабиётниң тасвирий усулатираги бундай тургулилк шу билан изоҳланади, аввало, учала асосий адабий тур воқелик қонуниятларини ҳаққонида акс эттириши имкониятинига эга, иккичидац, улар бадиий адабиётнинг табиати ва вазифаларига тўлиқ мос келади.

Кишилар муайян ижтимоний шароитлар билан боғлиқ ҳолда яшайдилар, ўз қиёғиларини ҳис-туйгуларда, ўй-фикрларда, хатти-ҳаракатларда намоёни қиласидилар, бопиқа шахслар, жамият ва табиат билан муносабатта киришадилар. Адабиётнинг уч асосий турин инсон ҳаёти, фаолияти ва оптимиининг мана шу қирраларини кенг миқёсда қамраб олиш имкониятига эга. Эпос, лирика ва драма ўзаро биргаликда инсон ҳаёти ва онгини тўлиқ ҳамда чукур акс эттиришида битмас-тутамас имкониятларга эгадир. Улар ҳаёлк ҳаётида бутун бир даврии ташкил этувчи мураккаб ижтимоний жараёнлардан тортиб, “Илиада” достони, “Гамлет” фожиаси ҳам “Уруш ва тиңчилик”, “Тинч Доиғ” ва “Үлгү нўл” (романтири)даги каби инсон қалбидаги музайян бир түйгунин ўзини

(Навоийнинг “Кеча келгумдиң лебон, ул сарви тулру келини” деб бошланувчи ғазлидаги, Ўйғуннинг “Тонги бұст” шеъризаты каби) умумланыптырған ҳолда қамраб олни құлданынға отаидилар.

Тасвир үсулдары ёки турлари бевосита алабиң асар шактап хисобланысады. Үлар үзінде өзөлеккін акс этириліниннің умумий принциптерінің мұжассаманығырали. Бұ принциптердің ылбінеттің тәрағқынды жараённанда ਯوزаты келуучи құпшаб-линик, лирик ва драматик шактларда анықтарда құлданын, эпик тасвир ономеяда ҳам, масад, баллада, поэмада ҳам, оперк, ҳикоя, повесть, романда ҳам, бадий мемуарларда ҳам құлданыб келеді. Лирик тасвир ҳаңдал, рубои, қасида, ода, олетия, марсия, күшиқ, эннігізгімма қаби шеърий асартыра кептірін тутады.<sup>4</sup>

Драматик тасвир принциптері эса трагедия, комедия, драма (тор маңында), водевиль, интермедия синтети жаңарында ёркін намоен бүледі.

Бұндан ташқары, адабиёттің ұар бир туріга мансуб шактлар үз навбатында, ривожланып жараённанда муайян гүзүхдірга, куриниціларға бүлинген; роман жаңарыннан ижитмои-маңынавий, ойлави-маиппий, фәлсафий, сатирик, илмин-фантастик, тарихий шактлары ва бопнә құпшаб үзінде куриницілар мавжуд. Шулар асосида адабиёт нағырдан бадий асарлар адабиң түр, жанр ва үлкіннің куриниціліктерінде болынады. Бұтушунчалардың адабиётшылықта үрін мәнненде янын бир-бірі билінгендегінде күләнде болып күл учрайады. Базын адабиётшылықтар адабиң “тур” түшінчесін үрінде “жинс” (рус тиология “род литературы”) түшінчесін, “жанр куриниці” үрінде “жанр” түшінчесін күлтейділар.

Хар ҳолда адабиёттегі эпик, лирик, драматик үсулдарының ылбін гур ва мәзкүр ылбін турлар даирасында шактлардан (роман, комедия, поэма, кабылдарни) жаңир ҳамда шу жаңарыннан айрым хілділарниң (тарихий роман, сатирик ҳикоя, лирик дастон, фантастик роман, кәбілдарни) үйреништі куриницілардың тәбаптанғанча кептірілген шағында мұвоғиқ ираниндер. Эпик, лирик, драматик асарлар, адабиң түр ва жанрарыннан құпшылғы ҳамда түрмәншылғы

<sup>4</sup> Адабиң турлар да жанрлар “асаринин 2-жылтына әдәректесінде” таңда жанрлар кайта көлдінген (“Т. “Фан”, 1992).

Сюжет (воқеа) асосида ҳаёт мушкулликлари бўлан инсоннинг иродаси, эзгуликка интилишинин сўнмаслиги ҳақидаги зиддият турали. Ҳикоя бизга яхшилик, саҳоватиешалик, сабр ва ирова ҳамда инсонийлик хис-тўйғуси ва тоясини юқтиради<sup>1</sup>.

Сайд Аҳмад Ҳазири. Ўзбекистон. «Узбекистоннинг», 1963, № 12-3.

**Повесть.** Повесть, ҳикоя ва новелла жанрлари тарихини муфассал баён қилиш шарт эмас. Фақат авантюра романлари билан бир қаторда авантюра повестлари ва ҳикоялари туғилғанлиги ҳамда ривожланғанлыгини, реалистик роман билан әннаң тарзда эса шу методдаги ҳикоя ва повестлар вужудда келгандығын ҳамда тараққий эттегінің айтиб утиш зарурдир.

Ўзбек мұмтоз адабиёттің мәдениеттің даражада повесть ва ҳикояга ўхшайдын асарлар бўлган. Чунонки, “Қиссан Рабғузий”, Мажлисийнинг “Қиссан Сайфулмулук” сингари асарлари ўзларининг эзик хусусияти, воқеаларга бойлиги билан повесть жанрига бирмунча яқин туради. Бирор улар асосы эътибори билан измінде ёзиғанлығига ёки ўзларида, ҳам наср, ҳам назм унисурлариниң бирләштіргірғанлығига кўра кўпроқ поэмага яқин туради. Реалистик ўзбек повести, асосан, XX асрда туғилди. Ёзувчи Садриддин Айнанинг “Бухоро жалодлари”, “Одина”, “Судхўрнинг ўлеми”; Абдулла Қодирининг “Обид кетмөн”; Faafur Fuolominинг “Нетай”, “Ёдтор” > сингари асарлари унинг дастлабки намуналари ҳисобланади.

Faafur Fuolominинг “Шум бола” асари повесть жанрига мансуб, ҳажвийдир, янын юмор ва сатира оміхта, бундай намуналар мұмтоз адабиётда (ХІХ асрғача бўлган даврда) кўн эди, демократик адабиётдан боштаб, юмор сатирадан ажралган ҳолда ҳам яший боштади. Муқимийнинг “От”, “Араван”, “Бўқоқ”, “Пашшалар” каби кўпина шеърлари бунига мисол бўла олади. “Шум бола” тарихий шахссиз бўлган тарихий асар. Чунки ундан асосий қаҳрамонлар тўқимадир. Воқеа саргузашлар негизига қурилган, хроникали таесир усули ҳукмрон эмас. Автобиографик асар эмас, лекин унда автобиографик унисурлар мутлақо йўқ леб бўлмайди. Халқ оғзаки ижоди, эргаклар, Насрииддин Афанди, “Минг бир кеч”, солдат Швейк ва бошқа манబалардан ижодий наф олинган. Тўрт қисмли, IV қисм 60-йилларда, қайта ишлана вақғида киритилган. Faafur Fuolom ўн томлигининг 5-томидада “Шум бола”-дан саҳифалар” (1941) деган илова ҳам берилган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Мамажонов С. Faafur Fuolom ироziаси. Т.: «Фан», 1966. 179-209-б; Ўзбек совет адабиёти тарихи. Т.: «Ўқитувчи», 1990. 249-251-б; XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т.: «Ўқитувчи», 1999. 232-233-б; Fuolom Faafur Асарлар, бепинчى том. Т.: Faafur Fuolom номидаги Адабиёт ва санъат кашриети. 1973. 128-224, 345-355-б.

І-қисмда ёш китобхон шум бола ва унинг ўртоқтари билан танишиади. Шум бола эски мактабла савод чиқарган, Сўфи Оллоёргача ўқиган, отасиз-етим, аммо ўзбилармон. ошиқ қимор ўйнаб қарз бўлиб қолади, мардикор ишилаб юради; Омон, Йўлдош, Ҳуснибой, Солиҳ, Абдулла, Пўлатхўжа, Миразиз унинг ошилариидир. Шу қисмда у ўйдан кетади, “қўли қинғир”лиги слаб бўлади ва дарбадарлик хаёти бошлигади. Демак, асарнинг воқеаси гугуни ҳам шу қисмда, лекин у асар бошидан охиригача изчил ривожланиб борувчи битта воқеага суюнмайди.

Шум бола, Омон ва домланинг шерикчилик келишувидан воқеа ривожланиб боради. Аммасиникида қуиларни ўлириб қўйини, даингда ўлиқ ювни воқеаси, эшакни сўйиб Қўйиш, томдан ер танирига тушиб кетини ва ўйнашларга луч келиши ва бошқа ҳодисалар шум боланинг бенарволиги, тажрибасизлиги туфайли кўп кўнгилсизликларга дучор бўлишинга олиб боради. Аммо шароитга тез мослашиди ва гунакунликка тушмайди.

Шум бола Сарифой бофига хизмат қилишга ўтади, аммо ёғончилик одати борлигини эслатади. Бир кун у бойнинг ҳузурига келиб, уни согинганлигини айтиб тилёдамилик қиласди; шамдан ёнини чиқди, ўғлини из Бурибоявачча отлии йиқилиб ўлди леб ёғон гапиради, Аллә опам туғли, лейли, афуски бойнинг бу қизи ҳали турмушига чикмагани, бу воқеани хуҷаблар леб атайди. чиқалюғи Бадал араваканинни худди ўзи, дейди ҳам ўзини гўлликка солади. Бой йиғласа, уига қўпшилиб ўнгайли, у артистга үхшайди, ултабуррон ва талбијкор ҳам очил сифтига кўришиади. Шу сабабли, бу ўрин воқеанинг юқори чуққисига айланади, чунки шум бола бу воқеала ўзинини бутун борлигини кўрасади, у—довиорак, айёр бойнинг экинлиги унга ёкимиади.

Повесть охирроғида шум болада чиқончилик жиҳотидан кўп ижобий фазилатлар унаши. У онаси ва укаларини соғишиади, лекин улар ёнинг устбонларини бироз гузатиб борини, бироз нул инилли лозим леб ўйланди, кирк сўмдан ортиқ нул ишениди, уянига яунини, этик тун олади. У унинга қуруқ бормаслик лозим, леб гунгузиди, унда уят, ору ноңмус пайдо бўлади, табъи назми борлинни арузда кор ҳат ёзини билинади. “Хамса”ни согиб олади. Хуллас, воқеа ечими яхши, шум бола ўзарини, кузи очишини йули билди, ха-

рактери реалистик такомилда күрсатилиши аёйлашади. Шум боланинг феълу автори ўз мантифи негизида ривожланади, халқ ичида, халқ тақдирин билан алоқадорликда күрсатилган. Повестда тарихий воҳса руҳидаги бадиий тўқима етакчилик қиласди. “Шум бола” — болаларниң қизиқарли китоби.

“Шум бола”нинг тузилиши, композициявий қурилиши ҳам тояга ва бола характеристикинг ўсиб боришига таянади. Конфликт ўқувсизлик, қийинчилик, шўхлик билан ақл, ишбилармоилик ҳам инсонийлик орасида. Камолга етишга интилиши повесть тоясидир. Кўпроқ катта ёшдаги кишиларнинг айби ва инсоғисчиги очилади, аммо доимо ижобий жараён сўнмайди, галаба томон интилади.

**Роман.** Роман алоҳида олинган шахсни, унинг характеристикин шаклланиши, тараққиёт ва ўзини англани жараёнларида тасвири қиласдиган эпик асар.<sup>7</sup> У, айни ҳодда, жанр ҳамдир, инсонни тин сифатига, индивидуал тарзда, воҳсанни эни ва бўйига ўстириб борувчи тоҳо элонеся тусинни оловчи, муфассал ва чукур кўрсатувчи шакл; унга кўп темалик, кўп планлилик, кенг миқёслик, сюжет ва композиция жиҳатидан мураккаблик хос.

Роман жанри жаҳонда, хусусан, Оврўпа ва Шарқда ўзига хос, катта такомил (эволюция) даврини босиб ўтган.

Ўрта асрларда достон билан бир қаторда, эпосдаги каби воҳсаларни ўз ичига олган, қаҳрамонларнинг саргузашларини, ишларини акс эттирган турли шаклдаги насрий асарлар майдонга келади. Ундай асарларнинг Фарб мамлакатларидаги энг аввалти кўринишларидан бири сифатида риарлик романлари пайдо бўлди. Шу тариқа жаҳонда, биринчи марта “роман” деб аталган асарлар ёзилди. Бу ном мазкур асарларнинг дастлаб роман халқлари тилларида бунёд этилганлиги билан боғлиқdir. Ундай тиллар жумласига итальян, француз, испан, португал, румин, молдаван, провансал, сардин, каталан тиллари киради.

Рицарлик романлари билан деярли бир даврда ёзилган авантюра романларида сирли хусусиятга эга бўлган мураккаб, “чигал” воҳсалар етакчилик қиласган. Мазкур йирик асарлар тўла маънодаги роман даражасига кўтарилимаган эди,

---

<sup>7</sup> Богданов В.А., Брагинский И.С. Роман. КЛЭ, т. 6. М.: СП, 1971, с. 350-362.

чунки уларда қаҳрамонларнинг ички олами анча саёз ва бадий далиллаш бирмунча кучсиз бўлган.

Санаб ўтилган барча туркумларга мансуб бўлган асарларда эпоснинг айрим белгилари сақлаб қолинди. Лекин улар, яхлит ва алоҳида ҳозда, эпос ўринни босиш даражасига кўтарила олмади. Шу билан бирга, уларда эпос ўрнига келадиган янги жанрининг, яъни романнинг қатор аломатлари қарор топа бошлади. Романда, Гегель тўғри шайқаганидек, “яна манфаатлар, ҳолатлар, характерлар, хаётий муносабатларнинг бойлиги ва кўп қирралилиги, яхлит оламнинг кенг манзараси түлиқ равиша намоён бўлади”.<sup>1</sup> Романдаги бойлик ва купқирралылар мумтоз эпосдагига нисбатан анча фарқли бўлган батафсилилар ва сиқиқлик ҳам бадий куч билан қайта туғилади.

Романнинг сифат белгилари XVIII асрда шаклланди. Янги эпоснинг, яъни романнинг аломатлари қаторига маниший турмушнинг икир-чикирларигача ва интим руҳиятга бекиёс дараражада эътибор берилиши, ўта “прозаик” ҳаётнинг реалистик поэзиясини гавдалантириши, кишилар тақдиридаги қаҳрамонлик ва фожиавийликни очиб бериш киради. Мазмун билан боғлиқ бўлган бу алломатлар муқаррар равиша новаторона шакл кадиф этишни, сюжет, композиция, образлилик, нутқ, ритм соҳасида илгари кўрилмаган белгилар вужудга келишини тақозо қилас эди. В. Г. Белинский романни вужудга келтирган манбалар ва шароитни изоҳлаб, қуйидагиларни ёзган: “Роман, исмидан маълумки. ...бутун фуқаролик муносабатлари, ижтимоий, оиласиб ва умуман, инсоний муносабатлар чексиз, кўп унсурулари билан ҳар тарафлама ўсиб кетган бир даврда пайдо бўлди”.

XVIII асрда санаб ўтилган қатор манбалар таъсирида, уларнинг муҳим белгиларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда, том маънодаги ҳақиқий роман майдонга келди. Адабиётшуносликда айтилишича, унинг дастлабки намунаси ўзувчи Антуан Превонинг “Кавалер де Грие ва Манон Леско тарихи” номли асари ҳисобланади. Кейинчалик “Манон Леско” деб аталиб келган бу роман биринчи марта 1731 йилда Англияда, 1733 йилда Франциядаги босилиб чиққан, Унда Прево ўз

<sup>1</sup> Гегель. Сочинения. Т. XIV. М., 1938. С. 273.

даврининг руҳини, дунёқарашини, руҳиятини янги шаклда жонлантириб берди ва кейинчалик роман жанри учун муҳим бўлиб қоладиган “ўртамиёна” характерларни рӯёбга чиқарди. Романда воқеа-ҳодисалар билан психологизм уйғулашган ҳолда юзага чиқди. Қискаси, “Манон Леско”да роман жанрининг кейинчалик янада ривожланадиган зарур хусусиятлари биринчи марта жамланган ҳолда намоён бўлди. Машхур француз ёзувчиси Мопассан бу асарни “ҳозирги замон романининг жозибадор шакли” деб атаган эди.

Роман жанри Прево асаридан сўнг то француз буржуа инқилобигача (1789) ва романтизм давридан Фарб адабиётида етакчи ўринга чиқади. В. Г. Белинский шуни кўзда тутиб, романни “замонамизнинг эпопеяси” деб атайди ва бу жанрнинг алломатларини қўйидагича таърифлайди: “Эпоснинг ҳамма асоси, муҳим хусусиятлари романда бордир, фақат айрмаси шундаки, романда бошқа унсурлар, бошқа манзара ҳукм суради. Бунда қаҳрамонлик ҳаётининг афсонавий ўлчовлари, қаҳрамонларнинг азamat сиймолари йўқ, бунда худолар иштирок қўлмайди; романда одатдаги, прозаик ҳаётнинг ҳодисалари идеаллаштирилади, умумий тип остига олинади. Роман ўз мазмуни учун ё тарихий воқеани олиб, унинг соҳасида, эпосдаги каби, қандай бўлмасин бир хусусий воқеани кенгайтириши мумкин... ёки роман ҳаётни мусбат воқеликда, унинг ҳақиқий ҳолатида олиши мумкин. Бу, умуман, янги санъатнинг ҳуқуқидир, бунда хусусий одамнинг тақдиди унинг жамиятига нисбатан муҳим бўлиб қолмасдан балки кишиликка ҳам муҳимдир”.<sup>1</sup>

В. Г. Белинский “янги санъат” деганда, реалистик санъатни кўзда тутади ва унинг белгилари романда ҳаммадан кўра яққолроқ намоён бўлишини таъкидлайди. “Манон Леско” романидаги реализмнинг муҳим хусусиятлари, ҳаётни акс эттиришлаги принциплари кўзга аниқ ташланади. Аввало, унда ҳаёт кенг кўламда қамраб олинади, энг кичик деталлар, руҳий ўзгаришилар ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Бу ҳол романда реализмнинг ҳаётни универсал тарзда, атрофийча акс эттириши йўли мавжудлигидан гувоҳлик беради. Иккинчидан, Прево романидаги қаҳрамонлар, воқеалар муайян бир даврга, шароитта мансублиги, уша-

<sup>1</sup> Белинский В. Г. Танланган асарлар. 176-б.

шароит ва даврнинг ҳароратини ўзида мужассамлаштирганлити билан ажralиб туради. Мана шундай тарихий аниқлик, ҳаққонийлик илгариги алабиётларда бу қадар равишан кўринмаган ёди. Демак, романда реалистик усулнинг тарихийлик қоидаси ўзининг бутун кўлами ва аниқлиги билан юзага чиқади. Учинчидан, “Манон Леско” асарида, айтганимиздек, қаҳрамонларнинг руҳий дунёси, ҳристийгулари кенг акс эттирилди; руҳият аввалги алабиётларда ҳам бор эди. Аммо романда реализмнинг руҳий таҳлил тартиби аввалги алабиётлардагига нисбатан бошқача тарзда намоён бўлади. Романда руҳий ҳолатлар ўзаро боғниқ ҳолда кўрсатилса, уни вужудга келтирган боис ҳамда унинг оқибатида содир бўладиган ўзгаришлар ҳам тасвир этилади. Натижада характерлар ривожи ёзувчи хоҳиши бошқарувида омас, балки турмуш конуниятлари бошқарувида рўй беради. Романдаги характер гўё ўз-ўзидан ривожланади; унинг тараққийси фақатина руҳий ҳолатлар билан далилланмайди, балки турлі ижтимоий ҳодисалар, турмунцаги воқеалар, кичик штрихлар (чизиқлар), ленталар билан ҳам боғланади. Бу воқеал-ҳодисаларнинг ўзи ҳам бир-бiri билан чамбарчас боғланган, бири иккинчисидан келиб чиқсан ёки навбатдагиси тайёрлаган бўлади. Демак, романдағи характерлар муайян шаронтидинг маҳсули ва шароит таъсирида ривожланиб боради. Шу билан бирга, улар шароитга ҳам акс таъсир кўрсатади, унда ўзгаришлар ясади. Шароитдаги ўзгаришлар ўз навбатида яна характер ривожига, воқеалар оқимиға таъсир қиласи. Натижада, романдағи характер ва воқеалар ривожининг давоми бордек, ҳаётдаги каби узлуксиздек туюлади. Шу тариқа романда характерлар ва воқеалар ривожидаги ҳамма ҳалқалар ўзаро боғланган, ҳаёт қонуниятлари қамровида ишшиқ исботланган, шароит ва характер, жамият ва инсон диалектикаси вужудга келтирилган бўлади. Тасвирнинг бу тартибда қурилиши эса реалистик усулнинг жуда муҳим қоидаларидан бири бўлган ижтимоий ва руҳий детерминизм тартиб-қоидаси (нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари)ни ташкил қиласи. Реализм романнинг ишонтириш кучини, таъсирчанлигини, тарбиявий қувватини, ижтимоий-эстетик қимматини оширади, равнақига, такомиллашувига кенг йўл очади.

“Манон Леско” ёзилгунгача, яъни XVIII асрнинг 30-йилларигача бўлган давр роман жанрининг шаклланиши босқичидир. “Манон Леско”дан эса роман жанрининг етуклик даври бошланади. Бу даврда роман тўла маънодаги эпик жанр сифатида адабиётда етакчи ўринга чиқади. Худди шу даврда роман жанрининг қатор ўзига хос кўринишлари майдонга келади. Свифт ижодида сатирик, Вальтер Скотт ижодида тарихий, Вольтер ижодида фалсафий, утопик романлар таркиб топган.

Маълумки, XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Фарбий Европада ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда жиддий ўзгаришлар, инқилоблар, нотурғунликлар содир бўлди. Шу билан боғлиқ ҳолда роман тарихида ўзига хос танаффус келиб чиқди. XIX асрнинг 30-йиллари ўргаларидан эса бу жанр туркираб ривожланиши даврига киради, яъни роман тараққиётининг иккингчى босқичи бошланади. Худди шу даврда буюк ёзувчи Бальзакнинг “Инсоний комедия”си туркумiga кирувчи машҳур романлари, Стендалъ, Диккенс, Теккерейнинг жаҳон адабиётида нодир намуналар бўлиб қолгани, мазкур жанрга мансуб бўлган асарлари майдонга кела-ди.

Мазкур асарларнинг аввалги босқичдаги романлардан Фарқи шундаки, уларда реализм янада тўлиқроқ, ёрқинроқ, ўринлироқ бўлади.

XIX аср романида реализмнинг ёрқин намоён бўлиши мазкур усулнинг ҳаётни объектив акс эттириши йўли яққол юзага чиққанлиги билан изоҳланади. Буни реализмнинг... муаллиф хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўрининиши деб таърифлаб келинади.

Объективлик ҳаётни ҳақдоний тарзда, жамият, табиат, тафаккур тараққиёти қонуниятлари кўламида ишонарли акс эттириши имконини берадики, бу нарса романнинг ижтимоий-эстетик аҳамиятини янада опиради. Объективлик муаллифнинг романнадаги воқсаларга холис муносабатда бўлишини, уларга ҳадсеб аралашвермаслигини, хикоя баёнини гўё четдан туриб қўйтишини тақозо қиласади.

Роман тараққиётни XIX аср охирларига келиб, Фарбий Оврўпада турли сабабларга кўра сусаяди, реализми заифлашади. Аммо Россияда, айниқса, Л. Н. Толстой, Ф. М. Достоевскйлар ижодида бутунлай янти тиндаги роман шаклла-

нади. Бу билан мазкур жанр тараққиётида навбатдаги тарихий давр очилади, рус романи орқали чўққига кўтарилади. Толстой ва Достоевский романларининг хусусиятларидан бири шундаки, уларда ёзувчилар инсоннинг кундалик, маший, шу билан бирга ўта шахсий кечинмаларида ва ҳаракатларила улкан, умумбашарий, оламшумул мазмунни акс эттира олдилар. Достоевский бунга “Жиноят ва жазо” сингари полифоник, яъни ижтимоий ва шахсий сабаблар, кўплаб онглар, тафаккурлар, овозлар чамбарчас бирлашиб кетган роман ёзиш орқали эришиди.

Лев Толстой эса ўзининг “Уруш ва тинчлик” асари билан жаҳон адабиётида ҳали бўлмаган роман-эпопеяни қашф этиб, унда “ҳамма нарсани” қамраб олишга интилди, “Уруш ва тинчлик” романида аввалги йирик асарлардан Фарқли ҳолда макон ва замон ҳам, ҳалқ тарихи ва инсон қалбининг диалектикаси” ҳам мисли қўрилмаган даражада кенг ҳамда яхлит ҳолда қайта яратилди. Шунингдек, бу романда катта ҳаётий материални, кўплаб сюжет чизиқларини бир бутун ҳолда мужассамлаштиришга имкон берувчи ўзига хос композиция, услуг топилган эди. Романдаги бадий тил эса, узун-узун гаплар асосига қурилган бўлса-да, ортиқчаликлардан холилиги, мазмундорлиги, ҳиссий аҳамиятга эгалиги билан характерланади. Л. Толстой ва Ф. Достоевскийларнинг бадий қашфиёти XX аср жаҳон романни тараққиётига баракали тасъир кўрсатди.

Роман атамаси Оврўпада XII - XIII асрларда юзага келди. XV - XVI асрлардан бошлаб, китоб нашр қилинди. Бу “Дон Кихот” даври эди. Сўнг роман севги саргузашларига айланди, XVIII - XIX асрлардан бошлаб, романларга индивидуал инсон ва жамият алоқаси кириб келди.

Роман жанри илдизлари Шарқда: Эрон, Хитой, Япония ва Арабистонда жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Кўпчилик Шарқ мамлакатлари Оврўпа типидаги реалистик роман шаклига XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўтди, аммо ўзига хос шарқоналийни сақлаб қолган. Эпик анъана Ўрга Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам қадимий тарихга эга.

Ўзбек романининг мањбалари ҳаёт, ўзбек ва туркий ҳалқлар фольклори, жаҳон адабиёти ҳам рус тажрибаси, ўзбек мумтоз адабиёти эди. Қўшни қардош ҳалқлар адабиёти ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбек романы фольклордан эциклик ва “тасвирдаги тормозланиш”ни олди, мумтоз адабиётдаги, яъни романтизм қобигидаги реализмдан фойдаланди. (Чунки романтизм ўзбек адабиётида узоқ яшади). Бу хол Алишер Навонининг “достон” деб аталган шеърий романлари учун ҳам хос эди. Ҳақиқатан, Шарқ адабиётида XIX аср гача “роман” ўрнида “достон” келган. В. М. Жирмунский ва Ҳ. Зарипов “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” китобида “Кунтуғмиш”, “Равшан”, “Орзигул”, “Ширин билан Шакар”, “Рустамхон” каби халқ оғзаки достонларини “халқ китоблари”, “халқ романлари” деб атаган.

Ўзбек адабиётида реалистик роман жанри XX аср аввалида шакллана бошлалди. Унинг атамаси, айрим белгилари, хусусан, ҳаётни кенг кўламда қамраб олиш, инсон руҳий оламини очиб бериши сингари аломатлари Ҳамзанинг “Янги сюодат”, М. Шермуҳаммедовининг “Бефарзанд Очилдибой” асарларида кўзга ташланади.

Ўзбек адабиётида тўла маънодаги роман жанри 20-йилларда майдонига келди. Роман жанрининг хусусиятлари ўзбек адабиётида илк бор ёзувчи Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарида жамланган ҳолда кўзга ташланди. Ўзбек романчилиги Абдулла Қодирий романлари билан шаклланди ва ривож йўлига ўтди, баёнчиликдан бадиий тадқиқотга айланди. Жаҳон адабиётидаги энг яхши анъаналар асосида ёзилган бу асар тўла маънодаги биринчи реалистик ўзбек романидир. Унда муайян тарихий воқеалик, кишиларнинг руҳий олами, дунёқаралиши, ўзаро муносабатлари, курашлири кенг кўламда, яхши ҳолда қамраб олинган, объектив тарзда ёритилган ва шу йўл билан янги замон учун қимматли, мухим миллий форя илгари сурилган эди.

Тарихий романда тарихий шахс бош қаҳрамон бўлмаслиги мумкин. Тарихин нима бўлганини, тарихий роман ёзувчи эса қандай бўлганини ёзади. Тарихий романда воқеага замонавий қараш ҳам киради, келгуси ҳам руҳан акс этади, аммо сюжет тарихий бўлади. Тарихий роман замонига хизмат қилиши шарт, унда тарихчи, ёзувчи ва тарих бирлашади.

Ўзбек романы тараққиётини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчى давр ўз ичига “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён” ёзилган пайтдан, яъни 20-йиллардан 1945 йилларга, аниқроғи, Ойбекнинг камолига етган “Навоий” (1945) романни

билигунгача ўтган муддатни олади. Бу даврда Абдулла Қаҳхорнинг психологизмга суюнган “Сароб” (1934), Ҳусайн Шамснинг “Душман” (1934), “Хуқук” (1935) сингари замонавий мавзудаги романлари, С. Айнийнинг “Дохунда” (1932) романи, “Куллар” (1934) эпопеяси дунёга келган бўлса-ла, тарихий мавзуларга ва ўтмиш ҳаётини чукур акс эттиришга ётибор кучли бўлди. Худди шу соҳада, яъни тарихий мавзуни ва ўтмиш ҳаётини акс эттириш борасида ўзбек романни тараққиётинин дастлабки босқичида жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. Чўлоннинг “Кечава кундуз” (1936), Ойбекнинг “Кўллув қон” (1939) романи фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Роман 30-йиллардан етакчи жанрга айланга бошлади.

Ўзбек романни тараққиётининг иккинчи даври урущдан кейинги йилларни ўз ичига олади. Бу давр ўзбек романидан замонавий мавзу томон жиддий бурилини кузга ташланади. Романнависларимиз замонавий мавзуни ёрқинроқ ва чуқурроқ ёритиш мақсадида янги-янги шакллар тошишга, турли гасвирий воситалардан ўзига хос тарзда фойдаланишга, бадиий қашфиётлар қилишга интилдишлар. Шу интилишини ёнг яхши самаралари сифатида Нарда Турсуннинг “Ўқитувчи” (1953), Асқар Мухторнинг “Опа-синтиллар” (1955), “Чинор”. Одил Ёкубовнинг “Диёнат” каби романлари вужудга келли. Бу даврда тарихий мавзуни, ўтмиш ҳаётини акс эттириш борасида ҳам муайян ютуқлар кула киритилди. Ундан ютуқлар жумласига Одил Ёкубовнинг “Улугбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, Пиримқул Қодировнинг “Юлгузли тунлар” сингари романларини киритиш мумкин.

Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” (1949), Абдулла Қаҳхорнинг “Қўнчиор чироқлари” (1951), Ш. Рашидовнинг “Бўрондан кучли” (1958), П. Қодировнинг “Уч илдиз” (1958), “Кора кўзлар” (1966), Иброҳим Раҳимнинг “Тақдир” (1963), “Ихлос”, Шуҳратнинг “Олтин заниламас”, Ҳамид Фуломнинг “Сенга интиламас” (1964), Мирмуҳсиннинг “Чиникиш” (1964), Ж. Абдуллахоновнинг “Йўл” каби романлари юзага келди.

“Кудратли тўлқин”, “Уфқ”, “Эр бошига иин туиса”, “Тошкентликлар” романлари ғалаба гарови бўлган фронт орқасидаги меҳнатта бағишланди. Бизда ҳарбий романлар 50-йилларнинг ярмидан ёзила бошлади. Романлар сифати ях-

шиланди, мураккаб қаҳрамон күпайди. Образлар интеллектуал жиҳатдан ўёди, гармоник тараққий этди.

Одил Ёкубов “Улуғбек хазинаси” романини 1973 йили ёзип тугаллади. Бу пайтларда иқтисодий турғынлик ҳукм сурса-да, “доҳий” шаҳсига сифиниш фони қилиниб, “музлик” ёрий бошлаган эди. Бунгача, қардош халқларда, ўзимизда ҳам тарихий романчилик соҳасида улкан намуналар яратилганди. Ойбекнинг “Навоий” романи (1944), М. Авезовнинг 50-йилларда ёзилган тўрт китобдан иборат “Абай йўли” эпопеяси ва П. Қодировнинг Бобур ҳақидаги “Юлдузли тунлар” романи шу жумладандирил.

Роман бошидан аён бўладики, Қозизода Румий Улуғбекнинг, Улуғбек эса Алии Кунччининг, Али Қунччи Қаландар Қариоқийнинг устозидир. Улуғбек бундай олимлар иштирокида ўзига хос академия таликил қилганлиги тарихдан маълум. Қирқ йил Мовароуннахрга ҳукмронлик қилган Улуғбек кўпроқ тинчлик ўрнатишга, шу орқали иқтисод ва маданиятни ривожлантиришига эътибор берган.

1-қисмнинг 2-бўлгидан аёқ, шайх Низомиддин Ҳомуни бошлиқ баъзи руҳонийлар Улуғбек раҳбарлик қилган олимларни “даҳрийлар” деб атайди. Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф эса “даҳрий” отасига қарши Самарқандга таҳдиц солиб келаётган қўшини билан ҳужумга ўтганлиги аён бўлади, илм ва жаҳолат ўргасида муросасиз зиддият келиб чиқади. Улуғбекнинг ўғилларидан бири бўлган Абдулазиз Иброҳимбекнинг ўғлини қатл эттириб, унинг гўзал хотини Хуршида Бонуни тортиб олади ва ҳарамига келтиргизади. Хуршида бону Улуғбекнинг шогирди — Муҳиддиннинг қизи эди, у ҳам ўз устозидан юз ўгиради ва Абдуллатиф томонига ўтади. Улуғбекнинг иккала ўғли ҳам ўз отасига қарши оёққа туради. **Абдуллатифнинг** ўз отасига эътиrozлари шунда эдики, Улуғбек уни ётлигидан отаси Шоҳруҳ Мирзо ва онаси Гавҳаршод бегим тарбиясига берган эди. Гавҳаршод бегим эса Абдуллатифни ёқтиромаган. Жанглардан бирида Абдуллатиф ҳам мардлик кўрсетгани, аммо Улуғбек Абдулазизни Муззифар деб тан олган. Улуғбек бобосидан теккан Абдуллатиф мулкини лавлат иҳтиёрига ўтказган. Шу сабабли, Абдуллатиф отаги қарни диний ифво ўюнтиришига руҳонийларни қўлга олади, Улуғбекнинг расадхона ва кутубхона қуриши, илму маърифатини, дунёвий фанларни равиша топ-

тиришидан иғвогарлик мақсалида фойдаланади. Улугбек эса келгуси авлод ундан юз ўтириши ва ота-ўғил таҳланди лейиншаридан чўчийди (Шоҳруҳ Мирзо вафот эттач, хоти-ни Гавҳаришод бегим ҳукуматни қўлига олган, низони авж оддирган эди). Ҳар икки томонни бир-бирига қарши қўйган кучли зиддият воқеанинг ривожланишига сабаб бўлади.

Абдула инъ момоси Гавҳаришод бегим қўлида тарбияланган, афеуски охир уни ҳибера олади. Абдулазиз Кенини бо-сиб олади, Абдуллатиф уни, ўз иинсини қатл эттиради.

Улугбек воқеалар кескинлашгач, ўз шогирди Али Қўши-нига ўз хазинасини (ер остига тушиб) бирма-бир кўрсатали ва оғтишларидан бериб, ўз асадлари ва бошқа подир китоб-ларни яширишини васият қиласди. Али Қўшини ва унинг шо-гириди Қалаандар Қариқий, Улугбек васиятига кўра, китоб-ларни бир горга яширади.

Ўзаро иқтисодий, сиёсий ва диний баҳс ҳам келишмов-чилик қуран ва рақобатни кучайтира бориб, охир томон-ларни аёвсиз, очиқ олишув домига торгани, хёт-мамот жан-ли бошланади. Ҳар икки турухнинг моҳияти Улугбекини ўз ўени Абдуллатиф билан ўзаро тўқсанувуда теран очила-ти. Бу тўқсанув кескинлик ва жиддийликда карийд Ҳисрав билан Фарҳоддининг баҳсига ўхшайди, ҳам ота ва ўғилинин ҳар бирни ишони сифатига кимлагани ошкор қиласди:

— “Шаҳюдан скувонбахт!.. Бутаки сезига наенб оўлибди, мен бунга розиман...

— Балки сизга, қиблигоҳ! Ва лекин мен бу таҳтни сизнинг иҳтиёрининг билан эмас, биржамчи ҳақ гиёлониниг ино-ти, иккиласми уз куч-қулратим ишга қўлга киритдим!..

— Ҳуом будир, шаҳзода: Бу тажу таҳт деч бир кимсага кибо қилгаш эмас Сен тутуб бобони Амир Темурга ҳам...

— Суҳбатдан муддоонгиз шу будса мен бундай насиҳат-ларга муҳтож эмасман!

— Ўз падарининг Мовароунаҳо сарҳадидан хайдамекни ишит қилибсан...

— Мен уламойи киромларнинг фатвоесига қарши борол-масмен...

— Сабаб?

— Сабаби... фатвои уламо — муҳри Ҳулодир!

— Соҳиби тож суюн ва уламойи киромлар учун вожиж ўзи имтиносигур.

Оғанға әзиз расадхонаның оюном етсанғ бас!

— Тағын расадхона! Тағын Зижи Құртагонин, мударрис історинің үргілан барың мұртасылардың қанопинің остиға олиб, шың көнівдегін оек ости қылмасын! Өзін үшін әкәмдең таоло-нинг құрьына... үздіріп тағту тождан... айрылмасын...

— Оның әзиз ганағын таоло ойладур!

— Қоғиңү жаҳрийшің макони расадхонаға үт күймаш, уғ!

— Назада! Фозыңу фұззю короғында әденинбін жөрніп дарнарияттың нұлоғаты еруғ майның алдур!

— Ерноб жантыла жонбо ыншың күрсеген ким? Мен! Аммо Мұхамедфар сұйындың кимнінгіномін битилди? Суюқлы фар-нидинің — Абдулазиз..

— Абдулаза из жигіргүшшандур...

— Әлемурдин қояғын тиляларымниң тортиб олан ким?.. Амир Темур олийшарының қайта яширдінің?..

— Қайсын тилялардың айтасан?

— Мен бабом Амир Темур Кохираю Әмманақыдан, бағдары Ҳиндстан олиб келген жағохыларының, олтисиң чеби зийнатағының айтамен! Қайда бу беншык? Али Құнғын қайда?

— Қайтан билдій... Әзиз тилягым илм йұлдаған қыл-шыңынан, меннің шигырдағы үстөзләрдің тәсмагайсан. Тег-шың... ота қарнишыңа үчраб тоабад балшом бұларесен!.. Ота жеңіл — Ху то рози, әлінгә бәлсін”.

Демек бұл мемлекеттің роман мәдени ассоциация туника. Ұлтубек шыңынан тиляр да, оның азындығынан да, Абдуллатиф сәз жаңыл, жаңынараст, үз отасыдан айб қындиришдан шыныңдың нокобын фарзаны. Нұндай отасы борлығы би-зән фаҳрәннан үнгіл ет. Үннин үз отасынан қарниш үшін шыныңдың фитиғаты күли бор, үз отасынан қарниш қарнагынан сүйкес деңгә калғанынан, шастқанынан, фитиғишилдер күлилә үйин-шыңдың күрбен бұлған. Асарлар ғузаре низо темурлардың салап-шыңынан риүән соңан езүк күли шифтегілә реалистик жә ұққоттый өрнекшілік.

Иліх Ризомидин Хомуні — Ұлтубекке қарниш қарнагын миссесі - фитиғатының шыныңдың шыңынан берілген, у Ұлтубек көзіндеңдің бішшілардың берілгенінде, расадхона қарниш үз бүріншіндей кітоб жарын түншілік айблайлы. Үнніңчы, Али Қарниш Ұлтубекнің түрер үзілшам озидырган. Темурдан қояғынан шының жағохыларының үз Ұлтубек шыңынан берілген кітоб жарништыңдеңдің бішшіларынан берілген. Үннің соңынан Ұлтубекнің шыныңдың шыңынан берілген кітоб жарништыңдеңдің бішшіларынан берілген.

унинг отаси Салюхиддин заргар воқиғ қиласи. Чунки Али Күшчи китобларни яшириш учун Мухиддиндан ёрдам сўраған, аммо Мухиддин унамаган.

Охириги натижалар шуки, Улугбекнинг шогирди Мухиддин қизи Хуршида бопу кўрган қулфатлар ва ору номус түфайли жинни бўлиб қолади. Қатандар Қарноқий Хуршида бонуни олиб кетали ви унга ўйланади. У Али Күшчини соҳта буйруқ билан зинодондан озод қилиган довюрак, содик шогирдидир. Амир Жондор ва “Қашқир” ясовул Хуршида бонуни олиб қочади, Қриоқий буни кўриб, “Қашқир”ни ўлдиради, аммо Амир Жондорининг ёпи ўқидан ўлади, буни кўрган Хуршида бону оғу ичади.

Али Күнчи ви Мирам Чалибий Улугбек васият қиласи гирк қоп ноёб китобни Ургутдаги тоғ горига яширади. Абдуллатиф эса кутубхона ви расадхонага қулғ солади, мадрасани ёпди; Шайх Низомиддин Хомуш расадхона ёнида китобларни ёниларди. Сайил Аббос, Улукбек отамини ноҳия ўлдирган, деб хун таъаб қилиб келади, ҳажта юборилган Улубек кетидан борали ва ўлдиради. Ниқобли Амир Жондор ва Бобо Ҳусайн Баҳодир Абдуллатифни ўлдиради. Али Күнчи эса энг зарур китобларни олиб хорижка кетади.

Ўзбек романининг 60-йилларгача бўлган тараққиётини илмий умумлаштирища С. Мирвалиевнинг тадқиқотлари муҳимдир, биз уларга суюндиқ,<sup>1</sup> аммо унда бирон қадрамон сюжет элементлари асосида таҳлил қилиб берилмаган, афсуски, сюжет қадрамон тарихидир; тарихий роман эса жаир деб кўрсатилган, ваҳоланки романнинг ўзи жанр, тарихийлик ва замонавийлик эсле тематикага онд тушунчалардир, тематика эса жанрни тайинланада асос бўла олмайди.

## Лирика

Аристотель айтинича, лирикадан автор “бугун хикоя давомида” ўзингича “қолади”.

Аристотель бу фикрни Циндар, Вакхилл, Алкей, Сафо каби лирик поэирлар ножолига суюниб анҷсан.

Лирика атамаси, миёдаин олдин, III — Йаерларда Илутарх ва Циндерон асрларрида узганади, у “лира” номли чону

<sup>1</sup> Мирвалиев С. Ўзбек романни. Т.: «Фан», 1969.

«сабоби номидан олинганд. Қадимги юноналар құшиқни шу соғ жүрлигіда айтар әзілар.»

Форобий айтшыла, шеърда мұлоҳаза айткылады, яхши шоир мұлоҳа зақор бўлалди: лирикада яхшилик ва ёмонлик куралади, ахлоқ ва рухий қайғият аке этади. Лирика инсонни ёмонликдан қайтариб, яхшиликка йўллаши керак. Үнингча, яхши шеър бигзаг ҳузур берали. Форобий Аристотелининг “Поэтика”сига ётган шарҳида дейдик, лирика ҳам ҳайётининг үхидавини яратиш санъатидир, үхидавин тимсол, рамз, ҳозирги замен тилда образ демакдир. Форобий англацияча, “шесър санъатини безайларни нарса сўз”дир, “шесърий санъат қонун-қондигарни оғз бўлалди, у вазифи ва қофияли, байтлари бир-бирига ҳамоҳанг путқлар. Форобий “Шесър китоби”, “Цо-дирлар санъати қонуллари ҳақида” дегли шарҳларида бу ҳақда сиз маълумот берганди.

Абу Али ибн Сино Аристотелининг “Поэтика”сига ётган “Шесър санъати” чегани шарҳида дейдик, шеър вазифи, қофияли, ритми, мутаносиб бўлалди: суз ўз мусиқасига молик түшиб, одамларни тажжублантиради, эмоцияни чөвлайди.

Аммо Форобий ҳам, Ибн Сино ҳам адабий турлар туррисида аник бир нима демаганди.

Алишер Навоий девони лебочасида лириканни күнгилни ўзнатими воситаси, шархи холат деб тушиуни, лириканнинг ўзъективликка таянини хусусиятини анилаб етди.

Бундай хусусият బобур ва Нодира учун ҳам хос. Муқишин ва Фурқат июнорлар олинга реалистик талаблар қўйди.

Гегель лириканнинг Аристотелдан кейинги энг йирик национартчилиси эди. У опос, лирика, драмани энг кенг изоҳлаб берени билан бирга шеърининг субъектив путқка суюнишини гаърифлали. Үнинчча, лирика мусиқадан ўзловдорлик ва ритмдорликни, кўнгилга яқинлик ва хушоҳангликни олди ва уларни гуашунарли маъни билан қўйди. Үнинг айтишига караганды, иккى лине лирикала ўзини ҳис этади, бу дунёнинг тасаввурлари онг ривожини таъминлайди; субъективнинг узи миллий ҳайётининг ҳамма йўналишларига тегиб ўтади. Акс оса лирикдир. Гегель ички дунёнинг лирикада яхлит бўлиши ноясини илгари сурди.

Лириканнинг Гегелдан кейинги улкан назарийётчиси В. Г. Белинский эди. У дейдик, лирика ҳис орқасида турган

фикрдир; фикр ҳиссиз айтилса, союқ бўлади, у ажл ўргатувчи соҳа эмас, у уни эшитган одамда ҳам ҳиссий фикр қўзгайди; шеър айтиши ё кўйлаш учун ёзилади, ишу сабабли, у оҳангдор бўлмаслиги мумкин эмас. Бир нарсани шеърий, эпик ё драматик тарзга ёзини кераклигини мавзу ва ҳаёт материали ҳал қиласи, шеърий ёзини ҳаётдаги шоирона лаҳядар “танийиди; шеърни ҳикоя қилиб ё изоҳлаб бўлмайди, уни эшитсан, у ўзини маълум қиласи, чунки у гўё мазмунсиздай сезилади. “Поэзия санъатини юқори турилдири”. Лирика поэзиясининг асосицидир, у “поэзиянинг поэзиясидир”, у лиризма айланниб, бониқа адабий турларга ҳам кириб борлади, у танада айланниб юрувчи қонга ухтайди. Лирик асар аксар қисқа бўлади. У ўзилса, эшитувчини чарчатади ва зериктиради. Лирика ташқи таъсир, вазият таъсира ҳосил бўлувчи ички, руҳий реакциядир.

Навбатлаги назарийётчи К. Бюхер эди. У лирикадан ритм меҳнат жараёнидаги ритмдан олингандигини асослади.

А.Н. Веселовский К. Бюхердан кейин яшаган катта назарийётчи. Унингча, лирика маросим қўшиқларидағи нақаротдан келиб чиққан.

Ўзбек олимлари республикада адабиёт назариясининг асосчиси Иззат Султонга издош бўлиб, кўп асрли бой ўзбек мизлий лирикасини лирика назарияси асосида етарлича эстетик таҳдил қилиб бердилар.

Хуллас, лирик тур, лирика хусусиялари асосан тўртта:

1. Лирика ва эносада ҳам объектив ва субъектив дунё ажс этади, лекин эносада биринчиси, лирикада иккинчиси биринчи ўринга чиқади. Чунки лирика ўз-ўзини ифодалашадир, аммо дунё лирикага лирик қаҳрамоннинг онги орқали ўтади, “мен” тилидан аён бўлади. Лирикада воқеабандлик кучайиб, бу соҳани ўз узанидан чиқариб бормоқда, аммо тирикани ўз асл узанига қўйтарин йўнанини устундир.

2. Лирика эмоционал-ҳиссий (медиатив) фикрланадир, яъни у ички олам, қалб дигистикасин аксидир. Дунёдаги зиддиятлар дигиз кўчади ва улар кўнгилла кўчади; лирика ички поэзиядир, руҳий ҳодат ойнисидир. Шоирнинг ички, маънавий дунёси бой, кенг ва терин бўлса, унини лирикаси ҳам худди шундай бўлади

3. Эмоционал-хиссий фикрлаш шахсий кечинма тусини олади, яъни лирика негизида кечинма туради, ҳёт шеърда кечинма шаклида акс этади, кечинма лирик таътиф ва лирик образга айланади, шу сабабли, шахсий кечинма ўнга хос ва типик тарзга киради, одамлар бу кечинмада ўзини кўради, уни ўзитники қилиб олади. Баъзи шоирният кечинмалари ҳётга иисбатан тор, баъзилари ники кент бўлиши мумкин. Кечинмалари бой, теран шоир лирикасининг халқчилиги ва умуминсонийлиги оргади.

4. Эмоционал-хиссий фикрлаш ҳис ва фикр муносабати маҳсулидир. Ҳёт доимо шоирда қувонч ё нафрат ҳиссини қўзгайди, ҳис эса аста-секин фикр ва холосага айланади. Ҳис кўнгилдаги тўлқинланиш ҳосиласилир. Шеърдаги ҳис тингловчида ҳам худди ўтиандай ҳис түғдиради. Бу эса ишердаги бадиий идрок ва эстетик таҳтил ҳам лирик умумлантиришдан келиб чиқади.

Хиссий фикрният мифологик, романтик, реалистик шаклларини кўриш мумкин.<sup>1</sup>

XV аср олими В. Табризий айтишича, шеърият учга бўлинади. Улар қасида, маснавий ва мусамматдан иборат, мусаммат мусаллас (учлик)дан муашшаргача (ўнликкача).<sup>2</sup>

1. Ҳозирги замон ўзбек лирикаси жанр жиҳатдан тасниф қилинган. Унга кўра, мазмун ва шакл дастак қилиб олинган. Лирик жанрлар мазмунан уч гуруҳга ажралади:

а) “эстетик белги, пафос ва муайян мазмун йўналишига асосланадиган жанрлар”. Улар қуйидагича; марсия, элегтия, инвектива, баҳс, ҳасбиҳол, соқийнома, топишмок, қасида, муаммо, тарих, хат, манзара, монолог, бағишлиов, васият, васф, назира, дебоча, фахрия;

б) “асосан мусиқа жанри ҳисобланса-да, адабий матнга ҳам сунянган жанрлар; романс, кантата, марш, сюита, қўшик, мадҳия (гимн);

в) оғзаки ва ёзма лирикада қўлланиб келинган жанрлар: алла, ёр-ёр.

2. Шакл жиҳатидан, бу жиҳат ҳам қўйидаги уч гуруҳга бўлинади:

<sup>1</sup> Тўйчиев У. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилолик. 2-жилд. Лирика. Т., 1992. 4-19-б.

<sup>2</sup> Табризи Ваҳид. Джамъи мухтасар. (Трактат о поэтике). М., 1959, с. 36–38.

а) шакл мазмундорлиги ва тузилишига кўра: мустазод, айтишув, сонет, мувавишаҳ, мушонира, шири шакар, қитъя, газал, туоқ, рубонӣ, маснавий, фард, таркибанд, таржинанд, ўрама, шюрий, тирала, турли бандли жашр, оқ шеър, сарбаст;

б) мисра сони ва композицияга кўра: мусалис, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, мусамман, тасниъ, мувашшар;

в) қайта ташкил топини (трансформация)га кўра: қитъайӣ, кесишган, таронаний, рубоиёна.

Такрорланниш, стук образлар юзага келишин учун дастак бўлиш, такомиллашув лирик жанрларининг мухим белгилари. Айрим жанрлар у халқдан бу халққа ўтади; миллий поэзияда бошлангич босқичла, ривожла ё камолотга эринишган ҳолатда бўлиши мумкин.

Мазкур адабий тур, лирикада акс этадиган инсоний ҳисстуйгуларининг, ўй-фикрларининг ниҳоятда ранг-баранглариги сабабли, жанрларга бойдир. Антик (қалымги) поэзияда лирика жанрлари сони бирмунчага чекланган эди. Бироқ класицизм вакилларининг лирика соҳасига қаттий қонуниларни татбиқ этишта, уни муайян қолипга солиб қўйишга уринишлари кейинроқ бехуда бўлиб чиқди. Лирика жанрлари улар томонидан ода, элегия, сонет, канцона сингари жанрларга, сатира ва мадригалга бўлинади.

Айрим адабиётшунослар лирикани жанрларга бўлишда ундаги ҳис-туйгулар ва ўй-фикрлар мазмунни ва ифодаси шакли инъикоси тарзидан келиб чиқмай, мавзуларга суюнганлар. Бундай принцип мазкур адабий турни фалсафий лирика, ватаниарварлик лирикаси, сиёсий ёки гражданлик лирикаси, мухаббат лирикаси қаби қўринишларга бўлишига тақозо этган. Аммо бу жанрга ажратили эмас, чунки унинг қўлланини патижасидаги масаланинг мураккаб, умумий ва узига хос томонлари ўтибордац четла қолиб кетади. Алишер Навоийнинг “Кечакелнумдиң дебон ул сарви гулару келмади” леб бошланувин шеъри мухаббат лирикасига киради. Лекин у газал жирии ҷаалтуқчи, “Жанрии бутунишича у ёки бу адабий турни мансублини, ишунинглек, хос бўлан остиетик белги асосиши ажратадигар. Аммо бу сарви эмас, учинчи принципи — ҳужум ва исарни мос келувин умумий

ту яшниш ҳам керак, ҳәжм күп жиҳатдан иккى момент -- турві эстетик үйғунлук билан бөглиқ"<sup>1</sup>.

Анъанавий ва ылмий принципдан келиб чиқиб, лириканынг айрим жанрлари билан ташиниш үтамиз.

Ода ёки қасида. Антик даврда деярлі ҳар қандай шеър ода деб аталған, Кейинчалик бу сұннит мәйиноси торайтын ва инсоният ҳәттіларын улүгөвөр вөкөаларин, кинниларниң қаҳрамонліктерини, күтарники кайфиятлағарниң мәдх штубчи шеър ёки қүшікшар ода деб атала болынған. Антик алдабиёттегі ода жанри тараққиетига әнг китта ҳиссесі құйыған шоирлардан бири қадимғы юнон алиби Ниндаридир.

Ода қадимғы Римда бошқача хүсусияттаға әга бўлган. Рим империясін сөёқта түрини даврида янги дақылатын ва уннің құқымдори Августин мадҳ этиши мақсадида факът қадимғы люсене жаңриданына әмас, балки янги мазмун ва ишаки касеб үтап оладан ҳам фойдаланыпди. Вергилий ва уннің "Енейді"си билан бир қеторла Римда шоир Гораций олалар ижод қилиған.

Сирдән қараганда, Гораций Ниндарига тақырып қилиған бўлса-да, уннің одалары қадимғы юнон шоирларынча айналғанда, руҳига оға әмас эди. Пушкин айтганидек, Гораций, ясасан, император Августиннің маддохи бўлган ва Рим аристократиясінің эстетик әхтиёжларини қондирпип, әзиннеліганды.

Үйғониши даврида оданинг ёрқии намуналари Францияда пайдо бўллади. Француздар XVI асрнин охири ва XVII асрнинг бошварида ажойиб шоир Мольер ижодида гуркираб ривожланини лаврига киради.

Ода ривожи Россияда Ломоносов ва Державин номи билан боғлиқдир. Ватан ҳамда унга хизмат қилиш мулдаоси бу шоирлар ижодида етакчи ўринда туради.

Оданнан ажамиятти кейинги даврларда бошқа жанрларның шиддатли ривожланишини билан бөглиқ ҳолда бирмунча камаяди.

Шарқда одага үхиятган, уннің хүсусиятларига әга бўлган жанр қасида деб юритилади. Қасида жуда қадимда араб поэзиясида вужудига келган бўлиб, кейинроқ буюк форс-тохиж шоирі Рудакий ҳам бу жанрда ижод қилинлиги мәлум.

<sup>1</sup> КЛЭ. Т. 2, М., 1964, с. 914-915.

Қасида кўпинча мұхим тарихий воқеалар, тарихий шахслар, шоҳлар мадҳига бағищанган бўлиб, худди ода каби тантанавор услубда юзага келган. Ўлишер Навоийнинг “Ҳилолия” номли қасидаси Ҳусайн Бойқаронинг таҳтгà чиқиши муносабати билан ёзилган. Шу билан бирга, мумтоз адабиётда табиат лавҳалари, чолғу асбоблари ва бошқаларга бағищлаб ҳам қасидалар ёзилган. Одатда, бу жанрнинг баҳор тасвирига бағищланган намуналари “қасидан баҳория” деб аталган.

Бу жанрнинг кўринишлари кўп бўлиб, шоирнинг ўзи яшаган мұхитдан қылтап шикояти ва нолицини ифодалаган намуналари “қасидай ҳолия”, мұхаббат мавзууда ёзилгандар “қасидай ишқия”, май таърифига бағищланганлари “қасидай ҳамрия”, муаллифнинг шахсияти, билимі, истеъодини тараниум этиши мақсадида битилгандар “қасидай фахрия”, турли иллатларни кулгили тарзда фош этувчи намуналари эса “қасидай ҳажвия” деб аталган. Саккокий, Навоий, Мунис сингари шоирлар мазкур жанрдаги асарларида ҳалқ ва мамлакат манбаатлари ҳақидаги мұхим фикрларини ифодалагандар.

Қасида тузилиниши ва қофиляниши жиҳатидан маълум қоидаларга эга бўлган. У кўпинча “насиб” ёки “ташибиб” деб аталувчи кириш билан бошлиланган. Киришдан сўнг шоир тасвир ва таъриф манбаига ўтган. Кейин эса, у асарни дуо ва матлабини баён қилиш билан тутгатган. Киришсиз бошлиланган қасидалар ҳам бўлган. Улар “қасидай маҳдуд” ёки “қасидай мұхтазаб” деб аталган. Қасида, одатда, ғазалга хос қофиия тартибида (а-а, б-а, в-а каби) ёзилган. Аммо тахаллуссиз.

XX аср ўзбек адабиётида мумтоз поэзияни хос арузда ёзилгани тўла маънодаги қасида жанри ривож тоимаган. Ҳозирги замонини қасида деб аталувчи бармоқ вазнида таркиб тондан айрим намуналарида эса, одатда, ҳалқининг буюқ арбоблари, қаҳрамонлари, она Ватан улуғланади. Эркин Воҳидовнинг арузда, рамали мусаммани маҳзуф вазнидаги “Ўзбегим” қасидасини эслаш мүмкин. Вазни:

— V — — I — V — — I — V — — I — V — I

**Элегия ва марсия.** Муайян нохун ҳодиса туфайли ёзилди. кишилар қалбидаги түгилган қайғы ва аламни ифодаловчы лирик шеър Farb адабиётида элегия деб аталади.

Қадимда элегия күпинча бирон яқин кишининг вафоти муносабати билан ёзилган мотам қўшиқлари шаклида юзага чепсан. Кейинчалик у, умуман, инсон қалбидаги азобни, ҳазин тунғуларни ифодаловчи шеър намунасига айланган. Кўз ёшларига, мусибатли, ҳазин кечинмаларга катта аҳамият берувчи сентиментализм адабиётидаги ва романтизм усулидаги элегия бирмунча тез ривожланган.

Шарқ адабиётида элегияга марсия жанри жуда яқин турди. Марсия күпинча бирор машҳур кишининг вафоти муносабати билан туғилган ҳам аламни ифодаловчи шеър ёки қўшиқ шаклида ёзилган. Бундай лирик шеърларниң қадими намуналари Маҳмуд Коғирийининг “Девону лугатит турк” китоби орқали бизгача стиб келган. Алп Эр Гўнга Афросиёб) хақидаги бундан 2600 йил оддин юзага келган марсия сақланиб қолған.

Элегия ҳам, марсия ҳам мустақил жанрларлар.

Ўзма адабиётда, жумладан, ўзбек, тожик ва бошқа қараш халқларининг мумтоз поэзиясида бирор машҳур кишининг вафоти муносабати билан марсия ёзиши расм бўлган. Чудончи Навоий устози ва пири Абдураҳмон Жомийининг вафоти муносабати билан катта марсия ёзган! Навоийнинг вафотига Хондамир, Мавлоно Соҳиб Лоро марсиялар бўтганлар. Хондамир ўз марсиясида Навоий вафоти муносабати билан халқ бошига тушган уқубатни қўйидагича ифодалайли:

*Алумидин ҳар бир ўйга тушди мотам,  
Фавти учун ҳар бурчакдан чиқди фифон,  
Темир бўлса, тош бўлса ҳам бағри ёнди,  
Зу даҳшатли мусибатни билган ҳамон.*

*(Мунизода таржимаси).*

XX аср ўзбек адабиётида ҳам жуда кам бўлса-да, аҳён-аҳёнда марсиялар мавжуд. Уларда кўпинча қандайдир халқ арбоби ёки қаҳрамони вафоти туфайли кишилар бошига тушган коҳиш ва ғамлар ифодаланган. Лекин бу асарларда аза ва ғам билан бир қаторда ўша қаҳрамонлар ёки арбоблар инсониятнинг улуғ мақсадлари ва халқ ишни йўлида ҳалок бўлган-

линига алоҳида ургу берилеб, кишиларни рухлантирувчи тоялар илгари суриласи. Бунинг ёрқин дашили сифатида Ҳамзанинг “Турсуной марсияси” асаридаги қўйидаги мисраларни эслаш мумкин:

*Менга мотам тутуб қора боеламане,  
Тенгу тушим нозик бағрип доғеламанг!  
Турсунойдек ёзук севине, сингиллар,  
Тўқис билим кўрмай турмуш чоғиамане!*

*Согинганлар сўрса алаб юнатинг.  
Мендан салом айтуб, кўнглини қувонтинг!  
Хожиқулдек евуғ юрак ётиларни  
Ёш турмушдап, ёшилар, қувлаб ўйкотинг!*

**Эпитафия ва тарих.** Гирбод вафот этган кишининг қабрида ёзиб қолдирилган шеърий матнилар эпитафия деб аталган.

Шарқда ҳам мархумнинг қабрига шеърий мати ёзин ва шу йўл билан унинг хогирасини абдийлаштиришга интилини ҳоллари кўп учрайди. Бунинг мисоли сифатида адабиётининг обида жанрига кирувчи Ўрхун-Энасой ёдгорликлари Билка-Қоон ва Култагин қабр тошлиридаги ёзувларни кўрсатиш мумкин.

Эпитафияларда кўпинча мархумнинг яшаган вақти ҳам яхши фазилатлари ва кинниларнинг, хусусан, шоирининг унга бўлган муносабати кўрсатилган.

Эпитафияга ўзбек мумтоz алабиётидаги тарих жанри маълум даражада яқин туради. Шеърий тарихлар, одатда, муайян ҳодиса ёки бирон кишининг ўлими муносабати билан ёзилган. Улар факат ишта қабр тошига ёзилиши шарт бўлмаган. Тарихда муайян воқеа юз берган ёки бирон кишинин вафоти содир бўлган йил ифодаланган. Вокеанинг йилни кўпинчча очиқ айтилмай, абжад усули билан муттимо тарзина берилган. Араб алфавитидаги ҳар бир ҳарф бирон сонин ҳам билиларни. Ҳарфларнинг сони абжал ҳисоби деб юритиладиган жадвалда ифодаланган бўлиб, унинг ёрдамида ҳар бир суз қандай миқдордаги сонга тензигини аниқлаш мумкин.

Ўзбек тилида ёзилган тарихининг мисолини биз Алтинет Навоийнин “Маҳбуб үл-қудуб” асаридаги учратамиз. Шоир асаринин ёзилган йилини қўйилдаги тарихта чињум кўла ни-

*Бу номағаким мисоним ўлди қоиси,  
Килким тили ҳар наөв әл ишига ноқил.  
Тарихи чу хүш лағзидин ўлди ҳосил,  
Ҳар ким үкүса, илохи, ўлғай хүшдил.*

Демак, шоир асарнинг ёзилиш йилини араб ёзувидаги “хүси” сўзининг ҳарфлари рақамларининг йифиниди воситасида ифодалаган. Жадвалга кўра, “х” ҳарфи 600 га, “в” ҳарфи 6 га, “ш” ҳарфи эса 300 га тенг. Буларни бир-бирига кўпсак, йифинли 906 га тенг бўлади. Демак, “Маҳбуб ул-кулуб” асари 906 ҳижрий йилда ёзилган. Муайян ҳижрий йилиниң қайси милодий йилга тўғри келишини аниклиши учун унинг рақами аввал 33 га бўлинади, кейин бўлинма бўлинувчидан айрилади ва ҳосил бўлган айирмата 622 қўшилади. Агар 906 ни 33 га бўлсак, 28 чиқади, 906 дан 28 ни айирсак, 878 чиқади. 878 га 622 ни кўшганимизда эса йиғинди 1500 га тент бўлади. Демак, “Маҳбуб ул-кулуб” асари милодий 1500 йилда ёзилган.

**Муаммо, мувавишаҳ ва чистон.** Муаммо ўзбек мумтоз алабиётидаги лирик жанрлардан бири. У поэтик ўйин тарзидан битилган бир (баъзан иккӣ) байтли шеър бўлиб, унда бирор сўз, кўпича, атоқди отининг ҳарфлари яширинган ва ишунга ишора қилинган бўлади, “яширин” сўз шувирининг турли-туман ишоралари (маънодон ёки шаклдан сузларни тошиб олини, бир тилдаги сўзининг иккичи бир тилдаги муқобилини қўшиши, сўзлардаги маълум ҳарфларни тизиб этип сўз ясали, абжат ҳисобини ишлатиб, рақамлар ёрдами билан сўз тузини ва бошқалар) орқали тошилали.

Шоирлар муаммо усулидан фошиқа жанрдаги асарларида хам фойдаланганлар. Навонийнинг “Фарҳод ва Ширин” дос-томнида Фарҳод иомний муаммом нули билан изоҳланган орқали қархамонининг сиғатлари ва ҳаёт йўлига ишора қилиниади:

*Жамоатидин кўричича фарри шохи.  
Се фардин сруди маҳ то бамою.  
Чиаб юз симмату икболу, давлат,  
Зам уз фэр соясидин топти чўйнат...*

*Лига фарзона Фарҳод исем куйди,  
Сурдуби маъхабати беш қисем қўйди.*

*«Фироку, рашику, ҳажеру ох шла дард  
Бирор ҳарф ибтидоодин ашлабон фард.»*

Бу парчада Фарҳод сўзига икки хил изоҳ берилган: биринчидан, “Фарҳод” сўзи “фарри шоҳи” (“шоҳлик нури”-дан “фар”ни, “ҳиммат”, “иқбол” ва “даълат” сўзларини араб ёзувидағи биринчи ҳарфини олиб, кетма-кет ёзишдан ҳосил бўлган; иккинчидан, “Фарҳод” сўзи “фироқ”, “рашик”, “оҳ” ва “дард” сўзларининг биринчи ҳарфлари араб ёзуви орқали кетма-кет жойлаштирилишидан келиб чиқали.

Мисоллардан муаммомининг жуда мураккаб жанр эканлиги аён бўлади. Муаммо битини ва муаммо ечини атрофлича билимни, ҳозиржавоблик ва узоқ машқ қилишини таълаб этар эди. Жомий ви Навоий каби буюк шоирлар ҳам бу жанр билан ингузуланиб, шуҳрат қозонган эдилар. Муаммо ҳақида Бодий Табризий, Шарафиддин Али Язлий, Жомий, Навоий ва боинқалар махсус риссолалар ёзган одилар.

